

Жаҳон АДАБИЁТИ

Арабий бағий, исфилмоий-публицистик журнал

1997 йил июндан чиқа бошлаган

№ 2 (141)

2009 йил, феврал

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН
МАТБУОТ ВА АХБОРОТ
АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН
ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

РЕСПУБЛИКА
МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ
КЕНГАШИ

МУНДАРИЖА

НАСР

Луижи ПИРАНДЕЛЛО. Италия ҳикоялари	3
ПРЕМЧАНД. Севги инъоми. Роман	35
Бағрат ШИНКУБА. Кетганларнинг сўнгиси. Роман	94

ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

Карло КАЛАДЗЕ. Эҳтирослар қайнар юракда	29
Ғазал бўстонида. Урта осийлик арабнавис шоирлар ижодидан	86

НАВОИЙХОНЛИК

Мирзо КЕНЖАБЕК. Поклик ва муҳаббат тараннуми	148
Юсуф ТУРСУНОВ. Бир мактуб шаҳодати	150

БАРҲАЁТ СИЙМОЛАР

Ҳақиқатга баҳшида умр. Давра суҳбати	154
---	-----

ЖУРНАЛХОН МИНБАРИ

Шаҳноза НАЗАРХОНОВА. «Улисс саргузаштлари» ҳақида ўйлаганларим	162.
---	------

КИТОБЛАР ОЛАМИДА

Акмал САИДОВ. Буюк Шекспир ўзбек тилида	166
--	-----

САРГУЗАШТ. ДЕТЕКТИВ. ФАНТАСТИКА

Сидни ШЕЛДОН. Такдир тегирмони. Роман	169
--	-----

ТОШКЕНТ
ФЕВРАЛ

**Бош муҳаррир
ўринбосари:**

Мирпўлат МИРЗО

Таҳрир ҳайъати:

Файзи ШОҲИСМОИЛ
(масъул котиб)
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ
Амир ФАЙЗУЛЛА
Назира ЖЎРАЕВА
Азиз САИД

Жамоатчилик кенгаши:

Бобур АЛИМОВ
Эркин ВОҲИДОВ
Одил ЁҚУБОВ
Абдулла ИСМОИЛОВ
Минҳожиддин МИРЗО
Абдурахим МАННОНОВ
Абдулла ОРИПОВ
Азимжон ПАРПИЕВ
Ғайрат ШОУМАРОВ
Тўлепберген ҚАИПБЕРГЕНОВ
Рустам ҚОСИМОВ
Рустам ҚУРБОНОВ

Навбатчи муҳаррир А.ФАЙЗУЛЛАЕВ
Рассом А.БОБРОВ
Техник муҳаррир М.НИЗОМОВА
Мусаҳҳиҳ Д.АЛИЕВА
Компьютерда саҳифаловчи З.МАННОПОВА

Жаҳон адабиёти, 2. 2009.

ИНДЕКС 828, 829

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №172

Уч босма тобоқ ҳажмгача бўлган қўлёзмалар қайтарилмайди.

«Жаҳон адабиёти» журналида эълон қилинган асарларни кўчириб босишда ва қайта нашр этишда таҳририятнинг ёзма розилиги олинishi шарт.

Таҳририят манзили:

100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефонлар: 244-41-60; 244-41-61; 244-41-62.

Босишга рухсат этилди 24.02. 2009 й. Бичими 70x108 1/16. Газета қоғози. Офсет босма.

Шартли босма тобоқ 18,2. Нашриёт босма тобоғи 20,0.

Жами 1900 нусха. рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

“Жаҳон адабиёти” журнали компютерида терилиб, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Фафур Фулом номидаги НМИУда чоп этилди.
100128, Тошкент, Шайхонтоҳур кўчаси, 86.

© **Жаҳон адабиёти, 2009 й.**

Луизи ПИРАНДЕЛЛО

Италия ҳикоялари

ШОЛРҶМОЛ

1

– Тўхта, – деди Банди дўсти д’Андреага. – Мен бориб уни огоҳ-лантираман. Мабодо яна қайсарлик қилса, бостириб кирасан.

Иккаласи ҳам узоқни яхши кўролмасди Шу туфайли бир-бирига жуда яқин туриб сўзлашмоқда эдилар. Кўпчилик уларни эгизаклар деб ўйлашарди. Ёшлари ҳам деярли тенг бўлиб, бир-бирларига жуда ўхшаб кетардилар – баланд, тик қоматли, озгин, барча ишни саранжом-сарипш-талиқ билан бажаришни хуш кўришарди. Суҳбатлашатуриб, бир-бирларининг кўзойнақларини ё бўлмаса бўйинбоғларини тўғрилаб қўйишар, ҳеч бўлмаганда, эгниларигади камзулларининг тугмаларини тортиб қўярдилар. Улар кам гаплашардилар. Ҳаётда кўп қийинчиликларни бошдан кечирганликлари заъфарон юзларида акс этиб турарди.

Улар бирга вояга етдилар. Бир-бирларидан ёрдамларини аямай дорилфунунда ўқидилар. Бири ҳуқуқшунослик бўлимида, иккинчиси тиббиёт бўлимида таҳсил олди. Ҳозир эса турли соҳа бўйича ишлашар, аммо ишдан сўнг кечкурунлари кўришиб, шаҳар чеккасидаги жарлик бўйида чўзилиб кетган хиёбонда сайр этишни канда қилишмасди.

Улар шу қадар яқинлашиб кетишган эдики, бир-бирларини оғизларидан билинар-билимас чиққан сўзлари, имо-ишораларию, кўз қарашларидан тушуниб олишарди. Сайр чоғида фикр алмашар, сўнг ортиқча гапирмай, индамасдан кезиб юришарди. Ўзаро айтилган икки-уч оғиз сўз уларга фикр алмашиш учун етарли озуқа бергандек бўларди. Худди ҳориган отларга ўхшаб бошларини эгиб, шошилмай қадам босишарди. Тўсиқдан сакраб ўтиб, пастликда ястаниб ётган адирликлару уфққа бош қўяётган қуёш нурида жилваланиб турган денгиз мавжларини томоша қилишни на униси, на буниси хаёлига келтирарди.

Ён атрофдаги гўзалликка маҳлиё бўлмаслик эса мумкин эмасди. Бу икки йигитчанинг бундай нохуш кайфиятда кетишларига нима сабаб бўлди экан?

Русчадан
Назира ЖҶРАЕВА
таржималари

Луизи Пиранделло (1867–1936) – машҳур итальян ёзувчиси, шоир, драматург. 1889 йилда биринчи шеърый тўплами босилиб чиққан. Гётенинг “Рим элегиялари” асари таржимаси (1896) унга катта шуҳрат келтирган. “Бегона аёл” (1901), “Мархум Митти Паскал” (1904) романлари, “Агар шундай бўлмаса...” (1915), “Олти персонаж муаллифни қидиради” (1921), “Генрих IV” (1922) пьесалари ва ўнлаб новелла тўпламлари Пиранделло ижодининг чўққиси ҳисобланади. Адиб 1934 йилда Нобель мукофоти билан тақдирланган. Унинг асарлари кўплаб жаҳон тилларига таржима қилинган.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

3

Бир неча кун аввал Банди дўстига:

– Элеоноранинг соғлиғи яхши эмасга ўхшайди, – деб шипшиганди.

Д’Андреа дўстига қаради. Бу кўз қарашидан касаллик жиддий эмаслигини англади.

– Элеонора опамиз ўзим кўриб қўйишимни истаяптими? – сўради у дўстидан.

– Соппа-соғман, деяпти.

Бир умр оналари ўрнини босган Элеонора олдидаги қарздорлик бурчини ҳис этган ҳолда қовоқларини уйиб, индамай йўлда давом этдилар.

Д’Андреа ота-онасиз вояга етди. Уни амакиси асраб олди, аммо ўқитишга қурби етмади. Элеонора ҳам ўн саккиз ёшга етганида кенжа укаси билан етим қолди. У ота-онасидан қолган бор-будини тежаб-тергаб бир амаллаб кун ўтказишга сарф қиларди. Кейинчалик ишлашга мажбур бўлди, муסיқа ва ашуладан дарс бера бошлади. Шу зайлда укасини вояга етказди, унга кўшиб дўстини ҳам ўқитиб, саводини чиқарди.

– Мен дўмбоқман, сизлар қилтириқсизлар, – дея болалар билан қувноқ овозда ҳазиллашарди Элеонора. – Сизларнинг ўрнингизга ҳам мен семираяпман.

Ҳақиқатан ҳам Элеонора тўладан келган эди, кун сайин семириб борарди. Унинг чехраси сутга чайиб олингандек тиниқ. Кўзлари шаҳло, қайрилган киприклари узун, овози қўнғироқдек жарангларди. Унга разм солганларида семизлигидан ўзини ноқулай ҳис этиб, маъюс жилмайиб қўярди.

Элеонора оҳангларни бузиб бўлса-да, ҳис-ҳаяжон билан юракдан жўшиб кўшиқ куйларди. Жиддий ва тўпорилиги, ибо-ю, андиша, устига-устак укасининг ташвиши бўйнида бўлмаганида кўшиқчи бўлиш орзусида эди. Саҳнада кўшиқ айтишни жуда-жуда хоҳларди. Афсус, минг афсус, бу орзу ушалмай қолди. Ёши ҳам қирқларнинг нари-берисида эди. Шаҳарда истеъдодини қадрлашган бўлармиди. Бу ширин ўй-хаёллар юрагига бир оз таскин берарди, холос. Қийналиб бўлса-да, у иккита етим болани оёққа қўйди. Умрини уларга бахшида этиб, оқ ювиб, оқ таради. Бу унинг шунча йиллик меҳнатлари эвазига олган мукофоти эди.

Шифокор д’Андреа дўстини узоқ кутиб қолди, у ҳали-бери меҳмонхонадан чиқай демасди. Меҳмонхонанинг шифти баланд бўлмаса-да, ичи кенг, ёруғ эди, алмисоқдан қолиб, ўнгиб кетган мебеллар ўтмишни эслатарди; ўтмишда қадрли бўлиб хизмат қилган бу анжомлар хонада савлат тўкиб турар, қаршидаги кўзгудан уларнинг акси кўзга ташланарди. Хонага гўё марҳумларнинг портретлари йиғиб қўйилгандек эди. Улар бир нуқтага – Элеоноранинг роялига тикилиб тургандай туюларди.

Доктор кутишдан чарчади, ўрнидан туриб, эшикка яқинлашиб ичкарига қулоқ тутди. Бўғиқ йиғи овозини эшитгач, эшикни қоқди.

– Киравер, – деди Банди эшикни очаркан. – Опам нега бунча ўжарлик қиладилар, ҳеч тушунолмаяпман.

– Мен касал эмасман!– йиғи аралаш қичқирди Элеонора.

У чарм билан қопланган катта оромқурсида ранги докадек оқарганча, ҳар доимгидек қора кийимда ўтирарди. Шу тобдаги унинг қилиғи худди ёш боланикига ўхшаб кетарди; нимадандир безовталанар, укасининг нигоҳидан даҳшатга тушар, кўзларидаги саросимани беркитишга ҳаракат қиларди.

– Ростданам касал эмасман, – деди у бир оз ўзини ўнглаб олгач. – Илтмос, мени ўз ҳолимга қўйинглар. Мен ҳақимда ташвиш чекманглар.

– Яхши!– унинг гапини бўлди укаси.– Мана, Карлонинг ўзи айтсин, саломатлигингиз жойида эмаслиги шундоққина кўриниб турибди,– шундай дея у эшикни тарақлатиб ёпиб, хонадан чиқиб кетди.

Элеонора юзини кўли билан беркитиб, хўнграб йиглашдан бир оз тўхтади. Д’Андреа Элеонорага тикилиб қараркан, ўзини ноқулай сезар, негадир ҳижолатда эди. Ниҳоят, у сўз қотди:

– Нима бўлди ўзи? Нима воқеа рўй берди? Наҳотки мендан ҳам буни сир тутсангиз?

Элеонора ҳамон йиғлашда давом этарди, Карло оғир-вазминлик билан гапираркан, ниҳоят, опасининг қўлларини юзидан аста туширди:

– Бўлди-да энди, йиғини бас қилсангиз-чи,– кўндиришга уринди у опасини.– Қани, бир бошдан гапиринг-чи, нима бўлди. Кўрқманг. Ёнингизда турибман.

Элеонора бошини чайқади ва бехосдан йигитнинг қўлларидан тутди-ю, бирпас сиқиб турди-турди-да, шу заҳоти юзи ғалати бўлиб, безовталанди ва:

– Карло! Укажоним Карло! – деб шивирлади.

Д’Андреа қизнинг қаршисида тиз чўкди.

– Ичингиздаги дардни менга айтинг, опажон...

Элеонора кўлини аста иягига тиради-да, оҳиста, тушкун аҳволда, ялинганнамо:

– Карло, бу дунёни тарк этишимга ёрдам бер. Садағанг кетай, ёрдамингни мендан дариф тутма, нима қилишимни билолмаяпман, бошим қотиб қолди.

– Бу дунёни тарк этмоқчиман, деяпсизми? – кулиб юборди Карло.– Қизиқ гапни айтдингиз-ку.– Нега ёш умрингизни эрта хазон қилмоқчисиз?

– Яшагим келмаяпти! – деди Элеонора аста кўз ёшларини артиб.– Бу ишни қандай амалга оширсам бўлади, йўл кўрсат менга, Карло! Ахир сен шифокорсан-ку. Ортиқ бундай яшай олмайман! Ҳа, ҳа, яшай олмайман. Бундан ўзга чорам йўқ. Дорилбақога рихлат этсам, ҳаммасидан қутуламан.

Карло Элеонорага ҳайрат-ла боқди. Қиз ҳам йигитга тикилиб қаради-ю, дарҳол кўзини юмиб олди, юзи докадек оқариб, кўрқувдан саросимага тушди.

– Қандай кунларга қолдим-а, – деди Элеонора бир оз ўзига келгач,– Карло, мени худо уриб кўйди. Ҳа, ҳа, ишон, адойи тамом бўлдим.

Д’Андреа ўзини йўқотган кўйи кўлини Элеоноранинг қўллари орасидан тортиб олди.

– Нега адойи тамом бўласиз? Нега? – деб гўлдиради у.

Элеонора ундан кўзини олиб қочаркан, “секин” дегандай бармоғини лабига кўйганча, эшик томон бош ирғаб:

– Фақат у билмаслиги керак! Худо ҳаққи укамга бу ҳақда оғиз очма! Аввал менга ёрдам бер. Менга дори керак. Сен дори берасан, мен ичаман-қўяман. Илтимос, тез таъсир қиладиганидан бер. Жонимга қасд қилолмаяпман. Кўрқаяпман! Шу ҳақда икки ойдан бери ўйлайвериб, ич этимни еб юбордим! Карло, айт-чи, опангга ёрдам берасанми?

– Қандай ёрдамим керак?– сўради д’Андреа ўзини йўқотиб.

Элеонора яна укасининг дўстини кўлидан тутиб, унга ёлворгандай нигоҳ ташлади:

– Жонимга қасд қилишимни истамасанг... сен менга... қандай ёрдам беришинг мумкин?

Д' Андреа қаддини тик тутиб, қовоғини уюб олди.

– Карло, ёлвораман! – қайтарди у. – Ўзим учун эмас, укам Жоржони бўйнини ҳам қилмаслик учун шундай қилишим шарт. Фақат Жоржо бу гапдан хабар топмаслиги керак. Карло, сизлар учун ўз умримни бахшида этдим. Оқ ювиб, оқ тарадим, сизларни оёққа қўйдим. Карло, оз бўлса-да, шуларнинг ҳаққи-хурмати менга ёрдам бер, мени қийин аҳволдан қутқар! Наҳотки, қийналишимни истасанг? Ўйлайвериб, юрак-бағрим қон бўлиб кетди-ку, ахир! Шу ёшимда бу таънани қандай кўтариб юраман. Бу жуда оғир, ҳа, жуда оғирлик қиляпти...

– Элеонора опажон, айтинг-чи, бу воқеа қандай содир бўлди? Ким у одам? – сўради д' Андреа беихтиёр бўлган воқеани тушуниб етгач, саросимага тушиб.

Элеонора хавотир билан эшик томон қараб қўйди-да, юзини қўллари билан беркитиб олди ва:

– Билишинг шарт эмас! Ҳозир бу ҳақда ўйлашни истамайман! Наҳотки Жоржонинг аҳволига ачинмасанг? Эл орасида қандай бош кўтариб юради...

– Қандай рўй берди? – сўради д' Андреа, – Айтсангиз-чи, ахир. Бу катта жиноят-ку. Олдини ололмадингизми... ё чора тополмадингизми?

– Йўқ, чора тополмадим, – қатъий, алам билан деди Элеонора. – Етар! Нима демоқчилигингни тушундим. Энди мени ёлғиз қолдир. Мазам қочаяпти...

У бошини ўриндиқ суянчиғига беҳол ташлади-ю, бор гавдаси шалвираб тушди.

Карло д' Андреа ўзини йўқотганча Элеонорага кўзойнаги тепасидан қараб турарди. Софлик рамзи бўлмиш бу ажойиб қиз қандай қилиб ўзини ўлимга маҳқум этаётганини ҳис этаркан, бу иш унинг шаънига ярашмаслигини ўйлаб, бу ўй-фикрни калласига сиғдира олмади. Эҳ, Элеонора Банди? Ахир у ўз ёшлигини бизни деб хазон қилмаганмиди? Энди унинг ёшлиги қоптими? Балки, шунинг учун ҳам номусдан ўлимига рози бўлаётганмикин-а?

Карло опасига қараркан, унинг ҳаддан ташқари тўла гавдаси кўзига ёмон кўриниб, нафрати кўзиб кетди.

– Қани, йўлингдан қолма! – жаҳл билан қичқирди Элеонора довдираб қолган Карлонинг афтига ҳам қарамай. – Бор, ҳамма гапни Жоржога айтиб бер. Менга нисбатан қандай чора кўрса кўраверсин, ҳаммасини ипидан-игнасиғача айтиб бер. Қани, бор, жўна.

Д' Андреа беихтиёр эшик томон йўл олди. Элеонора бошини даст кўтариб, унинг ортидан кузатиб қолди. Эшик ёпилиши биланоқ, Элеонора ҳушидан кетди.

II

Д' Андреа уйдан чиқиб кетгач, Элеонора икки ойдан бери уни эзиб юрган юкдан фориг бўлди-қўйди. Барча қўрқинчли онлар ортда қолганди.

Бошига тушган ғам-андуҳлар билан курашишга Элеоноранинг ортиқ мадори қолмаганди. Майли, бу ёғи худодан, пешонасида борини кўради. Бу иш тезроқ бир ёқлик бўла қолсайди!

Ҳозир укаси ёнига важоҳат билан киради-да, уни бир ёқлик қилиб қўя қолади. Начора, тақдирга тан бермай иложи йўқ... У ҳурматга ҳам, эътиборга ҳам лойиқ эмас. Тўғри, у укаси ва унинг дўстига керагидан ортиқ меҳр кўрсатган, борлигини бағишлаган – ҳаёт

тақозоси шунга мажбур қилганди. Буни қарангки, мана энди топган обрўйи бир пул бўлиб ўтирибди.

Элеоноранинг юрагини ваҳима босди-ю, кўзларини чирт юмиб олди.

Ич-ичидан у ўзини айбдор ҳис эта бошлади. Ҳа, ҳаммасига унинг ёлғиз ўзи сабабчи, шунча йиллар давомида у ҳаётидаги барча қийинчиликларни енгиб ўтди, ҳаётда ўз ўрнини топди, ёмон ўй-хаёлларни миясига келтирмай, ҳаётда тўғри, ҳалол яшашга одатланди. Ҳеч кутмаганда номусини йўқотди-қўйди. Нақадар даҳшат!

Лекин у укаси олдида ўзини оқлай олмайди. Элеонора укасига: “Жоржо укажоним, барчасига аслида ўзинг айбдорсан”, дейиши ҳам мумкин. Гапнинг индаллосини айтганда, тўғриси ҳам шу-да.

Элеонора укасига оналик меҳрини берди. Хўш, бу яхшиликлар эвазига укасидан ва унинг дўстидан нима оқибат кўрди? Фақат уларни соғинарди, холос. Дорилфунунни тугатгач, икковлари ҳам ўз ишлари билан бўлиб кетдилар. Туну кун тиним билмай меҳнат қилишади. Энди уларни опаларининг ҳаёти қизиқтирмай қўйганди. Тезроқ опалари билан ҳисоб-китоб қилишга ошиқардилар. Бу ҳол Элеонорани ич-ичидан кемирарди. Шундан кейин унинг ҳаёти мазмунсиз, зерикарли ўта бошлади. У укаларига кераксиз бўлиб қолганлигини тушунгач, икки ўт ичида ёна бошлади. Ёшлиги эса аллақачоноқ қайтмас бўлиб ўтиб кетганди. Уни ортга қайтаришнинг сира иложи йўқ.

Укасининг олиб келган биринчи маоши ҳам унга тасалли бермади. Опаси ўз ҳаётини укаси учун қурбон қилганлигини англаб, Жоржо ич-ичидан эзилар, эрки ўз қўлида эмаслигидан ўкинар балки? Элеонора укасига шундай демоқчи ҳам бўлди: “Жоржо, укажоним, мени ўйлама, мен фақат ҳаётда ўз ўрнинингни топишингни истаيمان. Чин юракдан айтяпман... Бахтимга омон бўл”.

Лекин у укасидан таъна аралаш:

– Эй воҳ, опажон, нималар қилиб қўйдингиз! Олдингиздаги қарзимни узаман. Қилган яхшиликларингизни унутганим йўқ, – деган дашномларни эшитди.

“Қарзимни узаман?” Кошки бунинг менга сариқ чақалик фойдаси бўлса, дея бор овози-ла ҳайқирмоқчи бўлди Элеонора. Укасини деб ҳаётини қурбон қилаётганда асло руҳи тушмаган, таъна-дашномсиз, очик чеҳра билан ҳаётда ўз ўрнини топиши учун бор куч-қувватини сарфлаганди.

Элеонора укасининг ўжар феъллигини билар, унга қаттиққўллик қилмасди. Уларнинг опаларига бўлган совуқ муомалаларидан, ўзларини бегонадай тутишларидан ўксинарди, холос. Ана шундай пайтларда Элеонора ўзини қўйгани жой тополмасди.

Укаси топармон-тутармон бўлиб қолганди, опасига барча шарт-шароитларни муҳайё қилиб берди. Опасини муаллима бўлиб ишламасликка кўндирди. Ишсиз ўтаётган зерикарли кунлардан бирида тўсатдан миясига етти ухлаб тушига кирмаган: “Турмушга чиқсаммикан?” деган фикр келиб урилди.

Ёши ўтгиз тўққизда-я! Устига-устак семириб кетган. Қадди-қомати ўзига мос бўлган куёв топиши керак! Турмушга чиқиб кетса, укасининг ўзига кўрсатётган миннатдорлик мурувватларидан халос бўлиши мумкин. Элеонора худди боши боғлиқ қизлардек ўзига қараб юрадиган одат чиқарди. Бу ўй аввал ҳеч хаёлига келмаганди. Ўзига оро бера бошлади.

Бир пайтлар Элеоноранинг кўнглига йўл топишни истаган йигитлар ҳозирда бола-чақалик бўлиб кетдилар. Аввал у буларга парво

ҳам қилмасди. Ҳозир-чи, ҳозир турмуш қуриб кетган дугоналарига ҳавас қилади.

Элеонора сўппайиб ёлғиз қолганди.

Балки бахти ҳали олдиндадир. Наҳотки у бола-чақалик бўлолмаса, танҳоликда яшаш пешонасига ёзилганмикин-а. Наҳотки, қалбида ёнаётган алангани ўт олдира олмаса? Наҳотки қалб туғёнларига қулоқ солмай, якка-ёлғиз яшашга маҳкум бўлса?

Элеонора юрак-бағрини ўртовчи ғам-ғуссага ботди. Кўнглини азобли армонлар қийнай бошлади. Ёқимтой лобарлиги аста-секин йўқолиб, кулгиси-ю, гап оҳангларида ўзгариш сезилди. Пичинг ва киноя билан гапирадиган, заҳарханда қиладиган бўлиб қолди. Хулқ-атвори тубдан ўзгараётганлигини ўзи ҳам ҳис эта бошлади. Кўнглига ёпирилиб кирган қора ўй-фикрлар қалбини шиддат билан қамраб олиб, тинчлик бермай қўйди.

Шу кунларда укаси тежаб-тергаб йиққан пулларига қишлоқдан ер сотиб олиб, уй қуришни режалаштираётган эди. У опасини уй қурилишига бош-қош бўлиб туриш учун – бир ойга боришга кўндирди. Укасининг бу илтимоси опасидан қутулишнинг бир йўлидек бўлиб туюлди. Ўзим истиқомат қиладиган уйда якка ўзим қолар эканманда, деган хаёлга борди Элеонора. Ана шунда у эркин яшайди. Укасига оғирлиги тушмайди. Ўзи ҳам шу ёшда турмушга чиқиш ўй-фикрларидан фориғ бўлади.

Дастлабки кунлар осойишта ўта бошлади. Бу ерда эмин-эркин яшашни хаёл қилди.

Элеонора барвақт туриб, дала кезишга одатланди. Дала кезаркан, ҳар қадамда тўхтаб, ён-атрофга ҳайрат билан суқланиб боқар, даланинг мафтункор сукунатига қулоқ тутарди, чунки бу ерда ҳар бир нарса эрта тонгнинг нақадар беғуборлигини ангатарди, қишлоқ хўрозларининг қичқиривига қулоқ тутар, гоҳ тошларда ўсган замбуруғлар тўдасига, гоҳ ағдарилиб тушган дарахт тўнкасидаги духобадек товланиб турган пўпанакларга завқланиб боқарди.

Бу ерда шаҳардан ташқарида бошқа одамга айланиб қолсам эди. У билан қишлоқ ҳаёти ҳақида тўлиб-тошиб, ширин суҳбатлар қураётган мана шу ижарачининг ёқимтой хотинига айланиб қолсам-а, деган фикр ўтди миясидан... Бу бегараз суҳбатдан у ҳаётнинг янги қирраларини кўра бошлади.

Ижарачининг феъли оғир эди; у ўзини кўпни кўрган одамман деб, мағрур тутарди. Ҳа, чинданам кўпни кўрган, кўп ерларда бўлган ҳам. Америкада бўлган, саккиз йил Беноссарияда истиқомат қилган. Шунинг учун ҳам у ёлғиз ўғлини оддий кимса бўлиб қолишини истамасди. Ўгли ўн уч ёшга тўлганди, уни билим юртига жойлаштириб қўйди. Саводи чиқса Америкага юборишни мўлжаллади, жуда катта мамлакат, одамлар ичида товланади, деб ўйлади.

Жерландо ҳозир ўн тўққиз ёшда. Кўп йиллардан бери ўқиса-да, калласига бир нима кирай демасди. Қад-қоматдан худо қистан, кўриниши кўпол. Отасининг ўта ғамхўрлигидан ниҳоятда чарчаган эди. Ўқиши давомида у шаҳарликларга хос баъзи қилиқлар орттирди, бу унинг кўринишини янада соқувлаштириб юборганди.

Ҳар куни эрталаб у ҳурпайган дағал сочларининг фарқини очиб тарарди. Сочлари қуригач, фарқлари ҳам бузилиб ғалати ҳолда диккайиб кетарди, қошлари бароқ, соқол-мўйлови сабза урганди. Жерландога ҳаёт ҳар томонлама кулиб боқмаганди. Доимо китоб устида қовушмай мук тушиб ўтиришини кўрган одамнинг унга раҳми келарди. Отаси уни уйқудан уйғотгунча она сути оғзига келарди. Уни

тез-тез уйқу элтарди. Уйқуси ёзилмаган, довдираб турган ўғлини отаси шаҳарга жонини қийноққа солиб, олиб бориб қўярди.

Қишлоққа Элеонора хоним келгач, Жерландо онасига, айтинг, анови хоним отам билан гаплашиб, мени қийнаб ўқишга юбормаслигини тушунтирсин, дея ёлборди. Ўқишни жиним суймайди. Жин урсин, ўқишни хохламайман, деди.

Элеонора йигитнинг отаси билан гаплашди. Аммо ўғлининг одам бўлишини истаган ота Элеоноранинг гапига қулоқ солишни истамади ҳам. Ундан бировларнинг ишига аралашмаслигини сўради. Шундан сўнг Элеонора бир оз овуниш, нима биландир шуғулланиш мақсадида ўқишдан безган бечора болага қўлидан келганча ёрдам бера бошлади.

Элеонора ҳар куни чошгоҳдан сўнг Жерландони хонасига чорлаб, илм олишига ёрдам бера бошлади. Жерландо хонага уялиб, ўзини йўқотган ҳолда дафтар-китобларини қўлтиқлаб кириб келарди. Хоним уқувсизлигимдан, эрмак қилиб устимдан кулса-я, деган хаёлга борарди. Бола ўзига қолса бу ерга келмасди-я, лекин отасининг зўри билан келишга мажбур эди. Жерландога худо илм олишни юқтирмаганди. Кўчат ўтказиш дейсизми, мол боқишми, буларнинг барини жонини киргизарди. Бола Элеонорага мускулдор қўлларини кўз-кўз қилиб, мулойим тикиларкан, оғзини катта очиб, оппоқ, соғлом тишларини кўрсатганча баралла қуларди...

Элеонора кун ўтган сайин Жерландони жини суймай қолди. Шаҳардан роялини олдириб келтирди, хонасининг ичидан қулфлаб олганча мусиқа чалишга, баъзида китоб ўқишга берилиб кетарди. Жерландо Элеоноранинг суҳбатларидан, кўрсатаётган мурувватларидан, ёрдамидан дабдурустдан маҳрум бўлгач, деразаси тагида пусиб ўтирганча унинг роял чалиб, қўшиқ айтишини эшитаётганини қиз тўсатдан пайқаб қолди. Шу топ Элеонора бемаъни ўйга бориб, болани қўлга туширмоқчи бўлди. Дабдурустдан роял чалишдан тўхтади-ю, пиллапоядан зинғиллаганча пастга югуриб тушаркан:

– Ия, бу ерда нима қиляпсан? – сўради Жерландодан.

– Тинглаяпман, – жавоб қилди у.

– Ёқаяптими?

– Жудаям, эшитиб мазза қиляяпман, хоним! Худди жаннатга тушгандек!

Элеонора хандон отиб кулиб юборди. Шу топда боланинг ҳам юзига кулгу инди. Кутилмаганда у Элеонорага ташланиб қолса бўладими... Болахонадан пастга гира-шира ёруғлик тушиб турарди.

Алалхусус, бу воқеа шу куни рўй берганди.

Кутилмаганда рўй берган бу воқеадан қиз довдираб қолди, девқомат боланинг исканжасидан ўзини қутқаришга ожизлик қилди, ўзи истамаган ҳолда ҳушини йўқотди, боланинг эҳтирос-ла илондек чирмашишидан унга ўз изини бериб қўйди...

Эртаси куни Элеонора шаҳарга қайтиб кетди.

Энди нима бўлади? Жоржо нега келмаяпти? Бўлган ишни д'Андреа унга айтмаганмикин. Балки қандай ёрдам беришни ўйлаётгандир?

Элеонора дабдурустдан қаршисида жарлик пайдо бўлгандек, кўрқиб қўллари билан юзини беркитиб олди.

Элеонора икки ўт орасида ёнарди. Бу дунёдан кўз юмсагина барчасига нуқта қўйган бўларди. Бу ишлар қачон ниҳоясига етаркин-а. Эшик очилиб, бўсағада юзидан қони қочган, кўзлари қизарган, довдираганча кириб келаётган Жоржо кўринди. Д'Андреа унинг ортидан эргашиб келмоқда эди.

– Бир нарсани билмоқчиман? – дона-дона гапириб сўроққа тутди у опасини. Унинг кимлигини билмоқчиман?

Элеонора кўзини ердан ололмай ўтирарди, сўнг бошини аста кўтараркан, уввос солиб йиғлаб юборди.

– Кимлигини ҳозир айтасиз!– сўзида қатъий турганча қичқирди Банди. Ким бўлишидан қатъий назар, сиз унга турмушга чиқасиз.

– Йўқ! Йўқ!– шивирлади Элеонора бошини яна-да қуйи соларкан қўллари титраб. – Айтолмайман! Иложим йўқ!

– У аблаҳ уйланганми?

– Йўқ уйланмаган, – шоша-пиша деди Элеонора.

– Исмини айтинг! Ким у аблаҳ? – Опасини қистовга олди Банди. – Ким ўзи? Айтсангиз-чи?

Элеонора укасининг ўқрайиб қарашидан жунжикиб, аранг бошини кўтарди.

– Айтолмайман, – дея шивирлади.

– Айтинг, ортиқ газабимни қайнатманг, охири ёмон бўлади, – дея бор овози билан қичқириб опаси томон муштини дўлайтириб кела бошлади Жоржо.

Д’ Андреа уларнинг ўртасига тушиб:

– Жоржо, қўй, ўзингни бос. Яхшиси, хонадан чиқиб кет. Менга бўлган воқеани сўзлаб берадилар. Қани, бу ердан чиқиб кета қол, – деди қатъий оҳангда Карло.

Дўсти шу тарзда уни хонадан чиқариб юборди.

III

Укаси ўз сўзида туриб олди.

Тўй арафасида нима қилиб бўлса ҳам жанжал чиқаришга ҳаракат қиларди. Одамлар орасида кулги бўлишдан чўчиб, барчага шарманда бўлганини сўкиниб сўзларди. Жоржо гўё ақлдан озгандек эди; барча унга ачинарди, холос.

Жоржо Жерландонинг отаси билан тил топишиши осон эмаслигини ҳис этди.

Қария илғор фикрли киши бўлса-да, тезда қизишиб кетадиган одати бор эди. Аввалига у нима гаплигини тушунмади. Гап нимадалигини англагач:

– Ташвишланманг! Боплаб адабини бераман! Вой, аблаҳ-ей! Ичак-чавоғини ағдариб ташласаммикан? Яхшиси, қўл-оёғини боғлаб сизга топшира қолай. Аламдан чиқиш учун билганингизни қилинг. Жонини киритиб савалашингиз учун хипчинларни уч кун сувга солиб қўяман. Хоҳлаганча савалаб, хумордан чиқинг.

Жоржо савалаш билан иш чиқмаслигини айтиб, ўғлини опасига уйлантириб қўйишни таклиф қилганда, қария эсанкираб қолди:

– Нималар деяпсиз! Гапингизга тушунмаяпман... Ўтиборли хоним ижарачининг ўғлига турмушга чиқадиларми? – қатъий деди у. Ва яна сўзида давом этди:

– Мени кечирасиз-у, хоним ўғлимдан йигирма ёш катта. Ақллари кирари кириб, чиқари чиққан. Менинг думбул ўғлимни йўлдан урмасликлари керак эди. Айтмоқчи эмасдим, энди айтмасам бўлмайдиганга ўхшайди. Хоним ҳар куни ўғлимни ҳузурига чақириб оларди. Ўзингиздан қолар гап йўқ... Ўғлимнинг она сути оғзидан кетмаган, гўр бола бўлса. Тўғри, бу ёшда уларнинг кўзи қонга тўлади. Шайтон ичларига кириб олгач, нима қилиб қўйганларини ўзлари ҳам билмай қоладилар. Ўғлимдан ажралиб қолиш менга ҳам оғир;

уни одам қиламан деб қанчадан-қанча пулларни сарф қилиб юбормадим дейсиз! Хафа бўлманг-у, хоним ўғлимнинг онаси тенги келади-я... Бу ёғи қандоқ бўлди...

Банди қизнинг сепига катта бир қўрғон ва анча-мунча пул ваъда қилди. Шундай қилмаса гишт қолипидан кўчишини фаҳмлади.

Ана шу тарзда тўй қилишга келишиб олдилар. Элеонора истиқомат қилаётган кичик шаҳарчада бу воқеа катта шов-шувга сабаб бўлди.

Кўп йиллар давомида иззатини билиб яшаётган бечора қизнинг устидан ошкора равишда кула бошладилар. Шивир-шивир гаплар гўё гап ташиётганларга роҳат бахш этаётгандек эди. Аввалги ҳурмат-эътибор ўрнини ҳозирги шармандалик босиб кетганди.

Ҳамма Жоржога ачинарди; у тўйда иштирок этмади. Ғам-ғуссалар изтиробида қолган бечора дўстини ёлғиз қолдирилмаслигини айтиб, д'Андреа ҳам тўйда қатнашмади. Элеаноранинг ота-онасини даволаб юрган ёши бир жойга бориб қолган шифокор (шуни эслатиб кўйишимиз керакки, дорилфунунни тугатиб д'Андреа даволашнинг антиқа усулларини топиб, унинг кўпгина беморларини ўзига оғдириб олганди) гувоҳ бўлишга розилик билдирди. У ўзи билан бирга дўсти-ю, яна бир чолни ҳам олволди. Чол никоҳ пайтида иккинчи гувоҳ ўрнига ўтди.

Гувоҳлар билан бирга Элеонора извошда шаҳар мэри томон, сўнг шаҳар четигаги мўъжаз ибодатхонага йўл олдилар.

Иккинчи извошда эса қовоғидан қор ёғаётган куёв бўлмиш Жерландо ўтирарди. Куёв болага ота-онаси ҳамроҳ бўлиб келатгандилар.

Улар тўй баҳонасида башанг кийиниб олишган, аммо чехралари тунд, қовоқлари солиқ ҳолда кетиб бормоқда эдилар. Буни қарангки, ўғиллари бойвучча хонимга уйланмоқда, келиннинг сепига катта ер, яхшигина уй-жой ва пул берилганди. Жерландо энди ўқишини давом эттирмаса ҳам бўлади, уй-жой ишлари билан отаси шуғулланаверади, бундай ишларнинг жонини киргизади. Келиннинг ёши улуг-да. Балки, бир томондан бу яхшидир. Меросхўр бўлиб қолади. Табиат қонунларига кўра, у аввалроқ бу дунёни тарк этса, Жерландо эркин ва пулдор бойвачча бўлади-қўяди.

Учинчи извошда кетаётган куёв томондан бўлмиш отасининг дўстлари, кекса деҳқонлару иккита холаси ҳам шу ўй-хаёлда эдилар. Қолган қариндошлару Жерландонинг йиғилган дўстлари қўрғонда кутиб ўтирардилар. Йиғилганлар ясан-тусан қилиб олишган; эркаклар қора мовутдан тикилган куртқада. Аёллар эса устларига янги ёпинчиқлар ташлаб, бошларига ялтир-юлтир рўмолларини ўраб олишганди. Куёвнинг отаси илғор дунёқарашли инсон бўлганлиги учун тўй тадориғини яхши ташкил этганди.

Мэр ҳузурига етиб келишганда Элеаноранинг хўрлиги келиб, йиғлаб юборди. Қариндошлар унинг ёнига куёвни суриб кўйдилар. Аммо Элеонора томондан гувоҳликка келган қари доктор куёв ҳозир четроқда турани маъкул, деди.

Йиғидан ўзини тўхтата олмаётган Элеонора никоҳ қайд қилинадиган саройга кириб келди. Ёнида уятдан, ўнғайсизликдан янада беўхшов, тўпори бўлиб кўринаётган куёвга кўзи тушди-ю, газаби қайнаб кетди; “йўқ-йўқ” дея қичқириб юборишига бир баҳя қолди. Зора, куёв никоҳни рад этса деб, унга қаради. Аммо икковлари ҳам тақдирга тан бериб “розиман” деган жавобни бердилар. Тезда никоҳ расм-русумлари бажарилди. Маросимда қатнашганлар худди мотамда иштирок этгандек совуққина қўрғонча томон йўл олдилар.

Элеонора қадрдон дугоналаридан ажралгиси келмасди. Аммо у эри, қайнона-қайнотаси ўтирган извошга ўтиришга мажбур эди.

Улар йўл давомида чурқ этмай бордилар. Куёвнинг ота ва онаси паришон ҳолда кетиб борардилар, дам-бадам келинларига ер остидан ўгринча қараб қўяр, дамлари ичларида, бир-бирларига маъноли тикилиб, кўзларини ердан узмасдилар. Жерландо эса қовоғини уйганча извошда деразадан ён-атрофни кузатганча хаёл суриб борарди.

Қўрғонда уларни шод-хуррам, қий-чув, қилганча пақил-доқларни отиб, қарсақлар чалиб кутиб олдилар. Йиғилганлар келинни ўз удумларига кўра табрик билан кутишга шайланиб турар, келинчак уларга жилмайиб қарамоқчи бўлди-ю, лекин бунинг уддасидан чиқа олмади, йиғилганлар келинни кўрдилару ханг-манг бўлиб қолдилар.

Келинчак ўз хонасига чиқиб, бир оз дам олиш мақсадида изн сўради. Унга рухсат бердилар. Элеонора хонасига чиқиб, келин билан куёв учун ўрин тўшаб қўйишганини кўрди-ю, донг қотиб қолди. Наҳотки болакай билан бир тўшақда ётса! Ҳечам-да! Бундай бўлиши мумкин эмас! Асло! Келинчакни титроқ босди, дарҳол ўзини бошқа хонага урди-ю, ичкаридан эшикни қулфлаб олди. Креслога ўтирганча қўллари билан юзини беркитди.

Ташқаридан ҳайқирӣқ ва кулгу овозлари эшитиларди. Меҳмонлар Жерландони тинчитмасдилар, улар келинни эмас, унинг сепию, оиласини мақтардилар.

Жерландо миқ этмай деразага тикилганча турарди. Юз берган воқеадан жуда изтиробда, дам-бадам бақувват елкаларини учуриб қўярди.

Ҳа, у номусдан ерга кириб кетай дерди. Шу хонимга уйлангани учун дили азобда эди. Барчасига отаси айбдор, “ўқи, ўқи” деб ҳолжонига қўймади, хоним ҳам уни тинмай мазах қиларди, дилини оғритарди. Мана, оқибати нима бўлди. Отаси бўлса қариқизни келин қилганидан хафа ҳам эмас. Баҳонада ерли-жойли, пулдор бўлиб олди. Аммо ўғлининг ҳоли не кечади. Қизик, ўзидан икки баробар катта хоним билан қандай яшайди, ахир ундан кўрқади-ку! Хоним шармандалиқдан қутулиш учун унга турмушга чиқишга рози бўлди. У хонимга хотини сифатида қайси юз билан қарайди. Устига-устига отаси ўқишини давом эттиришини талаб қилиб турибди. Ўқишга қандай боради, ахир ҳамма унинг устидан кулади-ку! Келиннинг ёши куёвникидан йигирма ёш катта бўлса, устига-устига семизлигини айтмайсизми! Худди айиққа ўхшайди-я.

Жерландо ана шундай хаёлларга чўмиб турган кезде унинг ота-онаси сабрсизлик билан зиёфат дастурхонига ўтиришни кутишарди. Ниҳоят, улар дастурхон тuzалган хонага тантанавор ҳолда кириб келдилар. Дастурхонга тортилган барча ноз-неъматлару егуликларни шаҳардан келган ошпаз ўзи билан эргаштириб келган ёрдамчилари билан тайёрлаган эди.

Ота ўғли ёнига келиб:

– Бор, хотинингни овқатга таклиф қил, – дея буйруқ берди.

– Бормайман, таклиф ҳам қилмайман, – депсиниб тўнғиллади Жерландо. – Ўзингиз бориб чақиринг.

– Тўнка, у сени чақиринингни кутмоқда, мени эмас, – бақирди отаси. – Ахир сен унинг эрисан. Қани, қимирла тезроқ. Тезда келсин!

– Ўзингиз бориб чақиринг, бормайман дедимми, бормайман, – ўжарлик қиларди Жерландо.

Сабр косаси тўлган ота ўғлининг ёқасидан олиб, кетига бир тепди.

– Энди уяласанми? Аҳмоқ бу галвани ўзинг бошладинг. Буни қаранглар-а, энди номус қилаётган эмишлар! Қани, ҳозироқ келинни олдинга солиб чиқ-чи! У энди жуфти ҳалолнинг бўлади.

Бу галвадан хабар топган меҳмонлар ота-болани ажратар эканлар, зўр бериб Жерландони келинни чақириб чиқишга ундардилар.

– Чақирсанг нима бўпти? Бориб, бир қадаҳдан май ичишни таклиф қил, тамом-вассалом...

– Уни нима деб чақиритишни билмайман! – чорасизликдан гўлдирлади Жерландо.

Бу гапдан йиғилганлардан баъзилари кулиб юбордилар, бошқалар эса тўйни бузаётган ўғлини дўппослашга чоғланаётган отани тинчлаштиришга ҳаракат қилардилар. Ахир бу тўй базмига анча-мунча пул сарфланган эди-да.

– Исмини айтиб чақирасан, – деб ўғлига шипшиди онаси. – Исми нима эди? Элеонора эдими? Элеонора деб чақиравер, энди у сенинг хотининг-ку. Борақол ўғлим, бор...

Жерландо бориб келин ўтирган хонанинг эшигини аста қоқди. Бир оз кутди. Жавоб бўлмади. У билан қандай муомала қилса экан? Дабдурустдан сенласамикан? Жин урсин ҳаммасини! Қандай шармандалик. У нега жавоб бемаяпти? Ҳойнаҳой эшик қоқаётганимни эшитмаётгандир. Жерландо эшикни қаттиқроқ қоқди. Яна бир оз кутди, жавоб бўлмади. Жерландо батамом ўзини йўқотиб қўйди. Онаси ўргатгандек қилиб келинни номини айтиб аста чақира бошлади. Аммо овози ўзига кулгили бўлиб туюлди, чунки довдираб келиннинг исмини адаштириб, “Энеолора” деб чақирган эди. Дарҳол қилган хатосини тузатиб дабдурустдан баланд, буйруқнамо оҳангда Элеонора, деб чақирди.

Шу тоб ичкаридан: – Ким у? – деган овоз эшитилди.

Жерландо овоз келган хона томон аста юрди.

– Бу менман... – деди Жерландо. – Мен, Жер... Жерландоман. Дастурхонга таклиф қилгани келдим.

– Мен чиқмайман. Ўзинглар бемалол ўтираверинглар.

Анча енгил тортган Жерландо дастурхон тузалган катта хонага қайтиб келди.

– Келмас экан. Бемалол ўтираверинглар, деди.

– Сен аҳмоқсан! – қичқирди отаси (у ўғлини доимо шундай дерди).

– Бугунги ёзилган дастурхон тамоман бошқачалигини – тўй дастурхони эканлигини унга уқтирмадингми? Зўрлаб олиб чиқиш керак эди.

Гапга онаси аралашиб, ҳозирча келинни ўз ҳолига қўяйлик, деди. Меҳмонлар ҳам онанинг гапини қўллаб-қувватлашди.

– Чиқишга юзи чидамаяпти, ҳа, уяляпти, – дейишди йиғилганлар.

Қайнота кези келганда келинига нималарга қолдирлигини кўрсатиб қўймоқчи бўлди. Келини тўй дастурхонига ташриф буюрмаганидан даргазаб бўлган қайнота овқатларни дастурхонга тортишни буюрди. Тўйга йиғилганлар шаҳарлик ошпаз пиширган таомларни татиб кўриш иштиёқида иштаҳалари карнай эди. Улар дастурхон тузатилишидан ҳайратга тушдилар. Дастурхон устидаги каттаю кичик қадаҳлар, санчқилар, пичоқлар ва юпқа қоғоз салфеткаларни кўриб, буларнинг нима кераги бор экан, деб ўйладилар.

Меҳмонлар башанг кийиниб олганча, қарама-қарши ўтирган ҳолда бир-бирларига тикилиб, қабарик қўлари билан кумуш санчқилару пичоқларни қандай ишлатишни билолмай гаранг эдилар, айниқса, оқ қўлқоп кийиб хизмат қилаётган хизматкорлар уларни ҳайратга солганди.

Жерландонинг отаси гарданини қаший туриб кавшанганча ўғлига қараб мингирлаган кўйи:

– Унинг ўтиришига қаранглар! Беўхшовлигини-чи! Келин бу гўрсўхтага қандай кўнгил берсин! Бекорга уялмаяпти. Эҳ, қани энди сенинг ўрнингда мен бўлиб қолсам эди!..– деди.

Тўй ҳам совуқ ошдек ўтди, йиғилганлар турли сабабларни важ қилиб, уй-уйларига тарқала бошладилар, ён-атроф зим-зиё қоронғулик оғушида.

– Хўш, энди нима қиласан? – деган саволга тутди ота ўғлини хизматкорлар дастурхонни йиғиштиришаётган пайтда. – Айт, нима қиласан? Бу ёғини ўзинг ҳал қил!

Шундай деб, ота хотинини кўрғончадан нарида жойлашган уйлари томон бошлаб кетди.

Улар кетганидан кейин Жерландо ён-атрофга бўшашиб қараб кўйди. Энди нима қилса экан?

У хоналардан бирида беркиниб, индамай ўтирган хотини борлигини ҳис этарди. Балки энди у ташқарига чиқар? Ҳамма уй-уйига тарқаб кетди-ку! Нима қилса экан-а?

Оҳ, қани энди боши очиқ бўлса-ю, у ҳам онасига эргашиб уйига кетса, дарахт тагида мазза қилиб ором олса!

Балки Элеонора Жерландонинг чақирини кутаётгандир? Тақдирга тан бериб, эрини ичкарига кириб келишини кутаётган бўлса-чи! Ҳа, ҳа, тақдирга тан бермай қаёққаям борарди.

Жерландо аввалига қулоғини динг қилди. Атроф сукунатга чўмган. Ҳойнаҳой, келин донг қотиб ухлаб ётгандир. Вақт алламаҳал бўлиб қолган, атрофни зимистонлик чуллаган, болохонадаги очиқ эшик тирқишидан ёруғлик тараларди.

Жерландо чироқни ҳам ёқмай бир стулни ўзи билан болохонага олиб чиқди, у ердан бутун қишлоқ ва узоқдаги денгиз кўриниб турарди.

Ҳаво очиқ, юлдузлар самода жилва қилар, денгиз узра ой шуъла сочар, чигирткаларнинг тинмай чириллаши қулоққа чалинарди.

Дабдурустан, бойўғлининг ёқимсиз овози эшитилди, кетма-кет бошқаси ҳам овоз бера бошлади, улар узоқ вақт қоронғу тун кўйнида навбатма-навбат ҳув-ҳувлай бошладилар.

Жерландо панжарага суйанганча узоқ вақт бойўғли овозига қулоқ тутаркан, қалбини қийнаётган оғир сиқув аста-секин тарқалаётганини ҳис этди. Сўнг кўзи кўрғонни ўраб турган деворга тушди, энди буларнинг бари ўзига тегишли эканлиги хаёлидан ўтди, бу ерда ўсаётган барча дарахтлар: зайтун, бодом, анжир дарахтлари-ю узумзор ҳам энди унга тегишли.

Ҳа, отаси қувонганича бор экан, энди у ҳеч кимга қарам эмас.

Отаси уни ўқитмоқчи бўлганида ҳам узоқни кўзлаган экан. Энди ўқишни давом эттиради. Хотини олдида ивирсиб юрганидан кўра бориб ўқигани маъқул. Мабодо, ўртоқлари устидан кулиб, мазах қилгудек бўлсалар, адабларини бериб кўяди. Ахир у бойвачча-я, яхши ўқимаса ўқишдан ҳайдаб юбора олмайдилар. Бу ердаги бойваччалар олдида шарманда бўлмаслик учун ҳам астойдил ўқийди. Тез кунда қолган дарсларни ҳам ўзлаштириб олади. Яна тўрт йил ўқиса агроном ёки танобчи деган ҳужжатни олади. Қайниси кўзга кўринган адвокат, опасини кўнгилдагидек одамга узатмаганидан эзилиб юргандир. Ҳечқиси йўқ, ишимни топиб олганимдан кейин ўзи таъзим қилиб келади ҳали! Ҳа, албатта, қўли кўксига келади! Шунда у: “Менга қари опангни хотинликка бердингми”, деб уялтиради, “Мен ҳам

ўқимишли инсонман, ёш ва гўзал хотинга уйланишга ҳаққим бор”, деб қайнисини тузлайди. Шу ўй-хаёллар билан бошини панжарани ушлаб турган қўллари устига қўйди-ю, пинакка кетди.

Тун ярмидан оққанда худди соя каби ичкаридан Элеонора чиқиб келди. У Жерландони уйгоқ деб ўйлаганди. Унга нисбатан ачиниш ҳисси уйғонди ва баногоҳ уни ваҳима босиб кетди. Элеонора ўз қарорини унга айтиш учун хонасига олиб кириш мақсадида уни уйғотсаммикан, деган хаёл билан жойида тик туриб қолди. Аммо эри саналмиш бу кимсани уйғотиш учун қўлини унга теккизолмади, унинг исмини айтиб чақиришга ҳам журъат этолмай, хонасига кириб кетди.

IV

Барча ишлар хамирдан қил суғургандек ҳал бўлди-қўйди.

Эртасига эрта тонгда Элеонора Жерландога кўнглидагини тўкиб солди. Бу уйнинг ҳақиқий эгаси Жерландо эканлигини, кўнглига келган ишни қилиши мумкинлигини, унинг этагига осилиб, огир юк бўлмаслигини айтди. Ундан фақат бир нарсани – ёшлигидан уни яхши биладиган кекса хизматкор аёл билан алоҳида кичик бир хонада яшашига руҳсат беришини сўради, холос.

Ярим тунда Жерландо ғирт маст ҳолда келди, уни ошхонадаги диванга ётқизиб қўйишди. Эрталаб уйғонгач, ичкиликдан ўзига келолмаётган Жерландо ўзини зўрлаб қовоғини солишга уринарди, гўёки бу хонадоннинг эгаси у-ю, ўзини гапга кўндириш осон эмаслигини кўрсатиб қўймоқчи бўларди. Элеоноранинг гапираётган ҳар бир сўзига, жиддий турганча бош ирғаб қўярди. Ўғилларининг аҳмоқона бу ишидан ота-оналарининг фиғони фалакка чиқарди. Ўғилларига қанча панд-насихат қилмасинлар, у қулогидан кириб, бу қулогидан чиқиб кетарди. Улар ҳамон бошқа-бошқа уйда ётардилар.

Жерландо отасини тинчлантириш мақсадида ўқишига октябрнинг бошларида қайтиш ниятида эканлигини айтди. Келинига аччиқ қилган онаси Жерландога энг шоҳона хоналарда яшашини, олиймақом ўқишларда ўқиб, яхши ошхоналарда овқатланишини тайинлар экан:

– Сен хотинингга бўш келма! Бўлмаса ўзим бориб, эр деганни қандай иззат-ҳурмат қилиш кераклигини ўргатиб қўяман! – дерди бобиллаб.

Эрини ҳурматини жойига қўймаётган димоғдор келинини кечирмаслигини, бир умр у билан гаплашмаслигини айтиб, онт ичди. Шундай йигитни қадрига етмаса-я! Гапнинг индаллосини айтганда, ёшгина йигит қариқизга муносибмиди, а?!

Жерландо ўқишга шўнғиб, имтиҳонларга тайёргарлик кўра бошлади. Вақт жуда оз қолганди, бор-йўғи уч ҳафта. Худо ўнглаб астойдил ҳаракат қилса борми, уч йилдан бери уддасидан чиқолмай келаётган ўқишини тугатиб, етуклик ҳужжатини қўлга киритар.

Бўлиб ўтган воқеалар бир оз унутилиб, энди ўзига келган Элеонора хизматкор кампирнинг маслаҳати билан туғилажак фарзандига кийим-кечак тикишга киришди. Аввалари бу ҳақда ҳечам ўйламаган экан.

Кекса хизматкор кампир Жеза Элеонорага чақалоққа қўйлак билан қалпоқча тикишни ўргатди. Тақдир Элеонорага шундай овунчоқ ҳада этиптики, энди барча кўргуликлари унут бўлади. Хоҳ ўғил фарзанд кўрсин, хоҳ қиз, унга бутун борлигини бағишлайди! Парвардигор ол қулим, деб ўғил фарзанд ато этса борми, ажойиб иш бўлурди.

Элеоноранинг ёши ҳам ўтиб қолган — узоқ умр кўрадимиз, йўқми, худо биледи — қиз болани тўпори отасига қандай ишониш мумкин? Қиз бола деганлари нозик нав-нихол бўлади. Ўғил бола кўпам ҳаётда қийналмайди, бир кунини кўриб кетаверади.

Бу азобли ўй-хаёллар уни чарчатди, тикиш-чатиш ҳам жонига тегди, ўзини чалғитиш мақсадида уйдан олиб келган китобларини биринчи бор қўлига олди. Аҳён-аҳёнда хизматкор кампир томон юз буриб:

— У шу ердами? — деб сўраб қўярди.

Жеза энсаси қотиб: “Ҳа, шу ерда”, деб тўнғилларди. Сўнг елкаларини қисганча ижирғаниб лабини бураркан:

— Бошини китоб устига қўйиб ётибди. Балки, ухлаётгандир. Ким билсин, балки ҳаёл суриб ётгандир, — деди.

Жерландо ҳаёл дарёсига фарқ бўлганди. Бу қандай ҳаёт бўлди, деб ўйларди.

Ҳа... у хўжайин, аммо кимнинг устидан ҳукмини ўтказишни билмасди; хотини борми, йўқми, ўзи ҳам сезмасди. Ота-онаси билан муносабати яхши эмас, ораларига совуқчилик тушган. Ҳаёт унга кулиб боқмаганди, қанча ўқимасин, калласига ҳеч нарса кирмасди.

Жерландо ўзини қўярга жой тополмасди. Ишга қўли бормас, аламли изтироблар огушида юрак-бағри эзилмоқда эди. Хотини унинг кўкрагидан қанчалик итарса, у хотини томон шунчалик талпинарди. Дабдурустдан хотинидан кўнгли совий бошлади. Қўрғонни эплаштириш ташвиши Жерландонинг бўйнида эди.

Жерландо ўрnidан даст туриб ғазаб билан хонасидан чиқарди-ю, қия очиқ эшик тирқишидан хотинини кўргач, жаҳлдан тушарди. У оғир хўрсиниб қўяркан, журъати етишмаётганидан, ҳечқиси йўқ, ҳаммаси йўлга тушиб кетади, деб ўзини овуларди.

Кунлардан бир кун навбатдаги имтиҳондан ўтолмай шаҳардан қайтиб келди. Ўқиш ҳам жонига тегди. Шунча ўқигани етар! Савил қолсин ҳаммаси! У жаҳл устида стол устидаги китоблару, дафтарлар, чизмалари-ю, барча-барча ўқув қуролларини уйи ташқарисига олиб чиқиб уйди-да, ўт қўйиб юборди.

Югуриб келган отаси уни тўхтатиб қолмоқчи бўлди. Жерландо баногоҳ портлаб, отасига ўшқирди:

— Менинг ишимга аралашманг!.. Ёш бола эмасман, бойваччаман.

Онаси ва далада ишлаётган деҳқонлар югуриб келишди. Қоғозлар уюми аланга олмоқда эди, тутун тобора қуюқлашиб борар, олов гуриллаганча осмонга ўрларди. Шовқин-суронни эшитган Элеонора болохонага югуриб чиқди, кетидан хизматкор кампир ҳам ҳозир нозир бўлди.

Жерландо уст кийимини ечиб ташлаган, ғазабдан ранги қув ўчган, курк товукдек хурпайганча узоқ йиллар ит азобида қийналиб ўқиган китобу дафтарларини аланга томон улоқтирмоқда эди.

Бу ҳолдан Элеоноранинг кулгуси қистади ва шоша-пиша ўзини ичкарига олди. Келинининг қилган ишини кўриб, қайнонанинг ғзаби жўш уриб, ўғлига:

— Қилаётган ишингдан хотинингнинг хурсандлигини кўряпсанми? Сени мазах қилипти! — дея ўшқирди.

— Мазах қилишни унга кўрсатиб қўяман! — қичқирди Жерландо болахона томон ўгирилиб қараркан.

Бу гапни эшитган Элеоноранинг афт-ангори бўзариб кетди. У шу дамгача кечириб келаётган осуда ҳаёти дарз кетганлигини ҳис этди. Энди қисқа вақт ичида осуда ўтаётган ҳаёти тўс-тўполонга

айланадими? Бу тентак ундан нима истайди ўзи? Элеоноранинг сабр косаси тўлди. Ортиқ чидай олмайди бу пичинглару азоб-укубатларга.

Шу тоб кўзи баногоҳ Жерландога тушди. У тинмай ҳансирар, газабдан талвасага тушиб, хотинига ўшқира бошлади:

– Етар, бас! Мени мазах қилаяпсанми! Ҳа, отам оддий деҳқон, мен ҳам. Нима, бойвуччаман деб керилияпсанми? Бу латта-лутталарингни кўзимдан йўқот! Болага шоҳона қўйлақларнинг кераги йўқ. У ҳам менга ўхшаб деҳқон бўлади. Хизматкор кампирнинг жавобини бер, йўқолсин уйимдан. Уй-жойга ҳам, ош-овқатга ҳам бугундан бошлаб ўзинг қарайсан. Онам юргизаётган рўзгорни сен ҳам эплайсан, ўлиб қолмайсан. Тушундингми гапимга!

Элеонора аста ўрnidан турди.

– Онанг билан ишим йўқ,— деди у Жерландонинг кўзига виқорла тик боқиб.— Мен синьёраман, сен мени деҳқон аёлига айлантира олмайсан.

– Сен менинг оддий хотинимсан! — қичқирди Жерландо Элеоноранинг қўлига кўполлик билан ёпишиб. — Айтганимни қиласан. Нима десам, шуни қиласан. Тушундингми?

Сўнг Жерландо хизматкор кампирга эшикни кўрсатиб:

– Қани, уйимдан туёғингни шиқиллатиб қол-чи!— дея қичқирди.

– Жеза, тўхта, мен ҳам сен билан кетаман! — дея қўлини бўшатмоқчи бўлди Элеонора.

Лекин Жерландо хотинига дағдаға қилиб, қўлини қўйиб юбормай, яна-да маҳкамроқ сиқди.

– Ҳеч қаерга кетмайсан, шу ерда қоласан. Мендан осонликча қутуламан деб ўйлаяпсанми! Сени деб, тоза эшитадиганимни эшитдим. Қани, хонангдан ҳамма нарсаларингни олиб чиқ! Етар, шу пайтгача ҳамма азобни бир ўзим тортганим. Шунча кўз ёши тўкканларим етар.

– Нима учун кўз ёши тўкдинг,— йиғисини аранг босиб сўради Элеонора. — Сендан мен ҳеч нарса талаб қилмаяпман-ку!

– Ия, ҳали талаб қиламаганинг шуми? Сенга тегинмаслигимни, сенга яқинлашмаслигимни талаб қилмадингми?— Нима, мен ердан чиққан кўзиқоринманми? Сиздек хоним билан гаплашишга ҳаққим йўқми? Менга хизмат қилиш учун хизматкор ёлладинг. Нега бошқа хотинлар каби менга ўзинг хизмат қилмайсан, а?!

– Мендан нима истайсан, ўзи? — деди Элеонора ўзини босишга уришиб.— Гар шуни истар экансан, сенга ўзим хизмат қилганим бўлсин.

Шу тобда Элеоноранинг мадори қолмай, кўзларига ёш қалқди, баногоҳ боши айланиб, ҳушидан кетди. Бу ҳолни кўриб ўзини йўқотган Жерландо Элеоноранинг қошига югурди ва дарҳол йиқилаётган хотинини ушлаб қолди. Жеза ёрдамида ўриндиққа ўтқазди.

Кечга яқин Элеонорани тўлғоқ тута бошлади.

Жерландо қилган тўполонидан пушаймон бўлиб, қўрқувдан онасини чақиргани югуриб кетди. Дояни олиб келиш учун бир болани шаҳарга жўнатдилар. Келинининг боласи тушиб қолишидан қўрқиб кетган Жерландонинг отаси тайёр уй-жойидан айрилиб қолишидан хавотирланиб, ўғлини: “Нима қилиб қўйдинг, аҳмоқ бола,— дея койий кетди.— Хотининг ўлиб қолса, нима қиласан? Фарзандингдан айрилиб қолсанг-чи? Хароб бўласан, тушундингми? Ўқишни ташладинг! Бирон-бир ишнинг уддасидан чиқолмайсан-ку, нодон бола! Қараб тур, итдек хор бўласан!

– Бола ўлса ўлавермайдими!– қичқирди Жерландо. – Ўзи тирик қолса бўлгани!

Ичкаридан югуриб чиққан Жерландонинг онаси қўлларини кўкка кўтариб, фарёд қила бошлади:

– Доктор керак! Тезроқ докторни чақиринглар! У ўлаяпти!

– Аҳволи ёмонми? – сўради ранги докадек оқариб кетган Жерландо. Отаси Жерландони эшик томон судраркан:

– Югур! Тезроқ доктор топиб кел! Оёғингни қўлга ол! – дея буюрди.

Жерландонинг вужудини титроқ боса бошлади. У жон-жаҳди билан югуриб кетди. Кўз ёшлари тинмай оқар, оёқлари худди юрмаётгандек туюларди ўзига.

Ярим йўлда у доя хотин билан бирга келаётган аравага дуч келди.

– Тезроқ ёрдам беринг! Тезроқ! – бор овози билан қичқирди у. – Докторни олиб келишга кетаяпман! Аҳволи оғирлашиб қолди.

Жерландо қоқилиб йиқилди, эғнилари тупроққа беланди, шилинган қўлини ушлаганча югуришда давом этди.

Жерландо шифокорни бошлаб келганида Элеонорадан қон кетиб, беҳуш ётарди.

– Қотил! Сен қотилсан! – дея қичқирди бекаси атрофида гирдикапалак бўлаётган Жеза. – Ҳаммасига сен айбдорсан! Унга қўл кўтаришга қандай ҳаддинг сиғди!

Элеонора бир оз ўзига келгач, жазаваси тутган кампирга “жим” дегандай бош чайқади. У кетаётган қон билан бирга вужудидан сўнгги куч-қуввати, яшаш онлари жисми жонини тарк этаётганини ва танаси музлаб бораётганини ҳис этмоқда эди. Бу дунёни тарк этгани бир жиҳатдан маъқулдир. Тавба, ўлим қўрқинчли эмас экан. Балки бу боқий дунёнинг ташвишларидан тўйиб кетгани учун ҳам дорилбақога рихлат этиш унга бир қадар ёқимли туюлаётгандир. Ранги оппоқ оқариб кетган Элеонора кўзларини шифтга тикканча абадий уйқуга кетишини кутиб ётарди. Никоҳ кечасида гувоҳ сифатида қатнашган шифокорни гўё тушида кўраётгандек эди. Элеонора унга боқаркан, юзидан ним табассум пайдо бўлди.

V

Жерландо хотинининг ёнидан кечасию кундузи жилмай ўтирди.

Элеонорани ниҳоят, оромкурсига олдилар, юзидан қон қочганди. Кўзи Жерландога тушди, худди эри ҳам ўлим тўшагидан тургандек эди наздида. Сўнг тепасида парвона бўлаётган қайнона-қайнотасини кўрди. Янаям катталашиб кетган шаҳло кўзлари ила уларга боқди ва улар билан ўзи ўртасида боғлаб турадиган ҳеч нарса йўқлигини сездди, гўё у қаердандир покланиб келган-у, нафақат эри, қайнона-қайнота билан ҳам, аввалги ҳаёти билан ҳам боғлаб турадиган ришталар батамом узилганини ҳис этди.

Элеоноранинг нафас олиши оғирлашганди. Арзимаган шовқиндан ҳам юраги гупиллаб уриб кетар, сўнг бир оз тўхтаб, яна ҳаприқиб уришда давом этарди. У ниҳоят бошини ўриндиқнинг орқа суянчиғига ташлаб, кўзларини юмди-ю, ўлмайд қолганидан афсусланди. Энди у қандай яшайди? Қандай қилиб бу азобларга чидайди! Қаршисида ундан нигоҳларини узмай турган кимсаларнинг кўзига қандай қарайди. Уларга нисбатан қалб торлари узилиб кетганди! Аввал ўтиб кетганлар у томон бостириб келавердилар, кимдир уни бор кучи билан ушлаб тургандек, бошидан ўтказган воқеаларни томоша этишга мажбур

этаётгандек эди, ҳамма-ҳаммасини унутишга ёпирилиб келаётган ўю хаёллари изн бермасди.

Элеонора энди одам қаторига кирмай, юрагим ёрилиб бу дунёни тарк этсам керак, деб ўйларди. Аслида ундай бўлмади... Барча азоблар ортда қолди. Аста-секин ўрнидан туриб, Жеза кампир ёрдамида хона ичида юра бошлади; қувватга киргач, пиллапоялардан аста-аста пастга тушиб, очиқ ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олди. Кейин-кейин ҳар оқшом қўрғоннинг жанубий томонидаги баландликкача борадиган бўлди. У ердан денгиз қирғоғи бемалол кўзга ташланарди. Элеонора дастлабки кунлари у ерга Жерландо ва Жеза ёрдамида, кейинчалик эса Жеза кампир ҳамроҳлигида борарди, ниҳоят, кучга киргач, ёлғиз ўзи борадиган бўлди.

Элеонора қари зайтун дарахти соясидаги тош устига ўтирганча денгизнинг мавжланишини томоша қилишни ёқтирарди; шу ердан ботаётган қуёшнинг гардиш нурлари денгиз устидаги қуюқ туман ичига кириб кўздан ғойиб бўлишини, тўлқинларнинг гўзал рангда мавжланаётганини, булутлар эса қуёш шуъласидан ғаройиб тусга кириб боришини, қоронғулик атрофга ўз пардасини ёяётган пайтда, самодаги юлдузларнинг бирин-кетин потраб чиқиши-ю, атрофга нур таратаётганини, уларга эргашиб тўлин ой ўз жамолини кўз-кўз қилаётганини томоша қилиб ўтирарди. Оқшом нақадар гўзалликларга бойлигидан ҳузурланаради. Бу хотиржамлик ва осудалик унга жаннатдагидек роҳат бахш этганди. Бу роҳатдан тўйиб-тўйиб лаззат оларди.

Бу орада Жерландонинг оиласида Элеонорага нисбатан тузоқ қўйилаётган эди. Қайнонаси билан қайнотаси меросхўр ҳақида ўғиллари қулоғига қуяётгандилар. Улар Элеонорадан хавотирда эдилар.

— Ўғлим, хотинингни ёлғиз қолдирма. Унга ғамхўрлик қилишинг керак. Ёнидан сира силжима, ишончини, меҳрини қозон. Хотинингни шунга мажбур қилгинки, хизматкор кампир унинг хонасида тунамасин. Келинимиз ҳозир ўзини яхши ҳис этяпти, тунлари унга хизматкорнинг ҳожати йўқ, — дея уқтирардилар.

— Нималар деяпсиз, ахир! Бундай ўй-хаёллар калламга келгани ҳам йўқ... Ё тавбангдан кетай! Ахир у мен билан онадек муносабатда. Ўзингиз ҳам бунинг гувоҳи бўлгансиз-ку!.. Унинг ёши ўтиб қолганмиш. Бу ишларга ярамасмиш!..

— Нима, қариб қолганмишми? — гапга аралашди онаси. — Уни қари деб бўлмайди, шунинг учун сен...

— Фарзандлик бўлмасанг, барча ерларингни тортиб оладилар! — Гапни бўлди отаси. — Мени айтди дерсан, сени унга боғлаб турадиган боланг бўлмаса хор бўлиб, кўчада қолиб кетасан. Мабодо, у сенга бола туғиб бермай ўлиб қолса борми, қонун бўйича бутун мол-мулкингни тортиб оладилар. Ўйлаб иш қил! Ўқишни ҳам ташладинг, вақтни бой бераяпсан. Мени айтди дерсан, отингни вақтида қамчилаб қолмасанг, ҳеч вақосиз қоласан. Кеч бўлмасдан яхшилаб ўйлаб кўр... Нимани кутиб ўтирибсан!

— Хотинингга дўқ қилма, яхши гапир, — аста тушунтирди отаси. — Олдига бориб ҳаммасини тушунтир. Айтганларимни қилмасанг, ҳеч вақосиз қоламан, дегин. Мени ҳам ўйлагин-да, мен ҳам сенинг айтганларингни қиялпман-ку, деб айт. Нимадан қўрқаяпсан? Ҳаммасини тушунтир, қўрқма, сени еб қўймайди.

— Яна шуни қўшиб қўйгинки, — яна гапга аралашди онаси, — Элеонора, сен укангга мурувват кўрсатмоқчимисан? Ахир у сени не қўйларга солмади дейсан. Мени уйдан қувиб юборишини истамасанг, гапимга кирасан. Ота-онам ҳам бу уй-жойлардан қувиладилар, дегин.

Жерландо миқ этмай ўтирарди. Ота-онасининг гап ўргатишларидан ижирганиб ўтирса-да, айна вақтда улар ҳақ эканликларини ҳис этарди. Нима қилса экан? Бу воқеалар ҳақида Элеонорага сўз очса, албатта унга ёқмаслигини жуда яхши билади, аммо начора, фарзандсиз ҳаёт ҳаётми? Нима қилиб бўлса-да, Элеонорага буни ётиги билан тушунтириши керак.

Элеонора энди дастурхон атрофига чиқиб ўтирадиган бўлганди. Бир куни кечки овқат пайтида эри дастурхонга тикилганча хаёл суриб ўтирганига кўзи тушиб қолди ва:

– Нега овқатингни емаяпсан? Бир нуқтага тикилиб ўтирибсан, – деб сўради.

Жерландо айна вақтда хотинидан шу саволни кутган ва айнан хотини шу саволни бериши учун ҳам дастурхонга тикилгандек хаёл суриб ўтирарди. Ўрни келганда ота-онаси миясига қуйган гапларни гапирмоқчи ҳам бўлди-ю, лекин кўл силтаб қўя қолди.

– Сенга нима бўлди? – қайта сўради Элеонора ундан.

– Ҳеч нарса, – саросимага тушиб деди Жерландо. – Отам сира тинчлик бермаяпти...

– Яна ўқи деяптими? – кулиб сўради Элеонора.

– Йўқ, бошқа нарса ҳақида, – аста гапирди Жерландо. – Фарзандлик бўлишимизни истаяпти. Набиралик бўлишни жуда хоҳлаётганмиш. Насл-насабсиз бўлишимизни истаяяпти. Бир-бирингизга қараб, сўппайиб ўтирасизларми деяпти. Меросхўр керак-ку, ахир!

– Отангга айтиб қўй, – жиддий тусда деди Элеонора Жерландони қизарган юзини кўрмай, деб қўллари билан юзини тўсаркан. – Отангга айт, ташвиш тортмасин. Мен ҳаммасини ўйлаб қўйганман. Гар шу ҳақда гап очилган экан, сенга бир гапни айтиб қўймоқчиман, ким олдин, ким кейин ўлади, бу ёлғиз Оллоҳга аён, мен аввал бандаликни бажарсам, хонамдаги жавоннинг иккинчи тортмасида сенга аталган хат бор, ҳаммаси ўша ерда ёзилган.

– Қандай хат? – сўради уятдан қизариб кетган Жерландо.

Элеонора бош ирғаб гапини тасдиқларкан:

– Ҳа. Хотиржам бўл, – деб гапни қисқа қилди.

Эртаси куни севинчи ичига сиғмаган Жерландо ота-онасининг уйи томон елдек учиб борди ва Элеонора айтган гапларни оқизмай-томизмай сўзлаб берди.

Жерландонинг ота-онаси ўғлининг гапидан қониқмай, ҳайрон бўлиб уни саволга тутдилар:

– Хат дейсанми?

“Қизиқ, бу қандай хат экан. Васиятномамикан. Демак, барча мол-мулкларни эрига қолдираётган экан-да. Хатда нималарни ёзди экан-а? Аёллигига бориб, ниманиям ёзганин! Ёзганларини нотариус тасдиқламаса, у қонуний ҳисобланмайди-ку. Укаси ҳам суд ходими бўлса, судлашиб бор-будларини тортиб олиши туган гап.

Судлашиб барака топмайсан. Судлашиб юришни худо кўрсатмасин. Биздай ночорларнинг кучимиз етмайди уларга. Укаси ўчакишиб бизни хонавайрон қилади. Оқни қора, қорани оқ, деб тураверишади. Ким билади дейсан, ўша тортмада ҳеч қандай хат йўқдир. Сендан қутулиш мақсадида шундай деяётгандир. Хатни ўз кўзинг билан кўрдингми? Йўқ, кўрмагансан. Боланг бўлганда борми, барчаси бошқача тус олган бўларди. Алданиб қолмагин тагин. Гапимизни икки қилмай фарзандлик бўлиш ҳаракатига туш. Хат билан иш битадими?” – тинмай ўғлига уқтирарди отаси.

Кунларнинг бирида одатда жарлик ёқасида ўтирган Элеоноранинг рўпарасида кутилмаганда Жерландо пайдо бўлди. Элеоноранинг эти жунжикиб елкасига қора шолрўмолини ташлаб олганди. Феврал ойи бўлса-да, кунлар илиб, баҳорнинг ҳиди келиб қолган. Жарликнинг пастидаги ялангликда ниш урган бугдой кўм-кўк ястаниб ётарди, уфқда денгиз ва осмон туташиб кетганди.

Элеонора осуда ранглар уйғунлашувини завқ билан томоша қилаётган эди. У толиққанини ҳис этгач, бошини зайтун дарахтининг танасига қўйиб, тин олди. Қора шолрўмолини бошига ўради, юзи оппоққина бўлиб кўзга ташланди-қўйди.

— Бу ерда нима қилиб ўтирибсан? — деди Жерландо унинг қаршисига келиб. — Худди мотамсаро оналардек ўтирибсан-а.

— Атрофни томоша қиляпман,— деди Элеонора хўрсиниб, сўнг кўзини аста юмди.

Жерландо Элеонорага:

— Шолрўмолинг ўзинга бирам ярашибдики... — дея кўнглини кўтарди.

— Ростанам ярашибдими? — маъюс жилмайди Элеонора. — Совқотганимдан ўрадим.

— Рост айтаяпман, жуда ярашибди. Юзингни нақш олмадай кўрсатаяпти. Бирам очилиб кетибсанки,— деди Жерландо шоша-пиша хотинининг қаршисига тиз чўкаркан.

Элеонора йиғлаб юбормаслик учун кўзларини чирт юмиб олди. Самарасиз ўтиб кетган ёшлик йилларидаги хотиралар миясига қуюндай ёпирилиб кела бошлади. Эссиз ёшлиги, бесамар ўтган ёшлиги... Ўн саккиз ёшида у нақадар гўзал ва сулув эди-я!

Кутилмаганда Жерландо журъатсизлик билан унинг билагидан ушлаётганида Элеоноранинг ҳуши ўзига келди.

— Кўлингни менга бер, — деди Жерландо ва бесаранжом кўзлари билан хотинининг бошидан оёғигача разм солди.

Элеонора эрининг хатти-ҳаракатидан гап нимадалигига тушунса ҳам ўзини гўлликка солиб:

— Кўлимни? Нега? — деб сўради ва: — Зўрлама мени, кўтаролмайман. Кучим етмайди. Зўрга юрибман... Кеч бўлди, юр уйга кетайлик,— дея ўрнидан турди.

— Ёмон хаёл кўнглимга келгани йўқ, — тушунтирмоқчи бўлди Жерландо. — Бир оз шу ерда ўтирайлик. Бу ер жуда осуда, кўнгилочар жойлар экан...

Қуруқшаган лабларининг таноби қочганча Жерландо Элеоноранинг тиззаларини қучмоқчи бўлди.

— Йўқ! — қичқариб юборди Элеонора. — Эсингни еб қўйибсан! Қўйиб юбор!

Элеонора Жерландонинг елкасидан итариб юборди. Жерландо чўккалаб қолди, Элеоноранинг қора шолрўмоли унинг устига сирғалиб тушди.

— Қачонгача ноз қиласан-а, қачонгача, — яна-да куч билан Элеоноранинг тиззаларини қучаркан гўлдиради Жерландо худди маст одамдек. Элеонорадан таралаётган ёқимли ҳиддан маст бўлган Жерландо аста-секин қўлини унинг бели томон чўзди.

Элеонора бор кучини ишга солиб, эрининг кучоғидан ўзини озод этди ва жар ёқасига югуриб келди-да:

— Яқинлашма! — деб бақирди.

Ҳазаби жўш урган Жерландо Элеонорага ташланди. Элеонора унга чап бераман деб, пастга қулаб кетди.

Жерландо даҳшатдан турган жойида донг қотиб қолди. Қулоғига фарёд тўла бўғиқ овоз чалинди. Жерландо эсанкираганча қўрқа-писа пастга қаради, не кўз билан кўрсинки, яшил ўт-ўланлар устида бир тўда қора кийимлар ёйилиб ётарди. Қора шолрўмол эса шамолда ҳилпираб, қанот қоққандек пастлаб тушиб борарди.

Жерландо нима қиларини билмай иккала қўли билан бошини чангаллаганча уйи томонга қаради. Сўнг зайтун дарахти теппасида тўлин ой шуъла сочиб турганига кўзи тушди. Жерландо узоқ вақт ойдан кўзини узолмади. Унинг наздида тўлин ой барча воқеага гувоҳ бўлганча Жерландони айблаётгандек эди.

БИРОВГА КУЛМА ЗИНҲОР...

I

Кристофоро Голиш гавдасининг оғирлигидан бир оз букилган оёқларини кериб, кўча ўртасида турарди; бошига қийшиқ кўндирган шапка гардиши уни юмалоқ голланд пишлоғига ўхшатиб қўйган эди. Голиш қўлини силкиб:

– Беньямино! – деб қичқирди.

Баланд бўйли, хипчадан келган, ёши элликлар атрофидаги бир киши шамолда тебранаётган новдадек чайқалиб қаршисидан келмоқда эди. Рангпар юзидаги катта-катта кўзлари атрофга олазарак боқарди. У учига резина ўрнатилган ҳассага таянганча чап оёғини судраб келмоқда эди.

– Беньямино! – қайта чақирди Голиш. Негадир овози бу сафар бошқача чиқди. У қадрдон дўстини бу аҳволда кўраман, деб сира ўйламаганди.

Беньямино Ленци негадир тез-тез киприк қоқар, лекин кўз қарашлари ҳамон ўша-ўша эди. Кўзлари бир зумда ёшга тўлди, лекин афти сира ўзгармади. Мўйлови остидаги бир оз қийшиқ лаблари қимирлаб, нимадир демоқчи бўларди-ю, бироқ гапи қовушмай:

– Бу мени бол-адиган йў-лим, – дея дудуқланди.

– Баракалла, – деди Голиш, қаршисида гўё қадрдон дўсти Беньямино Ленци эмас, балки раҳм-шафқатга муҳтож ёш болакай тургандек. Уни совуқ тер босди.

Голиш дўстига яқинлашиб, унинг юришига мос равишда қадам ташламоқчи бўлди. Афсуслар бўлсинки, бу жонсиз судралаётган оёқни гўё қандайдир номаълум кимса ер қаърига тортаётгандек эди! Яримшол ва бадбашара, ўлим нафаси келиб турган бу кимсани кўриб, унга ачинаётганини ҳамда саросимага тушганлигини яшириш мақсадида Голиш Беньяминодан Римдан кетганидан бери шу вақтгача қаерда юрганлиги-ю, қачон қайтиб келганлигини сўраб, саволларга кўмиб ташлади.

Беньямино Ленци дўстининг саволларига гўлдираш билан жавоб берди. Голиш эса берган саволларини Ленци тушундими, йўқми, деб шубҳалана бошлади. Киприкларини тез-тез пирпиратиб туриши, у азоб чекаётгани ва жуда танг ҳолатда эканлигини билдириб турарди. Бу ҳол чеҳрасида қотиб қолган ғалати саросималикдан халос этмоқчидек туюларди. Оғир хасталик Беньямино Ленцида ўчмас из қолдирганди. Унинг кўзларида ҳайрат ва қўрқув муҳрланиб қолганди.

– Вой-вой-вой! – тишларини гижирлатиб деди Кристофоро Голиш мажруҳ дўстига ачиниб қараётган одамларга ғазаб билан боқаркан.

Унинг газаби тобора ошиб, дили вайрон бўлмоқда эди. Атрофдагилар кўчада енгил қадам ташлаб бораяптилар. Қандай бахт. Оёқ-кўллари эркин ҳаракатда, қандай яхши. Бошларини у ёқ-бу ёққа бураяптилар. Тани соғлиқ – туман бойлик, деб шуни айтсалар керак-да. Хўш, ўзининг кўриниши қандай! Бақувват, мускулдор вужудидан куч-қувват ёғилиб турибди. Кристофоро Голиш қўлини мушт қилди. Жин урсин ҳаммасини! Шу тобда кимнингдир елкасига мушт туширгиси келиб қолди. Қизиқ, нима учун мушт тушириши керак? Бунинг сабабини ўзи ҳам билмасди. Ўтиб кетаётганлар жигига тегмоқда эди. Айниқса, Ленцига ўгирилиб қараётган бақувват ёшлар уни газабини келтирмоқда. Голиш чўнтагидан ҳаво ранг дастрўмолини олиб, терга ботган юзини артди.

– Беньямино дўстим, қаерга кетаяпсан?

Ленци юришдан таққа тўхтади-да, соғлом қўли билан кўча чироғи устунига суянди ва унинг нотекис жойларини пайпасларкан:

– Шифо-колга оё-қимни машқ қий-дийгани, – дея қотиб қолган оёғини кўтармоқчи бўлди.

– Машқ қилдиргани дейсанми? – сўради Голиш. – Оёғингни машқ қилдираяпсанми?

– Ҳа, оё-қимни, – жавоб қайтарди Ленци.

– Баракалла! – деди Голиш. Унинг кўнглида ногирон оёққа жон ато этиб, дўстини бу азобдан қутқариш нияти пайдо бўлди.

Дўстини бундай ачинарли ҳолатда кўриш Голиш учун жуда оғир эди. Наҳотки унинг қаршисида турган ўша ёшлик йилларида гаройиб саргузаштлар ишқибози бўлган Беньямино Ленци бўлса? Икковлари ҳам уйланмай бўйдоқликларича қолиб кетдилар. Бўш вақтларини маишатда ва ўйин-кулги билан ўтказишни ёқтирар эдилар. Кейинчалик Беньяминнинг ҳаётида ўзгариш рўй берди. У жуда эпчил чиқиб қолди. Гаплари бурро, қатъий эди. У пайтларда Беньямино деганлари ишга муккасидан кетган, умид билан ҳаракат қиларди. Кутилмаганда, шундай ҳолатга тушиб ўтирса-я... Бу ёғи қандоқ бўлди! Ачинарли аҳволга-я!

Голиш дўстидан кўп нарсалар ҳақида сўрамоқчи бўлди, аммо бунга ўзига эп кўрмади. Ундан сўрамоқчи бўлган қанча гаплари бор эди-я.

– “Фьяскеттерия Тоскана” баридаги баҳсимиз ёдингдами? – эслатди у дўстига. – Надина эсингдами? Биласанми, ҳозир ҳам мен у билан учрашиб тураман. Ёдингдами, сен ғайирлик қилиб уни мендан тортиб олмоқчи бўлгандинг? Ўшанда Надина сени жуда ёқтириб қолганди. Ҳали-ҳанузгача у сени эслайди. Бугун кечқурун уникага меҳмондорчиликка ўтаман, сени учратиб қолганимни унга айтаман. Қара, сен ҳам мени танимаётгандирсан, таниётган бўлсанг ҳам худди тушда кўраётгандекдирсан.

Голиш жиққа ёшга тўлган кўзлари билан дўстига тикилар, Беньямино бармоқлари билан тинмай ўзи суяниб турган чироқ устунини пайпасларди.

Беньямино Ленци ҳозирда суяниб турган чироқ устунини яхши эслаб қолганди, чунки ҳар куни сайрга чиққанида шу ерда бир оз дам олиш учун тўхтарди. Атрофда ҳаёт давом этмоқда, одамлар унинг аҳволига қараб ачинар, қадам ташлашига хавотирланиб қарашарди. Ленци эса ҳеч нарсани пайқамай, ўз хаёли билан бўлиб, шу тош кўчадан судралиб ўтарди. У бор кучини тўплаб, аввал кўча чироғи устунига, сўнг шаҳар бозоридаги биронта дўконнинг кўргазма ойнаси олдиғача етиб олишга жон-жаҳди билан ҳаракат қиларди. Бу ер эса иккинчи маротаба тўхтаб дам оладиган манзили эди. Беньямино Ленци

шу ерда узоқ вақт туриб, кўргазмага қўйилган арғимчоққа қизил боғич билан боғланган чинни маймунчани томоша қилиб турарди. Кейинги пайтларда кўчанинг ичкарисидаги боғ девори олдида тўхтаб дам оладиган бўлди. Айнан уни даволайдиган шифокор ҳам шу кўчада истиқомат қиларди.

Шифокорнинг ҳовлиси шинамгина, гултувакларга экилган анвойи гуллару катта ёғоч қутиларга ўтказилган ёш бамбуқ, апельсин дарахтларига тўла эди. Шу билан бирга турли хил машқ ўтказиладиган асбоб-анжомлар ҳам мавжуд эди. Бир бурчакда эса мустаҳкам тахтачаларга қоқилган ҳалқачаларда айлана орқали ўтказилган арқон ҳам осилиб турарди.

Беньямино Ленци касал оёғини ёғоч педал устига қўйиб айлантира бошлади. Бу машқ ҳар куни ярим соат давом этарди. Орадан икки-уч ой ўтгач, анча тетиклашиб, соғайиб кетишига ўзида ҳам ишонч пайдо бўлган эди.

Бу манзарани бир оз кузатиб турган Кристофоро Голиш қўлларини силтаганча, катта-катта қадам ташлаб, ҳовлидан шитоб билан чиқиб кетди.

Шу тобда Голишни шундай ҳис-туйғулар қамраб олдики, гўё бу аҳволга Ленци эмас, худди ўзи тушиб қолгандек туюлди.

Голиш ўртоғининг бундай ночор аҳволига асло тоқат қилолмай қолди. Кўзлари ғазабдан чақнарди. Ақлдан озган одамдек қўлларини силкитиб, тишини тишига қўйганча кўча бўйлаб ўзи билан ўзи сўзлашиб борарди:

– Бу ёғи қандоқ бўлди-а? Сенинг ўрнингда бўлганимда, ўзимни хароб қилдириб қўярмидим? Одамлар мазах қилишларига чидаб юрармидим? Бошқалар мазза қилиб юрсинлар-да, мен кулги-маломатга қолайми? Йўқ, бу кунимдан ўлганим яхши. Кулги бўлишни истамайман.

Шу оқшом, эртаси куни ва яна бир неча кун давомида унинг миясини фақат шу ўй-хаёллар қамраб олди. Содир бўлган бу ҳол уни васвасага солиб, на уйда, на ишда ва на қаҳвахонада тинчлик бермасди. Таниш-билишларни кўриб қолгудек бўлса:

– Беньямино Ленцини кўрдингизми? – деб сўрарди. “Йўқ” деб жавоб бергудек бўлишса:– Бечора шол бўлиб қолибди! Қандай яшаб юрибди, ҳайронман. Шифокор бўлганимда бу ҳолдан қутқарармидим... Бечора педал айлантириб, оёғини ҳаракатга келтираяпти. Тузалиб кетармикин? Бир минг саккиз юз олтмиш олтинчи йилда – ёшлик йилларида мен билан ёнма-ён туриб урушган ва дуэлда қатнашган ўша Беньямино Ленци-да. Жин урсин, биз ўзимизни ҳеч қачон аяган эмасмиз. Ҳаёт шоду хуррамликларга тўла бўлсагина қадрли бўларкан. Бўлмаса, унинг қизиғи йўқ экан. Мен бу аҳволга чидаёлмай ўзимни бир балога гирифтор қилган бўлардим.

Ниҳоят, қаҳвахонада ўтирган улфатлар Голишнинг гапидан чарчашди.

– Мен жонимга қасд қилган бўлардим,– деди Голиш.

– Тезроқ айтганингни амалга ошир, биз ҳам совуқ гапларингдан қутулайлик,– деб ҳазиллашишди дўстлари.

Кристофоро Голиш улфатларининг гапига эътироз билдириб, қўлларини силтаб:

– Йўқ, агар шундай ҳолат рўй берса деяпман-да...– деди.

II

Орадан бир ойлар чамаси ўтгач, Кристофоро Голиш опаси ва жияни билан бир дастурхонда кечки овқатни тановул қилаётган пайтларида

тўсатдан нафас ололмаётгандек кўзлари олайиб, оғзи қийшайди-қолди. У столга юзтубан йиқилиб, тақсимча устига бошини кўйди.

Худди унга ўлим шарпа солаётгандек эди. Бир зумда Голишнинг ўнг тараф аъзолари ишламай, гапдан қолди.

Кристофоро Голиш Италияда туғилганди. Ота-онаси немис эдилар. Умрида Германияга бормаганди. У соф рим шевасида сўзлашарди. Дўстлари унинг Голиш исми шарифини аллақачоноқ италянча Голиччи дея ўзгартириб юборган эдилар. Баъзилар эса, қорни қаппайганлиги, ҳаддан зиёд иштаҳаси зўрлиги учун унга Голачча, деб лақаб ҳам кўйиб олган эдилар. У баъзан хуфиёна гаплари бўлса опаси билан немис тилида сўзлашарди, холос.

Кристофоро Голиш гапира оладиган бўлганидан сўнг, у шифокорни ҳайратга солиб кўйди, италян тилини мутлақо унутиб, фақат немис тилида сўзлаша бошлади.

Қизариб кетган, кўрқув тўла кўзларини очиб, қийшайган оғзи ва юзини чап тарафини ҳаракатга келтириб, бўйсунмаётган тили билан бир неча сўз айтмоқчи бўлди. Сўнг соғ кўли билан бошини ушлаб шифокорга немис тилида шундай мурожаат этди:

– Сиз... сиз... мўлжалга олиб мушт туширгандай... – деди.

Шифокор немис тилини тушунмади, укасининг гапидан эси чиқиб кетган опаси бу гапларни таржима қилишга мажбур бўлди.

Кристофор Голиш тўсатдан немисга айланди-қолди. Аниқроқ қилиб айтганда, у қайтадан немис бўлиб туғилди. Хотирасидан барча италян сўзлар чиқиб кетганди.

Шифокор бу ҳолатни илмий асосда тушунтирмоқчи бўлди, ўз ташхисини кўйиб, муолажалар буюрди. Шифокор кетаётганда Голишнинг опаси уни бир четга олиб, бир неча кун аввал шол бўлиб қолган эски қадрдони билан учрашиб қолганида, агар ўзи ҳам шундай дардга чалингудек бўлса, жонига қасд қилишга онт ичганлигини айтиб берди.

– Биласизми, доктор, худди шу касалга мубтало бўлишини аввалдан сезгандек, фақат шу ҳақда гапиргани-гапирган эди. У жонига қасд қилиши турган гап. Мен жуда хавотирдаман.

Шифокор хайрихоҳлик билан илжайиб:

– Хавотир бўлманг, хоним, ҳеч кўрқадиган жойи йўқ. Уқангизга унинг бетоблиги бор-йўғи овқат ҳазм бўлмаганидан деб айтамыз, мана кўрасиз...

– Лекин доктор!

– У ишонади, мен бунга кафилман. Чунки касали оғир эмас, бир неча кундан сўнг оёқ-қўлларини қимирлата бошлайди. Вақт ўтгач, юриб ҳам кетади. Аста-секин юради. Ким билсин, вақт ўтиши билан у буткул кўрмагандек бўлиб кетиши ҳам мумкин... Бу унга жиддий огоҳлантириш бўлди. У ҳаёт тарзини бутунлай ўзгартириши ва қатъий тартибга бўйсуниб яшаши лозим. Фақат шу йўл билан касал хуружи қайталанишидан узоқ вақт сақланиши мумкин.

Опаси кўзига қалқиб чиққан ёшларини яшириш мақсадида, қўллари билан кўзларини юмиб олди. Шифокорнинг гапларига ишонмасдан дарҳол хизматкори ва ўғли билан маслаҳатлашиб, укасининг тортмада турадиган тўппончасини яшириб кўйиш режасини туза бошлашди. Маслаҳатга кўра у хизматкор билан тўшакни тўғрилаб кўйиш баҳонасида каравотнинг четида туриб олганларида, тортмадан ўғли тўппончани билдирмай олиб чиқиб кетадиган бўлди. Фақат эҳтиёткор бўлишлари керак. Шундай қилдилар ҳам. Опаси ўз эҳтиёткорлигидан енгил тин олди, чунки авваллари укасининг бундай

касалик ҳақидаги тушунтиришларига унча эътибор ҳам бермаганди. Худди шифокор айтганидек, укасига касалини оддий ошқозон касали деб тушунтирдилар.

– Ҳа... ҳа... бу оддий ошқозон касали...

Дарҳақиқат, укаси тўрт кунгача ошқозонида қандайдир нохушлик рўй бераётганини сезди.

– Меъда сустлиги... ҳа...ҳа... шундай.

“Наҳотки танасининг ўнг тарафи шол бўлиб қолганлигини укам сезмаётган бўлса?— дея ҳаёл сурарди опаси.— Наҳотки у Ленцининг бошига тушган бу азоблардан сўнг оддий меъда сустлиги шундай даҳшатли оқибатларга олиб келиши мумкинлигига ишониши мумкин бўлса, а?”

У ўз ихтиёри билан навбатчилик қила бошлаган биринчи кунданоқ гўё ёш болага ўргатгандек, унга меҳр билан унутилган итальян сўзларини ўргата бошлади. Укасидан эса нима учун итальян тилида гапирмаётганини сўради.

Голиш опасига ҳайрат-ла боқди. У ҳозир немис тилида сўзлашаётганини ҳам пайқамаётганди; у дабдурустдан немис тилида сўзлаша бошлади, бошқа тилда сўзлашиш эса унинг хаёлига ҳам келмасди. Голиш опаси ўргатаётгандай қилиб, итальян сўзларини қайтаришга тушди. Бироқ у опаси ўргатаётган итальян сўзларини немис тилида талаффуз қиларди. Жияни Жеванниони Чоугато деб атай бошлади, тоғам мени ҳазиллашиб шундай ном билан атапти, дея кулиб қўярди жияни.

Орадан уч кун вақт ўтгач, “Фьяскеттерия Тоскана” қаҳвахонасида Голишнинг бошига тушган кулфатдан хабардор бўлган дўстлари кўргани келдилар. Италиян тилини янгидан ўрганаётган Голишни кўриб, аҳволига ачиндилар. Голиш эса ўрганаётган сўзларининг маъносини фаҳмламасди ҳам.

Голиш ғалати аҳволга тушиб қолганди. Маълум бир дақиқада у абдий давом этгучи оламга шўнғиган-у, сўнг у ердан бутунлай бошқа инсон — қирқ саккиз ёшли ажнабий гўдак бўлиб туғилгандек эди.

Голиш ишламай қолган қўлини илк бор қимирлатганида шундай хурсанд бўлиб кетганини кўрсангиз эди! Оёғи эса қимирлай демасди. Лекин у оёғи ишлаб кетишига умид боғларди. Кристофоро Голиш оёғини ҳаракатга келтиришга жон-жаҳди билан ҳаракат қиларди.

– Қалай?— сўради у дўстларидан.

– Яхши, яқин кунларда юриб кетасан,— далда беришарди унга дўстлари.

Голишнинг яшашдан умиди катта эди. Ҳар эҳтимолга қарши дўстлари ҳамширадан беморга эътибор билан қараб туришини илтимос қилдилар.

– Биласизми, кутилмаганда ҳар қандай воқеа рўй бериши мумкин. Хотираси ҳам тикланиши турган гап. Голиш дўсти касал бўлганида нохуш фикрни миясига ўрнаштириб олганди: худо кўрсатмасин, хуруж яна қайтарилиб қолса борми, унда ҳар нарсани кутиш мумкин.

Ҳозирда Голиш эмас, балки дўстлари нохуш фикрлар гирдобиди эдилар. Орадан йигирма кун ўтгач, опаси ва жияни етовида хона ичида бир неча қадам босаётганидаги хурсандчилигини кўрсангиз эди! Шу тобда ундан бахтли одам йўқ эди дунёда! Гўё онадан қайта туғилгандек эди. Худди ёш боладек қадам босаётганидан хурсанд бўларди. Арзимас нарсага йиғлаб ҳам оларди. Хонадаги ҳамма нарса унга жуда қадрдон кўринарди. Уларнинг ёнига бориб, қўли билан

пайпаслаб кўрар, кўзига ёш олганча, қалби шодликка тўлиб судралиб қадам босарди. Бошқа хонадаги жиҳозларни ҳам узоқ вақт томоша қилиб турар ва шу хоналарга кириб боришни орзу қиларди. Ҳа, опаси билан жияни қўлтиғига киришса борми, у ҳамма хоналарни айланиб чиқарди. Кейинчалик Голиш жиянидан ёрдам сўрамай қўйди. Опаси ёрдамида соғ қўли билан ҳассага суянганча хонама-хона кеза бошлади. Тез орада бировнинг ёрдამисиз, фақат ҳасса билан юра бошлади ва ниҳоят, Кристофоро Голиш атрофдагиларга ўзининг нималарга қодирлигини кўрсатиб қўймоқчи бўлди.

– Энди-чи, энди... ҳассасиз юрсам дейман...

Голиш ҳассасига таянмай икки-уч қадам ташлади, лекин дарҳол курсига ўтириб олишига тўғри келди. У анча озиб-тўзган, ташқи кўриниши опасига ўхшаб кетганди.

– Бейамин!– дўстининг исмини бузиб чақирди Голиш.

Беньямино Ленци дўстининг шол бўлиб қолганлигини кўриб, ажабланмади ҳам. Мўйлови остидаги лабларини чўччайтирди, холос, шу лаҳзада ўнг юзи бир оз қийшайиб, тамшанганча деди:

– Сенга ҳам юқибди-да?– дея педал айлантиришда давом этди.

Эртаси куни Кристофоро Голиш шифокор ҳузурига опасининг ёрдამисиз бормоқчи бўлди. Беньямино эса ёлғиз ўзи қатнарди, Голиш ҳам ундан ортда қолмасликка аҳд қилди. Аввалига опаси ўғлига тоғасининг ортидан сездирмай кузатиб, назорат қилиб юришни тайинлади. Опанинг кўнгли хотиржам бўлгач, ёлғиз ўзи шифокор ҳузурига боришига руҳсат этди.

Энди ҳар куни эрталаб бир вақтда иккита ногирон дўст йўлда учрашиб шифокор ҳузурига бирга қатнайдиغان бўлдилар. Уларнинг йўналишлари бир хил эди – аввал кўча чироғи устунига етиб олишлари керак эди, сўнгра пастликка тушиб, бозор расталаридан ўтиб боришар, кўрғазмага қўйилган арғимчоқда ўтирган чиннидан ясалган маймун боласини узоқ томоша қилгач, боғнинг панжараси олдига етиб олишлари зарур бўларди.

Бугун Голишнинг хаёлига ажойиб бир фикр келди. У дўсти Ленци билан фикрини ўртоқлашиш учун ошиқа бошлади. Икки дўст – кўча чироғининг устунига суянганча нигоҳларини бир-бирларига қадаб, нима демоқчи бўлганларини тушунар ва кулгидан оғзиларининг таноби қочарди. Улар гапираётган сўзларини бузиб талаффуз қилганча бир тўхтама келдилар, Голиш ҳассасини кўтариб кўчадаги извошчини имо билан чақирди. Извошчи аввал биттасини, сўнг иккинчисини аравага чиқарди, мана энди улар Испания майдонида истиқомат қилаётган Надинаникига меҳмонга кетмоқда эдилар.

Пиллапоялардан юқорига минг азобда чиқиб, ҳансираб турган бу икки шахсни кўриб, Надинанинг эси оғиб қолаёзди. Бечора Надина кулишини ҳам, йиғлашини ҳам билмасди. Уларга ёрдамлашиб, икковларини ҳам меҳмонхонага бошлаб кирди ва ўз ёнидан ўтиришлари учун жой кўрсатди. Сўнг худди тарбиячиларга ўхшаб, қочиб келган ёш, шўх болаларга дакки бераётгандек, ўйламай қилган ишлари учун уларни койий кетди.

Беньямино Ленци аразлаган ёш боладек афтини бужмайтириб, йиғлаб юборди.

Голиш эса аксинча, қовоғини уйганча ташриф буюришдан мақсад, унга ажойиб – сирли совға қилмоқчи бўлганликларини айтди.

– Мени йўқлаб келганларинг учун бошим кўкка етди, раҳмат, – шоша-пиша деди Надина. – Яшаворинглар! Икковингизлар ҳам зўрсизлар... Уйимга қадам ранжида қилиб, бошимни осмонга

етказдинглар. Мен айтган гапимдан хижолатдаман, лекин сизларнинг фойдангизни кўзлаган эдим... Меникигача етиб келиш, устига-устак пиллапоялардан юқорига чиқишда қийналган бўлсангиз керак, деб... Беньямино, қўй, азизим, йиғлама... Сенга нима бўлди ўзи. Бардам бўл, Беньямино! – дея Надина оппоқ, чиройли, дўмбоққина қўллари билан унинг юзини силаб қўйди. – Сенга нима бўлди? Қани, менга бир қара-чи!.. Уйимга келмоқчи эмасмидинг, а? Сени анави ярамас бу ерга бошлаб келган бўлса керак? Шунинг учун мен уни эркаламоқчи эмасман. Бас қил, сен менинг арслоним, қадрдонимсан. Йиғлама, кўз ёшларингни ўзим артиб қўяман. Ана шундай, шундай қилиб. Мана бу ажойиб феруза кўзли узукка қарагин-а? Уни менга ким совға қилган? Бу узукни ким ўз Надинасига совға қилган? Эгнимдаги чиройли қўйлакни-чи? Қани, топ-чи? Сен мен учун энг қадрли инсонсан, азизим, – дея Беньяминнинг пешонасидан ўпиб қўйди. Сўнг ўрnidан даст турди-да, кўз ёшларини артиб олгач:

– Сизларни нима билан меҳмон қилсам экан-а?– деди Надина. Унинг қилган ишидан Кристофоро Голишнинг дили ранжиди, томоғидан овқат ўтмади. Беньямино Ленци ширинликдан бир бўлак ейишга розилик билдирди. У Надина узатган ширинлик томон чўзилиб, оғзини очмоқчи эди, Надина қиқирлаб кулганча ширинликни Беньяминодан олиб қочиб:

– Йўқ, йўқ, бермайман, – дея ҳазиллашди.

Топишиб олган икки қадрдон дўст гаройиб кайфиятда эдилар. Улар қувонгандан қувониб, тинмай кулардилар.



Карло КАЛАДЗЕ

Эҳтирослар қайнар юракда

ДАРЁЛАР

Учди қайғум, юракда зорим,
Учди маним оромим тамом.
Уч тулпорим, уч, эй тулпорим,
Бўшлиқ томон, чексизлик томон.

Уч, тулпорим, тортилган камон,
Ўқ сингари отил, вақт ўтар.
Ботқоқлардан учиб ўт омон,
Товонингда чақнасин ўтлар.

Уч, тулпорим, йироқ-йироққа,
Тулқан ерда қолмасмиз ҳамон...
Кўрдимки мен она тупроқда
Боболарнинг хокин заъфарон.

Думбул қўнгилларни ёнлаб уч,
Олис аждод қўрингай бутун,
Кеча – қонлар талашган бир куч,
Асрий кураш унутдир – бу кун.

Балки ёвдир ўшал томонда,
Олинмаган хунимдир маним.
Ўув, қуббадан балки нишонга
Олур мени билгисиз ганим.

Уч, тулпорим, қадаминг бос-да!
Тун ҳудудсиз азал оч эрур.

*Русчадан
Рауф ПАРФИ
таржималари*

Карло Каладзе XX аср грузин шеъриятининг ёрқин намоёндаларидан бўлиб, бу миллат адабиётининг юксалишига ҳисса қўшган забардаст шоирдир.

Шеърий тафаккур кенглиги, поэтик умумлашмалар ёрқинлиги, образлилик, грузин халқига хос бўлган оловнок эҳтирос, шиддат – ҳаммаси Карло Каладзе шеъриятининг ўзига хос хусусиятларини ташкил этади.

Ҳассос ва бетакрор шоир Рауф Парфи қолдирган ижодий мерос орасида жаҳон шоирларидан қилган таржималари ҳам салмоқли ўрин тутди.

Мазкур таржималар орқали унинг қалами нақадар бийрон ва фасоҳатли эканлигига яна амин бўласиз.

Жарликлардан зангор либосда
Қарагайзор мен томон келур.

Телбалардек тоғлар қочадир,
Ҳайқиради ялонғоч рўё.
Жарлик, тоғлар оғзин очадир,
Бўғизидан отилар дарё.

У тарафда нелардир голиб,
У тарафда кимлар туради?..
Дарял узра ёлини ёйиб
Ваҳший Терек оҳлар уради.

Ўчиргай Вақт ганимлик корин.
Балки ўчар номсиз овозим.
Уч, тулпорим, уч, эй тулпорим,
Қани сенинг буюк овозинг?

Парчала сен, рутубат горин,
Уч, билгисиз диёрлар кутар.
Уч юрагим, учқур тулпорим,
Товонингдан сачрасин ўтлар.

Шамол бўлиб губоринг қувиб,
Арагвадан учиб ўтгайман.
Ҳасратимни Терекда ювиб,
Ватан, ташна қалбим тутгайман.

Ватан бўйлаб йироқ-йироққа
Яна-да тез учмоқда отим.
Эҳтирослар қайнар юракда,
Синмасин ҳеч менинг қанотим.

* * *

Чексизликка қарайман тўниб,
Зангор либос киймишдир боғлар.
Гулбаҳорнинг рангига чўмиб
Кўринадир менга дунёлар.

Кезар оғочликлар ичинда
Чилдирмадек офтоб беғам.
Рақс тушгандек оёқ учинда
Учиб ўйнар дов-дарахтлар ҳам.

Гуржи рақсин эркин куйида
Айланади муаллақ ўрмон.
Ногоҳ юрак соғинч туяди,
Севинчларга тўлар ногоҳон.

Мана қишлоқ мусаффо, гўзал
Манзара бу — зангори олам.
Кенгликларнинг ошиғи азал,
Мен оҳиста ташлайман қадам.

Шул оқарган бошгинам ила
Болалигим қайтардим бир он...
Соҳиллардан келган шўх еллар
Айлар зангор ёқамни вайрон...

* * *

Йўлим жасоратли орзуга тўла,
Мовий кўкда бургут каби учадир.
Зулматни парчалар чақмоқ — тиф ила
Субҳидамнинг остонасин қучадир.
Йўлим жасоратли орзуга тўла.

Инонганман тоғда қалтис сўқмоққа.
Сув тошқини, тоғу тошлар беомон,
Жарлик аро йўлларим қисган чоқда
Якка чўпдан ўтиб топгайман омон.
Инонганман тоғда қалтис сўқмоққа.

Чошгоҳимни кўк зангорга ботирар,
Булут талпинади қошимга маним.
Завқ ила севаман сени нақадар,
Ҳали кўрмаганим-кечирмаганим!
Чошгоҳимни кўк зангорга ботирар.

Шаршара сингари сармаст, сарсари
Қоялардан учиб тушаман мен ҳам.
Ким билади, қай вақт чўққилар сари
Кўшиқлар тўлқинин отар гўзал дам,
Шаршара сингари сармаст, сарсари.

Агар мендан сўрасалар не дерман, —
Не излайсан, недан кўнглинг тўлмайдир?
Умрим бўйи мўъжиза деб ўтарман.
Менинг умрим аросатда қолмайдир,
Агар сўрасалар мен шундай дерман.

ТЎРҒАЙ

Сўзлайман санъатнинг моҳиятини.
Ердан қуш жасадин кўтардим — бежон.
Тупроққа қоришган, қаноти синиқ,
Тўрғай тумшуғидан оқар эди қон.

Товланиб турарди дала тузлари,
Бироқ анғиз узра йиқилганди ул.
Қўғирчоқ кўзлари каби кўзлари,
Ергамас, осмонга тикилганди ул.

Унинг ўлимига нимадир боис?
Йўлга тушдим қушча жасадин олиб.
Йўлга тушдим ахир, ҳайрону беҳис,
Ўткинчидан сўрар эдим лол қолиб.

Сўрар эдим ўлдирди деб, буни ким,
Тоғу тошни кезиб жавоб излардим.
“Куйчи қушни отиб бўлурми, ўғлим”,
Кўпни кўрган чоллар шуни сўзларди.

Ёшлар сўроғимни қиларди сўроқ;
“Не учун ўлдирдинг, айтиб бер, қани?”
Мухранида айтди биттаси бироқ,
Бу ўлим — парвознинг ҳаққи эканин.

Қуёшга интилмиш, қуёшга банда,
Тубанда ётарди қорлар оқариб,
Экинзор мавжланиб ётар тубанда,
Тубанда ул озод қушларнинг бари.

Тубанда... Тўрғай¹ ку баридан кечар,
Тўрғай ўқдек учар мовий кўк сари.
Қуёшдан, ўзидан маст бўлиб учар,
Оғушига олар чексизлик бари.

Мана у осмонга чўкиб бормоқда,
Дафъатан, самовий бахтдан тиқилди,
Ҳайҳот, ул бечора тўрғай тупроққа,
Шундоқ анғиз тепасига йиқилди...

Теварак қорайди. Булут юксалди.
Йироқда гулдирак гулдиарар эди.
Қўлимда тўрғайнинг жонсиз жасади,
Хаёл қанотида югурар эдим.

Билурман, охири тўхтар-ку қалбим.
Қўл силтаб дунёдан бир кун кетарман.
Учарман, қуёшга ботган қуш каби
Кўкда ер ҳақида қўшиқ айтарман.

* * *

Тун яқин. Айвонда икковлон
Турамиз, барглардек шикаста.
Мудрар қишлоқ йироқда бежон,
Қоронғулик чўкмоқда аста.

Йироқлардан дарахтлар фақат
Тепаликка ўрмалар каби
Қўл силкитиб қиладир даъват,
Сен ва мендек унинг матлаби.

Қалбларимиз уришин бу он
Тинглар эди улар хотиржам.

¹ Тўрғай қуёшни қўшиқ билан кутиб олади ва ўзни унутар даражада юксак парвоз қиладики, юраги дош беролмайди, кўпинча қишлоқларда эрталаб ўлган тўрғайларни топадилар.

Шовуллаган, титраган ўрмон —
Ишқ каломин тинглаймиз биз ҳам.

* * *

Боболарим хоки мангу чўкканлар.
Эман остидадир сўнгаклар урэн.
Бир вақтлар ҳайқириб қонлар тўкканлар,
Эман ундан ҳаёт эмган бегумон.

Эман, сен-ла қондошдирман қадимдан,
Йўқ, юлиб отолмас довуллар танинг.
Мен-да йиқилурман. Бироқ қонимдан
Яна янги бўлур ҳаётинг санинг...

ҚАЙТИШ

Кутмаганда қиш босар эрта.
Дафъатан қор қоқлар тоғларни.
Бироқ бўрон қишлоқ, боғларни
Қорлар ила ажиб ясатар.

Қишки шаффофликка тасанно.
Гуржи ўчоқ бўғиқ куйлайди.
Жангдан қайтган ўглин ўйлайди,
Кўз узолмас меҳрибон она.

Кўзларида шуълалар ёнар,
Қайта ёнди унут бўлган нур.
Омон қайтган ўғлони ахир,
Курсида шод ўлтирар она.

Ўглин тортар орзу туйғуси,
Баъзан тушар киприги титраб,
Қўрқинчли туш келгандек, мудраб.
Ўнгар ўткир кўзларнинг туси.

Оҳ тортади она гоҳ-гоҳ,
Қўрган каби хун талаш жангин,
Тинглагандек пўлат жарангин.
Ўгли томон ташлайди нигоҳ.

Тузалади кўксида яра,
Сўқир дарддан қутулар жони.
Учар кабутарлар карвони.
Ҳув йироқлар ёришар яна.

* * *

Одий сўзлар дарров келмайди,
Келгунича қайтади нафас.
Бўш гапларни пуфлаб бўлмайди.
Пуфлай десанг мис карнай эмас.

Тонг ёришар, сукунат. Бу кун
Ёздим: Тонг ёришар, сукунат...
Кекса Церетели каби жўн
Қурсам дейман шеърхон-ла суҳбат...

Мен шодликни куйладим кўпроқ,
Юзларимда табассум йўли.
Йиғлаганда юрагим бироқ,
Шеър устида ҳақ бўлган қўлим.

Бахтлиманки тонмади илҳом,
Шеърятга умрим уладим.
Гуноҳкорни, эй она калом,
Қанотингга ол деб тиладим.

Ҳасрат келса баҳслашдим ман.
Ҳақ эканим кўрсатиб турдим.
Шодликлари, ғамлари билан
Оддий куним ортмоқлаб юрдим.

Юрак мендан изн сўрмайди.
Чувалайди йилларнинг ипин.
Лекин менинг тилим бормайди
Айблашга вола юрагим.

Мангуликни хаёл қилмас, йўқ.
Мен — юрагим шаклиман азал.
У кўксимда олмайди ҳордиқ,
Зотан ҳордиқ — муқаррар ажал.

Қачон шоир бўлдим, бўлмадим,
Қайда ёндим, қайда чекдим ғам,
Неки топдим мен кам бўлмадим,
Дўстлар ила кўришдим баҳам.



ПРЕМЧАНД

Севги инъоми*Роман***1. МУҚАДДИМА**

Виндҳйочал тоғи туннинг зулматли қўйнида қора дев сингари ва-жоҳат ила қад кўтариб турибди. Ундаги пастак дарахтлар гўё унинг тўзғин сочлари, куббасидаги енгил шабада пирпиратиб ўйнаётган оқ латталар осиелиқ Аштбҳўжа Девий ибодатхонаси – унинг манглайи. Ибодатхонада шам милтиллайди, бир қарашда шам юлдузга ўхшаб кўринарди.

Тун ярмидан оққан. Чор атрофда гўристон жимлиги ҳукмрон. Пастда Ганга дарёси қора мавжларини ўйнатиб сокин оқади. Сувдан қандайдир сирли қўшиқ таралаётгандай. Унда-мунда қайиқларда ва соҳил бўйларида маллоҳларнинг ўчоқларидаги олов кўзга ташланади. Шундай паллада бир оқ либосли хотин Аштбҳўжа Девий сиймоси қаршисида қўл қовуштириб ўтирибди. Кекса чеҳраси қонсиз, заҳил, овозидан юрагини қаттиқ ғам кемираётгани яққол кўриниб турарди. У алламаҳалгача бошини солинтириб турди-да, охири тилга кирди:

– Ҳой, Она! Йигирма йилдирки, ҳар сешанба кuni пойингга келиб бош ураман. Бир кун йўқки, хаёлимдан муборак пойларинг фаромуш бўлсин. Сен ёруғ оламга чирой бағишлаб турган малоикасан. Сенга шунча талпиниб-сигиндим, аммо дилимдаги биронта ҳам армон ушалмади. Сендан бошқа мен яна кимнинг оёғига бориб бош урай? Онажон, барча рўзаларни бекаму кўст адо этдим, барча азиз-авлиёларга беармон сигиндим, қадамжоларни бориб зиёрат қилдим, аммо ниятларимдан биронтасига етолмадим. Охири сендан паноҳ тилаб келдим. Энди яна қайларга бориб додимни айтай? Сен ҳар доим барча муҳибларнинг додига етиб келгансан. Наҳотки, битта мендан ўз марҳамату мурувватингни дариг тутгайсан?!

Сувом шу тариқа анчагача таваллолар қилди. Тўсатдан унинг юрагида ҳеч англаб бўлмас бир ихлос туйғуси жўш уриб кетди. Унинг кўзлари юмилди ва қулоғига ғойибдан бир овоз чалинди:

– Сувом, мен сендан ғоят мамнунман. Айт, нима тилагинг бор?

Сувом лол қолди. Юраги гурс-гурс ура бошлади. Мана, йигирма йилдан кейин илк мартаба маъбуда унга жамолини кўрсатди. Аёлни титроқ босиб, деди:

– Қандай тилак тиласам, маъбудам ижобатга олгаймилар?

– Ҳа, худди шундай бўлгай.

– Чеккан риёзатларимни ҳисобга олса, тилагим каттагина бўлади, майлими?

– Нима тиламоқчисан? Кубернинг хазинасиними?

– Йўқ, маъбудам.

– Тангри Индрнинг қудратиними?

– Йўқ.

– Маъбуда Сарасватийининг санъатиними?

- Йўқ.
- Унда нима тиламоқчисан?
- Дунёдаги энг аъло нарсани.
- У нима экан?
- Солиҳ ўғил фарзанд.
- Насабинг шаънини улуғ қиладиган ўғилними?
- Йўқ.
- Ота-онасига сидқидилдан хизмат қиладиган ўғилними?
- Йўқ.
- Ҳам олим, ҳам паҳлавон ўғил тиларсан унда?
- Йўқ.
- Унда сен тилаган солиҳ фарзанд қанақа бўлиши керак?
- Она-Ватанининг суянчиғи бўладиган фарзандни солиҳ фарзанд дейдилар.
- Ақлу-фаросатингга офаринлар бўлсин! Бор, тилагинг ижобат бўлгай!

2. ДАРВЕШЛИК

Мунший Шалиграм Банораснинг таниқли бойларидан бўлиб, у умр бўйи судда ишлаб келди ва отадан қолган мерос ҳам талайгина эди. Дамашвамегҳ соҳилида қурдирган кошонасининг учи нақ осмонга тегарди. Қўли очиқлиги шунчаликки, йигирма беш-ўттиз минг рупиялик даромади доим учма-уч. Зоҳид браҳманларга ихлоси баландлигини айтмайсизми... Топган-тулканини нуқул браҳманлар ва зоҳидларнинг садақаларига ва уларнинг зиёфатларига сарфлаб юбораверади. Шаҳарга биронта зоҳид-поҳид оралаб қолса ҳам Муншийжийнинг меҳмони. Қадимги санскрит тилини билишда мана мен деган пандитлар ҳам унинг олдида ип эшолмайди. Веданта тамойилларига қаттиқ амал қилиб яшарди. Хуллас, дарвешлик тариқатига меҳру ихлос бу одамга сут билан кирган эди.

Муншийжий¹ болаларни бошқача яхши кўрарди. Маҳалладаги бола-бақра борки, барчаси унинг меҳридан баҳраманд. Остона ҳатлаб кўчага чиқди демагунча бир гала увринди-чувриндилар уни қуршаб олади. Бир қуни тошбағир бир она ўз боласини бўрсиқнинг боласидай дўппослаб турган эди. Бола жон аччиғида чинқириб йиғларди. Муншийжий чидаб тура олмади. Югуриб борди-да, болани бағрига олди. Мени ур дегандек аёлнинг қаршисида бошини эгиб туриб олди. Аёл бундан кейин боласига қўлининг учини тегизмасликка қасам ичди. Бировларнинг боласига бу қадар меҳрибон бўлган одам ўз боласига қанақа – ўзингиз билиб олаверинг. Худо унга ўғил фарзанд берди-ю, Муншийжий ҳамма ишини йиғиштириб қўяқолди. Гоҳ болани аргамчига солиб учирай ва бундан ўзи олам-олам завқ олар, гоҳ уни чиройли аравачага ўтқазиб, ўзи судраб сайр қилдирар эди. Бир дақиқа ҳам болани ўзидан нари қилмасди. Азбаройи болага меҳри зўрлигидан бошқа ҳамма нарсани унутган эди.

Сувом аўлига Пратапчандр деб исм қўйди. Ўзи ҳам исми жисмига монанд бола эди-да. Ақли бўлишидан ташқари бир қултум сув билан ютгудек. Бийрон-бийрон гапирганида, эшитиб тўймайсан, киши. Кенг пешонасидан нур чақнайди. Зуваласи шунчалик пишиқ-пухтаки, ўзидан икки баравар келадиган болаларни ҳам бир чўқишда қочирарди. Ёшгина бўла туриб унинг юз-андомидан шундай бир нур бал-

¹ Ж и й – хурмат маъносини англатувчи қўшимча, маъноси «жон».

қиб турардики, агар бирон нотаниш одамнинг олдида пайдо бўлиб қолса, у одам дарҳол «хай-хай, ёмон кўздан асрасин» деб, туф-туф қиларди.

Шу тариқа ўйин-кулги билан олти йил ўтди. Қувончли кунлар шамол сингари сершитоб бўлади ва қандай ўтганини билмай қолади, одам. Ёмон кунлар эса бир кун бўлса ҳам минг кунга татийди. Пратапнинг дунёга келганига қанча бўлибди дейсиз? Кулоқларда ҳали «фарзанд муборак бўлсин!» табриклари тиниб улгургани йўғ-у, бу ёқдан бола олти ёшга тўлиб турибди. Олти ёшга тўлган кун болапақирнинг пешонасига бахт эмас, бахтсизлик тамга бўлиб босилди. Мунший Шалиграм четдан қарагандагина куйди-пишди, беҳаловат одам эди. Аслида у зимдан беғам ва бепарво ҳаёт кечирарди. Гарчи бир қарашда у одамдаги мумсик бандалар сингари дунёнинг ғамларидан ғамга чўкиб ва қувончларидан қувониб юргандек бўлиб кўринса-да, аслида унинг юраги буюк ва масарратга тўла илоҳий қаноатдан фориғулбол эди, унинг учун қисмат зарбаларию бахт ҳаяжонлари деган гапларнинг бир чақалик қиймати йўқ эди.

Могҳ¹ ойи эди. Праёгда Кумбҳ сайли давом этарди. Поездларда саёҳатчилар вагонлардан кўпикдай тошиб Праёгга келмоқда. Неча йиллардан буён тўшақда михланиб ётган саксон-тўқсон яшар чоллар мункиллаганча ҳассага таяниб, манзиллар оша шу муқаддас шаҳар томон интиларди. Бир бора кўриш учун одамлар Ҳимолайнинг қопқоронғи ғорларини қидириб топиб борадиган атоқли художўй зоҳидлар — маҳатмалар айни дамда Ганганинг табаррук мавжларига шўнғиб хумордан чиққани бу ерга етиб келганлар. Буларни кўриб, Мунший Шалиграм ҳам чидаб туролмади. Сувомага қараб деди:

— Эртага ғул.

Сувома: — Бутун маҳалла ҳувиллаб қолган. Одам зоти кўринмайди.

Мунший: — Бормай бекор қиляпсан. Бир маза қилардинг. Бунақа издиҳомни умрингда кўрмаган бўлсанг керак.

Сувома: — Бунақа издиҳомдан юрак олдириб қўйганман.

Мунший: — Мен ҳам жуда борай деб ўлиб турганим йўқ. Свакий Пармананджий келганини эшитдим-у, шундан бери ул зотни кўриш учун кўнглим бетоқат.

Сувома аввалига эрининг боришига рози бўлмади, бироқ қарасаки, уни тўхтатиб қолишнинг иложи йўқ, шунда ночор майли деди. Ўша куни Муншийжий кечаси соат ўн бирда Праёгга жўнаб кетди. Кетаётиб, у Пратапнинг юзидан ўпди ва хотинини меҳр билан бағрига босди. Сувома шунда унинг кўзлари жиққа ёшга тўлиб турганини кўрди-ю, юраги таққа тўхтаб қолгандек ҳис қилди. Чайтр² ойида қора булутларни кўриб деҳқоннинг юраги орқага тортиб кетганда-йин, эрининг кўзларидаги ёшни кўриб, Сувома бир сесканди. Кўз ёши эмас, гўё дарвешлик ва таркидунёликнинг тубсиз уммонидек туюлди. Бир қарашда одатдаги ёш томчилари эди, бироқ улар шу қадар теран ва бепоён эдики, қўяверасиз.

Муншийжий уйдан чиқиб кетди, Сувома «оҳ» тортиб қолаверди. Кимдир унинг юрагига «эрингни бошқа кўрмайсан» дегандек бўлаверди. Бир кун ўтди, икки кун ўтди, тўртинчи кун ҳам келди ва тун чўкди, ҳатто роса бир ҳафта ўтдики, Муншийжийдан дом-дарак йўқ. Шундан кейин Сувома росмана безовта бўла бошлади. Телеграмма юборди, одам жўнатди, бироқ ҳеч қандай дарак бўлмади. Иккинчи ҳафта ҳам шу тахлит ниҳоясига етди. Муншийжийнинг ғойиб бўли-

¹ М о г ҳ о й и — январь-февралга тўғри келади.

² Ч а й т р о й и — март-апрелга тўғри келади.

ши унинг оила аъзолари учун эмас, балки бутун шаҳар учун қайғули воқеа эди. Бозорларда, дўконларда, қандолатхоналарда, қўйинги, ҳамма жойда эл оғзида шу гап. Бойми, камбағалми, эшитган борки, «аттанг» дейди. Ҳамма барабар гам-ташвишда. Муншийжий борида чор-атроф гул-гул очилиб турарди, энди эса ҳаммаёқ мотамсаро. У болалар қуршовида чиқиб келадиган кўча-қўйлар ҳувиллаб, чанг-тўзондан бошқа нарса кўзга ташланмасди. Болалар «бобомиз қани, амакимиз қани» деб йиғлар ва ота-оналарига тархашлик қилар эдилар. Қувончли дамлар вақтинчалик эканини, у даврлар энди ўтиб кетганини мурғак болалар қаёқдан билсин! Худди яқин қариндоши ўлгандек, болаларни оналари сорийларининг учи билан юзларини яшириб, юм-юм йиғлар эдилар.

Муншийжийнинг ғойиб бўлганига аслида йиғламаган одам қолмади, бироқ ҳали олди-берди ишлари ўлда-жўлда ётган судхўрлару савдогарлар кўзидан тўкилаётган ёшлар бошқача эди. Улар ҳафта-ўн кунни бир амаллаб ўтказдилар, кейин навбати билан қарз дафтари-ни кўтариб битта-битта кела бошлашди. Биттасиникида браҳманларга берилган худойига юз рупиялик сариеғ олингани ёзилганди, бироқ ҳали бир чақа ҳам пули тўланмаган. Аллақердан икки юз рупиялик ун келган экан. Базозлардан ҳам бир қанча юз рупиялик қарз бор экан. Мандир¹ қурилаётганда бир судхўр икки минг рупия қарз берган экан, у ҳам ҳали шундоқ турибди. Хуллас, қарз деганининг ҳисобига етиб бўлмасди. Бисотига қарайдиган бўлсак, бир ўртача ҳовлию уй-рўзғор буюмларидан ташқари сотса пул бўладиган нарсанинг ўзи йўқ. Шунча қарзни тўлаш учун меҳнат билан топилган бор мол-мулкни сотишдан ўзга чораси йўқ эди. Шўрлик Сувома бошини қуйи солганча бўйрада ўтирган ва Пратапчандр чивик отини миниб ҳовлида дик-дик қилиб юрган бир паллада қишлоқ қоҳини пандит Мотерам Шастр жилмайганча ичкарига кириб келди. Уни хурсанд ҳолда кўриб, бирон хушxabар келтирганга ўхшайди, деган ўйда гамгин Сувома шошиб ўрнидан турди. Меҳмонга тўшак ташлади ва умид билан унинг юзига тикилди. Пандитжий тўшакка ўтирди-да, бурнакисини ҳидлаб туриб деди:

– Судхўрларнинг дафтари-ни кўрдингми?

Сувома тарвузи қўлтигидан тушиб жавоб берди:

– Ҳа, кўрдим.

Мотерам: – Қарзлар жуда катта. Муншийжий сал орқа-олдини ўйламабди-да, бундоқ кўзига қараб иш тутса бўларди.

Сувома: – Ҳа, айтганингиздай қарзлар катта. Шунча пулни ўзлари ермидилар, ҳаммаси худойиларга кетган.

Мотерам: – Ҳар доим ҳам бирдек бўлавермас экан-да.

Сувома: – Энди худо нимани хоҳласа, шу бўлади-да, менинг қўлимдан нима келарди.

Мотерам: – Ҳа. Аввало худонинг хоҳлагани бўлади, лекин ўзинг ҳам бирон нарса ўйладингми?

Сувома: – Ҳа, ерни сотаман деб турибман.

Мотерам: – Эй, Худо, нималар деяпсан? Ерни сотсанг, ниманг қолади?

Сувома: – Шундан бошқа энди ҳеч бир иложим ҳам йўқ.

Мотерам: – Ахир, ер қўлдан кетса, сенлар қандай тирикчилик қиласанлар?

Сувома: – Ҳаммамизнинг эгамиз Худо. Ўзи бир йўлга солар.

¹ М а н д и р – ҳиндулар ибодатхонаси.

Мотерам: — Шундай саховатли одамнинг бола-чақалари бунақа кунларга қолиб ўтирса! Ҳай аттанг, аттанг...

Сувома: — Худо шуни хоҳлагандан кейин бизлар чикора?

Мотерам: — Гап бундоқ, шундай бир иш қилайликки, сиз ҳам куймасин, кабоб ҳам.

Сувома: — Ҳўш, айтинг-чи, нима иш экан у, зора-мора...

Мотерам: — Даставвал битта ариза ёзиб, туман молия бошлиғига топширасан, барча қарзларимни кечиб юборинг, деб сўрайсан. Қолган пулларни тўлашни менга қўйиб берасан. Мен қандай хоҳласам, шундай қиламан, аммо туманга ҳеч қандай зарар етмайди.

Сувома: — Сал очикроқ айтсангиз-чи, шунча пулни сиз қаердан оласиз?

Мотерам: — Сенинг пулдан камчилик жойинг бор эканми? Муншийжий номидан ёзув-чизувсиз эллик минг рупия пулни топиш нима деган гап бўлибди? Тўғриси айтсам, пул тайёр, фақат оғзингиздан «хўп» деган сўз чиқса, бас.

Сувома: — Шаҳарнинг казо-казолари тўплаган бўлса керак-да?

Мотерам: — Ҳа, аллақачон пул тўпланган. Катта хўжайин бир имо қилган эдилар, ҳамма иш хамирдан қил суғургандай битди-қўйди.

Сувома: — Солиқдан озод қилиш тўғрисида ариза ёзолмайман ҳам, эримнинг номидан қарз қўтармоқчи эмасман ҳам. Ўз ерларим ҳисобидан ҳамма қарзларимни битта-битта ўзим узаман.

Шундай деб, Сувома қошини чимирганча юзини ўгириб олди, юзи газабдан бир қизариб-бир бўзара бошлади. Мотерам қарасаки, иш чаппасига кетаётир, босиқлик билан деди:

— Бўпти, ўзинг биласан. Сени мажбурламоқчи эмасман, лекин агар сенинг бир нимадан қийналганингни кўргудек бўлсам, ўша куни қиёмат бўлди деявер. Шу гап эсингда бўлсин.

Сувома: — Нима, мен эрим номидан бировларнинг миннатини кўтарайми, сиз шуни хоҳлаяпсизми? Мен шу уйда ёниб ўларман ё очликдан қийналиб ўларман, лекин бировларнинг миннатини кўтариб яшамайман.

Мотерам: — Қўйсанг-чи, бундай гапларни! Сенга миннатдор бўл деб ким оғиз оча оларди? Нима деяётганингни биласанми, ўзи? Қарз кўтариш айб эмас. Гарданида юз-икки юз минг рупиялик қарзи бўлмаган раисни кўрганмисан?

Сувома: — Бу қарзнинг орқасида бир балоси йўқлигига ишонгим келмаяпти.

Мотерам: — Сувома, ақлинг қаёққа гумдон бўлди? Ҳар қанақа қийинчиликка бардош берарсан, аммо мана бу бегуноҳ гўдакка раҳминг келмайдими?

Мотерамнинг шу гапи Сувоманинг жон-жонидан ўтиб кетди, кўзларига ёш қалқди. У ўғли томонга ачиниш билан қараб қўйди. Шу бола деб озмунча азобларни бошдан кечирмадими? Наҳотки, унинг тақдирга фақат укубут чекиш ёзилган бўлса? Янги унган ниҳолдай шамолу бўронлардан асраб-авайлади, қуёшнинг жазирама иссиқларидан сақлади, дилидаги бор меҳрини ундан аямади, энди келиб-келиб, шу ниҳолни ёмғиру дўллар, аёвсиз жазирамалар остида қуриб-қовжиратиб қўяверадими? Сувома анчагача ана шундай маҳзун хаёл-ларга берилиб ўтириб қолди. Хайрият, энди инсофга келди, дея Мотерам ичидан хурсанд бўлмоқда эди. Шу топ Сувома бошини кўтариб, деди:

— Отаси егани олдида, емагани ортида қилиб боққан бола бировларга қарам бўлиб яшолмайди. Агар отанинг изидан юрадиган бўлса, у ўнтанинг қорнини тўйгазиб, кейин ўзи ейди. (Ўғлини чақириб)Ўғ-

лим, бу ёққа кел. Эртадан сенга ширинлик, сут, сариеғ — шулардан биронтасини ҳам бермайман. Йиғламайсанми?

Шундай дея она ўглини эркалаб, бағрига ўтқазиб олди ва қип-қизил ёноғидан терни артиб, чўлпиллатиб ўпди.

Пратап: — Нима дедингиз? Эртадан ширинлик бермайсизми? Нима, ҳолвачининг дўконидида ширинлик бўлмас эканми?

Сувома: — Ширинлик бўлади-я, лекин уни қайси пулга сотиб оламиз?

Пратап: — Катта бўлай, ўзим унга кў-ўп пул бераман. Кетдик дигидик, диги-дик! Қаранг, ойи, отим қанақа тез югуради!

Сувоманинг кўзлари яна ёшланди. «Э-воҳ, бу гулдай нозик, мушт-деккина маъсум бир норасида бошига ҳалитдан қашшоқлик балоси ёпирилиб келяпти-я! Йўқ-йўқ, мен ҳамма балоларга ўзим балоғардон бўламан, аммо жонимдан азиз болажонимнинг бошига мусибат деганининг соясини ҳам йўлатмайман, йўқ, йўлатмайман». Она шундай хаёллар билан банд, Пратап эса ўзининг асов ва қайсар чивиқ отига миниб олиш учун бор кучи билан чиранарди. Боланинг кўнглини подшо деб қўйибдилар, ахир.

Хуллас, Мотерам жуда кўп тўр ташлади, қўлидан келганча ширин сўзлар билан авради, бироқ Сувома ўламан саттор «йўқ» деб туриб олди, оғзидан бирон марта «ҳа» сўзи чиқмади. Аёлнинг битта сўзда туриб олганини эшитган борки, балли деди. Одамлар орасида унинг обрўси икки баравар ортди. Ҳа, ўшандай қаноатли ва кўнгли саховатга лиммо-лим одамнинг хотинига муносиб йўл тутди Сувома.

Шу воқеадан ўн беш кун ўтиб, мулклар кимошди савдосига қўйиб юборилди. Эллик минг рупия қўлга кирди. Барча қарзлар узилди. Уйдаги ортиқча буюмлар ҳам пуллаб юборилди. Уйда ҳам Сувома ичкаридан баланд-баланд деворлар кўтартириб, иккита алоҳида-алоҳида хона қилиб олди. Биттасида ўзи тура бошлади ва иккинчисини ижарага қўйди.

3. ЯНГИ ҚЎШНИЛАР

Сувоманинг уйини ижарага олган мунший Санживанлаъл гоят оқил одам эди. Илгари бир нуфузли лавозимда ишларди, бироқ ўзининг ҳур фикрлари туфайли амалдорлар билан чиқишолмай қолди, охири иш уларнинг тазйиқларидан безор бўлиб, истеъфо беришигача бориб етди. Хизматдалиқ вақтида унча-мунча кўр-қут орттириб олганди, шу боис ишдан бўшаши биланоқ судхўрликка зўр берди ва қисқа вақт ичидаёқ унинг чўнтагига ойига камида тўрт-беш юз рупия мўмай пул жарақлаб келиб туша бошлади. Бу нарса уни шундай ишбилармон қилиб юборган эдики, қайси ишга қўл урмасин, фақат фойда қиларди, бир чақа ҳам зарар кўрмасди.

Мунший Санживанлаълнинг оиласи катта эмасди. Худо унга бир қанча фарзанд берганди, бироқ айни вақтда қанотлари остида кўзларининг оқу қораси бўлган ягона қизи бор эди. Унинг исми Виржан, эскичасига Врижраний эди. Эр-хотиннинг ҳаётдаги ягона таянчи шу қиз эди.

Пратапчандр билан Виржан биринчи кунданоқ бир-бири билан жуда киришиб кетди. Ярим соат ичидаёқ иккаласи қушларга ўхшаб чуғур-чуғур қила бошлади. Виржан ўзининг қўғирчоқлари, ўйинчоқлари ва чолғу созларини кўрсатди. Пратап эса ўз китоблари, дафтарлари ва сувратларини кўз-кўз қилди. Виржаннинг онаси Сушила Пратапчандрни бағрига кўтарди ва ўпиб қўйди. Ўша кундан бола мунтазам кечқурун келадиган ва қизалоқ билан бирга ўйнайдиган бўлди. Иккаласи худди ака-сингилга ўхшарди. Сушила ҳар икковини тизза-

сига ўтқазиб олар, эркалаб суярди. Иккала норасидага соатлаб тикилиб қараса ҳам тўймасди, Виржан ҳам гоҳ-гоҳ Пратаплар томонга ўтиб турарди. Шўрпешона Сувома уни кўриб, гуссасини унутар, қизалоқни бағрига босар ва унинг ширин-ширин гапларини тинглаб, дилининг чигилини ёзарди.

Бир куни мунший Санживанлаъл ташқаридан келиб қарасаки, Пратап билан Виржан иккови идорада курсида ўтиришибди. Пратап аллақандай китобни ўқир ва Виржан диққат билан унга қулоқ соларди. Иккаласи Муншийжийга кўзлари тушиши билан дик этиб турди. Виржан-ку, югуриб бориб отасининг кучоғидан жой олди, бироқ Пратап бошини қуйи солганча бир четга бориб турди. Қандай одобли бола! Ёши энди саккизларга боргандир, аммо юз-андомидан ақл ёғилади. Юзлари лўппи-лўппи, ингичка лаблари қип-қизил, кўзлари ўткир, сочлари тим қора, эгнида топ-тоза кийимлар.

Муншийжий деди:

– Бери кел, Пратап!

Пратап битта-битта босиб, журъатсизгина, хижолат торта-торта унга яқин келди. Муншийжий меҳр билан уни бағрига ўтқазиб олди ва сўради:

– Ҳозир қанақа китоб ўқиётувдинг?

Пратап оғиз жуфтлаган эди ҳамки, Виржан ундан олдин жавоб берди:

– Дадажон, жуда қизиқ эртақлар экан. Дадажон, нима, ростдан ҳам қушлар илгари одамга ўхшаб гапирармиди?

Муншийжий кулимсираб деди:

– Ҳа! Улар зўр гапирар эдилар.

У шундай дейиши билан тортинчоқлигидан асар ҳам қолмаган Пратап деди:

– Йўқ, Виржан, сени алдаяптилар. Бу эртақларни одамлар тўқиб чиқаришган. – Муншийжий боланинг бу дадиллигидан ҳузур қилиб кулди.

Энди Пратап тўтидай сайраб кетди:

– Мактаб шунақанги каттаки, бутун шаҳар сиғади. Деворлари пальма дарахтидай баланд-баланд. Балдевпрасад тўпни шунақанги зарб билан тепадикки, у осмонда кўринмай кетади. Ўқитувчимизнинг столи устига ям-яшил мато тўшаб қўйилган. Устига тўлдириб гуллар солинган стаканлар терилган. Ганганинг суви қўм-қўк. Шунақанги тез оқадикки, йўлида тоғ учраб қолса ҳам оқизиб кетади. У ерда бир қаландар бобо бор. Поезд ўқдай учади. “Тақа-тақ, тақа-тақ”, деб. Унинг мотори “хўп-хўп, хўп-хўп” қилади. Моторида буғ бўлади, шунинг кучи билан поезд юради. Поездга қўшилиб, дарахтлар ҳам югурганга ўхшаб кўринади.

Шу тариқа қанча гапларни Пратап ўзининг ширин тилида гапириб ташлади. Виржан сувратдай жимгина ўтириб тингларди. Поездда у ҳам икки-уч марта юранди. Лекин у бугунгача уни ким ясагани-ю, у қандай қилиб юришини билмасди. Икки гал у муаллимдан шу нарсани сўраган эди, лекин муаллим Худонинг қудрати шунақа чексиз, деб тўғриси айтмаган эди. Виржан ҳам Худонинг қудрати гоятда улкан ва готда кучли отга ўхшайди, шунча вагонни “виш-виш” қилганча судраб кетаверади, деб ишониб қўя қолганди. Пратап гапдан тўхтагач, Виржан отасининг бўйнидан кучоқлаб, деди:

– Дадажон, мен ҳам Пратапнинг китобларини ўқийман.

Мунший:

– Қизим, сен санскритни ўрганасан, бу эса ҳиндий тили.

Виржан:

– Унда мен ҳам ҳиндий тилини ўрганаман. Бу тилда шунақа яхши-яхши эртақлар бўлар экан. Менинг китобларимда эса битта ҳам эртақ йўқ. Айтмоқчи, дадажон, ўқиш деб нимани айтади?

Мунший жий ён-верига аланглади. У шу пайтгача ўзи ҳам ўқиш қанақа бўлишига ҳеч эътибор қилмаган экан. Жавоб тополмай, манг-лайини қашиб турганида Пратап шартта айтиб қўяқолди:

– Менинг ўқиганимни кўрганмисан? Ана шуни ўқиш дейди.

Виржан:

– Нима, мен ўқимаيمانми? Меникени ўқиш демайдими?

Виржан «Кумуди ақоидлари» деган диний китобни мутолаа қиларди, Пратап деди:

– Сен тўтиқушдай такрорлайсан, холос.

4. АҲИЛЛИК РИШТАЛАРИ МАҲКАМ БЎЛСИН

Бир мунча муддатдан кейин Сувома шароит кўтармагани сабабидан хизматкорларидан бирваракай тўрттасини бўшагиб юборди, чунки энди уларга на эҳтиёж қолганди, на маош етказиб бўларди. Фақат бир кекса жорияни олиб қолди. Ташқарининг юмушларини шу кампир эпларди, ошхона ишларини Сувома ўзи тинчитарди, лекин шўрлик она ҳеч буннақа оғир ишлар қилиб ўрганмаганди. Бир неча кундаёқ чарчоқлик ваджидан кечалари иситмаси кўтариладиган бўлиб қолди. Аҳвол аста-секин шу даражага бориб етдики, иситма ўлгур маҳкам ёпишиб олди. Вужуди оташ бўлиб ёнади, иштаҳаси қочиб, томоғидан сув ҳам ўтмайди. Юмушни ўйласа, юраги безиллайди. Лекин илож қанча, судралиб-негиб бўлса ҳам бир амаллаб эплаб-сеплайди. Пратап уйдалигида у ўзидан ўтаётганини зинҳор билдирмасди, бироқ ўғли мактабга кетиши билан ўзини таппа ўринга ташларди-да, кун бўйи вой-войлаб ётарди.

Пратап ақли-хушли бола эди. Ойисининг кундан-кун аҳволи ёмонлашаётганини кўриб фаҳмлардики, у бетоб. Бир куни мактабдан қайтиб, тўғри уйига кириб келди. Ўғлини кўриб, Сувома туриб ўтирмақчи бўлди, бироқ ҳолсизликдан гавдасини кўтаролмай, чўзилиб қолди. Пратап уни елкасидан кўтариб ўтқазаркан, унга ачиниш қарангача деди:

– Ойижон, мазангиз йўқми? Нега бунча озиб кетдингиз? Қаранг, баданингиз ўт бўлиб ёняпти! Қўл тегизиб бўлмайди.

Сувома кулишга ҳаракат қилди. Касалман, деб ўғлини қандай ташвишга қўйсин? Фарзанд муҳаббати олдида она ҳар қандай азобни кўтаришга тайёр. Мулойим оҳангда деди:

– Йўқ, болажоним, отдайман. Бугун сал иссиғим чиқди, кечгача ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб кетаман. Жовонда ҳолва бор, олиб кел. Йўқ, сен қўй, ўтир, мен ўзим олиб келаман.

Пратап: – Ойижон, сиз менга баҳона қиляпсиз, сиз ростданам касалсиз. Бир кунда ҳеч ким шунчалик озиб кетадими?

Сувома (кулиб): – Хўш, кўзингга озгин бўлиб кўринаяпманми? Ўзимга билинаётгани йўқ.

Пратап: – Доктор чақириб келаман.

Сувома: – (Пратапнинг қўлидан тутиб) Унинг қаерда туришини қаёқдан ҳам билардинг?

Пратап: – Сўраб-сўраб топиб оламан.

Сувома бир нима демоқчи эди, бироқ боши айланиб кетди. Кўзлари тинди. Пратап онасининг бу аҳволини кўриб, қўрқиб кетди. Ортиқ чидолмади, югуриб Виржанларнинг эшиги олдига келди-да, тик туриб йиғлай бошлади.

Ҳар куни шу маҳалда у Виржанларникига чиққувчи эди. Пратапнинг ҳаяллаганидан қизгина зеркиб, у ёқ-бу ёққа қарамоқда эди. Бир вақт эшикни очиб мўралаб боққан эди, кўзи иккала қўли билан юзини беркитиб олган Пратапга тушди. Аввалига уни ҳазилга юзини беркитиб олган деб ўйлади, бироқ у қўлларини юзидан олган эди, боланинг кўзларида ёш кўринди. Чўчиб деди:

– Лаллу! Йиғладингми? Нега йиғладинг?

Пратап ҳеч нарса деб жавоб бермади, аммо пиқ-пиқ қила бошлади.

Виржан сўради :

– Айтмайсанми? Холам уришдиларми ё? Ўзинг ҳам тиниб-тинчи-майсан-да!

Пратап: – Йўқ, Виржан, ойим қаттиқ бетоб,— деди.

Буни эшитиб, Виржан югуриб Сувоманинг қошига борди. Қараса, Пратапнинг ойиси ҳеч нарсани сезмай ётибди, кўзлари юмуқ ва чуқур-чуқур нафас олмоқда. Виржан унинг қўлидан ушлаб, силкий бошлади:

– Холажон, қалайсиз? Кўзингизни очинг, тузукмисиз?

Лекин хола кўзини очмади. Шунда қиз тоқчадан мойни олди-да, аёлнинг бошига аста-аста суркай бошлади. Шўрлик аёлнинг боши ойналаб мой кўрмаганди, суртишга фурсати бўлмаганди, салқин таъсир қилиб, у кўзини очди.

Виржан: – Холажон, қалайсиз? Бирор ерингиз оғрияптими?

Сувома: – Йўқ, қизим, ҳеч ерим оғриётгани йўқ. Энди мен жуда яхшиман. Пратап қани?

Виржан: – У бизникида, роса йиғляпти.

Сувома: – Сен бориб, у билан ўйна. Энди мендан сира хавотир қилма.

Шу гаплар бўлиб тургани устига Сушила ҳам келиб қолди. У анчадан бери Сувомани бир келиб кўришга интиқ бўлиб юрганди-ю, бироқ сира қўли тегмаётганди. Бу сафар у Сувомага тасалли бериш баҳонасида келганди. Виржан онасини кўриб, сапчиб ўрнидан турди ва чапак чалиб чуғурлай бошлади:

– Ойим келдилар! Ойим келдилар!

Иккала аёл ўртасида қизгин суҳбат бошланди. Суҳбат чўзилиб, чироқ ҳам ёнди. Пратапнинг қаердалиги иккаласининг ҳам эсига келмади. Анчагача Пратап эшик тагида йиғлаб тураверди, сўнг кўзларини артиб, доктор Кичлунинг ўйи томон югуриб кетди. Доктор мунший Шалиграмнинг қадрдон дўстларидан эди. Бирон зарурат туғилса, дарров шуни чақиришарди. Пратап унинг Барна дарёси соҳилидаги қизил уйда туришини биларди, холос. Шу пайтгача болапақир сира ўзларининг маҳаллаларидан ташқарига чиқиб кўрмаганди. Лекин ойисини азбаройи яхши кўрганидан бунақа тўсиқлар унинг парвосига ҳам келмади. Уйдан чиқиб, бозор майдонига келди ва бир извошчидан сўради:

– Қизил уйга борасизми?

Қизил ўйни билмаган одам йўқ эди. Извошчи дарров рози бўлди. Соат саккизларда докторнинг араваси Сувома эшиги тагига келиб тўхтади. Бу вақтда уйдагилар чор атрофдан уни қидиришга тушиб кетишганди. Тўсатдан Пратап ўқдай отилиб ичкарига кириб келди-да, овоз берди:

– Юзларингни яширинглар. Доктор соҳиб келяптилар.

Сувома билан Сушила иккаласи чўчиб тушди. Пратапнинг доктор чақиргани кетганини дарров англашди. Сувома ўғлини меҳр билан бағрига ўтқазиб олди-да, кўзлари ёшга тўлиб сўради:

– Бир ўзинг бордингми? Қандай топдинг, болам? Қўрқмадингми? Бизга айтмай кетавердингми? Йўқолиб қолганинда мен нима қилардим? Бундай болани қаердан топардим кейин?

Шундай дея болани қайта-қайта ўпди. Пратап худди имтиҳондан аълога топширгандай суюнарди. Дарров парда тутишди ва доктор кириб келди. У Сувоманинг томирини кўрди ва тасалли берди. Сўнг Пратапни ёнига ўтқазиб, гаплаша бошлади. Ўзи билан олиб келган дориларни қандай ичиш лозимлигини тушунтирди-да, соат тўққизда уйига қайтиб кетди. Бироқ иситма ҳадеганда тушавермади, бинобарин бутун ой давомида Сувома бир-биридан аччиқ дориларни беармон ичди. Доктор икки маҳал келарди ва Сувомага худди ўз синглизидай самимий ва эътибор билан муомала қиларди. Бу гал Сувома кўрқа-кўрқа муолажа ҳақини бир ликобчага қўйиб, унга тутди. Лекин доктор пулга қўлини ҳам текизмади. Фақат шу гапни айтди, холос:

– Буни менинг номимдан Пратапга беринг, у мактабга пиёда қатнайди, ўзига велосипед сотиб олсин.

Виржан билан ойиси иккови Сувомага қарагани кунда ҳозир. Ойиси шунча қўй, боравер деганига қарамай, Виржан бир нафас ҳам у ердан жилмасди. Дори ичирар, пон¹ ўраб берарди. Ўйин-кулгини бутунлай эсидан чиқариб юборганди. Сувома сал ўзига келганда қувноқ-қувноқ гаплар билан унинг кўнглини кўтарарди. Сувома ҳеч қўймаган паллаларда у Пратап билан боққа ўйнагани чиқиб кетарди. Қош қорайиши билан қайтиб келарди-да, уйқуси келиб, боши эгилиб-эгилиб кетмагунча у ердан жилишни хаёлига ҳам келтирмасди, гоҳо эса ўша ернинг ўзида ухлаб қоларди, тунда хизматкор бағрида кўтариб, уйига олиб бориб қўярди. Ўзи муштдеккина қиз бўлса ҳам ақли катталардан қолишмасди.

Бир куни Виржан, одатдагидек, беморнинг бошида уни елпиғич билан елпиб ўтирарди. Ўзича қандайдир хаёлларга берилиб, кўзларини деворга тикиб олганди – дарахт учларидаги барглар елдан титрагани каби унинг ингичка, нафис лабларида ҳам ним табассум ўйнай бошлади. Буни Сувома кўриб тургани хаёлида ҳам йўқ. Бир вақт унинг қўлидан елпиғич тушиб кетди. Қиз елпиғични олгани энгашган ҳам эдики, Сувома уни бўйнидан қучоқлаб олди ва ўсмоқчилаб сўради:

– Виржан, тўғриси айт, ҳозир нималарни ўйлаётган эдинг?

Виржан бошини солинтирди ва хиёл хижолат тортиб деди:

– Ўзим, шундай, сизга айтмайман.

Сувома: – Ўзимнинг оппоққина қизим, айта қол, нималарни ўйлаётган эдинг?

Виржан (уялиб): – Хаёлимда..... э, қўйинг, йўқ, кулманг.....айтмайман.

Сувома: – Бўпти. Хўп, кулмайман, айт. Кел. Агар бундай ёқмаса, мен кўзимни юмиб оламан.

Виржан: – Ҳеч кимга айтмайсизми?

Сувома: – Йўқ, ҳеч кимга айтмайман.

Виржан: – Кўнглимда ўйлаётган эдимки, агар Пратапга турмушга чиқсам, мазза қилиб яшайман.

Сувома уни бағрига босди ва деди:

– Қизим, у сенга ака бўлади-ку.

Виржан: – Ҳа, акам бўлади. Билдим, сиз мени келин қилишни хоҳламайсиз.

¹ П о н – асосан ёши улуғлар хуш кўриб чайнайдиган шифобахш япроқ.

Сувома: — Ҳали Пратап келсин, ўзидан сўрайман, қани, нима деркин.

Виржан: — Йўқ-йўқ, унга ҳаргиз айта кўрманг, бошимни оёғингизга қўйиб ёлвораман.

Сувома: — Мен барибир айтаман.

Виржан: — Худо ҳақи, айтманг, илтимос.

5. ДОРИЛАМОН ҲАЁТ

Кун кунни қувалаб, орадан икки йил ўтди. Пандит Мотерам ҳар куни эрталаб келар ва «Кумуди ақоидлари»ни мутолаа қиларди, лекин у энди таомил учунгина келарди, чунки бу китобни ўқишга Виржаннинг ҳафсаласи қолмаганди. Бир куни Муншийжий муҳандиснинг ҳузуридан келиб, хонасида ўтирганди. Хизматкор унинг туфлиси боғичини ечаётганида Радҳия исмли оқсоч жилмайганча уйдан чиқиб келди-да, унинг қўлига муҳрланган бир хатжилдни тутқазди ва юзини ўгириб, ҳиринглай бошлади. Жилдга «Шахсан муҳтарам ҳазрат соҳибга» деб ёзилганди.

Мунший: — Ие, сен кимнинг хатини олиб келдинг? Бу менга эмас.

Оқсоч: — Ҳукуматдан-ку, бундоқ очиб кўринг сиз.

Мунший: — Ким берди? Ташқаридан битта-яримта одам келганмиди?

Оқсоч кулимсираб деди:

— Аввал очинг, кейин биласиз.

Муншийжий ҳайрон бўлиб, хатжилдни очди. Ичидан хатни суғурди-да, ўқий бошлади:

«Дадажон, Сизга кўпдан-кўп саломлар йўллайман. Худога шукур, дуоингиз билан бу ерда ҳаммамиз соғ-саломатмиз. Жаноб Вишванатҳ жийдан Сизнинг соғлиғингизни тинмай сўраб тураман. Мен Пратапдан ҳиндий тилини ўрганиб олдим. У мактабдан келиб кечқурунлари мунтазам сабоқ беради. Энди Сиз менга яхши-яхши китоблар олиб келинг. Чунки дунёда китоб ўқишдан хайрли иш йўқ ва билим бебаҳо нарсадир. Веда ва Пуроналарда билим жуда улуғланади. Ҳар бир одам сидқидилдан билим олмоғи лозим. Билимдан барча мушкуллар осон бўлади. Мен кеча «Бейтал пачасий» ривоятларидан айтиб бердим. Улар менга бир чиройли қўғирчоқ совға қилдилар. Жудаям чиройли қўғирчоқ. Мен уни турмушга берганимда, Сиздан пул оламан. Энди Пандит жийдан сабоқ олмайман. Ҳиндий тили ўрганаётганимдан ҳали ойим беҳабарлар. *Сизнинг меҳрибон Виржаннингиз*»

Имзога кўзи тушиши билан Муншийжийнинг юраги тўлиқиб кетди. У хатни яна бир карра ўқиб чиқди. Суюнганидан оғзи қулоғига етиб, оёқяланг ичкарига отилди. Пратапни бағрига кўтарди ва ке-йин иккала боланинг қўлидан тутганча Сушиланинг олдига келди. Унга хатни кўрсатиб деди:

— Топ-чи, кимдан келибди бу хат?

Сушила: — Қани, беринг-чи, кўрай.

Муншийжий: — Йўқ, ўша ердан айт, тезроқ!

Сушила: — Топсам, нима берасиз?

Муншийжий: — Эллиқ рупия. Бели синмаганидан.

Сушила: — Аввал пулни чўзиб қўйинг, бўлмаса тониб туриб оласиз.

Муншийжий: — Тонсам, ҳар нарса бўлай. Нима, мени пул кўрмаган демоқчимисан?

Шундай дея у ўн рупиялик пулни чўнтагидан чиқариб кўрсатди.

Сушила: – Неча пул бу?

Муншийжий: – Эллик рупия, қўлинг билан ушлаб кўр.

Сушила: – Шу пул меники бўладими?

Муншийжий: – Ҳа-ҳа, бўлмасам-чи, аввал топ - хат кимдан келган?

Сушила: – Ўғлимиздан. Беринг пулни, энди олмай қўймайман. – Шундай дея Сушила ўрnidан турди-да, Муншийжийнинг қўлидан ушлаб олди.

Муншийжий: – Бу қанақа зўравонлик? Пулни тортиб олармишлар.

Сушила: – Сўз берган ким эди? Дарров тонмоқчимисиз?

Муншийжий: – Ҳали топдим демоқчимисан? Чучварани хом санабсан.

Сушила: – Бўпти-бўпти, баҳона қилмай қўяқолинг, пулни бериш ниятим йўқ деб қўяверинг-да. Тўғри топдимми, Пратап, хат сеники эди, а?

Пратап ер тагидан Муншийжий томонга қараб, аста деди:

– Мен ёзганим йўқ.

Муншийжий: – Уял, хотин, уял.

Сушила: – У ёлғон айтяпти. Хатни у ёзган, сизлар келишиб олгансизлар.

Пратап: – Мен ёзганим йўқ, хатни, рост айтаяпман, уни Виржан ёзган.

Сушила таажжуб билан деди:

– Виржан ёзган?

Сўнг у югуриб бориб эрининг қўлидан хатни юлқиб олди ва ҳангманг бўлганча уни айлантириб қарай бошлади, бироқ ҳали ҳам ишонгиси келмаётганди.

– Айт-чи, қизим - деди у, – ростдан ҳам буни сен ёздингми?

Виржан бошини қуйи солиб жавоб берди:

– Ҳа.

Буни эшитиб, она уни бўйнидан қучоқлаб олди.

Энди Виржанга Худо бериб қолди-ку. Қачон қараманг, қўлида қалам билан қоғозларни қоралагани-қоралаган. Ўзи олдинлари ҳам рўзғор юмушларига унчалик ҳуши йўқ эди, ёзишни ўрганди-ю, юмушлардан бутунлай қўл ювди-қўйди. Ойиси унинг тиришқоқлигини кўриб, севинчи ичига сиғмас, отаси эса ўзини қўйгани жой тополмасди. Эртага катта бўлгач, ўқийди деб нуқул Виржанга янги-янги китоблар сотиб оларди. Қизининг гоҳо оёқларини ўзи юваётганини ёки овқатдан сўнг қўлларини ўзи чайётганига кўзи тушгудек бўлса, ойиси оқсочларга ўшқириб берарди:

– Кўзларинг қаёқда? Ҳа, кўзларингни ёғ босиб қолдими? Қизим ўзи сув қуйиб қўл чайяпти-ю, сенлар безрайиб қараб турибсанлар!

Шу тариқа вақт ўтиб борарди, Виржан ўн икки ёшга тўлди, лекин ҳалигача гуруч қайнатиш ҳам қўлидан келмасди. Ўчоқ бошига келиб ўтиришга сира фурсати бўлмасди. Сувома бир куни унинг онасига деди:

– Сингилжон, Виржаннинг бўйи етиб қолди, бундоқ куйдириб-пиширишни ўргатмайсизми?

Сушила: – Нимасини айтай, жон-жон деб ўргатардим-у, бироқ баъзи нарсаларни ўйлаб, қўявер дейман.

Сувома: – Нимани ўйлаб, «қўявер» дейсиз?

Сушила: – Ҳеч нима. Эринаман.

Сувома: – Унда буни менга қўйиб беринг. Овқат қилишни билмаган хотин хотин эмас, бошга битган бало.

Сушила: — Унинг ўчоқбошига бориб ўтиришга сира тоқати йўқ.

Сувома: — Иш қилса ўтиради-да.

Сушила (уялиб): — Гулдай юзлари сўлиб қолади-да.

Сувома(кулиб):— Гул сўлиб-қуримаса, мева қайдан бўлади?

Эртаси кундан Виржан овқат қила бошлади. Дастлабки беш-ўн кунда унинг ўчоқ бошига келиб ўтириши жуда қийин бўлди. Олов ёнмас, пуфласа, кўзлари ачишиб, қип-қизил бўлиб кетарди. Учқунларидан бир нечта сарийси яроқсизга чиқди. Қўллари қаварди. Бироқ аста-секин бу ташвишлар ҳам ортда қолди. Сувома шунақанги меҳрибон аёл эдики, ҳеч жаҳли чиқмасди, Худонинг берган куни уни алдаб-сулдаб юмушга андармон қилиб кўярди.

Виржаннинг овқат қилишга уннаганига икки ой бўлдими-йўқми, бир куни у Пратапга мақтанди:

— Пратап, мен овқат қилишни билиб олдим.

Пратап: — Ростданми?

Виржан: — Кеча холам мен пиширган овқатни едилар. Роса мақтадилар.

Пратап: — Шунақа де? Унда бирон куни мени ҳам овқатга чақир?

Виржан хурсанд бўлиб деди:

— Бўпти. Эртага кела қол.

Эртасига соат тўққизда Виржан Пратапни овқатлангани чақирди. У бориб, не кўз билан кўрсинки, қозон осиглиқ. Янги ҳайдалган ер тупроғининг ҳиди димоққа ёқимли урилади. Дид билан кўрпачалар тўшалган. Бир лаганчада пишган гуруч ва чаватилар. Масаллиқ ва сабзавотлар алоҳида-алоҳида косачаларга солиб кўйилибди. Мис ва шиша стаканларда сувлар лиммо-лим. Дид билан ясатилган дастурхонни кўриб Пратап тўғри мунший Санживанлаълнинг олдига борди ва уни ўчоқ бошига етаклаб келди. Суюнганидан мунший жий «воҳ» деб юборди. Дарҳол кийимини алмаштириб, оёқ-қўлини чайиб, Пратап билан бирга дастурхонга келиб ўтирди. Шўрлик Виржан кап-катта одамнинг чақирмаса ҳам шартга келиб ўтириб олишини қаёқдан билсин. У фақат Пратапга яраша овқат қилганди. Чунончи, ўша куни роса ўсал бўлди ва ер тагидан онаси томонга қарай бошлади. Сушила англади. Кулиб, Муншийжийга деди:

— Сизга бошқа овқат қилинган. Болаларнинг ўртасига бориб суқилиб олаверар экансиз-да?

Виржан хижолат тортганча лаганчаларга яна оз-оздан овқат сузди.

Муншийжий: — Виржан чаватини жуда зўр пиширибди-да. Юмшоқ, оппоқ ва мазали.

Пратап: — Гуручини қаранг, ўрмалаб кетаяпти, ўрмалаб.

Муншийжий: — Мен сира бунақа чавати емаганман. Қовурдоқ-чи, қовурдоқ, роса бошлапти, ўзиям.

— Виржан, картошкали шўрвадан суз,— шундай деб Пратап кула бошлади. Виржан уялиб, бошини солинтирди. Овқат тамом бўлаётган эди-да.

Сушила(эрига):— Тура қолинг энди, ўзингиз тўйсангиз ҳам, кўзингиз тўймайди. Қанақа баднафс одамсиз?

Муншийжий: — Нима, еёлмаётганингга алам қилиятими?

Хуллас, иккала эркак овқатни охиригача паққос тушириб, ўрнидан турди. Муншийжий чўнтагидан бир олтин танга чиқариб, Виржанга инъом қилди.

6. НОИБ ШИЁМАЧАРАН

Ноиб Шиёмачаран бутун шаҳарда донғи кетган одам эди. Шаҳарда ҳокимлар ичида халқ шуни кўпроқ ҳурмат қиларди. Бунинг сабаби бир жиҳатдан шунда эдики, у табиатан очиққўнгил ва сабр-бардошли бўлса, иккинчи томондан, у порадан қаттиқ ҳазар қиларди. Давлат қонунларига азбаройи риоя қилгани сабаб ўн-ўн икки йил ичида унинг уч ё тўрттагина ҳукми қайта кўриб чиқилганди, холос.

Инглизчадан алифни калтак дейиш даражасида саводсиз бўлса-да, оқловчи ва қораловчилар ҳам унинг ҳуқуқ борасидаги билимдонлиги ва узоқни кўра билишлигидан ҳайратга тушар эдилар. Мустақиллик ҳисси қон-қонига сингиб кетган. Уйи ва маҳкамасидан бошқа унинг бирон жойга борган ёки келганини ҳеч ким кўрган эмас. Мунший Шалиграм тириклик пайтида, ё бўлмаса, келинг, бор пайтида деб кўя қолайлик, гоҳ-гоҳ дилининг чигилини ёзгани шу одамнинг ҳузурига ташриф буюрар эди. Шалиграм дунёдан ўтганидан кейин эса Ноиб жаноблари бутунлай уйдан чиқмай кўя қолди. Бир неча йил бурун бир гал солиқчилар бошлиғиникига ҳол-аҳвол сўрагани борганида уй ошпази: «Жаноблари ғусл қиляптилар», деди. Икки соатча айвонда бир кути устида кутиб ўтирди. Ниҳоят баҳодур¹ соҳиб қўлида теннис ракеткаси тутганича чиқиб келди ва деди:

– Тақсир, сизни маҳтал қилиб қўйганим учун хижолатдаман. Бугун вақтим йўқроқ. Кутубхонага боришим керак. Сиз бошқа бир вақт келинг.

Буни эшитиб, у баҳодур соҳиб¹дан ҳол-аҳвол сўради ва шугина нарсани деб бошқа биронта инглиз амалдориникига қадам босмади. Насаб, гурур ва нафсоният деган нарсаларни у юксак қадрлар эди. У ўзига етганча шинаванда одам эди. Гаплари сира ҳазилсиз бўлмасди. Кечқурунлари бир қанча яқин дўстлари билан ҳовлида ўтирган вақтларда уларнинг қаҳ-қаҳ уриб «шағал тўкиб» кулишлари узоқдан эшитилиб турарди. Хизматкорлар билан жуда самимий муомала қиларди, ҳаттоки уларнинг сафига кириб, олов олдида ўтиришдан ҳам ор қилмасди. Шундай бўлса ҳам унинг обрўйи шу даражада баланд эдики, унинг бу одамгарчилигидан ҳеч ким гаразли мақсадда фойдаланишга журъат этолмасди. Юриш-туриши ҳам одмигина эди. Шим-пальтоларни жинидан ёмон кўрарди. Тугмаси узун ачкан² устидан кирчимол шойи або, қора қўйлак ва кенг иштон, деҳлича учли пойафзал – унинг бор-йўқ энгилбоши шулар. Унинг барваста гавдаси, қип-қизил чехраси ва ўртача қадди-бастига бу кийимлар шундай ярашиб турардики, ҳар қандай пўрим шим-пальтолар буларнинг олдидан ўтаверсин. Шуниси қизиқки, бутун шаҳарда номи чиққан шундай одамнинг ўз оила аъзолари орасида ҳеч кимга сўзи ўтмасди. Оилада фақат хотини Премватийнинг айтгани-айтган, дегани-деган. Қўл остидаги салтанатда у ўзи хон, кўланкаси майдон. Бир неча йил муқаддам ноиб жаноблари хотинининг йўқ-йўқ деганига қарамай бир оқсоч ёллаган эди. Оқсоч хушрўйгина аёл эди. Премватий эрининг бу ўзбошимчалигидан шунақанги газабландики, бир неча ҳафтагача мотам тутиб, ичкарида қамалиб олди. Охири ноилож жаноблари оқсочга жавоб бериб юборди. Шундан бери рўзғор ишларига аралашидан у юрак олдириб қўйганди. Муншийжийнинг

¹ Баҳодур соҳиб – инглиз ҳукуматида хизмат қилувчи ҳинд амалдорлар; аксар ҳарбийлар.

² Ачкан – эркаклар нимчаси.

икки ўғли ва бир қизи бор эди. Катта ўғли Радҳачаран бултур ўрта мактабни битириб, ҳозир Рурки коллежида ўқирди. У Фотептур-Сикридаги раислардан бирининг қизига уйланиб олганди. Ўрганча фарзанди қиз бўлиб, исми Севтий эди. У Праёг даги бадавлат бир хонадонга келин бўлиб тушган. Кенжалари ўғил Камлачаран ҳали бўйдоқ. Премватий болалигидан ортиқча суйиб-эркалаб уни шунчалик тантиқ қилиб юборган эдики, болакайнинг ўқиш-ёзишга сира бўйни ёр бермасди. Ўн бешга тўлибди-ю, ҳалигача икки энлик хатни ёзиш қўлидан келмасди. Ота бош қашиб қолди. Охири ўғлини мактабдан чиқариб олишдан бошқа чораси қолмади. Уй ўқитувчиси ёллади, уч ой болани ўқитди, бироқ биринчи ҳафтадаёқ ўқитувчининг нақ она сути оғзига келди, Камлачаран бировга осонгина эгиладиган кўринмасди. Лоқайд боланинг кўнглида ўқишга ҳавас уйғотиш гувоҳларнинг баёнотлари-ю, оқловчиларнинг қилни қирқ ёриб чиқарадиган хулосаларини тушунишдан кўра минг бора қийин экани отага маълум бўлди.

Премватий бу машамшалардан азбаройи тўйиб кетганидан Муншийжий ҳам ортиқ жон койитмай қўйди — бўлмаганга бўлишма деганлари шу бўлса керак-да. Бола тушмагур ҳам кўзга яқингина — қизили қизилга, оқи оққа ажралиб турибди, хушбичим, хушлафз. Шу сифатлари учун она бошқа фарзандларидан кўра кўпроқ яхши кўради. Мана шу ортиқча суйиб-эркалашлар уни варракбозлик, каптарбозлик ва шунга ўхшаган ножоиз ўйинларга шайдо қилиб қўйди. Бир қарасангиз, кун чиқар-чиқмас каптар учиргани кетяпти. Бир қарасангиз, бедана уриштиргани. Бу ёқдан кеч тушар-тушмас осмонда варраклар узун-узун думларини биланглатиб ўйнагани-ўйнаган. Мана, неча кундирки, қиморбозликка ружу қўйганлар, укахонимиз. Тез-тез ойнага ўзини соладиган бўлиб қолган, хушбўй атирлару мой - упалар у кишининг жону дили.

Премватий бир куни Сувомани кўргани борган эди. У ерда Виржанга кўзи тушди-ю, ўша кундан кўнгли шу қизга суст кетди: агар у уйига келин бўлиб тушса, нақ рўзғорни гуллатарди-да. У Сушилага ўзининг шу ниятини айтди. Виржан ўн иккидан ўн учга қадам қўйган. Эр-хотин ўртасида қизларини турмушга бериш устида гаплар бўлиб турарди. Премватийнинг истагини эшитиб, иккаласи севинчдан териларига сиемай кетди. Бир томондан, синашта оила бўлса, иккинчи томондан йигит палаги тоза, ақли ва ўқимишли, отамерос давлати ҳам бор. Қариндош бўлсанг, кирови шундай одам билан бўлсанг. Дарҳол расму русумга биноан қизга оғиз солинди.

Шу тариқа тасодиф бугун шундай бир заҳарли дарахт ниҳолини эдики, у уч йил ичидаёқ оилани барбод қилди. Хом сут эмган бандаси эртага нима бўлишини қаёқдан билсин? Қизга оғиз солинди-ю, қайнона, қайнисингил ва келин ўзаро суҳбатлаша бошлашди.

Келин (Чандра): — Ойи, тўйни шу йили қилмоқчимисиз?

Премватий: — Бўлмасам-чи, отаси хўп деса, бўлди.

Келин: — Сепларини ҳам тайёр қилиб қўйганмисизлар?

Премватий: — Бунақа қизлар учун сепнинг юзига бориб ўтирилмайди. Тарозида қиз билан йигитнинг паллалари баравар бўлмаса, сепни посанги қилиб, паллаларни баравар қилинг. Виржанимизнинг палласи Камланинг палласидан анча оғир.

Севтий: — Неча кун устимизда даранглаган тўй бўлади. Келинойим ёр-ёр айтадилар. Бизлар ногора чаламиз. Тўғримиз, келинойи?

¹ П р а ё г — Банорас шаҳрининг қадимги номи. Банорас ҳам қадимги «Варакасий»дан олинган.

Чандра:— Мен қўшиқ-ўйин қилишга йўқман.

Чандранинг овози хийла қўпол эди, томоғи бўғилиб қоларди. Шунинг учун қўшиқ айтишни жини суймасди.

Севтий: — Қўшиқ айтишни сенга чиқарган. Ахир бутун элга овозанг кетган-ку!

Чандра тутақиб, чақиб олди:

— Ҳўин-қўшиқ билан бировларни маҳлиё қилмоқчи бўлганлар ўйнаб, қўшиқ айтаверсин.

Севтий: — Сенга ҳазил ҳам қилиб бўлмайди, одам, ҳалиги қўшиғингини айт: «Оҳ Шиём, ҳолимдан олсанг-чи хабар», дегани бор-ку, ўшани. Ўзи бир қўшиқ эшитгим келиб турувди. Қўшиғингни эшитмаганимга ҳам неча ойлар бўлди.

Чандра: — Ўзинг яхши айтасан-ку, қўшиқни, майнадек «ку-ку» лаб.

Севтий: — Бор-е, шу ноз қилганинг ёмон-да. Ўзимнинг яхши келинойим, айта қол.

Чандра: — Ҳозир қўшиқ айтмайман. Нима, мени аллақандай яллачи деб ўйлаяпсанми?

Севтий: — Аммо бугун қўшиқ айтсанг ҳам айтасан, айтмасанг ҳам айтасан.

Севтийнинг овози ғоят майин ва жозибадор эди. Худо унга ҳусндан ҳам, қадди-қоматдан ҳам берган, қошлари камон, кўзлари сузук. Пиёзий ранг сорийда у яна ҳам очилиб кетганди. У аста куйлай бошлади:

Оҳ, Шиём, ҳолимдан олсанг-чи хабар,
Ҳажрингда туну кун ютаман заҳар,
Оҳ, Шиём...

«Заҳар» деганда у кулиб юборди. Премватий ҳам жилмайди, лекин Чандра қовоғини уйди:

— Бўлар-бўлмасга кулганни мен ёмон кўраман. Бунинг нимаси кулгили экан?

Севтий: — Кел, бирга айтамыз.

Чандра: — Майна билан қарга бирга бўлибди-да, а?

Севтий: — Жаҳлинг доим бурнингнинг учида туради.

Чандра: — Бўлмаса одамни нега калака қиласан? Мен қўшиқ айтмасам, анов одам келиб ёқангдан олармиди?

«Анов» деб у Радҳачаранга шама қилаётганди. Чандрада ҳеч қандай фазилят бўлмаса-да, аммо эрига ўлгудай вафодор. Радҳачаран боши билан им қоқдими, бас, хоҳлагани олдида муҳайё. Ишдан бирозгина ҳаялласа ҳам Чандранинг кўзига дунё қоронғу кўриниб кетади. Эри Руркига кетгандан буён Чандра на кулади, на гапиради. Ундаги бор дилкашликни эри ўзи билан олиб кетгандек гўё. Мана шу сабаблар Радҳачаранни хотинига бутунлай тобе қилиб қўйганди. Ҳусн-жамол, ёқимли қилиқ каби сифатлар барча камчиликларни хаспўшлаб туради.

Севтий: — Нега ёқангдан оларкан? «Анови» сени деса жонини беришга тайёр.

Чандра: — Нега кундан бери на хат бор, на хабар.

Севтий: — Бўлса энди уч ё тўрт кун бўлгандир кетганига вой-бўй...

Чандра: — Сенга ялинавериб чарчадим. Ёзмадинг-ёзмадинг-да, шу бир энликкина хатни.

Севтий: — Ҳадеб битта гапни чайнайвериш кимга зарил кепти? Бирон янги гап бўлмагандан кейин қўл ҳам бормайди-да ёзгани.

Чандра: — Бугун тўй хабарини ёз. Олиб келайми қоғоз-қалам?

Севтий: — Лекин бир шартим бор.

Чандра: – Айт.

Севтий: – «Оҳ, Шиём» кўшигини айтиб берасан.

Чандра: – Бўпти, айтганим бўлсин. Бир кулиб, хумордан чиқмоқчимисан? Кулақол.

Севтий: – Аввал айт, кейин ёзаман.

Чандра: – Ёзмайсан. Кейин яна баҳона қила бошлайсан.

Севтий: – Ўлай агар, ёзаман.

Чандра куйлай бошлади:

Оҳ, Шиём, ҳолимдан олсанг-чи хабар,
Ҳажрингда туну кун ютаман заҳар...

Охирги сўз шундай беусул чиқдики, кулгидан ўзини тўхтатиб қололмади. Севтий шунча «бўлди-бўлди» қилса ҳам қани кулги ўлгур тина қолса. Кула-кула ҳамма икки букилиб қолди. Чандра кейинги байтга ўтди:

Оҳ, Шиём. кўш хотин дардида куйган
Мен тараф лоақал солмайсан назар.

«Кўш хотин» деганида Севтий шарақлаб кулди. Чандра кўзлари ёшланиб деди:

– Бўлди. Етар шунча кулганимиз. Қоғоз олиб келайми?

Севтий:– Йўқ, йўқ, яна бироз кулишайлик.

Севтий кулиб тургани устига эшик очилиб, Камлачаран кириб келди. Ўн беш-ўн олти яшарлик азамат йигит. Юзи оппоқ. Буғдойранг. Қомати самбитдай. Истарали, эгнидаги ярқироқ кийимлар ўзига ярашган, борлигидан атир ҳиди анқийди, кўзларига сурма тортган, лабларида ним табассум, кўлида бедана кўтарганча у келиб чорпояга чўкди. Севтий деди:

– Камлу, бизни ширинлик билан сийласанг, сенга шундай бир яхши хабар айтаманки, эшитиб дод деб юборасан.

Камла:– Хушxabар хоҳ айтинг, хоҳ айтманг, бугун барибир офизларингиз чучийди. Бугун манови қуш рақибини шундай қочирдики, халқ донг қотиб қолди.

Шундай дея Камлачаран беданани бошмалдоғига ўтқазиб олди.

Севтий: – Менинг хабаримни эшитиб, ўйинга тушиб кетасан.

Камла: – Унда айтмаганингиз маъқул экан. Бугун шундоқ ҳам рақс тушаяпман. Мана бу қуш бугун бир чўқишда қочирди рақибини. Бугун шаҳар донг қотиб қолди. Навоб Хон неча кундан бери ҳол-жонимга қўймай келаётганди. Бир ойдан бери кўзи менга тушиши билан айтарди: «Тақсир, биронта қуш-пушингиз бўлса шайлаб келинг, бир майдонга солайлик» деб. Шундай деб у киши ўзларининг эски беданани кўрсатди. Мен: «Жоним билан, жаноб! Фақат ҳозир эмас. Бир ой сабр қилсинлар, худо хоҳласа. Сиз билан бир ташлашамиз. Ўшанда кўрасиз», – дедим. Бугун Оға Шайхалининг майдонида куч синашдик. Эллик-эллик рупиядан пул тикилди. Одам ҳеч қаерга сигмай кетган. Унда ўша эски бедана, ишонасанми, йўқми, Севтий, нақ каптардай келади ўзиям. Бироқ қушимни ўртага қўйдим, унинг бошини баланд кўтариб олганини, салмоқлаб юришини, ўзини таранг тутишини кўриб, одамлар «офарин» деб юборди. Бир вақт менинг беданам шартта бориб уникиннинг гарданидан олди-ку. Аммо унинг бедана ҳам чакана эмасди. Бугун шаҳар беданаларини қочирган. Бор кучи билан бир тепки солди. Бу ҳар сафар ўзини олиб қочди, кейин пайт топиб, унинг бошидан чўқиб олди. У яна тепди. Бу чап берди.

Одамлар: «Ҳа, еди, боплади!» — деб ҳар томондан қичқира бошлади. Шунда меники ҳам тутиб кетди, бир кишт солган эдим, бу тепада турибди, у пастда-да! Кейин у бошини ҳарчанд кўтаришга ҳаракат қилмасин, аммо бу шервачча шундай босиб олдики, шўрлик рақибни сира бошини кўтаролмади. Навоб жанобларининг ўзи ҳам турувди. Роса қичқирди, бироқ начора? Бу уни шундай босиб олган эдики, худди ўлжасини босиб олган лочиндай! Охири анови тоб беролмай қочиб қолди. Бу уни давранинг нариги чеккасигача қувиб борди, лекин тутолмади. Одамлар ҳайратдан тош қотиб қолди. Навоб жанобларининг юзи шолғомдай қизариб кетди. Фигони фалакка чиқди. Пул ютқизгани-ку, унинг парвойига келгани йўқ, ахир кимсан фалончи бой-да. Аммо шаҳарда унинг обрўи баланд эмасми. Бир пуллик одам бўлди-қўйди. Йиғлаб уйига равона бўлди. Эшитишимча, ўйиндан кетибоқ, у беданасини тириклай кўмган эмиш. — Шундай деб Камлачаран чўнтагини шиқирлатиб қўйди.

Севтий: — Унда нега қаққайиб турибсан? Аграликнинг дўконига одам юбормайсанми?

Камла: — Сизга нима олиб келай, келиноий?

Севтий: — Бир хурмача сут.

Камла: — Буларга-чи?

Севтий: — Иккитадан хотин.

Шундай деб, иккала аёл хандон ташлаб кула бошлади.

7. РАЗОЛАТ ВА МУҲАББАТ

Сувома энг шимариб тўй тараддудига киришиб кетди. Эрта тонгдан қора шомгача тиним билмайди. Сушила чўридай унинг фармонларини итоаткорлик билан адо этарди. Мунший Санживанлаъл эртадан кечгача дўконнинг чангини ютарди. Бу тараддудларнинг сабабчиси бўлган Виржан эса хонасида ўтириб олиб, кечаю-кундуз қон-қон йиғларди. Уни юпатишга, тасалли беришга ҳеч кимнинг бир нафаслик ҳам вақти йўқ. Ҳатто Пратап ҳам энди унга бегонадай кўриниб қолган. Пратапнинг ҳам шу кунларда ичига чироқ ёқса ёримасди. Эрталаб чиқиб кетганича қош қорайганда уйга қайтар ва индамай ўз хужрасига бориб ўтириб оларди. Гўё Виржаннинг уйи томонга ўтмаслик учун қасам ичган. Бу ҳам етмагандай, гоҳо қизнинг келаётганини кўриб қолса, кел дейиш ўрнига у ердан жилиб қоларди. Борди-ю, иддаолар билан ўтирган тақдирда ҳам юзини тескари ўтириб, шундай совуқ муомала қилардики, Виржан йиғлаб юборар ва Сувомага дерди:

— Холажон, ўғлингиз мендан хафа, чақирсам миқ этмайди. Ўзингиз бориб бир нима денг.

Шундай дея унинг хўрлиги келиб кетар ва Сувомаининг баридан тутиб турганча уни Пратапнинг хонасига олиб кирарди. Бироқ Пратап иккаласи кўриниши билан жуфтакни ростлаб қоларди, Виржан унинг ортидан зорланарди:

— Пратап, бирпас тўхта, Худо ҳаққи, гапимизни эшитсанг-чи.

Бироқ Пратап қулоқ солмас, бирров юзини буриб қарамас ҳам эди, шунда боёқиш қиз қоқ ерга ўтириб олар ва:

— Нега менга жаҳл қилди? Ахир мен унга нима ёмонлик қилган эдим? — деб ёзғирганча хўнграб йиғлай бошларди. Сувома уни бағрига босиб овутарди:

— Қўй, қизим, гапирмаса гапирмас, Пратап жинни бўлиб қолган.

Ўғлининг одамови бўлиб қолгани онага ҳам унча-мунча сезилиб қолган эди.

Ниҳоят, тўйгача беш кун қолди. Узоқ-яқиндан қариндош-уруғлар кела бошлашди. Ҳовлида бежиримгина тўйхона ясатилди. Билакка билакузуклар тақилди. Фалтак ип билан боғланган бу билакузуклар аслида муқаддас диннинг кишанлари эди — у абадул-абад қўлдан ечилмайди. Тўйхона эса банда муҳаббатю тангри раҳмати соясининг шундай тимсолидирким, бир умр бошдан аримагай. Бугун кечкурун Сувома, Сушила, оқсочлар — барчалари бир бўлиб, бахт маъбудаси зиёратига кетишган. Чўри қизлар ўз юмушлари билан андармон эди. Виржан юраги бир тутам бўлиб уйдан чиқди ва Пратапнинг уйи томонга ўтди. Атроф сув қўйгандай жимжит, фақат Пратапнинг хонасида гира-шира ёруғлик кўзга ташланарди. Виржан ичкарига кириб қараса, столда чироқ милтиллаб ёниб турибди, Пратап эса чорпояда ухлаб ётибди, хира чироқ ёғдусида унинг озгин бадани дардманд одамдек беҳол кўринарди. Китоблар тартибсиз сочилган. Худди бу хонага ҳеч ким неча ойлардан бери қадам босиб кирмаганга ўхшарди. Наҳотки, саришталикни жонидан ортиқ кўрувчи Пратап шу бўлса? Виржан уни уйғотмоқчи бўлди. Бироқ бироз ўйлаб туриб ердан китобларни олиб-олиб жавонга тера бошлади. Столдаги чангни, сувратлар юзини қоплаган ғуборларни артиб, ялтиратиб қўйди. Шу тоб Пратап бошқа ёнбошига ағдарилди ва оғзидан шундай сўзлар чиқди:

— Виржан! Виржан! Қаёққа кетяпсан? Бундоқ ўтирсанг-чи.

Яна бошқа ёнбошга ағдарилди-да:

— Мен сени унутмайман!-деди. Хиёл вақтдан кейин яна сўзланди:

— Ўтирмайсанми? Бўпти, мен ҳам сен билан гаплашмайман.

Яна бир оздан сўнг:

— Бўпти, бўпти, қани қаергача борар экансан.

Шундай деб, у қочаётган одамни тутиб олгандек олдинга ташланди. У Виржанни қўлидан ушлаб олди. Шу аснода у кўзини очди. Бир дақиқача Виржаннинг юзига маъносиз тикилиб қараб қолди. Сўнг чўчиб ўрнидан туриб ўтирди-да, Виржаннинг қўлини кўйиб юбориб деди:

— Қачон келувдинг, Виржан? Ҳозир сени туш кўраётгандим.

Виржан гапирмоқчи бўлди-ю, бироқ томоғига бир нарса тикилиб, кўзлари ёшланди.

Пратап атрофга назар ташлаб, яна деди:

— Уйни сен тозаладингми? Овора бўлиб нима қилардинг?

Виржан унинг бу саволини ҳам жавобсиз қолдирди.

Пратап: — Виржан, сен нега мени унутиб юбормайсан?

Виржан ёшли кўзлари билан боқиб, деди:

— Сен мени унутдингми?

Пратап хижолатдан бошини эгди. Бирмунча муддат иккаласи ҳам туйғуларга кўмилганча ерга тикилиб қолишди. Кейин Виржан деди:

— Сен нега менга жаҳл қиласан? Мен бирон гуноҳ қилдимми?

Пратап:— Билмадим, негадир сени кўрсам аллақасларга бош олиб кетгим келади.

Виржан: — Мени озгина бўлса ҳам ўйлайсанми? Мен уззукун йиғлаганим-йиғлаган. Ҳеч менга раҳминг келмайдими? Мен билан гаплашмай ҳам қўйдинг. Хўш, айт-чи, мен сенга нима дедимки, мендан аразлайсан?

Пратап: — Сендан нега аразлар эканман, қизиқсан-да.

Виржан: — Унда нега мен билан гаплашмайсан?

Пратап: — Мен сени эсимдан чиқарсам дейман. Сен бой қизисан, ота-онанг бадавлат одамлар. Мен эса етимчаман. Мен сен билан тенг кела олармидим?

Виржан: — Шу пайтгача ҳеч шунақа баҳона қилмаган эдинг, нима, мен энди бой қизи бўлиб қолибманми?

Шундай деб, Виржан йиғлай бошлади. Бундан Пратапнинг юраги эзилиб деди:

— Виржан! Бизлар анчадан бери бирга яшаб келяпмиз. Энди ажрашадиган вақт келди. Бир неча кундан кейин сен бу ердагиларни ташлаб, қайнота уйига кетасан. Ўшанда мени, албатта, унутасан. Шунинг учун мен ҳам сени унутмоқчиман, бироқ сенинг гапларингни эсламасликка қанча ҳаракат қилмай, бари бефойда. Ҳозир ухлаб ётганимда ҳам тушимда сени кўраётгандим.

8. ДУГОНАЛАР

Ноиб Шиёмачараннинг кошонаси бугун бир тўп гўзал қизлар туфайли маъбуд Индрнинг илоҳий қасрига айланган. Севтийнинг тўрт дугонаси — Рукминий, Сита, Рамдей ва Чандр Кунвар — ўзларига етмиш хил оро бериб, гердаиб юришарди. Ноиб жанобларининг синглиси Жонкий Кунвар ҳам ўзининг икки қизи билан Итавадан келган. Иккала қизининг исмлари Комла ва Умадевий эди. Камла эрга тегиб кетган, Умадевий эса ҳали бўй етмаган қиз. Уларнинг бири ой бўлса, бири куёш эди. Тўйхона саҳни тагида яллачи ва кўшиқчилар турли тўй кўшиқларини айтишарди. Гулабия пардозчи билан Жамуна фаррош ялтироқ сорий кийиб, фарқларига қуюқ қилиб синдур -қизил бўёқ суриб, зарҳал билагузуклар тақиб, чарх уриб рақс тушмоқдалар. Гулабия ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган қиз. Жамуна эса ёши бир жойга бориб қолган жувон. Севтийни асло сўраманг! Бугун у шунақангги очилиб кетган эдики, азбаройи суюнганидан кўзлари яна ҳам сузилиб табассум қилар, гулобий сорийсининг товланганидан ўзи ҳам бир дона қирмизи чампай гулидан фарқ қилмасди. Оч яшил бахмал кўйлаги унинг ўн ҳуснига яна бир ҳусн кўшиб юборганди. Ҳозиргина ювиниб чиққанидан сочлари илондек елкаси узра тўлғониб турарди. Ҳазил-мутўйибау латифагўйлик туфайли сочларини ўриб олишга ҳам фурсат тополмаётганди. Оқсочнинг қизи Модхвийнинг эгнида гулдор лаҳанга-узун кўйлак. Кўзларига сурма тортган, ичкарию ташқарини бирдек обод қилмоқда.

Рукминий Севтийдан сўради:

— Ситгў, келинойингиз қанилар? Кўринмаяптилар? Нима, биздан ҳам қочадиларми?

Рамдей(қулиб): — Нега қочмас эканлар? Кўзимиз тегиб қолмай-дими?

Севтий: — Уйда ухлаб ётган бўлсалар керак. Ҳозир оёқларини ерга теккизмай олиб келаман.

Шундай деб, у Чандранинг хонасига келди. Келинойиси одмигина сорийда чорпояда икки кўзини эшикдан узмай қараб ётарди. Қайнисинглисини кўриши билан дарҳол туриб ўтирди. Севтий деди:

— Бу ерда нега ётибсиз? Бир ўзингиз зерикмайсизми?

Чандра: — Уҳ! Ким билсин, ҳали ҳам кийимларимни алмаштирганим йўқ.

Севтий: — Нега алмаштирмайсиз? Дугоналарим йўлингизга кўз тикиб ўтиришибди.

Чандра: — Ҳали алмаштирмайман.

Севтий: — Сизнинг шу одатингиз ёмон-да. Ҳамма кўнглида нималар деб ўйламайди?

Чандра: — Ўзингиз хатни ўқиган эдингиз, улар шу бугун келаман демаганмидилар?

Севтий: — Э-ҳа, уларни кутяпман денг, гап бу ёқда экан-да! Муродингизга етинг.

Чандра: — Туш ҳам оғди, ҳойнаҳой, энди келмасалар керак.

Шу топ Камла билан Умадевий кириб келди. Чандра барини тушириб олди ва келиб ерга чўкди. Камла унга катта қайнисингил бўлади.

Камла: — Ие, ҳали булар кийимларини ҳам алмаштирмабдилар-ку.

Севтий: — Хўжайинининг йўлига кўз тикаяпти. Кийимини алмаштирмагани шундан.

Севтий: — Нима ҳам дердик, ўзи билади-да.

Камла: — Эркакларга қанча кўп кўнгил қўйсанг ҳам, сира сир бой бериш керак эмас, бўлмаса улар бекорга одамни қийнаб, тириклай ўтда ёндиришади. Борди-ю, уларни менсимасанг, гапларига тескари гап қилсанг, шунда улар оёғингни ўпишади, қадрингга етишади, жонини фидо қилишади. Аммо борди-ю, юрагингнинг бир четида уларга муҳаббат борлигини билиб қолгудек бўлишса, тамом, ўша кундан феъллари айнайди. Сайрга чиқмоқчи бўлишса, албатта роса куттириб келишади. Овқатлангани ўтиришса, қилдан қийиқ ахтаришади. Сал гапга аразлаб қолишади. Йиғласанг, овутишади-ю, лекин кўнгилларида «бопладим» деб туришади. Кўзингга тик қараб, бошқа аёлларни мақташади. Хуллас, сени қийнашдан улар роса ҳузур қилишади. Мана, менинг ўзимдан мисол. Илгарилари шунақанги ҳурматимни жойига қўяр эдиларки, нимасини айтай. Ҳар доим қулга ўхшаб қўл боғлаб турардилар. Ҳали қарасанг елпиган, ҳали қарасанг овқатни қўли билан олиб едирган. (Кулиб.) Ҳаттоки оёғимни уқалаб қўйишдан ҳам тоймас эдилар. Оғзимдан чиқар-чиқмас ҳаммасини муҳайё қилардилар. Мен у вақтларда баёвгина эдим. Эркакларнинг маккорликларини қаёқдан билай? Охири чув тушдим. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, Севтий, ўша кундан эрим тескари қараб олдилар. Сайру томошаларга ружу қўя бошладилар. Бир куни аразлаб кетиб қолдилар. Бўйинларида гулчамбар, атир ҳидини анқитиб ярим тунда уйга кириб келдилар. Бугунча ичимга ютиб қўя қолишимни билар эдилар-да. Мен тонг отгунча чурқ этмадим. Эртасига ҳам гунг бўлиб юравердим. Қимир этмай ётавердим. Охири бегимники бўлмай кетди, оёғимга йиқилиб ёлвора бошладилар. Шундан бери мен бир гапни кўнглимга маҳкам тугиб олганман: эркак зоти олдида яхши кўраман, деган сўзни тилга ола кўрманг.

Севтий: — Поччамизни мен кўрганман. Акамнинг тўйида келган эдилар. Заҳаргина одам экан.

Камла: — Ўша кунлари Парватий қорнимда эди, шундан мен келолмагандим. Бу ердан бориб сизни роса мақтай кетдилар. Ҳеч пон бергани борганмидингиз? Мен қўлидан тортиб ўтқиздим, роса гаплашдик, дегандилар...

Севтий: — Бекорларнинг бештасини айтибдилар. Бундай бўлган эди: Гулабия билан Жамуний иккаласи бир иш билан ташқарига чиқиб кетганди. Ойим айтдиларки, улар овқатланиб бўлди, пон олиб бориб бер, дедилар. Мен понни олиб кирдим, қарасам, чорпожда ётган эканлар, мени кўришлари билан туриб олдилар. Пон бераётиб қўлимни узатган эдим, улар билагимдан тутиб, “бир гапим бор сенга, қулоқ сол”, дея бошладилар, лекин мен қўлимни тортиб олиб, қочиб кетдим.

Камла: — Ана, фирт ёлғон экан-ку? Мен ҳам шуни айтаман-да. Ҳали она сути оғзидан кетмаган қизалоқ, кап-катта одамга нима гапларни айтарди? Ишқилиб, у кишининг гаплари тўғри,

бошқаларники нотўғри бўлсин-да. Эркаклар ўлгудай лофчи бўлади: мен ундоқ қилодурман, мен бундоқ қилодурман. Бундай гаплардан юрагим безиб кетган. Билмадим, ёлгон сўзлаб, ўзларига гуноҳ орттиришдан улар нима барака топишаркин. Одам деган қилган яхши-ёмон ишларини бировлардан яширади-да. Бизнинг эркакларимиз-чи, гап деса қоп-қоп, иш деса Кўҳи Қофдан топ. Мен ўшандаёқ уларнинг битта ҳам гапига ишонмай қўйгандим.

Шу пайт Гулабия келиб:

– Сиз бу ерда гап сотиб ўтираверинг, у ёқда дугоналарингиз сизни ҳовлида кутиб ўтираверишсин, – деб қолди.

Севтий: – Бўпти, келинойи, дарров бўла қолинг. Гулабия, бориб буларнинг сандиғидан кийимларини олиб бер.

Камла Чандрани ясантира бошлади. Севтий дугоналарининг олдига борди. Уни кўриб Рукминий деди:

– Офарин, сингилжон, қойил! Нима, биз деворларингиз билан гаплашгани келганмизми?

Севтий: – Камла келиб қолди, улар билан гапга илакишиб қолибман, иккаласи келяпти.

Рукминий: – Болалари бордир-да?

Севтий: – Ҳа. Учта ўгли бор.

Рамдей: – Аммо қоматдан ҳам берган-да.

Чандра: – Кунвар: – Уларнинг бурунлари менга жуда ёқади, чимчилаб узиб олсам дейман.

Сита: – Иккала опа-сингил бири биридан ўтаман дейди.

Севтий: – Худо Ситани эрдан ёлчитди, эр эмас, олтин. Ўзи ҳам, кўнгли ҳам оппоқ.

Рукминий (кулиб): – Оқ тери буюмликка ярамас, деган гап ҳам йўқ эмас.

Сита: – Сен қора терини яхши кўрсанг керак-да?

Севтий: – Қора эрга теккандан, заҳар ичиб ўлганим яхши.

Рукминий: – Гапиравер, оғиз сеники, аммо қора эрлар вафодор бўлади, одатда.

Севтий: – Вафодор эмас, балойи азим дегин. Зулукдай ёпишиб, қонингни сўради.

Рукминий: – Сира болалигинг қолмади-да. Сен билмайсан, чиройли эркаклар ўзига бино қўйган бўлади, ўзидан ортмайди. Аёл зотини одам ўрнида кўрмайди ундайлар. Агар аёл гўзал бўлса-ку, хўп-хўп, бўлмаса сал нарига бориб, менга унақа-бунақа аёлларнинг қалбини ўғирлаш чўт эмас деб хаёл қила бошлайди. Хотинидан ўзини олиб қочади. Хунук эркакка чиройли хотин учраб қолса, у гавҳари аълога йўлиқдим деб ўйлайди. Шўрлик қора эр ўзидаги камчиликларни муҳаббати ҳурмати билан тўлдирмоқчи бўлади. Юрагида ҳамиша тирноқча бепарво бўлсам, унинг мендан кўнгли совиб, ташлаб кетади, деган гулгула ётади.

Чандр Кунвар: – Яхши эрнинг белгиси битта – оғзингдан чиққанини хўп бўлади, жоним, деб бажо келтириб туради.

Рамдей: – Сен ҳаммани ўзингдай билма. Эринг қанақа бўлса ҳам ҳарқалай сени олтин-кумушларга кўмиб қўйган.

Сита: – Ҳеч жаҳонда хотин эрига уни олиб беринг, буни олиб беринг деб хархаша қиладими? Уялмайдами?

Рукминий: – Сен бечора нима ҳам деб хархаша қилардинг? Сендан биров гап сўраб ўтирибдими?

Сита: – Мен буларнинг ўзини кўрсам бўлди, кўнглим тўлади-қўяди. Тақинчоқларни ўзи жиним суймайди.

Шу топ яна бир танноз пайдо бўлди, у бошдан-оёқ қўғирчоқдай тақинчоқларга кўмилган эди. Оёғида қошиқдайгина туфли, атир-упага обдон беланган. Кўзларидан ўт чақнайди.

Рамдей: — Кела қол, Раний, сен етмай турувдинг ўзи.

Раний: — Нима қилай, анови пардозчи ўлгурнинг қани иши тугай қолса. Кусумнинг ойиси келди-ю, шундан кейин бориб сочимни турмаклатиб олдим.

Сита: — Шу нимчангга беш кетаман-да.

Раний: — Бунинг гапини сўраманг. Матони берганимга бир ой бўлди. Нақ ўн марта тикувчи бичиб келди. Ҳали енги шалвираган, ҳали тикишни бузиб қўйган, ҳали униси чатоқ, ҳали буниси чатоқ. Юриб-юриб охири битириб берди.

Шу гаплар устига Модҳавий қичқирганча келиб деди:

— Акам келди! Акам келди! Ёнларида поччам ҳам борлар! Ур-ей! Ур-ей!

Раний: — Радҳачаран келдими?

Севтий: — Ҳа. Бўпти, бориб келинойимдан суюнчи олай. Ҳой, қаерда ўтирибсизлар?

Модҳавий: — Анови катта уйда. Поччам салла ўраб олиптилар. Акам пальто кийиб олган. Поччам менга пул бердилар — Шундай деб у муштумини ёзиб кўрсатди.

Раний: — Ситтў! Қани, бир оғзингни чучитиб ол-чи!

Севтий: — Нима, мен сендан бир нарса сўраганмидим?

Шундай деб, Севтий Чандранинг хонасига бориб деди:

— Ана, келинойи, бекорга йўл қарамаган экансиз.

Чандра: — Нима, келдиларми? Бориб, ичкарига чақирсангиз-чи.

Севтий: — Бўпти, эркаклар томонга ўтиб келай-чи. Қайноғангиз ҳам келганлар.

Чандра: — Ташқарида ўтириб, нима қилишяпти? Бировни юборсангиз ҳам бўларди, бўлмаса бошқалар билан суҳбатга киришиб кетадилар.

Бирдан, “тақ-туқ” кавуш товуши эшитилди ва шу ёққа келаётган Радҳачаран кўринди. Ёши йигирма тўрт-йигирма бешдан ортиқ эмасди. Жуда қувноқ, юзлари тиниқ, сочини инглизча нусхада олдирган, соқоли ҳам фарангча қилиб кузалган. Мўйлови тикка, вужудидан хушбўй ҳид таралиб турарди. Эғнида юпқа шойи кўйлак, келиб каравотга ўтирди ва Севтийга қараб деди:

— Ҳа, Севтий? Бир ҳафта хат ёзмай қўйдинг?

Севтий: — Келаётган бўлсангиз керак, хат ёзиб ўтираманми, деб ўйладим-да.

Шундай деб, у ердан кетди.

Чандра ҳам ўрнидан тураркан, деди:

— У ёққа бориб адашиб қолдингизми?

Радҳачаран (бағрига босиб): — Шунинг учун ҳам неча юз чақирим жойдан юриб келаяпман-да.

9. ҲАСАД

Тўйдан бир неча кун олдиноқ Пратап Виржаннинг уйига кириб-чиқишни бас қилган эди. Тўйга боғлиқ бирон-бир ишга ҳам бош қўшгани йўқ. Ҳатто йиғинга ҳам бормади. Юраги бир тутам бўлиб, лунжини осилтирганча ўзининг уйида кўмилиб ўтираверди. Мунший Санживанлаъл, Сушила, Сувома — ҳаммалари чақиравериш чарчашди, бироқ у куёвнавкарлар томонига қиё боқмади ҳам. Охири

Муншийжийнинг ҳафсаласи пир бўлди ва бошқа гапирмай қўя қолди. Бу тўйгача бўлган аҳвол эди. Тўйдан кейин эса у нариги ёқдан бутунлай қадамини узди. Мактабга борса, худди йўлида бир йўлбарс ётгандай, бўлмаса қарзи бор одам судхўрнинг кўзини шамғалат қилиб, тескари уриб кетгандай бир четдан аста сирғалиб ўтиб кетарди. Виржаннинг эса соясини кўрса, саккиз чақирим нарига қочарди. Борди-ю, гоҳо уни ўз уйида эканини кўриб қолса, ичкарига қадам босмасди. Шунда онаси ёзғириб дерди:

– Болажоним, Виржан билан нега сира гаплашмаяпсан? Унга нима учун кек сақлайсан? Ҳар келганида хафа бўлади, бечора, мендан қандай гуноҳ ўтди деб, соатлаб йиғлайди. Ахир сен билан у иккалаларинг қанча вақт бирга яшадиларинг. Сен уни қанчалик яхши кўрардинг. Тўсатдан сени нима жин урди? Агар сен ундан шунақа аразлаб юраверадиган бўлсанг, шўрлик қиз чидолмай ўлиб қолади. Кўрдингми, озиб чўп бўлиб кетган. Худо ўзи сақласин-у, уни кўриб раҳимм келиб кетаётганди. Сен билан гаплашиб дили ёзилар эди. Унга шундан бошқа ҳеч нима керакмас.

Пратап кўзини ерга қадаганча жим туриб тингларди-да, индамай чиқиб кетарди. Пратап энди ёш бола эмасди. Унинг ҳаёт навниҳолида балоғатлик гунчалари ниш ура бошлаганди. У эсини таниган биринчи кунданоқ Виржаннинг ҳаётини ўз ҳаётига бол билан шақарга ўхшатиб, омухта қилиб олганди. У пайтлардаги сирли ва гўзал орзуларни бу қадар шафқатсизлик ва ёвузлик ила тупроққа қориш унинг маъсум юрагини тилка-пора қилиш билан барабар эди. Ўз ҳаёлида ёруғ оламдаги бори ҳам, йўғи ҳам шу Виржан деб юрган эди, энди Виржан унга ҳеч ким эмас; етти ёт бегона йигит учун эса — севимли ёр.

Шуларни ўйлаб, бир дардига ўн дард қўшилар ва гўзал орзуларини бебаҳо туйғуларини ер билан яксон қилган одамларни ўтга ташлаб, куйдириб кул қилгиси келиб кетарди. Ҳаммадан ҳам келиб-келиб шўрлик Сушиладан қаттиқ дарғазаб эди.

Аста-секин унда яна бир одат пайдо бўлди — у мактабдан келиши билан Камлачараннинг қариндош-уруғларини гийбат қилмай қўймасди. Бунинг устига Сушила айни даврада ўтирган пайтда бошларди қилиғини. Бечора Сушиланинг дили вайрон бўлгани сайин шунчалик у ҳузур қиларди. Аслида у гийбат гапларни жинидан ёмон кўрарди, шунинг учун гапирса фақат бор, бўлган гапни гапирарди, шу боис юз-хотир қилмасдан шартта-шартта айтган ҳар гапи Сушиланинг юрагига нақ ўқдай келиб санчиларди: «Бугун Камлачаран жаноблари учоёқ устида тик туриб олибдилар, бошлари ҳув осмони фалакда. Андишасизликлари шунчаликки, мен у кишига бош эгиб салом берсам, тиржайиб куладилар, холос. Бугун зўр ҳангома бўлди. Камла бир қизнинг соатини ўғирлади. Қиз бориб муаллимга шикоят қилди. Муаллимнинг олдида Камла ҳам ўтирган экан. Муаллим қидиртирган эди, соат бу кишининг чўнтагидан чиқиб қолди-ку. Кейин нима бўлди денг? Директор номига билдиришнома ёзилди. Директор эшитиб, шунақа дарғазаб бўлдики, нақд ўттиз дарра уриб жазолашни буюрди. Бугун мактаб томоша қилди ўзиям. Дарра урилаётганда Камла додлаб, нақ дунёни бузди ўзиям, бироқ ташқарига чиққач, ҳингир-ҳингир кулиб, нуқул мўйловини бурайди. Холажон, эшитдингизми? Бугун болалар мактаб дарвозаси тагида Камлачаранни роса дўппослашди. Дўппослаб-дўппослаб, ҳушидан кетказишди».

Сушила бу гапларга жим қулоқ солиб ўтирар ва ичидан ичқиринди ўтарди. Ҳа, Виржаннинг олдида Пратап сира бунақа гапларни

гапирмасди. Борди-ю, Виржан уйда бўлганида ҳам то у чиқиб кетмагунча бунақа гаплардан оғиз очмасди. Нохуш гапларни эшитиб, қизнинг кайфияти бузилишини сира-сира истамасди.

Гоҳо Мунший Санживанлаълнинг ўзи ҳам Пратапнинг гапларини тасдиқлар эди. Камла гоҳ бозорда қуш уриштириб юрса, гоҳ безориларга қўшилиб сигарета чекиб, пон чайнаб, валакисаланг қилиб юргани кўришиб қоларди. Муншийжий куёвининг бу аҳволини кўргач, уйга келарди-да, хотинига заҳрини сочарди:

– Буларнинг барига сен айбдорсан: яхши, тагли-тугли оила деб, сен ўзинг мақтагандинг, ўзинг топгандинг.

Бундай пайтларда ҳамма айб Сушилада эмас, бунда ўзи ҳам тенг шерик эканини хаёлига ҳам келтирмасди. Хотини шўрлик уйдан чиқмаса, боланинг қанақалигини туш кўриб ўтирибдими? Ё фолчмики, ўтирган жойида фол очиб ўтирса? Ота-онаси тузуккина одамлар экан, бадавлатгина экан, дарров хўп деб қўя қолганди. Аслида айб Муншийжийнинг ўзида – галга солмай, эринчоқлик қилмай, бундоқ сўраб-суриштирса бўларди, бунга вақти ҳам, иложи ҳам бор эди. У йўқ-бу йўқ, хом сут эмган бандасиники шу экан, Ҳиндис-тондай мамлакатда шу тариқа қизларнинг кўзини боғлаб, қудуққа ташлаб юборган оила битта буларми?

Сушиланинг дунёда ҳаммадан яхши кўрган одами бўлса, у ҳам шу Виржан эди. Виржан унинг ёруғ дунёси, Виржан унинг орномуси, Виржан унинг бор-йўғи эди. Танига мадор, кўзига нур, юрагига таскин бергувчи шу ёлғиз қизгинаси. Унинг ёруғ дунёда бирдан-бир орзуси ҳам шу қизини яхши оилага узатиш эди. Одамшаванда қайнота-қайнона қўлига топширишда эди. Одоб-ахлоқда ягона жаноби Рамдай вафодор, қизига шамолни ҳам раво кўрмайдиган куёви бўлишини орзу қиларди. Тирноққа зор бўлиб юриб-юриб топган, кўзининг оқу-қораси бўлган шу Виржанни берсам, шу яқин-атрофга бераман, иложи бўлса куёвни ичкўев қилиб оламан деб аҳд қилиб қўйганди ўзича. Куёвим менга ўғил, мен эса унга она бўламан деганди. Юраги шундай ширин орзуларга тўла она ҳозиргидай бир-биридан аччиқ ва дилтешар кесатиқларни эшитганда қандай аҳволга тушишини ўзингиз тасаввур қилаверинг.

Э воҳ! Сушиланинг барча орзу-ҳаваслари тупроқ билан битта бўлди. Умид чечаклари очилмай сўлди. Нималарни ўйлар эди-ю, нималар бўлди? У ҳечқиси йўқ, Камла ҳали ёш, эртага қуюлиб, эси киргач, бу ёмон одатларини ташлар, деб ўзига-ўзи тасалли берар эди. Бироқ битта қилиғидан қутулди дегунча, орқасидан яна бири қулоққа чалинарди. Таъна-маломатларнинг ҳеч охири кўринай демасди. Эй худо! Қизгинамнинг пешонасида қандай ёзуқлар бор экан? Наҳотки, гулдай тоза, умидларим чироғи, жондан ортиқ кўрганим шундай бир қиз аллақандай тошбағир одамнинг зулларига чидаб яшайди? Мусичадай беозор фариштагинам наҳотки аллақандай ўлаксахўр чангалида жувонмарг бўлиб кетади. Шуларни ўйлаб, Сушила йиғлай бошлар ва соатлаб кўз ёши тўкарди. Дастлабки пайтларда Виржанни гоҳ-гоҳ уришиб ҳам турарди. Энди эса унга чурқ этиб оғиз очолмасди. Унга кўзи тушди дегунча юраклари ҳил-ҳил бўлиб, айтмоқчи бўлган гапи ҳам эсидан чиқиб кетарди. Бир лаҳза ҳам ёнидан жилдирмасди. Бирпасга Сувоманикига чиқиб кетганида ҳам дарров ортидан етиб борарди. Худди биров қизини олиб қочиб кетадигандай. Қассобнинг пичоғи остида ётган бузоқчани кўриб, она сигир аҳволига тушгани каби, Виржаннинг кўзларидаги мунгни кўриб, Сушиланинг ҳам кўзига ёруғ дунё қоронғу туюлиб кетарди. Виржан бир дақиқа кўздан нари

бўлди дегунча онаизор инидаги полонларини йўқотган она қушдай ўзини кўйгани жой тополмай қоларди.

Сушила ўзи касалванд аёл эди, дард устига чипқон деганларидай, ғам-андух ва ташвишларга тўла эртанги кунни ўйлаб, баттар ўз ёғига ўзи қовурилмоқда эди. Кесатиқлардан юраги юз тилим бўлиб кетганди. Олти ой ўтар-ўтмас унда сил асоратлари пайдо бўлди. Аввалига бир неча кунгача бир амаллаб дардини яшириб юрди, аммо қачонгача яширади? Дард зўрайиб, у бутунлай ҳолдан тойди. Чорпоядан туриш ўлимдан қийин бўлиб кетди. Эскичасига ҳам, янгичасига ҳам барабар қарата бошлади. Виржан билан Сувома иккаласи кечаю кундуз унинг ёнидан жилмасди. Бирпас ёнида бўлмаса, Сушила телбаларча ув тортиб йиғлай бошларди. Мунший Санживанлаъл аввалига сабр-тоқат билан дори-пори ичириб турди, бироқ қарасаки, ҳеч бир амалдан наф бўлмапти, касал кундан-кун оғирлашиб кетаяпти, охири унинг ҳам ҳафсаласи пир бўлиб, олдингидай меҳр билан қарамай кўйди. Бир неча йил бурун Сувома бетоб бўлиб қолганда Сушила унга астойдил ғамхўрлик кўрсатганди, энди Сувоманинг навбати келди. У қўшничилик ва дугоначилик қоидасини бошлаб ўрнига кўйди. Ҳатто беморни деб ўзининг юмушларини ҳам эсдан чиқарди. Икки-уч кунгача Пратап билан гаплашгани ҳам вақти бўлмади. Кўпинча ўғли нонуштасиз мактабга кетарди, лекин оғзидан бирон марта ҳам нолиб гапирганини эшитгани йўқ. Сушиланинг бетоблиги ундаги инжиқликка деярли барҳам берганди. То ғазаб қилувчининг юрагида кин ва адоват туйғуси барҳам топмас экан, ғазаб алангаси ловуллаб тураверади. Ҳазаб қилувчининг ҳаёт шами сўнггандагина ғазаб алангаси ҳам ўчади.

Пратапнинг нонушта қилмасдан мактабга кетаётганини эшитган куни у ҳамма ишини ташлаб, Пратапнинг уйига чошиб келар, нонуштани еб ол, деб қисталанг қиларди, бироқ Пратап унга чурқ этиб оғиз очмас, қизни йиғлатиб ташлаб чиқиб кетар эди. Виржанда заррача айб йўқлигини у биларди, албатта, бироқ ярим ё бир йилдан кейин уларни бирлаштириб турган ришта узилишини ҳам билгани учун у шу риштани олдиндан узишни истарди. Хилватда ўтириб, у пиқ-пиқ йиғлар, бироқ бу билан юрагидаги севги пасайиш ўрнига баттар авж оларди.

Бир куни Пратап мактабдан қайтиб келиб, уйда ўтирган эди, Виржан келиб қолди. Виржаннинг кўзларида ёш, ўзи чуқур-чуқур хўрсинар эди. Қизнинг чеҳрасида аллақандай ташвиш ва кўзларида ғамгинликни кўриб, Пратап ўзини тутиб туролмади. Хаста овозда сўради:

— Нима бўлди, Виржан? Нега йиғлаяпсан?

Виржан ҳеч нима деб жавоб бермади, қайтанга қаттиқроқ пиқиллаб йиғлай бошлади. Пратап ўзини йўқотиб кўяёзди, у дик этиб ўрnidан турди-да, Виржаннинг кўзларини арта бошлади. Қиз зўрға овоз чиқариб деди:

— Пратап, энди оийм яшамайди, мен нима қиламан?— Шундай дея у яна пиқ-пиқ йиғлай бошлади.

Бу гапни эшитиб, Пратап тахта бўлиб қолди. Югуриб Виржанларнинг уйига ўтди ва Сушиланинг чорпояси олдида туриб йиғлай бошлади. Умримизнинг сўнги они нақадар қутлуғ бўлади! У ҳузуримизга илгари бизни кўргани кўзи, отгани ўқи бўлмаган ва уларни шу кучдан бошқа бирон-бир куч енга олмайдиган ғанимларимизни олиб келади. Ҳа, бу он шу қадар кучлики, ҳатто мана мен деган паҳлавон душманларимизни ҳам қошимизда бош эгдиришга қодир. Биз шунча жангу жадаллар қилиб бўйсин-

диролмаганлар устидан мана шу он бизни ҳукмфармога айлантира олади.... Бугун роппа-роса бир йилдан кейин Пратап бу уйга қадам ранжида қилди. Сушиланинг кўзлари юмуқ эди, бироқ чеҳраси тонгги нилуфардай ял-ял ёниб турарди. Бугун тонг чоғидан бери у фақат бир гапни такрорларди: менга Пратапни кўрсатинглар.

Сувома шунинг учун Виржанни юборган эди.

Сувома деди: – Синглим! Кўзингизни очинг. Пратап шу ерда.

Сушила кўзини очди ва иккала қўлини меҳр билан кенг ёйди. Пратапнинг юрагида ғаразу араздан ном-нишон қолмади. Борди-ю, шундай дамда ҳам киши юрагида гина сақлайдиган бўлса, ундай одам ўзини одам дейишга ҳаққи йўқ. Пратап чин ўғлонга хос мардоналик билан олдинга интилди ва ўзини Сушиланинг кучоғига отди. Иккаласи узоқ йиғлади. Сушила уни, худди қочиб кетишидан қўрққандек, иккала қўли билан маҳкам кучоқлаб олганди. Йигит унинг жонига аслида мен зомин бўлдим, дея ўзига лаънатлар ўқимоқда эди. Бекорга кек сақлаб, уни шу аҳволга солдим. Меҳру муҳаббатнинг тимсоли бўлган бир она жонига зомин бўлдим. Шуларни ўйлагани сайин кўзларидан ёш тирқирар эди. Беҳол Сушила деди:

– Болажоним! Мен энди бир-икки кунлик меҳмонман. Сенга қаттиқ-қуруқ гаплар қилган бўлсам, кечир.

Пратапнинг овози ичига тушиб кетган эди, шунинг учун у ҳеч нима деб жавоб бермади. Сушила яна деди:

– Билмадим, сен нега мендан хафасан? Уйимизга кирмай қўйдинг. Бизлар билан гаплашмаяпсан. Ахир биз сени қанчалик яхши кўришимизни, наҳотки билмасанг? Лекин сен мени сира тушунишни истамайсан. Гапир, бу шўрлик холангдан нега хафасан? Худо гувоҳ, мен сени ўз ўғлимдай кўраман. Сени ҳар кўрганимда кўнглим тоғдай кўтарилади.

Шу сўзларни айтар экан, мадорсизликдан унинг овози тобора чўкиб бораверди.

Гўё уфқнинг бепоён кенгликларида узоқлаб кетаётган қушнинг овози пастлаша-пастлаша, охири тингани каби, Сушиланинг ҳам товуши сусайиб-сусайиб, охири қуруқ пичирлашга айланди.

10. СУШИЛАНИНГ ЎЛИМИ

Яна уч кун ўтди, Сушиланинг яшаб қолишига энди умид йўқ. Уч кун Мунший Санживанлаъл хотинининг ёнида унга тасалли бериб ўтирди. У бирпасгагина бирон иш билан у ердан кетгудек бўлса, Сушила безовта бўла бошлар ва йиғлаб, шундай дерди:

– Ана, мени ташлаб, аллақажларга кетиб қолдилар.

Эри қаршисига келиб турса ҳам кўнгли тўлмасди. Туриб-туриб, тўсатдан унинг кўлларидан ушлаб оларди-да, мунгли оҳангда дерди:

– Мени ташлаб кетмайсизми?

Муншийжий ўзига етганча иродали одам бўлгани билан бунақа гапларни эшитиб, кўзлари намланарди. Дам-бадам Сушила ҳушидан кетарди. Кейин бирдан ўзига келарди-да, у ёқ-бу ёққа аланг-жаланг қарай бошларди.

– Қани улар? Мени ташлаб кетдиларми?

Баъзан бемор шу қадар алаҳсирардики, Муншийжий қайта-қайта такрорларди:

– Мен шу ерданман, қўрқма.

Лекин хотини ишонмасди. Эрига тикилиб қараб турарди-да, яна сўрарди:

– Қаердалар? Бу ерда йўқлар-ку. Қаёққа кетдилар?

Бироздан кейин ҳуши жойига келарди-да, жимиб қоларди ва йиғлай бошларди. Уч кунгача у Виржанни ҳам, Сувомани ҳам, Пратапни ҳам танимади. Улар барчалари ҳар соатда унинг ёнига келиб туришарди-ю, лекин шундай туюлардики, гўё у Муншийжийдан бошқа ҳеч кимни танимади. Виржан чидаёлмай онасини бўйнидан кучоқлаб йиғлай бошласа, у кўзларини аранг очарди-да, сўрарди:

– Ким бу? Виржанмисан? – бор-йўқ гапи шу бўларди, бошқа ҳеч нима гапирмасди. Жон бераётганда хасиснинг фикр-ёди кўмиб қўйган хазинасида бўлгани каби ҳинду хотин ҳам сўнгги нафасини олаётганда эридан бошқа ҳеч ким билан иш тутмай қўяди.

Гоҳ-гоҳ Сушила сесканиб кетарди-да, ҳайрон бўлиб сўрарди:

– Ие, манови турган ким? Анови югуриб кетаётган-чи? Уни қаёққа олиб кетаяпсиз? Йўқ, мен қўйиб юбормайман уни. – Шундай дея у эрининг қўлларидан ушлаб оларди. Ҳушига келган дамларда эса хижолат тортиб дерди:

– Мен туш кўраётган эдим, сизни биров олиб кетаётган эмиш. Эсингиздадир, сиз менга онт ичганингиз, ҳеч қаёққа кетмайман, деб. Қаёққа олиб кетишларини биз қаёқдан билиб ўтирибмиз, кейин сизни кўроламанми-йўқми?

Муншийжийнинг юраги бир тутам бўлиб кетарди. Хотинига чуқур меҳр ва ачиниш билан қараб қўйиб, шундай дерди:

– Йўқ, мен ҳеч қаёққа кетмайман. Сени ташлаб, қаёққа ҳам борардим.

Сувома беморнинг аҳволини кўриб турар ва ҳаёт шами сўнаётганидан йиғлар эди. Вазият туфайли номаҳрамдан қочишни ҳам унутиб юборганди. Муншийжийнинг рўпарасида соатлаб юзини очиб тураверарди.

Тўртинчи куни беморнинг аҳволи бирмунча яхшиланди. Муншийжий сўнгги дам етиб келганига амин бўлди. Шам ўчишдан олдин бир лопиллаб олади. Эрта тонгда у юзини ювиб уйга кирган эди, Сушила имо билан эрини ёнига чақирди ва деди:

– Менга қўлингиз билан озгина сув ичиринг.

Бугун унинг ҳуши жойида эди. У Виржанни, Сувомани, Пратапни – барчаларини ажабтовур таниди. У Виржанни анчагача бағрига босиб йиғлади. Сув ичиб олгач, Сувомага қараб деди:

– Синглим, мени сал кўтариб ўтқазиб қўйинг. Бегимнинг хоки пойларини олай. Шундан сўнг уларнинг оёқларини қачон кўраман-у...

Сувома йиғлаган қўйи қўллари билан уни хиёл кўтариб, ўтқазиб қўйди. Пратап билан Виржан унга юзма-юз туришарди. Сушила эрига қараб деди:

– Ёнимга келинг.

Муншийжий ҳам меҳр, ҳам алам ичида тўлиқиб, хотинини бўйнидан кучоқлади ва титроқ овозда деди:

– Уйлама, худо хоҳласа, яхши бўлиб кетасан.

Сушила тушкин аҳволда деди:

– Ҳа, бугун яхши бўлиб кетаман. Бундоқ оёғингизни узатинг. Пешонамни теккизай.

Муншийжий журъат қилолмасди. Сувома йиглаб туриб деди:

– Оёғингизни узатинг, опамнинг хоҳишларини ерда қолдирманг.

Шундан кейин Муншийжий оёқларини узатди. Сушила иккала қўли билан эрининг оёқларидан тутиб, бир неча марта ўпди. Сўнг оёқлар устига қўлларини қўйиб, йиғлай бошлади. Бирпасда ҳар иккала оёқ муборак кўз ёшлардан жикқа ҳўл бўлди. Эрига вафодор аёл

муҳаббат инжуларини танмаҳрами пойларига шу тариқа нисор этди. Товуши ўзига келгач, у Виржаннинг қўлини Муншийжийнинг қўлига берди ва жуда ҳам паст овозда деди:

– Бегим! Сиз билан кўп вақт яшадим, ҳаётнинг мазасини ҳам тотдим. Энди меҳр риштаси узилаяпти. Энди мен яна бирпаслик меҳмонман. Суюкли Виржанимни сизга топшириб кетаман. Мендан шу нишона. Унга озор берманг, яхши қаранг. Тақдиримга суюкли қизимнинг бахтини кўриш ёзилмаган экан. Бунга мен бир марта ҳам қаттиқ гапирмадим, бирон марта ўқрайиб қарамадим. У ҳаётимнинг меваси. Худо ҳақи, сиз унга сира-сира беъътибор бўлманг. – Шу сўзларни айтар экан, бирдан нафаси бўғилди ва ҳушидан кетди.

Бирпасдан кейин Сушила дугонасига қараб қўлларини қовуштирганча йиғлаб деди:

– Сингилжон! Виржанни сизга топшираман. Энди сиз унинг онасисиз. (Пратапта) Тойчоғим. Болажоним! Худо умрингни узоқ қилсин. Виржан синглингни унутма. Бу сенинг бир мунглиқ, онасиз, етимча синглинг бўлади. Унинг юраги сен билан уради. Уни хафа қилма, бекорга ранжитма. Аччиқ-чучук сўзлаб, кўнглини огритма. Ундан сира жажлинг чиқмасин. Бир нафас ҳам эътиборсиз бўлма, бўлмаса у йиғлайвериб, адои-тамом бўлади. Худо билсин, унинг пешонасига нималар ёзилган. Мен сизларни ташлаб кетаман, аммо Худони ўртага солиб айтаманки, қизимнинг асло кўнглини чўқтирма, болажоним. Ёруғ дунёда у ишонган одам ёлғиз сенсан. Кўнглимда не-не орзулар бор эди, шулардан бири сени Виржанга уйлантириш, неварали бўлиб, орзу-ҳавасларингни кўриш эди. Лекин Худонинг хоҳлагани бошқа бўлиб чиқди.

Шу гапларни айтиб, у яна ҳушидан кетди. Бутун хонадон кўз ёши тўкмоқда эди. Хизматкорлару оқсочлар ҳам ҳўнг-ҳўнг йиғлаб, бу аёл эмас, фаришта эди, деб нуқул мақтар эдилар.

Радҳия: – Неча кунлаб ишга келмаяпсан деб ҳам бир оғиз қаттиқ гапирмасдилар.

Оқсоч: – Бизларни қизларидай кўрар эдилар. Қанақа овқат пишириб, олдиларига кўйсам, ҳеч ортиқча гап қилмасдилар. Бир гапириб, ўн кулар эдилар. Хўжайин келганларида, доим бизнинг тарафимизни олиб гапирардилар.

Ҳамманинг оғзида шунга ўхшаган гаплар. Туш вақти бўлди. Оқсоч овқат тайёрлади, бироқ кимнинг томоғидан овқат ўтарди? Ҳеч кўйишмаганидан кейин Муншийжий борди ва номигагина бир-икки чўқилаб, қайтиб келди. Пратап дастурхонга йўламади ҳам. Виржан билан Сувоманинг кўзига овқат кўринармиди? Сушила Сувомага деди:

– Синглим. Жуда чанқаб кетяпман. Ановиларга айтинг, ўз қўллари билан озгина сув берсинлар.

Муншийжий сув олиб келди. Сушиланинг томоғидан бир қултум сув зўрға ўтди ва шу ҳам унга гўё биров жаннат шарбатидан ичиргандан ортиқ туюлиб кетди. Юзига қон югурди, кўзлари ёшланди. Эрининг бўйнига қўлини ташлаб деди:

– Сизнинг бағрингизда ўлаётганимдан қанчалик бахтиёрман.

Шундай деб у жим бўлиб қолди, гўё бир гап айтмоқчи эди-ю, бироқ журъат қилолмаётганга ўхшаб кетди. Бироздан кейин у яна Муншийжийнинг қўлидан тутди-да, деди:

– Сиздан бир нарса сўрасам, берасизми?

Муншийжий ҳайрон бўлиб деди:

– Сенинг сўрашинг шартми? Бемалол айтавер.

Сушила: — Сиз ҳеч қачон гапимга йўқ деб жавоб бермагансиз.

Муншийжий: — Ҳа, ўла-ўлгунча йўқ демайман ҳам.

Сушила: — Тагин буниси малол келиб қолмасмикан, деб кўрқаман-да...

Муншийжий: — Сен айтасан-у, мен йўқ дейманми?

Сушила: — Мен сизни қўйиб юбормайман. Бир гапни айтинг, Сушила ўлса, сиз уни унутасизми?

Муншийжий: — Унақа дема, қара, Виржан йиғляпти.

Сушила: — Айтинг, мени унутасизми ё йўқ?

Муншийжий: — Ҳеч қачон.

Сушила қуп-қуруқ ёноғини эрининг лабларига босди ва иккала қўли билан унинг бўйнидан кучоқлади. Кейин Виржанни олдига чақириб, аста насихат қилди:

— Менга қара, қизим, дадангининг айтганларига доим хўп де, уларга сидқидилдан хизмат қил. Рўзгорнинг ҳамма юки энди сенинг гарданингда. Энди сенга ким қарайди?

Шундай деб, Сушила эри томонга мунгли нигоҳлари билан қаради ва деди:

— Дилимдаги гапларни айтолмадим, юрагим кўтаролмаяпти.

Муншийжий: — Сен бекорга ўзингни қийнапсан.

Сушила: — Тагин мени унутиб юборманг, бегим, меники бўлган нарса бошқа биров қўлига тушмасин.

Сушила Виржанни яна чақирди ва уни бағрига босмоқчи бўлиб интилганида яна ҳушидан кетди. Виржан ва Пратап йиғлай бошлади. Муншийжий қалтираганча Сушиланинг юраги устига кафтини қўйди. Бемор аста-аста нафас олмақда эди. Оқсочни чақириб деди:

— Энди уни ерга ётқиз. — Шундай деб у йиғлай бошлади. Оқсоч билан Сувома биргаллашиб, беморни ерга олишди. Силдан Сушиланинг қоқ суякларигина қолганди.

Кеч тушиб қолганди. Бутун хонадонни мотам ва кўрқинчли сукунат чуллаган. Йиғловчилар йиғлар эдилар, фақат овоз чиқармасдан. Гап-сўзлар ҳам бўлиб турарди-ю, фақат шивирлаб. Сушила ерда чўзилиб ётибди. Бир вақтлар она бағрида униб-ўсган, кейинроқ ёр кучоғини обод қилган, гуллар билан безатилган никоҳ тўшагида ором олган жисм ҳозир қоқ ерда ётарди. Томир ҳам билинар-билинемас уриб турибди. Муншийжий қайғу-аламга кўмилганча унинг бош томонида чўнқайиб ўтирибди. Бирдан бемор бошини кўтарди-да, иккала қўли билан Муншийжийнинг оёғидан ушлади. Сушила жон берди. Иккала қўл Муншийжийнинг оёғидан тутамлаганча қолаверди. Бу бемор ҳаётидаги сўнгги амал эди.

Эй йиғловчилар, йиғлангиз! Чунки сизнинг қўлингиздан йиғлашдан бошқа нима ҳам келарди? Сизларга ҳозир биров ҳар қанча таскин-тасалли бермасин, аммо кўзларингиздан тошиб чиқаётган ғам селини тўхтатиб қололмайди. Йиғлаш сиз учун ҳам фарз, ҳам қарзидир. Ҳаётда йиғлаш учун ҳар доим ҳам имконият бўлавермайди. Айни вақтда кўзларингиздан оқаётган ёшларни аритиб бўларканми? Кўз ёшлари шашқатор оқиб турган ва фарёду нолалар кўкка ўрлаган бир пайтда оқсоч шам ёқиб, бирпасгина бурун Сушиланинг ҳаёт шами бутунлай ўчган уйга олиб кирди.

11. ВИРЖАННИ УЗАТИШ

Радҳачаран Руркий коллежидан кетиши биланоқ Муродобод муҳандиси этиб тайинланди ва Чандра у билан бирга Муродободга кетди. Премватий қолинглар деб роса ҳаракат қилди, бироқ гишт

қолипдан кўчган эди. Севтийнинг қайнота уйига кетганига ҳам анча бўлди. Бу ерда уйда ёлғиз Премватийнинг ўзи қолди. Бутун рўзгор юмушлари унинг бошида. Охири Виржаннинг сепини жўнатишга келишилди. Ноиб соҳиб аввалига рози бўлмай турди, бироқ уйдаги ишларда Премватийнинг айтгани айтган, дегани деган эди.

Санживанлаъл сеп ҳақидаги хабарни хушнуд қабул қилди. Анчадан бери у зиёратга бориб келишни ўйлаб юрарди. Кейинги пайтларда унинг дунёвий ишлардан қаттиқ кўнгли қолган эди. Кун бўйи шолчада чордона қуриб ўтириб «Бҳагавадгита» ва «Йог вариштх» сингари табаррук китобларни мутолаа қилади. Кеч тушиши билан Гангада гусл қилгани чиқиб кетади. У ёқдан эл ётар пайтида қайтади-да, апил-тапил овқатланиб, ухлагани ётади. Кўпинча Пратап ҳам у билан бирга Гангада гусл қилгани борарди. Гарчи йигитча ҳали ўн олтига ҳам тўлмаган бўлса-да, лекин бир чети ўз хоҳиши, бир чети отамерас одат, яна бир чети шерик бўлиш нияти билан у ҳалитданоқ диний расм-русумларга меҳр қўйиб, охират ҳақида хаёл суришдан хузуранмоқда эди. Илм ва худо билан боғлиқ гапларни эшитавериб унинг кўнглида тақводорликка мойиллик пайдо бўлмоқда эди ва гоҳ Муншийжий билан шундай нозик масалаларда тортишиб кетардики, Муншийжий ҳайрон қоларди. Сувоманинг Виржанга қилган ўғитлари кўпроқ унга таъсир қиларди, ҳатто Муншийжийнинг у билан шериклигида берган таълими бунинг олдида чўт бўлмай қоларди. У ҳозир ўн беш ёшда. Бу ёшда янги-янги туйғулар пайдо бўла бошлайди, нигоҳларда масъулият билан биргаликда қандайдир сирли тароват, жозиба барқ уради. Лекин Виржан она сути оғзидан кетмаган чақалоқдай маъсум бир жон. Юзи тонгги гул япроғидай беғубор, сўзлари бол каби ширин ва бийрон. Азонда туради-да, энг аввал отасининг хонасини супуриб-сидиради, унинг китоб-қоғозларини тартиб билан жой-жойига тахлаб қўяди.

Сўнг ўчоқбошига уннаб кетади. Кундузи ўқишга боради. Сувомага шунчалик суяниб, меҳр қўйиб қолганки, ҳатто у онасини ҳам бунчалик яхши кўрмаган бўлса керак. Сувоманинг оғзидан чиққан ҳар бир сўзни у фармон каби қабул қилар эди.

Сувомага қолса-ку, Виржанни ҳали-бери узатишга кўнгли йўқ, лекин Муншийжий узатмасак бўлмайди деб бу ишга астойдил киришиб кетганди. Айрилиқ соатлари яқинлашган сайин Виржан оёғи куйган товукдай питиллаб қолмоқда эди. Қачон қараса кўзида ёш, ўзини гоҳ отасининг оёғига ташлар, гоҳ онасининг оёғини кучоқлаб йиғларди. Бироқ чиққан қиз чийириқдан ташқари — энди уни қайта жойига қўйиб бўлмайди.

Пратап билан Виржан шунча йил ака-сингилдек бирга яшаб келди, бироқ энди Виржан унга кўзи тушиши билан ерга қарайди. Пратап ҳам шундай. Уйда кам кўринарди. Жуда зарур бўлгандагина худди келинлардай елкаларини қисиб, кўзини ердан олмай кириб-чиқади уйга.

Кўзларидаги сирли муҳаббатни ҳеч ким, ҳатто Виржаннинг олдида ҳам ошкор бўлиб қолишидан кўрққандай гўё.

Шом пайти эди. Виржаннинг ота уйини тарк этишига уч кун қолган. Пратап қандайдир юмуш билан уйга кирди-да, чироқни ёқди. Шу пайт Виржан келиб қолди. Сорийсининг учи кўз ёшларидан жиққа хўл эди. Икки йилдан бери бугун биринчи марта ёшли кўзлари билан қараб, деди:

— Лаллу, энди мен нима қиламан?

¹ Л а л л у — ёш ўғил болаларни эркалаб айтиладиган сўз.

Пратап кўзларига ёш олмади. Овози бўғилмади. Қатъий оҳангда деди:
– Худо ўзи сенга сабр беради.

Виржан бошини куйи солди. Кўзлари ерга қадалди ва шундай бир хўрсиндики, юрагидаги сўз билан ифодалаб бўлмас дард шундоқ аён бўлди-қўйди.

Узатиш кунни қизнинг ҳаётидаги энг қора кун бўлса, не ажаб. Уни болаликдаги дугоналарию ўртоқлари, ота-онаси, қариндош-уруғлари билан боғлаб турган барча иплар ширт-ширт узилади. Барибир, яна бу уйга келиб тураман-ку, деган хаёл унга асло тасалли беролмайди. Чунки келганида ҳам фақат меҳмондай келиб-кетади. Ҳаёт боғида эркин қушдай учиб-ўйнаб юриб, бирга катта бўлган одамларидан айрилиқ ҳисси унинг юрагини пора-пора қилиб ташлайди. Бугундан унинг бошига шундай бир юк қўйишадики, энди уни бир умр кўтариб юришга мажбур.

Виржани ясан-тусан қилдиришмоқда. саргарошнинг хотини унинг қўл ва оёқларига меҳандий – қизил бўёқда нақшлар чекар, кимдир сочини турмаклар, яна бири турмакка хушбўй мой суртарди. Бу тадоригу тараддуларнинг бош сабабчисининг ўзи эса тўхтовсиз инжу доналарини тўкмоқда. Шу пайт ташқаридан: «Қани, бўлди қилинлар, энди жўналади», – деган овоз келди. Сувома шу ерда эди. Виржан унинг бўйнидан маҳкам қучоқлади ва шу пайтгача зўрга ушлаб турган кўз ёшлари дув тўкилди. Худди ёғ сепганда олов ловуллаб ёнганидай, унинг кўксидан ногаҳоний фарёд отилиб чиқди.

Ҳаял ўтмай тахтиравон ҳовлига келтирилди. Виржан қўшни хотинлар билан қучоқлашиб хайрлаша бошлади, Сувоманинг хоки-пойини олди, сўнг икки-уч хотин уни қўлтиқлаб, тахтиравон ичига ўтқазиб қўйди. Тахтиравон ердан узилиши билан Сувома, худди биров жонини суғуриб олгандек, хушдан кетиб, ерга қулади. Уй хувиллаб қолди. Ичкарию ташқарини хотин-халаж тутиб ётган бўлса ҳам бир Виржаннинг йўқлигидан уй уни ютиб юборгудек бўлмоқда эди.

12. КАМЛАЧАРАННИНГ ДЎСТЛАРИ

Ёш келиннинг фарқига суртилган синдур ҳуснига ҳусн қўшгани каби, Виржаннинг келиши билан Премватийнинг уйи файзга тўлди. Сувома унга шундай тарбия берган эдики, уни кўрганлар сени туққан онангга раҳмат дерди. Ҳатто Севтийнинг дугонаси Раний ҳам Премватийнинг юз-кўзича, кичкина келиннинг олдида бизлар ҳеч нимага арзимамай қолдик, деб очикдан-очиқ тан олди. Севтий у билан кун бўйи гаплашиб ўтирса ҳам сира зерикмасди. Қўшиқ айтишда олдимга тушадиган йўқ деб юрарди, бироқ бу борада ҳам Виржан уни мот қилди.

Энди Камлачараннинг дўстлари унга шундай иддао қила бошлашди:

– Оғайни, ёшгина келинни уйингга олиб келиб олдинг, биз дўстларингни ҳам унутма. Айтишларича, келин жуда чиройли эмишми?

Камлачаран қайнотанинг пулларидан қаппайган чўнтакларига уриб, деди:

– Ие, нима деяпсизлар, хоҳлаганча еб-ичмайсанларми! Фақат ортиқча шовқин солманглар, тагин келинбола булар фирт безорилар экан деб ўйламасин. Шу келин келганидан бери ҳушим жойида эмас. Мен сизларга айтсам, инглизча, форсча, санскритча, яна алламбалоларни сув қилиб ичган. Тагин инглизчалабми ё форсчалабми бир нима деб қолса, оғзимни ланг очиб қолавераманми деб юрагимни ҳовучлаб ўтираман. Ҳозир ўзимни у ёқ-бу ёққа ташлаб юрганам шундан.

Сирасини айтганда, Камлачаран дўстларининг сони бор, саноғи йўқ. Шаҳарда қанчалаб каптарбоз, варракбоз, бекорчилар борки, ҳаммаси унинг дўстлари, бироқ шулардан ҳам бештаси ҳақиқий дўстлари бўлиб, бешаласи ҳам дунёни сув босса тўпигига чиқмайдиган боқи бегамлар эди. Улардан энг кўп ўқимишлиси Миён Мажид эди. У маҳкамада аризанавислик ҳам қиларди. Топганини ичкиликка сарфлаб тугатарди. Иккинчи ўринда Ҳамид Хон турарди. Бу йигитчага отасидан катта давлат мерос қолган бўлса-да, уч йилдаёқ барини кайф-сафога созуриб тугатганди. Энди қачон қараманг, кечқурунлари сатанг бўлиб олиб, кўчама-кўча сандирақлаб юради. Учтинчиси жаноб Саййид Ҳусайн эди — учига чиққан қиморбоз, чилимхўр, қартада анов-мановни бир чўқишда қочиради. Аёллар тақинчоғини пуллашда энг кўли чаққон савдогар шу деса бўлади. Чанду Лаъл маҳкамада ишлар эди. Маошлари унчалик бўлмаса-да, устидан келадигани катта эди. Ярмини чекиш-ичишга сарфласа, ярмини айш-ишратга созуришарди. Уйдагилар очидан ўладими, тиланчилик қиладими, бу билан ишлари йўқ — ўзлари маза қилишса бўлгани.

Бу сафар ҳам шундай бўлди. Соат саккизда ноиб жаноблари кетгач, бу бешала дўст бир жойга тўпланди ва майхўрликни бошлаб юборди. Қадаҳлар пайдар-пай айланар эди. Кайфлари ошгач, тутила-тутила суҳбатлаша бошлашди:

Мажид: — Хўш, иним Камлачаран, тўғриси айт, хотинингдан хурсандмисан ё йўқми?

Камла: — Нима демоқчи эканлигингизни тушунмадим, тақсир.

Рам Севак: — Айтавермайсанми, дўстим, бунинг уяладиган жойи бор эканми?

Камла: — Нимасини айтардим, товба. Ҳали олдига яқин йўлаганим ҳам йўқ. Кеча эшик тирқишидан бир марта мўралаб қарадим, кўрганам ҳам, кўйганим ҳам шу.

Чанду Лаъл: — Дўстим, жуда худо берган боласан-да.

Камла: — Ўзимни йўқотганимдан йиқилиб тушаёздим. Нақ парининг ўзи.

Мажид: — Эй, оғайни, дўст дегани шунақа кунда билинади. Бизга ҳам бир кўрсат, келинпошшани.

Саййид: — Албатта-да, дўстликнинг маъноси шундаки, ўртада ҳеч қандай сир бўлмасин.

Чанду Лаъл: — Дўстликда сир нима қилсин. Инглизларни қара: келин тахтиравондан тушар-тушмас ёр-дўстлари қўл бериб кўришиб кетишади.

Рам Севак: — Мен то бир кўрмагунимча ўзимга келолмайман.

Камла (бир шапати уриб): — Тилингни суғуриб ташлайман, билдингми?

Мажид: — Иним Камлачаран, ёмон кўрмагин-у, дўстларингнинг сазасини ўлдиришлик сенга асло ярашмайди.

Камла: — Оббо, мен қачон сазанглари ўлдирибман ўзи?

Чанду Лаъл: — Ана бу йигитча гап бўлди — йигит эмас, шерсан, шер! Унда бизлар сал ўзимизга оро бериб келайликми, хўш?

Камла: — Йўқ, юзларингга озроқ қозоннинг кюясидан суриб олсаларинг бўлди. Бошқа нарса керакмас.

Саййид: — Унда бугуноқ пари-пайкарнинг жамолларидан баҳраманд бўларканмиз-да.

Бу ёқда Камла дўстлари билан майхўрлик қилмоқда, у ёқда Виржан каравотда ётганча хаёл сурмоқда. Ёшликдаги кунлар ҳам ғанимат экан! Оҳ! Қани энди у кунлар яна қайтиб келса! Қандай ажойиб эди! Дунё

бошдан-оёқ меҳр-муҳаббат кони эди. Ё у бошқа бир дунёмиди? У кунларда дунёдаги ҳамма нарса жуда чиройли бўлармиди? Шундай хаёллар ичида кўзлари юмилиб, ёшликдаги бир воқеа кўз олдига келди. Пратап унинг бир кўғирчоғини пачоқлаб қўйди. Виржан аламига чидолмай, унинг китобидан икки варағини йиртиб ташлади. Шунда Пратап қизнинг биқинидан бошлаб чимчилаб олди-да, ташқарига қочди. Қиз Пратапни қарғаб, йиғлаб тургани устига Сувома Пратапни қўлидан ушлаб унинг олдига келди ва сўради:

– Қизим, сени шу урдими? Ҳа, доим шунақа уриб қочади бу. Бугун шунақанги адабини бериб қўяйки, эндиғитдан нари қўлининг учини теккизиб кўрсин-чи.

Болакай кўзларини пирпиратиб, Виржанга қараб турарди. Шунда Виржан кулиб деди:

– У мени ҳечам ургани йўқ. У менга ҳеч нарса қилмади.

Шундай дея Виржан Пратапнинг қўлидан ушлади-да, унга ширинлигининг ярмини берди ва иккаласи бирга ўйнай бошлади. Ўша пайтлар қани энди?

Тун ярмидан оққан. Тўсатдан Виржанга кимдир қаршидаги эшикни дукиллатаётгандай туюлди. У кулоқ солди. Яна овозлар ҳам келаётганди. Бир тўхтаб, яна эшитиларди. Бироздан кейин тупроқ тўкила бошлади. Кўрққанидан Виржаннинг қўл ва оёқлари музлаб қолди. Юраги дук-дук урарди. Тишини тишига босди-да, туриб, оқсочни турткилай кетди. Томоғига бир нарса тиқилиб қолганди. Шу пайт бир бўлак кесак унинг олдига келиб тушди. Оқсоч чўчиб, туриб ўтирди. Ўғрилар келганига икковида ҳам шубҳа қолмади. Оқсоч кўпни кўрган хотин эди. Қичқирсам, ҳамма оёққа туради, деб ўйлади. Бир гал, ўғри аввал тешикка оёғини солиб кўради, кейин ўзи киради, деб эшитганди. Оёқ кўрингани заҳоти шунақанги бошлаб туширайки, суяклари мажақланиб кетсин, кўнглидан ўтказди у. Бироқ ўғри оёғини эмас, тешикка аввал бошини суқиб қаради. Оқсоч шайланиб турган эмасмиди, таёқ билан айлангириб солди. Қарс этган овоз келди. Ўғри шартта бошини тортиб олди ва зорланиб деди:

– Вой-вой! Еди! Бошимни мажақлаб ташлади! – Сўнг бир неча одамнинг кулган овози эшитилди ва шундан кейин жимлик чўкди. Бу орада бошқа одамлар ҳам уйғониб кетди ва туннинг қолган қисмини гаплашиб тонг оттиришди.

Эрталаб Камлачаран уйга келганида кўзлари қип-қизил ва пешонасида ғурра бор эди. Оқсоч яқин бориб қаради ва Виржаннинг олдига келиб, деди:

– Ҳалиги, бир гап айтсам, хафа бўлмайсанми?

Виржан: – Нега хафа бўлар эканман? Хўш, нима гап экан?

Оқсоч: – Кеча деворни ўғрилар тешмаган экан.

Виржан: – Унда ким тешган экан?

Оқсоч: – Ўзимизнинг одамларнинг иши экан бу. Ташқаридан ҳеч ким йўқ экан.

Виржан: – Унда хизматкорлардан битта-яримтаси ҳазил қилибдими?

Оқсоч: – Йўқ, хизматкорлар ичида унақаси йўқ.

Виржан: – Бўлмаса ким экан, айта қолсангиз-чи?

Оқсоч: – Билишимча, бу кичкина хўжайиннинг иши, таёқни айлангириб солганимда унинг бошига тушган экан, манглайи шишиб ётибди.

Буни эшитиб, Виржаннинг қошлари чимирилди. Юзи қизарди. Жаҳли чиқиб деди:

– Оқсоч, эсингни жойига қўйиб гапир. Шу гапларни айтгани уялмайсанми? Келиб-келиб, тап тортмасдан менга шунақа деяпсанми? Сен мени ёмонотлиқ қилмоқчи бўлаяпсанми ҳали? Қариялигинга раҳмим келади, бўлмаса ҳозироқ бу ердан ковушингни тўғрилаб қўярдим. Тилини тиелмаган одамнинг ҳоли нима кечишини ўшанда билардинг. Йўқол кўзимдан, сени кўрсам баданимга тошма тошади. Оғзингдан не гап чиқаётганига ақлинг етмаётган кўринади? Уларни худо нимадан кам қилиб қўйибди? Бутун ҳовли-жой уларники. Мендаги бор бисотлар – уларники. Мен ўзим уларнинг чўрисиман. Улар ҳақида сен бунақа гаплар қиласан?

Лекин Виржаннинг ҳар қанча жаҳли чиқмасин, уйдаги бошқа одамларга оқсочнинг ҳақлиги кўп ўтмай маълум бўлди. Бу гап ноиб жанобларининг ҳам қулоғига бориб етди. У ўғлининг ўзи ўйлаганидан ҳам баттарин эканини биларди. Ҳаммадан ҳам у ўғлининг янги келин бўйнидаги тақинчоқларга қўл чўзишидан хавфсираб юрганди. Яхшиси, уни талабалар ётоқхонасига олиб бориб қўйиши керак. Бу гапни эшитиб, Камлачаран типирчилаб қолди, бироқ бироз ўйлаб турди-да, ётоқхонага кетди. Виржаннинг келишигача ҳам бу ҳақда бир неча бор маслаҳат бўлган эди, бироқ Камланинг оёқ-қўлини баравар тираб олиши бунга йўл қўймай келарди. Хотин кишининг олдида обрўйи бир пул бўлишидан кўрқиб, бу гал ортиқча қаршилиқ кўрсатмади.

13. ЎЗГАРИШ

Биринчи кунни Камлачаран бир амаллаб ётоқхонада ўтказди. Эрталабдан шомгача уйқуни урди. Эртасига бирдан эслаб қолди: ахир бугун Навоб соҳиб билан Токҳа Мирзанинг беданалари даврага тушади-ку. Иккала беданага ҳам гап йўқ! Бугун шу икковининг олишувини кўрмаса бўлмайди. Бутун шаҳар келса ҳам, ажаб эмас. Бу қанақа масҳаравозликки, бутун шаҳар одамлари маза қилишсин-да, мен бу ерда ётиб мотам тутай. Шундай хаёлларни кўнглидан ўтказиб, Камла ўрнидан турди-да, кўп ўтмай бедана уриштирувчилар майдонида пайдо бўлди.

Бугун бу ерга одам роса тўпланганди. Худди сайилга ўхшайди. Мешкобчилар сув сепар, сигаретфуруш, резаворфурушлар ва понфурушлар – ҳаммалари молларини қатор қилиб ёйиб ташлашган. Шаҳарлик учар болалар қўлларидан беданаларини тутган ёки бахмал тўшакча устига беданаларини ўтқазган қўйи чақчақлашиб гап сотар эдилар. Бу ерда Камлачараннинг дўстларидан кўпи йўқ. Одамлар унинг қўли қуруқлигини кўриб, сўрар эдилар:

– Ие, шаҳзода, бу қанақаси, қўлингизда ҳеч нарса йўқ?

Шу топ Саййид, Мажид, Ҳамид ва бошқа дўстлар кайфи тарақ, оғизларидан паға-паға сигарет тутунларини чиқарганча кўриниб қолишди. Камлачаранга кўзлари тушиб, ҳаммалари баравар шу томонга қараб чопишди ва уни қўршаб олишди.

Мажид: – Бугун қаёққа ғойиб бўлдинг, дўстим, Қуръон ҳақи, уйинг олдидан юз марта ўтди-ов ўзиям.

Рам Севак: – Ҳозир ишрат тунлари эмасми, оғайни! Кўзларини кўрмайпсанми, мастга ўхшайди.

Чанду Лаъл: – Хўроз хўрозлигини қилади-да! Уйга пари келганидан бери бозоржойга қадам изини қилмай қўйди. Қачон қарама, уйда кўмилиб ётади. Қандингни ур, оғайни!

Камла: – Қайдан ҳам қандимни урардим! Бу ёғини сўрасаларинг, қамоқхонага тушгандайман. Уч кундан бери ётоқхонадаман.

Мажид: – Ие! Рост айтаяпсанми?

Камла: – Ҳа, рост айтаяпман, ўтган кундан бери бағримни ерга бериб ётибман. Бугун ҳаммасининг кўзини шамғалат қилиб чиқиб келдим.

Рам Севак: – Боплабсан! Анови мўйлов супаринтендент¹ тутақиб ётгандир?

Камла: – Бу томошаларни ташлаб, китобларга мукка тушадиган аҳмоқ бор эканми?

Саййид: – Дўстим, бугун қочиб чиққан бўлсанг, омадинг келибди. Аслида сенинг у ерда ётишинг ўзи дўзах азоби. Ҳар куни чиқиб келолмассан, ахир? Бу ерда-чи, Худонинг бермиш куни янги сайр, янги-янги томошалар. Эртага Қизилқўлда, индинга уловда, ундан кейинги куни қайиқ пойғаси – қайси бирини айтай? Кетганинг чакки бўлди-да.

Камла: – Эртанги олишувни албатта кўраман, менга деса дунё остин-устун бўлиб кетмайдими.

Саййид: – Қайиқ пойғасини кўрмабсан, дунёга келмабсан.

Туш оққанда Камлачаран дўстлари билан хайрлашиб, маъюс ётоқхона томон кетди. Кўнглига қил сифмаётганди. Ётоқхонага етгач, супаринтендент бўлмаса, лип этиб хонага кириб оламан, дея у ёқ-бу ёққа аланглаб қарай бошлади. Қараса, супаринтендент ҳам ташқаридан келаётган экан. Ўзини бир амаллаб қўлга олди-да, ичкарига урди. Супаринтендент сўради:

- Шу вақтгача қаерда эдинг?
- Бир иш билан бозорга тушувдим.
- Бозорга бориш учун бошқа вақт қуриб қолганмиди?
- Билмайман, бошқа бўлмайди, узр.

Кечаси каравотда ётганча Камла ўйлай бошлади: «Акаси, бугунча қутулиб қолдинг, аммо эртага қутулиб қололсанг, иш сеники. Индинга ҳам амакининг кўзини шамғалат қиламан. Эртанги томоша чинданам томошаларнинг подшоси бўлади. Варраklar осмони фалакка кўтарилади ва бир-бирларини узоқ-узоқларга қувлайди». Шуларни ўйлай-ўйлай унинг кўзи илинди. Эртасига эрталаб ётоқхонадан жуфтакни ростлаб қолди. Дўстлар Қизилқўлда уни кутиб туришган экан, уни кўриб барчалари ўзларида йўқ суюнишди ва Камланинг елкасидан қоқиб қўйишди.

Камлачаран бирпас варраklar мусобақасини томоша қилиб турди. Сўнг азбаройи завқи жўшиб, мен ҳам ўзимнинг варрагимда бир маҳоратимни намоёиш қилсам, нима қипти, деб ўйлади. Саййид ҳам: «Ҳа-да, бўш келма, пулини ўзимиз тўлаймиз», – деб уни баттар тезлади. Камлачаран дарҳол уйга одам жўнатди. Ўз рақибларидан биронтасига бой бермаслигига унинг ишончи комил эди. Бироқ варракка кетган одам икки қўлини бурнига тиқиб қайтиб келганини кўриб, ёмон тутақди. Қўлига хивчин олиб югуриб кетди ва уйга келиб, хизматкорларни бир бошдан савалашга тушди. Бегуноҳ хизматкорлар ҳе йўқ-бе йўқ бошларига кетма-кет хивчин тушганидан дод солиб йиғлай бошлашди. Бутун маҳалла саросимага тушиб қолди. Ҳеч ким гуноҳи нима эканини англаёлмаётганди. Хизматкорларни обдон жазолаб бўлгач, Камлачаран ўз хонасига кирди. Бироқ у ердаги аҳволни кўриб, газаби баттар ошди. Варраklar йиртиб ташланган, иплари айқаш-уйқаш бўлиб ётар, шу туришида улар душман томонидан абжағи чиқарилган мағлуб қўшинга ўхшарди. Бу, шубҳасиз, ойимнинг иши, деб ўйлади у. Фазадан ёнганча ойисининг олдига борди ва дағдаға билан сўради:

¹ Супаринтендент – катта полиция зобити.

– Ойи, нима, мени ўлдиргани қасд қилганмисиз? Уч кундан бери зиндонда ётибман, лекин бундан ҳам кўнглингиз тўлмай, кўнгилочар нарсаларимни дабдала қилиб ташлабсиз, нега?

Премватий (ҳайрон бўлиб): – Мен сенинг ҳеч нарсанга текканим йўқ. Нима бўлди?

Камла (тутақиб): – Ёлғон гапириб нима қиласиз? Нарсаларимга сиздан бошқа ким тегарди? Ахир, варраklarимни йиртиб, майда-майда қилиб ташлабсиз-ку! Уларнинг сизга нима оғирлиги тушаётувди?

Премватий: – Худо гувоҳ, сенинг хонангга изимни босганим йўқ. Юр, кўрайлик-чи, қандай нарсаларинг дабдала қилиб ташланганикин.

Шундай деб, Премватий хонага қараб кетди, Камлачаран эса жаҳли чиққанча ҳовлида турган эди, шу топ Модҳавий Виржаннинг хонасидан чиқиб келди ва Камлачараннинг қўлига бир парча хатни тутқазиб кетди. Хатда шундай ёзилган эди: «Айб мендан ўтди. Мен гуноҳкорман. Хоҳлаган жазоингизни беринг».

Бу хатни кўриши билан Камла сувга тушган мушукдай шумшайиб қолди ва оёқ учида юриб, меҳмонхона томонга кетди. Премватий парда ортида пиқ-пиқ йиғлаётган хизматкорларни койимоқда эди, Камлачаран ойисини тўхтатди ва дарҳол бутун қолган ва яна уч-тўртта варракни парча-буриш қилиб йиртди, ипларини узиб-узиб ташлади ва барини тўплаб, тагидан гугурт чақди. Ойиси нима бўлганига сира тушунмаётган эди. Ахир ҳозиргина шу нарсаларни деб дунёни бошига кўтариб турган одам нега энди ўзи унинг кушандасига айланиб қолди? Жаҳл устида қиляпти деб ўйлаб, уни қайтармоқчи бўлди, бироқ ўғлининг чеҳрасида ғазабдан ном-нишон йўқ эди. Вазмин оҳангда деди:

– Жаҳлим чиқаётгани йўқ. Бугундан қаттиқ онт ичиб айтаманки, энди зинҳор варрак ўйнамайман. Шу нарсалар туфайли сизга жаҳл қилиб, аҳмоқ бўлибман.

Камлачаран хонада ёлғиз қолгач, ўйлай бошлади: «Менинг варрак учиршим, ростданам унга ёқмас экан, бу нарсани жинидан ортиқ ёмон кўрар экан, йўқса менга ҳаргиз бунақа зулм қилмасди. Уни бирров кўрганимда, сен нимани хоҳлайсан, деб сўраган бўлардим, лекин унинг юзига қандай қарайман? Аввалига ўзим ғирт аҳмоқман, бунинг устига аҳмоқлигимни неча марта исботлаб бердим. Девор тешиш воқеасидан у, албатта, хабар топган бўлиши керак. Унга башарамни кўрсатгулигим қолибдими? Энди бир йўли бор: у ҳам менинг башарамни кўрмасин, мен ҳам унинг юзига қарамай. Ёки бир бало қилиб ўқиб, маълумотли бўлиб олишим керак. Нима ҳам дердим! Бу соҳибжамолга Худо қандай ҳусн бериб қўйибди. Аёл эмас, фариштанинг ўзи-ку! Бир кун келиб, у ҳам менга кўнгил қўйиб қолармикан? Лабларини қаранг – қип-қизил лаъл дейсиз. Лекин юраги тошдан қаттиқ. Раҳм деган нарсдан ном-нишон йўқ. Қандай жазо берсангиз ихтиёрингиз, деди. Қанақа жазо берардим? Биргина жазони биламан: юрагимга жойлаш, вассалом. Бўлди, энди бугундан бошлаб ўқишим керак». Шуларни ўйлаб, у ўрнидан турди ва қафасни очиб, каптарларни учириб юбора бошлади. Юз жуфтдан кўпроқ бир-биридан аъло каптарлар! Осмонни юлдуздай тутиб кетади, бир учса, кун бўйи кўниш нималигини билмайди улар. Шаҳар каптарбозлари ҳар жуфтига қул бўлишга рози. Бироқ бир лаҳзанинг ўзида ҳаммасини учириб юборди. Қафас бўшагач, хизматкорларга уни бузиб ёқиб юборишни буюрди. Қўндоқларни ҳам олиб ташланглар, бўлмаса каптарлар келиб, уларга қўниб олади, деди. Каптарларни бир ёқлик қилгач, бедана ва булбулларнинг олдига борди ва уларни ҳам қамоқдан озод қилиб юборди.

Ташқарида шу ишлар содир бўлиб турганида ичкарида Премватий, боламга бир бало бўлиб қолмадими, деб кўксига муштламоқда эди. Виржанни чақириб, деди:

– Келинпошша, эрингизни бир бало қилиб тўхтатинг. Тагин бир касофатни бошлаб юрмасин. – Шундай дея онаизор йиғлай бошлади. Виржан ҳам ҳайрон эди: ҳойнаҳой эрининг кўнглида бир гап бор, йўқса, бу жаҳллар нимага: гарчанд Камлачаран ҳар қанча ишратпараст, бадфеъл, ахлоқсиз бўлмасин, бироқ бу барча айбларига қарамай унинг ҳеч бир аёлни бефарқ қолдирмайдиган бир фазилати ҳам йўқ эмасди – у Виржанни чин юракдан севарди. Унинг бу сирли муҳаббатини бир-икки бор Виржаннинг ўзи ҳам пайқаган эди. Виржан ўзини бемалол тутишининг сабаби ҳам шунда эди. У қоғоз олди-да, қуйидаги мактубни ёзиб юборди: «Севгилим, бу габабларингиз нима учун? Сизнинг уч-тўртта варрагингизни йиртиб ташлаганим учунми? Агар шунгагина бўлса, бунақа гапб отига минишингизни билганимда, уларга қўлимнинг учини ҳам теккизмаган бўлардим. Лекин бўлар иш бўлди, мен гуноҳқорман, тавба қилдим, бу биринчиси ва охиригиси. Сизнинг Виржанингиз».

Камлачаран бу хатни ўқиб шунчалик таъсирландики, гўё дунёдаги бор хазилага эга бўлгандек. Хатга жавоб ёзмоқчи бўлди, бироқ нима деб ёзишни билмасди. Нима деб ёзсин? Мақтасинми, кўкларга кўтарсинми? Нима деб бошлайди-ю, қандай тугатади? Бошдан-оёқ ҳаяжонли сўзларга тўлдириб хат ёзишни жон-жон деб хоҳларди, аммо миясига ҳеч нима келмаётганди. Бугун биринчи марта Камлачаран ўзининг аҳмоқлиги ва саводсизлигидан қаттиқ пушаймон бўлди. Аттанг! Икки энлик хат ёзишга ҳам ярамасам-а! Шунини ўйлаб, у йиғлай бошлади ва ҳеч кимнинг кўзига кўринмаслик учун эшикни ичкаридан тамбалаб олди.

Кечга яқин мунший Шиёмачаран уйга келганида унинг кўзи энг аввал ҳовлидаги гулханга тушди. Ҳайрон бўлиб, хизматкорлардан сўради:

– Бу ёнаётган нима?

Хизматкорлар бараварига жавоб қилишди:

– Тақсир, қафас ёняпти.

Муншийжий (дўқ оҳангида): – Уни нега ёқдиларинг. Энди каптарлар қаерда туради?

Хизматкор: – Кичкина хўжайин буюрдилар, ҳамма қафасни ёқиб юборинглар, деб.

Муншийжий: – Каптарлар қаёққа кетди?

Хизматкор: – Ҳаммасини учуриб юбордилар, битта ҳам қолдирмадилар. Варракларни битта қўймай йиртиб ташладилар, ипларини уздилар, кўп зарар бўлди.

Хизматкорлар еган калтакларининг учини олишди. Шўрликлар Муншийжий бу зарарлар учун Камлачаранни чангитиб сўкади деб ўйлашган эди, бироқ Муншийжий бу гапларни эшитиб, хангу-манг бўлиб қолди. Камлачаран ўша бир сиқим пат учун жонини берарди, бугун тўсатдан бу ўзгаришни қаранглар! Бу ерда бир гап бор, хойнаҳой. Хизматкорга қараб деди:

– Камлачаранни чақир.

Бирпасдан кейин хизматкор келиб деди: – Жаноб, эшик ичкаридан қулфлог. Шунча тақиллатсам ҳам жавоб бермадилар.

Бу гапни эшитиб, Муншийжийнинг юраги тўхтаб қолаёзди. Хаёлидан яшин тезлигида заҳар-пахар ичиб қўймаганмикан, деган машъум бир ўй кечди. Бугун судда бир заҳар ичиб қўйганининг иши кўрилганди. Оёқяланг югуриб кетди ва ёпиқ эшикни қаттиқ тепиб қичқирди:

– Камла! Камла! – унинг овози бўғилди. Камлачаран отасининг овозини эшитиб сапчиб ўрнидан турди ва кўз ёшларини артиб, эшикни очди. Бироқ уришиб, сўкиб сўзлаш ўрнига отаси уни кучоқлаб олганини кўриб, ҳайрон бўлди.

Ота ташвишли оҳангда сўради:

– Ўғлим, худо ҳаққи ростини айт, тагин у-бу нарса еб қўймадингми?

Камлачаран бу саволнинг маъносини англаш учун кўзларини кўтариб Муншийжийга қаради – боланинг кўзлари жиққа ёшлигини кўрди-ю, бирон фалокат юз берганига Муншийжийнинг шубҳаси қолмади. Чунончи бир хизматкорга буюрди:

– Докторни чақириб кел. Тез юрар экансиз де!

Шундан кейингина овсар Камла отасининг нимадан кўрқаётганлигини англади. Югуриб бориб уни кучоқлаб олди-да, деди:

– Сиз янглишяпсиз. Ўлай агар, соппа-соғман, дадажон.

Лекин Муншийжий қулоғига гап кирадиган ҳолда эмасди. Атайлаб мени қайтармоқчи бўляпти, деб ўйлади ва маҳзун оҳангда деди:

– Ўғлим! Худо ҳақи мени қўйиб юбор, сандикдан бир дори олиб келай. Сенинг бу ниятда ётоқхонага бораётганингни мен қайдан билай?

Камла: – Худони гувоҳ қилиб айтаман, дада, мен соппа-соғман. Келиб-келиб, сизга ёлғон гапираманми? Докторни чақириб бекорга овора бўлаяпсиз.

Муншийжий (сал-пал ишониб): – Унда эшикни ёпиб олиб, нима қилаётувдинг?

Камла: – Ичкаридан хат ёзиб чиқартирган экан, шунга жавоб ёзаётгандим.

Муншийжий: – Анови каптарлару бошқа қушларни нега учуриб юбординг?

Камла: – Ўқишимга халақит бермасин деб. Бутун вақтим шу дардисарларга кетарди. Бугун мен бу нарсаларга чек қўйдим. Мана, кўрасиз, бундан кейин ўқишга астойдил кўнгил қўяман.

Муншийжий аста-секин ўзига кела бошлади. Ичкарига кириб хотинидан гап сўраган эди, у бўлган нарсаларни оқизмай-томизмай сўзлаб берди. Виржаннинг жаҳл билан келиб варракларни йиртиб, ипларини узиб ташлаганини эшитиб, Муншийжий қулиб юборди ва ўғлининг эрмакларини йўқ қилиб юбориши сирини англади.

– Назаримда, келинимиз тақсиримни одам қилишга бел боғлаган кўринади.

14. ПАНД

Виржан келин бўлиб кетганидан кейин Сувоманинг уйи қуши учиб кетган қафасдай бўм-бўш бўлиб қолди. У шу уйнинг шамчироғи ва бадандаги жон каби эди. Ўша-ўша уй-у, аммо ҳамма томондан уни гамгинлик чулғаб олганди. Яшовчилар ҳам ўша-ўша-ю, бироқ барчанинг чеҳраси тунд ва кўзлари нурсиз эди. Бамисоли баҳорда яшнаб турган боғни куз ҳавоси эгаллаб олгандай. Қизи кетгандан кейин мунший Санживанлаъл ҳам зиёратга жўнаб кетди. Топган-тутган бор бисотини Пратапга топширди. Ўзи билан кийик териси, «Бҳагавадгита» ва бир неча китобдан бошқа ҳеч нарса олмади.

Пратапнинг муҳаббат орзулари беқиёс эди. Бироқ шу билан бирга бу орзуларини ҳеч кимга билдирмас, сир бой бермас эди. Уйдаги ҳар бир буюм унга Виржанни эсга солгани-солган эди. Агар Виржан меники бўлганида, ҳаётимиз гоят бахтли кечарди, деган ўй сира

мясидан кетмасди. Шундай бўлса ҳам у бу ўйни хаёлидан ҳайдашга уринарди. Китоб мутолаа қилганида китоб очиқ ётаверарди-да, хаёли аллақайларга кетиб қоларди. Овқатлангани ўтирди демагунча кўз ўнгида Виржаннинг чеҳраси айлана бошларди. Ишқ олови тафтини босишга ҳаракат қилавериб, у охири неча йиллардан бери ётган касалнинг ҳолига тушиб қолди. Ошиқлар ўз орзуларининг рўёбга чиқишига умид боғлайдиларми, йўқми, аммо кўнгилларида маъшуқаларининг висол лаззатидан хузурланиб яшайдилар. Улар ҳислар дунёсида ўз севгиллари билан сўзлашадилар, унинг қитиғига тегадилар, ундан аразлайдилар, унга ёлворадилар ва шу ҳислардан қониқиш ҳосил қиладилар. Борди-ю, агар уларни бу ҳислар боғида сайр қилишдан тўхтатиб, маъшуқалари рухсорини кўз олдига келтиришдан маҳрум этувчи бирон куч топилгудек бўлса, шўрлик ошиқларнинг ҳоли нима кечарди? Пратап ана шундай қисмати шўр ошиқлардан эди. Шу нарсага шубҳа йўқки, агар у истаса ширин хаёллардан лаззат ола билар эди. Ҳислар дунёсида сайр қилиш гоят хузурбахш бўлади, бироқ ҳамма бало шунда эдики, у Виржанни хаёлида ҳам жирканч ҳою-ҳаваслардан пок сақлашга ҳаракат қиларди. У шундай муқаддас туйғуларни ардоқлаб ўсган ва шундай ҳалол-пок ва тоза ҳулқ-атворли одамлар даврасида юриб, улардан ибрат олишга муяссар бўлган эдики, унинг назарида кишининг ўй-фикри ҳам унинг феъл-ҳўйи сингари пок ва беғубор бўлиши керак. У бир неча бор синглим деб атаган ва ҳозир ҳам сингил деб аташга ҳаракат қилиб юрган Виржанни хаёлида ҳам жирканч ҳою-ҳаваслардан пок сақлагани-ку, майли аммо лоақал кўнглидаги тубан туйғулардан халос қилиб бўлмайдиган орзулар чўққиси деб ҳам тасаввур қила олмас эди. Мунший Санживанлаъл борида пайт топиб у билан бирга илм-фан ва дин-ахлоқ хусусида суҳбатлашиб турарди ва бундан олам-олам хузурланарди. Бироқ у одам кетгандан кейин дилига таскин берувчи бу имконият қўлдан чиқди.

Сувомга ўғлининг маънос тортганини кўрганида юраги бир тутам бўлиб кетарди. Бир куни у деди:

– Агар сал кўнглим ёзилсин десанг, Праёгга бора қол. Зора у ерда бироз ўзингга келиб олсанг.

Бу фикр Пратапнинг кўнглига ҳам бир неча марта келган эди, бироқ ойим бу ерда ёлғиз қолиб қийналади, деган хаёл билан айтолмай юрганди. Ойиси майли дегач, боришга қарор қилди. У сафар тараддудини кўра бошлади, жўнаш куни ҳам тайин бўлди Сувомга тинмай ўғлига мусофир юртида «ундоқ юр, мундоқ тур» деб насиҳат қилишдан бўшамай қолди.

– Болажоним, зинҳор-базинҳор бировлар билан уришма, ўзи сенинг бунақа одатинг йўқлигини биламан, бироқ айтиб қўяпман-да. Бегона юртда ҳар бир қадамни ўлчаб босиш керак бўлади. Қачон еб-қачон ичишда айниқса эҳтиёт бўл. Сенинг бир ёмон одатинг бор, қишда қош қораймай ётиб ухлайсан, кейин қулоғинг тагида карнай чалса ҳам уйғонмайсан. Йўқ, мусофир юртида бунақаси кетмайди, кечки овқатингдан бенасиб қоласан. Кундузи озгина ухлаб олишга ўрган. Кундузи кўзингга сира уйқу келмагани ёмон-да.

У ёққа ўтса ҳам, бу ёққа ўтса ҳам ўғлига насиҳат қилишдан чарчамасди.

Ниҳоят, жўнаш куни ҳам етиб келди. Поезд кундузи ўнда кўзгаларди. Пратап ўйлади: «Виржанни кўриб келай. Олисга кетаман, шундан кейин яна қачон кўришамиз. Кўнглим жойига тушади». Бу ниятини ойисига айтган эди, Сувомга ўзида йўқ суюнди.

Бир лаганда ширинлик, сомсалар ва икки-уч хил мураббо солиб, ўғлим билан бориб келинглр, деб Радҳияни кўшиб жўнатди. Пратап сочини

олдирди, кийимларини янгилади. Йўлга тушишга тушди-ю, ҳар қадам ташлаганида юраги орзиқиб кетаверди. Миясига турли хил ўйлар кела бошлади. Ким билсин, Виржан буни қандай тушунди-ю, қандай тушунмайди. Тўрт ой ўтди, у менга лоақал икки энликкина хат ёзмади-ку. Мени кўриб хурсанд бўлади деб қандай айта оламан? Дарвоқе, унинг энди сен билан қанчалик иши бор? Сен ўлганинда ҳам у кўзидан бир қатра ёш тўкармиди? Бу ердалигида бошқа гап эди. У, шубҳасиз, унинг кўзига тушган чўп бўлади. Жуда ясаниб келибди, акахон мени ҳавасим келсин деб шундай қилибди, деб ўйламасмикан? Олга кетиб борар экан, хаёлидан ана шундай ўйлар кечмоқда эди. Бир вақт Шиёмачараннинг уйи кўринди. Камла ҳовлида айланиб юрарди. Унга кўзи тушиши ҳамон Пратап худди полицияга дуч келган ўгрининг ҳолига тушди-қўйди. Дарҳол бир уйнинг панасига ўтди ва Радҳияга деди:

– Сен бориб, бу нарсаларни бериб кел. Менинг бозорда қиладиган бир ишим бор эди. Қайтишда кирарман.

Шундай деб у бозор томонга қараб кетди, бироқ ўн қадамча юриб-юрмай яна хизматкорни чақирди-да, деди:

– Мен ушланиб қолсам, келолмаслигим мумкин. Шунинг учун бир нарса сўраса, мана бу хатни бериб қўй. – Шундай дея у чўнтагидан қалам олиб, бир варақ қоғозга хат ёзиб берди, ёзаётганида юрагида нелар кечаётгани яққол кўриниб турарди: «Мен бугун Праёгга кетаяпман, энди ўша ерда ўқийман. Шошиб турганимдан сен билан учрашолмадим. Ўлмасам, яна келаман. Гоҳ-гоҳ саломатлигинг ҳақида ёзиб тур.

Сенинг Пратапинг».

Пратап хатни берди ва йўлига қараб кетди, Радҳия битта-битта юриб, Виржаннинг уйига кетди, Виржан уни кўриши билан югуриб келди-да, ҳол-аҳвол сўраша кетди:

– Амакимдан хат-хабар келдимми?

Радҳия: – Кетганларидан бери на хат бор, на хабар.

Виржан: – Холам омон-эсон юрибдиларми?

Радҳия: – Пратап соҳиб Праёгга кетаяптилар, шунга сал хафалар.

Виржан: – Пратап Праёгга кетяптими?

Радҳия: – Ҳа. Ҳаммамиз роса тушунтирдик, бегона юрт ўзингизникидай бўлармиди, ўз уйинг – ўлан тўшагинг. Кичкина хўжайин қулоқ солмадилар.

Виржан: – Қачон кетаяпти?

Радҳия: – Бугун соат ўнда поездда жўнаркан. Сиз билан кўришгани келаётувдилар, уйингизга етай деганда қайтиб кетдилар.

Виржан: – Ҳеч нима демадимми? Нега қайтиб кетади?

Радҳия: – Ҳеч нима демадилар, фақат айтдиларки, поезд кетиб қолади, улгурмасам бўлмайди, дедилар.

Виржан соатига қаради. Салкам саккиз бўлибди. Премватийнинг олдига бориб, деди:

– Ойижон! Пратап бугун Праёгга кетяпти экан, йўқ демасангиз уни бирров кўриб келай? Шундан уни бошқа кўраманми ё йўқ. Чўри қизнинг айтишича, ўзи мени кўргани келаётган экан, лекин кўчанинг нариги томонидан қайтиб кетибди.

Премватий: – Ўзингга мундоқ қарасанг-чи, на сочинг ўрилган, на фарқингга қизил суртилган, на кийимингни алмаштиргансан, тагин бировни кўргани бораманинг нимаси?

Виржан: – Ўзимнинг ойижоним! Йўқ деманг, борақолай! Сочимни ўрай десам, ўн бўлиб қолади.

Премватий: – Бўпти, борсанг бора қол, аммо ҳаяллама. Извошни ҳозирлат, Сувомага мендан дуо айтиб қўй.

Виржан кийимларини алмаштирди, извошни ҳозирлашни айтиб, Модҳавийни ташқарига чиқариб юборди, шунгача ҳеч нарса англолмади. Кейин Радҳиядан сўради:

– Бирон хат-пат ҳам ёзиб бермадимми?

Радҳия хатни чиқазиб, унга узатди. Виржан шошиб хатни олди, бироқ уни ўқиди-ю, лунжи осилди. Уйгача келиб, тагин нега қайтиб кетади? Хатни ҳам шундай ёзибдики, ҳеч нарса тушуниб бўлмади. Нимасига шошарди? Ё поезд ҳайдовчисимиди у? Куни билан кам деганда беш-олтита поезд юрса керак? Мен билан кўришгани лоақал икки соатга ҳам сабри етмай қолибдими? Бирдан унинг юраги ғуссага тўлиб, Пратапнинг олдига бориши ва: «Энди нима қиламан, Пратап?» дейиши кўз олдига келди. Бундан илгари ҳам ўшанда менинг ўша аҳволда кетишим гоят ноқулай бўлган эди, деб бир неча бор хаёлидан кечирганди Виржан. Энди, мана, маълум бўлдики, Пратап уни аллақачон эсидан чиқариб бўлган экан. Энди менинг муҳаббатимга ва кўнглим унинг қалбида жой йўқ. Оғир хўрсиниб, у ўтириб қолди ва Модҳавийга деди:

– Извошчига айт, энди извош керак эмас экан де. Мен бормайдиган бўлдим.

15. БУРЧ ВА МУҲАББАТ ЖАНГИ

То Виржан қайнона уйдан келмагунга қадар унинг назарида эр олдигаги ҳинду хотинларига хос бурч ва одоб борасида бирон-бир қоида қарор топганича йўқ эди. Оилада эрга боғлиқ гап-сўзлар ҳам ҳеч қулоққа чалинмасди. У хотиннинг бурчи ҳақидаги китобларни ўқигани рост, лекин улардан биронтаси унда чуқур таассурот қолдирмаганди. Бу уй меники эмас ва тезда мен бу ердан кетишга мажбур бўламан деган ўй ҳам сира кўнглига келган эмас.

Бироқ у қайнота уйига келин бўлиб тушгач ва ўзининг кўз очиб кўрган эрини ҳар лаҳза кўз олдига кўриб тургач, аста-секин қалбида ўзгаришлар бўла бошлади. Унинг кимлиги, унинг бурчи нималиги, унинг қадр-қиммати қанча-ю, нима қилиши кераклиги ўзига аён бўла бошлади. Олдинги гаплар тушда кўргандек туюладиган бўлиб қолганди. Ҳа, ундан ҳеч нарса билан ювиб бўлмайдиган гуноҳ ўтган пайтлар эсига тушса, ўзи хижолатдан бошини эгиб олар ва ўзини ўзи койир эди. Пратапнинг олдига боришга қандай журъат қилганига ўзи ҳам ҳайрон қоларди. Гоҳо бу воқеани у тушга йўйишга ҳаракат қиларди, шунда Пратапнинг кўркам сиймоси унинг қаршисида намоён бўлар ва у чин дилдан уни дуо қиларди; лекин бугун Пратапнинг мана бундай тошбағирлиги Виржанни ҳали ҳам Пратап ўша воқеани унутмабди-да, унинг нигоҳида мен шу қадар ер билан битта бўлганманки, ҳатто менинг юзимни кўришни истамайди деб ўйлашга мажбур қилди ва ич-ичидан қаттиқ ранжиди. Унинг Пратапдан кўнгли ёмон қолди ва дилида унга нисбатан бўлган бор ишқу муҳаббати кўз очиб-юмгунча бир томчи сувдай гойиб бўлди-қўйди. Аёлларнинг кўнгли жуда бўш бўлади, бир вақтлар Пратап учун жисму жонини қурбон қилишга тайёр бўлган ўша Виржан унинг биргина болаларча қилигини кечира олмайдими? Унинг юраги шунчалар торми?

Шуларни ўйлаб, Виржан юрагига юзлаб тикан қадалгандай ҳис қила бошлади ўзини.

Бугундан Виржаннинг аввалги очиқ-сочиқлигидан асар қолмади. Юрагини оғир бир юк босиб турарди. Модомики, Пратап мени унутиб юборган экан ва мени заррача юз-хотир қилмас экан, нима, унинг гами билан чучук турмушимни аччиқ қилиш зарил келибдимени менга? Ҳар кимга саломига яраша алиқ. Ҳолбуки у мени ёмон кўрар экан, ҳолбуки у юзимни кўришни истамас экан, мен ҳам унинг башарасига қарашдан нафрат қиламан ва у билан кўришиш истагим ҳам йўқ. Энди у ўзидан: «Нега ҳар доим уни ўйлашим керак экан?» деб ўзидан жаҳли чиқарди ва эндиғитдан нари исмини ҳам кўнглимга келтирмайман деб аҳд қиларди; бироқ салдан кейин хаёли яна Пратап томонга бошлаб қолар ва яна ўша ўйлар унга тинчлик бермас эди. Юрагидаги бу ўтти ўчириш учун у Камлачаранга самимий муҳаббат нелигини билдириб қўя бошлади. Камлачаран бирпасга бир жойга борса, уни тергай бошларди. Тилла соат ва тилла занжир сотиб олинди деб, тежаб-туғиб тўплаган бор пулини унга берди. Эри кўнмаган эди, у хафа бўлди. Бусиз ҳам Камлачаран унинг қули эди, хотинининг унга муҳаббати чексизлигини кўриб, баттар жон фидо бўла бошлади. Дўстлари эшитиб, қойил қола бошлашди. Миён Ҳамид билан Саййид шундай меҳрибон хотин бизга насиб қилмади-да, деб қисматларидан нолир эдилар. Сўрамасанг ҳам ўзи пул берган хотинни ким кўрган? Бизнинг хотинлар-чи, димоғидан қурт ёғади барининг. Ёнларида ҳемири йўғ-у, айтганлари айтган, деганлари деган бўлиши керак, йўқса, қиёмат-қойим бошланади. Э, нимасини айтасан, бир ўрамгина пон учун уйимизга борсаг-у, ўн-ўн бешта гапнинг йўғони билан оғзимизга уриб туришса. Худо бизга ҳам сеникидай хотин бергандайди.

Сирасини айтганда, Камлачаран ҳам Виржанни севарди, Виржан ҳам эрини ёмон кўрмасди, бироқ унинг чеҳрасида соф муҳаббатдан пайдо бўлувчи яқинликдан асар ҳам кўринмасди. У кундан-кун озиб, чўп бўлиб бормоқда эди. Камлачаран Худонинг зорини қилиб, ундан нега бунақа озиб кетаяпсан, деб суриштиргани-суриштирган. Хотинининг кўнглини овлаш учун у қўлидан келганча ҳаракат қиларди, нима қилсам экан, деб дўстларидан маслаҳатлар сўрарди. Аммо биронтасидан қилча наф бўлмасди. Виржан кулибгина яккаш бир хилда жавоб қайтарарди: «Сиз ташвиш қилманг, мен соппа-соғман». Шундай деб ўрnidан турарди-да, эрининг сочини тарар ёки елпиғич билан елпий бошларди. Бу ҳурмату иззатдан Камлачараннинг боши осмонга етарди. Бироқ ҳар қанча бўёқ суриб, ишқалаб ялтиратган билан ёғочнинг ичидаги қуртни ўлдириб бўлмагандай, кўзга кўринмас гап Виржаннинг юрагини кемиргани-кемирган эди. Пратап мени унутиб юборади, мен унинг назарида ҳеч ким бўлмай қолибман деган аламли ўй уни азоблагани-азоблаган эди. Қизнинг аҳволи кундан-кунга ёмонлашиб бораверди, охири тўшакка михланиб, қимирлагани ҳам мажоли етмай қолди. Доктор унга талай дорилар ёзиб берди.

У ёқда Пратап Праёгда анча ўзига келиб қолганди. У бадантарбияга зўр бермоқда эди. Бадантарбия бу ерда урф бўлган экан. Одам руҳини тетик қилиш учун жисмоний ҳаракатдан яхшиси бор эканми. Саҳармардонда гимнастика машқларини бажаради, кечга томон крикет ва футбол ўйнайди, соат саккиз-тўққизгача хиёбонда айланади. Шунча ҳаракатдан кейин тўшакка бир таппа ташлагандан тонг отгунча қотиб ухлайди. Олти ой деганда крикет ва футбол капитани бўлиб олди ва икки-уч матчда шунақа маҳорат билан ўйнадики, бутун шаҳарда дув-дув гап бўлиб кетди.

Бугун крикетда Алигарҳнинг моҳир ўйинчилари билан майдонга тушишлари керак эди. Бу ўйновчилар машҳур крикетчилар курагини

ерга теккизиб, донг қозониб бу ерга келган эдилар. Улар галаба қилишларига заррача шубҳа қилишмаганди. Бироқ праёгликларнинг ҳам руҳлари баланд эди. Уларнинг барча умидлари Пратапта эди: Пратап ярим соатгина туриб берса, бас, бир дунё очко жамғариб олади. Шугина вақт ичида копток нишонга тегиб турдими, нарёқдагиларнинг масаласи ҳал деяверинг. Пратап шу дамгача бунақа катта йигинда ҳеч иштирок этиб кўрмаганди. Энди бу ёғи қандоқ бўларкин, деб юраги гурс-гурс қиларди. Соат роса ўнда ўйин бошланди. Ўйинни алигарҳликлар бошлаб беришди. Икки-икки ярим соатча улар роса маҳоратларини намойиш қилишди. Соат бирга яқин ўйиннинг биринчи қисми ниҳоясига етди. «Алигарҳ» жамоаси тўрт юз очкони қўлга киритди. Энди праёгликларга навбат келди, бироқ ўйинчиларнинг оёқлари мўматалоқ бўлиб кетганди. Улар ўйинни бой беришларига кўзлари етиб қолганди. Энди рақибларини қувиб етиш амри маҳол эди. Шунча очкони қандай тўплашади? Ёлғиз Пратапнинг қўлидан нима келарди? Биринчи ўйинчи келди-да, учинчи коптокдаёқ жуфтакни ростлаб қолди. Иккинчи ўйинчи келди ва зўра бешинчи коптоккача етолди. Учинчи ўйинчи чиқиб, биринчи коптокданоқ суроби тўғриланди. Тўртинчи ўйинчи келиб ҳар қанча чиранмасин, бардош беролмади. Тўртинчи йигитимиз бу ерда ҳам тоб ташлаб юборди. Таёғини тап этиб ерга отди-да, жўнаб қолди. Шунда Пратап битта-битта одим ташлаб, таёғини айлантирганча майдонга чиқиб келди. Ҳар иккала томон ишқибозлари чапак чала бошлашди. Праёгликларнинг аҳволи жуда танг эди. Ҳамманинг кўзи Пратапта қадалган. Ишқилиб, Пратапнинг омади чопсин-да, деб ҳамма юрагини ҳовучлаб олган, ҳамманинг тилидаю дилида Худо. Биринчи копток келди, Пратап нишонни тўғри ололмади – копток ўтиб кетди, праёгликларнинг бироз шаштлари қайтди. Иккинчи копток отилди, у ҳам тутқич бермади. Праёгликларнинг бутунлай ҳафсаласи пир бўлди. Кўплаб томошабинлар шамсияларини қўлга олиб, уйга равона бўлишди. Учинчи копток отилди. Қарс этган овоз эшитилди ва копток ўқдай учиб, маррада турган ўйинчидан тахминан юз метр нарига бориб тушди. Одамлар қарсак чалди. Чиқмаган жондан умид – кетаётганлар таққа тўхтади. Улик танга жон киргандай бўлди. Тўртинчи копток ҳам учиб, олдингисидан ўн метр нарироққа бориб тушди. Майдондаги рақиблар сергақ тортиб, патакларига қурт тушиб қолди. Бешинчи копток келди ва тўшамага бориб тушди. Шу пайтда ўйинчилар алмаштирилди. Янги копток ташловчилар келди, ўзиям нақ девдай-девдай келарди улар. Коптокни ҳам ўқдай отишарди. Бироқ биринчи отгандаёқ Пратап уни аниқлик билан қайтардики, копток осмони фалакка чиқиб кетди. Унинг таёғи энди-энди коптоқлар билан «тил топиша» бошлаганди. Отилган коптоқлар таёққа қарсиллаб уриларди-да, гоҳ машириқ томонга, гоҳ мағриб томонга, гоҳ жануб ё шимол томонга қараб йўл оларди. Югуравериб, тутувчиларнинг ўпкаси оғзига тиқилди, праёгликлар сакраб-ирғишлар, чапак устига чапак чалишарди. Дўппилар осмонга отиларди. Кимдир пулини олдириб қўйган, кимдир тилла занжирини йўқотган. Рақиб томондаги рақиблар жигибийрон бўлар, тутақар, гоҳ ўйин услубини ўзгартирар, гоҳ бошқа копток ташловчиларни чиқарар эдилар. Бироқ уларнинг маҳоратларию жасоратлари тагидан зил кетиб улгурганди. Пратапнинг таёғи эса коптоқлар билан тобора кўпроқ «иноқлашиб» борарди. Роса икки соатгача Пратап тўхтовсиз коптоқларни қарсиллатиб қайтариб турди, копток тутувчилар эса, ёш бола оймомани тутаман деб интилгандай, учиб кетаётган копток ортидан

беҳуда югурар эдилар. Очколар сони уч юзга етганда рақибларнинг кайфи учиб кетди. Уларнинг юраклари така-пука бўлгани шунчаликки, коптокни ҳам тўғри отолмай қолдилар. Пратап яна эллик очко ишлаб олди ва ҳакамдан бироз нафасини ростлаб олиш учун танаффус сўради. Унинг келаётганини кўриб, юзлаб томошабин у томонга қараб чопди ва галма-галдан уни қуча бошлади. Ҳамма ёқ қий-чув, шовқин-суронга тўлди, шамсиялар, таёқлар, дўппилар ҳавони тўлдирди, гўё буюмлар ҳам шодликдан ирғишлаётгандек. Шу пайт велосипедда ўқдай учиб келаётган почтахона ходими кўринди. Яқин келиб у сўради:

– Пратапчандр деган одам ким?

Пратап сергакланиб, у томонга ялт этиб қаради ва почтачи телеграмма қоғозини унинг қўлига тутқазди. Телеграммани ўқиб, Пратапнинг ранги қув оқарди ва деди:

– Дўстлар, энди ўйинни сизлар давом эттирасизлар. Мен ўз вазифамни бажариб бўлдим. Телеграмма келибди, уйга бормасам бўлмайти.

Шундай деб, у ётоқхона томонга қараб кетди. Одамлар ундан:

– Нима бўлди, тинчликми? – деб суриштира бошлашди. Ҳамманинг юзида ташвиш аломатлари пайдо бўлди, бироқ Пратапнинг бир нима деб жавоб беришга ҳоли йўқ эди. Дарҳол извошга ўтирди-да, темир йўл станциясига қараб йўл олди. Йўлда унинг кўнглидан минг хил ўй кечди. Нега ўшанда бирров кўриниш бермадим, деб ўзини тинмай койир эди. Энди уни кўра оладими, йўқми. Худо кўрсатмасин, борди-ю, Виржанни кўриш насиб қилмаса-чи? Борди-ю, шундоқ бўлиб чиқса, юзимга қора суртаман-да, ўлиб қўя қоламан! Шуларни ўйлаб, неча бор йиғлаб олди. Тунги соат тўққизда поезд Банорасга етиб келди. Поезддан тушди-да, тўғри Шиёмачараннинг уйи томонга қараб йўл олди. Азбаройи ташвишдан кўзлари ёшга тўлиб, юраги гуп-гуп қиларди. Адвокат соҳиб бошини солинтирганча курсида ўтирар, Камла докторни чақириб келгани шайланиб турарди. Пратапни кўриши билан югуриб келиб қучоқлаб олди. Шиёмачаран ҳам уни бағрига босди ва деди:

– Тўғри Оллоҳободдан келаяпсанми?

Пратап: – Ҳа. Бугун ойимдан телеграмма олдим, Виржаннинг аҳволи оғирлигини айтибдилар. Хўш, қалай, Виржан тузукми?

Шиёмачаран: – Нима десам экан? Икки-уч ойдан буён мазаси йўқ, озиб, чўп бўлиб қолган. Дориларнинг биронтаси наф қилмаяпти. Начора. Худога така қилишдан бошқа чорамиз йўқ. Доктор силга чалинган дейди. Табиб эса юрак хасталигига дучор бўлган деяпти.

Пратапнинг келгани хабарини эшитиши ҳамон Виржаннинг юрагида икки – умид ва кўрқув ҳислари олиша кетди. Гоҳ уйига келган бўлса, ойиси уни кўярда-қўймай бу ёққа юборгандир, деб ўйласа, гоҳ эҳтимол ётиб қолганимни эшитиб, қараб туролмаган, ҳолимдан хабар олгани бу ёққа чопган, деб ўзига тасалли берарди. Ҳе-йўқ, деб ўйларди яна Виржан, унинг мен билан неча пулик иши бор? Ўлиб қолса бандалик бурчини бажаролмай қолмай, деб ўйлагандир-да. Менинг ўлик-тиригимни ўйлаб унга зарур келибдими? Бугун мен ҳам у билан яхшилаб гаплашиб қўяман. Йўқ-йўқ, гаплашиб нима қилдим? У қалайсан деб ҳол сўрашга ярамагандан кейин мен нега гапирар эканман? Яхшиман дейман, Худодан сизнинг соғлигингизни тилайман, дейман. Ие, яғири чиққан сорийни кийиб олганимни қаранглар. Дардингга ҳамдард бўлмаган одамнинг олдида бунақа ғариб кўринишдан нима фойда? У меҳмондай бўлиб келган.

Мен ҳам у билан мезбондай бўлиб кўришаман. Одамзотнинг кўнгли жуда ғалати бўлади-да. Бепарволиги билан уни шу ҳолга солиб қўйса-ю, тагин Виржан уни куйдириш учун нималарни ўйламапти.

Соат миллари ўнни кўрсатиб турарди. Модҳавий ўтириб Виржанни елпияпти. Дори шишалар бетартиб сочилиб ётарди. Виржан чорпояда ётган кўйи шундай ўйларни кўнглидан ўтказиб турган эдики, Пратап ичкарига кириб келди. Модҳавий тараддулланиб деди:

– Опа, тулинг, келдилар.

Виржан сапчиб ўрнидан турди ва чорпоядан тушмоқчи бўлган эди, нимжонлигидан ўзини кўтаролмай ерга қулаб тушди. Пратап уни тутиб қолди ва қайта чорпояга ётқизиб қўйди. Оҳ! Бир неча ой муқаддам гўзаллик тимсоли бўлган, юз ва кўзларидан табассум армайдиган, сўзлари билан ўлик танга жон киргизадиган ва кулгуси билан дунёни шодликка тўлдира оладиган ўша Виржан наҳотки шу бўлса! Кўзлари мастон, сўзлари шакарафшон Виржаннинг бугун фақат сувратигина қолганди, холос. Йўқ, бу у Виржан эмас. Пратапнинг кўзлари жиққа ёшга тўлди. Ҳол-аҳвол сўрамоқчи бўлган эди, бироқ оғзидан биргина сўз чиқди холос:

– Виржан!

Пратапнинг кўзларидан ёш тирқирарди. Ишқли кўзлар дилдаги ҳисларни ўлчовчи тарози мисолдир. Виржан кўзини кўтариб қаради ва маржондай ёшлар унинг дилидаги барча губорни ювиб тушди.

Яқинлашиб келаётган душманни тасаввур қилиб турганда унинг ногоҳ орқадан пайдо бўлиб қолганини кўриб, саросимага тушган саркарда каби Виржан ҳам Пратапни қаршисида кўриб, ҳамма гина-кудуратларни бирдан унутди ва чорпоядан туриб, сорийсининг учи билан ёшларини арта бошлади.

Мана, аза-база гуноҳкорга чиқиб қолган Пратап энди муштдеккина бўлиб унинг пойида ўтирибди, йигитнинг ишқида куйиб-қовжираб, ҳозирги аҳволга тушган Виржан эса йиғлаб, фақат бир гапни такрорларди:

– Лаллу, бўлди, сўрама, худо шоҳид, мен соппа-соғман.

Гўё носоғ бўлиш унинг учун гуноҳи азимдек! Аёлларнинг кўнгли қанчалар нозик! Пратапнинг бир оддийгина хатоси Виржаннинг ҳаётини остин-устун қилиб юборди. Бугун бир неча қатра ёш неча ойдан буён унинг жигар-бағрини аёвсиз куйдириб келаётган оловни таппа ўчирди. Мана мен деган доктору табиблар ўз тадбиру дорилари билан тузатолмаган беморни атиги бир шодагина ёш инжулари кўз очиб-юмгунча дарддан фориг қилди-қўйди. Улар ростданам ёш инжулари эдими ё илоҳий раҳмат томчиларими?

Пратап ўзини бир амаллаб қўлга олгач, сўради:

– Виржан! Нега бу аҳволга тушиб қолдинг?

Виржан (кулиб):– Мен бу аҳволга тушиб қолмадим, сен туширдинг.

Пратап: – Ойим телеграмма юборганларида, мен ҳеч нарса билмас эканман.

Виржан: – Овора бўлиб нима қилардинг? Эсингдан чиқариш учун-ку Праёгга жўнаворгандинг, энди ўлган-тирилганим билан нима ишинг бор?

Пратап: – Бу гапларингни қўй. Номаҳрамман, хат ёзсанг ҳам бўлаверарди.

Виржан: – Шунча узоқдан келарсан ё хат-пат ёзарсан, деб кимнинг хаёлига келибди? Эшигининг тагига келиб, қайтиб кетган, башарангни кўришга тоқати бўлмаган одамга хат ёзиб нима қиламан?

Пратап: — Ўшанда қайтиб кетиб қанчалик азоб чекканимни бир ўзим биламан. Ўшангача сен менга бир марта ҳам хат ёзмагандинг. Ҳа, мени унутибди-да, деб ўйладим.

Виржан: — Агар мен гапларингни тўғри англамаган бўлганимда бу гапларинг бари ёлгон деб айтган бўлардим.

Пратап: — Қандай ўйласанг ўйлайвер, хўш, энди айт-чи, қалайсан? Мен сени танимадим, озиб, рангингда ранг қолмабди.

Виржан: — Энди яхши бўламан. Дори топилди.

Пратап шамани тушунди. Эҳ, хом сут эмган банда! Синчалокдай хатом нималар қилиб қўймади! Анчагача Виржанга таскин-тасалли берди. Эрталаб у уйига кетганида Виржан хиёл ўзига келиб қолганди. Пратап уни унутмаганига, уни дилдан яхши кўришига, ҳамон қалбида ардоқлаб юришига Виржан амин бўлди. Пратап қизнинг юрагига неча ойдан бери қадалиб азоб бериб келаётган ва уни ҳозирги аҳволга солган зирапчани суғуриб ташлади. Бир ҳафтадаёқ, гўё ҳеч нарса бўлмагандек, Виржан яна гул-гул очилиб кетди.

16. МЕҲР ВА БУРЧ ТАНТАНАСИ

Бемор ҳали кўрпа-тўшак қилиб ётар экан, менга ким дори-дармон бериб даволаяптию, ким ҳол сўраб келаяпти — бу тўғрида ўйламайди. У азбаройи ўз дарди билан ўзи бўлиб ётганидан, бошқа бирон нарса тўғрисида ўйлашга ҳоли келмайди. Тузалиб, оёққа туриб кетгач эса унга хизмат қилувчилар, кечаю кундуз дардига шерик бўлиб, атрофида парвона бўлганларни бир-бир хаёлидан ўтказди-ю, уларга нисбатан юрагига меҳр ва ҳурмат ортади. Виржанда ҳам худди шундай бўлди. У ўз дарди билан олишиб ётар экан, эри Камлачараннинг ўзини қанчалик ўтга-чўққа урганини, қанчалик жонини ҳовучлаб қолганини тасаввур қилолмасди. Лекин у зиммасидаги эрлик масъулияти вазидан шундай қиларди, чин дилдан севганидан эмас. Юрагидаги дард аригач, у Камланнинг бу тахлит куйди-пишдилари ва чеккан ғамлари эвазига нима қилсам экан, деб ўйланиб қолди. Мендан жоизи шулки, хизматини қилиб, унга тўкис бахт тортиқ этсам; бироқ тўкис бахт тортиқ қилишни кўйинг, ўзимнинг жоним қил устида турганди-ку. Эвоҳ, у мени чин юракдан севса-ю, мен ҳатто ўз бурчимни адо этишга ҳам ярамасам. Худонинг олдида нима деган одам бўлдим? Соф муҳаббат нилуфари кўпинча марҳамат таъсиридан қулф уриб очилади. Ҳусну тароват, сарвату давлат, самимий меҳр ишқ уруғининг ниш уришига унчалик таъсир кўрсатолмайди, бунда кўпроқ жонга ора кириш сеҳри иш беради. Ихлос билан қилинган хизматдан миннатдор бўлмаган одамнинг қалби қалб эмас, турган-битгани тош деяверинг. Камла билан Виржан ўртасидаги илиқлик кундан-кун ортиб борарди. Камла муҳаббат қули бўлса, Виржан масъулият чўриси эди. Виржаннинг оғзидан чиққан бирон сўз йўқки, Камла уни ўша заҳоти адо этмасин. Хотинининг ҳар бир хоҳишини рўёбга чиқариш учун на вақтини, на жонини аярди. Ўқишим яхши кетаяпти, деб нуқул ота-онасининг кўзини бўягани-бўяган. Фикру ёди хотинининг кўнглига қараш: зора мана бу ишни қилсаму Виржан шундан хурсанд бўлса.

Бир куни у Модҳавийнинг гулзордан гул узиб чиқаётганини кўриб қолди. Бу чоққина гулзор уйнинг орқа томонида жойлашганди. Лекин уйдагилардан ҳеч кимнинг у билан иши йўқ эди, шу боис йил ўн икки ой у ерда маъюс сокинлик ҳукм сурарди. Виржан гулларни жонидан яхши кўрарди. Гулзорнинг бир аҳволда ётганини кўриб,

Модҳавийга гулларни ҳар замонда суғориб тур деб тайинлади. Кўп ўтмай гулзорга файз кириб қолди ва гунчалар бирин-кетин очила бошлади. Камлачаранга хотинининг ишораси етарли эди. Гулзорга қараб, ишлов беришга енг шимариб киришиб кетди. Икки нафар тажрибали боғбон топиб келди. Бири биридан чиройли, ранглик гул кўчатлари ўтқазма бошлашди. Тувакларда хилма-хил гиёҳлару япроқдор буталар пайдо бўлди, чиройли, ихчам жўяклар тортилиб, гулзорга оро берилди. Ҳар жой-ҳар жойга чирмовуқ шохлари илиб қўйилди. Камлачаран кун бўйи қўлида китоб билан гулзорда айланиб юрар ва боғбонларга гулзорни қандай қилиб чиройли қилиш йўллари айтиб, кўрсатмалар берарди. У фақат Виржан хурсанд бўлиши учунгина шундай қиларди. Бундай меҳрнинг сеҳри кимнинг кўнглини юмшатмайди, дейсиз! Бир куни Камлачаран деди:

– Юр, айлантириб сенга гулзорни кўрсатаман.

Виржан унинг ортидан кетди.

Ойдин кеча. Ой ёруғида гуллар ва япроқлар яна ҳам мафтункор кўринарди. Билинан-билимас эсаётган шаббода гулларнинг хушбўй ҳидини димоққа келтириб урар, дилни яйратар эди. Ана, шундай бир ажиб паллада эгнига шойи сорий ва оёғига ихчамгина шиппак кийган Виржан гул қаторларини оралаб юрибди. Унинг сарв қомати олдида гуллар эгилиб таъзим қилар, гўзал чеҳрасидан хижолат тортиб, юзларини япроқлар орасига яширар эдилар.

Камлачаран деди:

– Бугун барча қилган меҳнатимиз ўз самарасини берди.

Гулоб тўла паймона каби Виржаннинг кўзлари ҳам меҳрга лиммо-лим эди. У жилмайиб қўйди, аммо ҳеч нима демади.

Камлачаран деди:

– Дунёда мендан бахтли одам бўлмаса керак.

Виржан: – Мендан ҳамми?

Йигитга бу гап жуда наша қилиб кетди. Виржанни меҳр билан бағрига босди.

Бир неча кунгача ҳар куни шу ҳол такрорланиб турди. Шу орада яна бир қизиқ воқеа содир бўлди. Радҳачаран Виржанга деб сувратли бир чиройли фотоальбом юборди. Унда Чандранинг ҳам сувратлари бор эди. Бир жойда у Шиёмага сабоқ бераётган бўлса, яна бир жойда ўтириб хат ёзарди. Бир жойда у эркакча кийиниб сувратга тушибди. Радҳачаран фотографик ҳунарини яхшигина эгаллаган эди. Виржанга бу альбом жуда ёқди. Кейин нима бўлди дейсизми? Камлачаранда ҳам сувраткашликни ўрганиб, Виржанни сувратга олсам, деган ҳавас уйғонди. Акасига фотокамера ва бошқа сувратга олиш асбоб-ускуналари юборинг деб хат ёзди. Шу-шу, сувраткашлик машқини бошлаб юборди. Уйдан мактабга кетаяпман деб чиқиб кетади, бироқ йўлда бир эроний фотосувратчининг устахонасига кириб ўтириб олади. Уч-тўрт ой ичидаёқ қаттиқ меҳнат ва кўнгли билан ажабтовур сувраткаш бўлиб олди. Лекин шунгача ҳам уйдагилардан ҳеч кимнинг бундан хабари йўқ эди. Бир неча бор Виржан:

– Шу кунларда кун бўйи қорангизни кўрсатмайдиган бўлиб қолдингиз, дам олиш куни ҳам чиқиб кетасиз, нега? – деб сўради ҳам. Камлачаран у-бу нарсани баҳона қилиб, тайинли жавоб айтмади.

Бир куни Камлачаран аллақаси кетган эди. Виржаннинг кўнглига, кел, Пратапга икки энлик хат ёзиб юборай, деган ўй келди, бироқ жомадонни очиб қараса, унда хат ёзадиган қоғоз йўқ экан. Модҳавийга, бориб, акангнинг столидан қоғоз олиб кел, деб илтимос қилди. Модҳавий югуриб бориб қараса, акасининг столи устида бир расмли альбом очилиб ётибди. У альбомни олди-да, ичкарига олиб кириб, Виржанга деди:

– Опажон, қаранг, мана бу расмлар бор экан.

Виржан альбомни ҳафсала билан қўлига олди-да, биринчи варағини ағдарди. Не кўз билан кўрсинки, ундаги ўзининг суврати эди. У ўз каравотида чойшабга ўранганча маст уйқуда ётибди, сочлари манглайи узра ёйилган, худди ширин бир туш кўраётгандай лабларида билинар-билинемас майин табассум ўйнади. Суврат тагига «Севги туши» деб ёзиб қўйилганди. Виржан ҳайрон бўлди. «Менинг сувратимни у қандай олди ва кимга олди экан»? Битта-яримта сувраткашни уйга олиб кирдимикан ё? Йўқ, у ундай қилмайди, зинҳор. Шубҳасиз, унинг ўзи олган. Ахир неча ойдан бери уриниб юрганди-ку, фотосувратчи бўламан деб. Борди-ю, ўзи шунақа расм ишлаган бўлса, демак, унинг тиришқоқлигига қойил қолиш керак. Иккинчи варақни ағдариб қараган эди, унда ҳам ўзининг суврати чиқди. У сорий кийган, бошининг ярмигача сарий учини ташлаб олган кўйи гулзорда айланиб юарди. Бу сувратнинг тагига «Гулзор сайри» деб ёзиб қўйилибди. Учинчи варақни очганди, унда ҳам ўзининг суврати. У гулзор ичида қоқ ерга ўтириб олиб гуллардан гулчамбар ясарди. Бу суврат учаласи ичида энг чиройлиси эди, чунки фотосувратчи бунда табиий ранглари ўта маҳорат билан акс эттирганди. Бу сувратнинг тагидан «Шайдойи боғбон қиз» деб ёзиб қўйилганди. Энди Виржаннинг эсига тушди: бир куни у гулчамбар тўқиётганида Камлачаран нил деган тиконли бута ортидан кулиб чиқиб келганди. Шубҳасиз, бу суврат ўшанда олинган. Тўртинчи варақни очган эди, ғоятда гўзал манзара намоён бўлди. Мавжланиб турган кўм-кўк кўл, унинг уфққача чўзилиб кетган ҳар иккала соҳилида атиргуллар гиламдай тўшалган. Баъзи атиргул новдалари шамолдан эгилиб-букилиб кетган. Гўё табиат ям-яшил осмонга қип-қизил гулларни атайлаб битта-битта қадаб чиққандай. Биронта инглиз сувратига қараб тақлид қилиб ишланган кўринади. Альбомнинг қолган варақлари бўш эди.

Виржан ўзининг сувратларини бошқатдан томоша қилди ва вужудида ҳар қандай соҳибжамолнинг ўз хуснидан пайдо бўлувчи мағрурлик ҳиссига тўлганча альбомни яшириб қўйди. Кечқурун Камлачаран келиб қараса, альбом жойида йўқ. Капалаги учиб кетди. Сувратлар унинг бир неча ойлик машаққатли меҳнати мевалари эди, шу альбомни хотинига совға қилиб, унинг юрагидан чуқурроқ жой эгаллашган деб орзу қилиб юарди. Жуда чатоқ бўлди-ку! Ичкарига қириб, Виржандан сўраган эди, у кўрганим йўқ деб шартта айтди. Ўртоқларимдан битта-яримтаси олиб кетмаганмикан деб бечора ўпкасини қўлтиқлаганча уларнинг уйларига бир-бир бориб сўраб чиқди. Бироқ у ёқда ҳам киноядан бошқа ҳеч нарса қўлга кирмади. Охири сувга тушган нондек бўшашиб ўтирганида кечқурун Виржан альбомнинг қаердалигини унга маълум қилди. Шу тариқа серзавқ кунлар бир-бирини қувлаб ўтмоқда эди. Ҳар иккови ҳам севгининг ким ўзар ўйинида биринчи бўлишни хоҳларди. Лекин уларнинг севгиси бир-биридан осмон билан ерча фарқ қиларди. Камлачаран севги лаззатидан ўзини бутунлай йўқотиб қўйганди. Лекин, бунинг акси ўлароқ, Виржаннинг севгиси бурч пойдевори узра барқарор эди. Ҳа, бу чиндан ҳам ҳузурбахш бурч эди.

Орадан уч йил ўтди. Бу уларнинг ҳаётидаги уч дориламон йил бўлди. Тўртинчи йилнинг аввалиёқ мусибатлар билан бошланди. Дунёдаги қанчалаб одамлар ҳаётларини кечаю кундуз маишату масарратлар билан кечирадилар, еганлари олдида, емаганлари ортида бўлади. Бироқ шундай шўрқисмат одамлар ҳам бўладики, уларнинг лаззатли кунлари бир чақмоқдай чарақлайди-да, абадий ғойиб бўлади. Виржан ана

шундай қисмати шўр бандалардан эди. Баҳор ойи эди. Муздек шабада эсиб турарди. Ҳавонинг совуқлигидан ҳатто қудуқлардаги сув муз боғлаб қоларди. Ўша вақтда шаҳарда вабо тарқалиб қолди. Минглаб одамларнинг ёстиги қуриди. Бир гал вабо айниқса забтига олди, битта без пайдо бўлади-да, бемор жон беради-қўяди. Безнинг пайдо бўлиши ўлим даракчиси бўлиб қолганди гўё. На табибнинг, на докторнинг қўлидан бир иш келарди. Юзлаб оилаларнинг чироғи ўчди. Минглаб болалар етимга ва минглаб хотинлар бевага айланди. Ҳар ким боши оққан томонга қоча бошлади. Ҳар кимнинг ўз жони кўзига кўринарди, холос. Ҳеч ким бировга ёрдам берай, қайишай демасди. Хотинлар эрлари билан юзкўрмас бўлиб кетишди. Торкўчаларда, катта кўчаларда, уйларда – хуллас, қаёққа қараманг, ҳамма жойда ўликлар уюм-уюм бўлиб ётарди. Дўконлар ёпилган. Эшикларга қулф урилган. Чор-атрофни чанг-тўзон қоплаган. Онда-сонда битта-яримта жонзот кўриниб қоларди, бирон юмуш билан кўчага чиққан одам ҳам гўё ортидан Азроил қувлаётгандек оёқ учиде тез-тез қадам ташларди. Бутун шаҳарча хувиллаб қолганди. Қабристон ёки одам куйдириладиган жойларгина гавжум эди. Куппа-кундуз кунни қулф бузишлар, девор ўйишлар авжга чиққан. Бу мудҳиш манзарани не сўз билан ифода этишни ҳам билмайсан, киши.

Шиёмачаран гоят иродаси мустаҳкам одам эди. Унинг уйи атрофидаги маҳалла-кўйларда зоғ учмайди, лекин у ҳамон уйдан остона ҳатлаб кўчага чиққани йўқ. Бироқ охири унинг ҳам сабри тугаганини кўриб, бутун оилада саросималик бошланди. Қишлоққа жўнашга тайёргарлик кўрила бошлади. Муншийжий ўша туманда бир неча қишлоқни сотиб олган эди, ҳатто Мажҳгов деган қишлоқда бир дурустгина ҳовли-жой ҳам қурдириб қўйганди. Нафақага чиқсам шу ерда яшайман, деб ният қилганди. Кошонани ташлаб, ўлгани ким Аграга борарди? Буни эшитиб, Виржан ўзида йўқ суюнди. Қишлоқда маза қилиб яшаш сира кўз олдидан кетмай қолди. Ҳаммаёқ кўм-кўк дов-дарахт, яшнаб ётган экинзорлар, оҳуларнинг ўқдай учиб чопишларию қушларнинг чуғур-чуғур сайрашлари! Шуларни тезроқ кўриш учун унинг сабри чидамаётганди. Камлачаран ҳам шикорлик асбоб-анжомларини тахт қила бошлади. Бироқ тўсатдан Муншийжий уни чақириб, сен Праёгга борасан, деб қолса бўладими. Пратап у ёқда сенга ёрдам беради. Қишлоқда умрни беҳуда ўтказишдан нима фойда? Буни эшитиб, Камлачараннинг тарвузи қўлтиғидан тушди. Чунончи, Праёгга бормайман, деб туриб олди. Муншийжий унга узоқ тушунтирди, бироқ у отасининг гапига рози бўлмади. Охири ҳеч гап чиқмаслигини кўриб, Муншийжий дилидаги аламини тўкиб, шундай деди:

– Илмли бўлиш сенинг асли тақдирингга ёзилмаган экан. Сени деб жон чекиб юрган мен аҳмоқ!

Бу гапларни эшитиб, Виржан қаттиқ хафа бўлди. У аслида эрининг ўқишга ҳуши йўқлигини биларди, бироқ ундаги бу ёмон одатдан хафа бўлиш ўрнига, аксинча, унинг ҳозирча мактабга қатнамаслигини маъқул кўрарди. Эрининг меҳр тўла сўзлари унинг қулоғига мойдай ёқарди. Камлачараннинг Праёгга боришдан бўйин товлагани, отасининг уни борасан деб қисталаганини эшитгандан кейин у баттар хафа бўлиб кетди, чунки Виржан бирмунча муддатдаёқ ёлғиз яшашга чидай оларди-ю, аммо эрининг ота сўзини қулоққа олмаганлигига зинҳор тоқат қилолмасди. У Модҳавийни чиқариб юборди. Лекин Камлачаран турган жойидан қилт этмади. Ичкарига кирса, Виржан албатта Праёгга боринг, деб айтишини биларди. Хотинининг

кўнглидан не гаплар кечаётгани унинг етти ухлаб тушига ҳам кирмаса керак. Виржан гапиришга ширин-ширин гапирарди-ю, бироқ гоҳо муҳаббатини синаш онлари келганида бурч ва одобни пеш қилиб, нақ эрининг жонини оларди. Аёлларнинг муҳаббати қанча кучли бўлса ҳам, тиллари ўн чандон заҳар бўлиши етти иқлимга аён!

Орадан анча вақт ўтса ҳам Камлачаран уйдан чиқавермагач, Виржан ўзи кириб борди-да, шундай деди:

– Бугун уйимизга кириш ниятингиз йўқми? Йўлингизга қарай-вериб кўзларим тешилди-ку!

Камлачаран: – Олдинга киришга юрагим йўқ.

Виржан: – Бўпти, мен ҳам сиз билан бирга кетаман, энди кўрқмайсизми?

Камлачаран: – Отам мени Праёгга борасан деяптилар.

Виржан: – Мен ҳам сиз билан бирга кетаман.

Шундай деб, Виржан Камлачараннинг юзига қаради. Хотинининг кўзларида инжу доналарини кўриб, Камлачаран таслим бўлди. Бу маъсум кўзлардаги ёшни кўриб ҳар қандай тошбағир одамнинг ҳам юраги эзилиб кетиши тайин эди. Камлачаран уни кўксига босиб, деди:

– Сенинг голиб келишингни билардим. Ичкарига кирмаётганимнинг сабаби ҳам шунда эди.

Тун бўйи олдинда турган айрилиқ ҳақида гаплашиб ётишди. Гўё улар бошқа ҳеч қачон кўришмайдигандек дам-бадам бир-бирларига узоқ тикилишарди. Ҳайҳот! Бу сўнгги висол эканини ким билиб ўтирибди?! Эри билан кўришиш Виржанга бошқа насиб этмади.

Давоми бор

*Ҳиндий тилидан
Амир ФАЙЗУЛЛА
таржимаси*

Фазал бўстонида

Ўрта осиелик арабнавис шоирлар ижодидан

Абу Толиб Абдуссалом МАЪМУНИЙ

ШАМДОН ҲАҚИДА

Каранг — боғ, боғда бир улкан дарахт — шам,
Уни туққан эмас ер ҳам, само ҳам.

Олов ҳам мева бахш этмайди унга,
Нечунки, тилладир боғдек бу олам.

СИЁХДОН ҲАҚИДА

Мусаффо шиша у, бир қатра кўл янглиғ
Тўкилмиш ерга гўё тоза осмондан.

Совут кийган, совутнинг ранги ёрқинроқ
Бурундан тирқираб оққан қизил қондан.

Агар қалб бўлса у, қалб-чун ўриндир бу,
Туби лекин қаророқдир зимистондан.

Сабабки, тонгда қочган тун қаросидек
Қаро, тунд томчилар жой олди бул ёндан.

Уларни, марвариддондек эринмай ҳеч,
Филоф асраб турар ҳар яхши-ёмондан.

ЎН АСР ОША...

*Хусниддин
ШАРИПОВ
таржималари*

Тўқ тупроқда ўсган дарахтнинг меваси мўл бўлади. Бобо-шоирларимиз ижодига, жумладан, кейинги юз йиллик ичида яратилиб, тасаввуфий тимсоллар оламига бағишланган илмий асарларимизнинг ўзи кўп минг жилдли кутубхонани ташкил этиши мумкин.

Ана шу бисотнинг залвори босибми, эҳтимолки тадқиқотчиларнинг камчилиги ва камсуқумлиги сабаб бўлгани учунми, юртдошларимиз тили ва дилида асрлардан асрларга ўтиб келаётган, муаллиф имзоси билан безатилган бўлмаса-да, юксак орзу-умидларга омухта назмийатни камтарона “халқ ижоди” деб қўя қоламиз. Ҳолбуки ҳар бир нарса ўз устаси номи билан қадрли.

Бундан чорак аср муқаддам ҳамшаҳрим, машрабшунос олим Исматулла Абдуллаевнинг 10-аср мутафаккири Абу Мансур ас-Саолибий таъкираларига суяниб яратган йирик қўлёзма-тадқиқоти билан танишиб қолдим. Асар Ўрта Осие

Абу Бакр ХОРАЗМИЙ

1

Гар шикоят айласанг соч оқидан, тухмат бўлур,
Бўлса оқ сочинг экин, умринг уруғдир ҳар қалай.

2

У шаробдир, кайфи бирлан жалб этар доим сени,
Сўнг кулиб кайфдан, шаробни мадҳ этармиз ўйламай.

3

Бу танбал ҳожатида бўлма ҳамроҳ,
Фасоддан неча солиҳ бўлди гумроҳ.

Сўнар кул бирла қоришганда чўғ ҳам,
Мараз соғ танга сингиб, чектирар оҳ.

4

Агар ёв бирла дуч келсанг, матонат айлагин зоҳир,
Бўлурсан, суслигинг ошкор этиб, тупроққа тенг охир.

Кўрар қўлларда эъзоз кўркка тўлган фаслида райҳон,
Кўрар ахлат аро ул ўзини қолган чоғда бесоҳир.

Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Иброҳим РАҚҚОШИЙ

1

Барча мард Абу Саидга жон фидо этгай аён,
Чунки у отликқа устод, посбонга посбон.

Сен замона зулмига тўғон, Аҳмад ибн Шабиб,
Сен кўмак берсанг, ҳужум этмас балолар ноғиҳон.

ва Хуросон ўлкасида яшаган, ас-Саолибийга замондош арабийнавис шоирларнинг ижодини таҳлил этарди. Замон мураккаб, шоирларнинг тақдири ҳам ўз асарларига ўхшаб, гоҳ баланд ё паст, гоҳ ёрқин ё ҳасратли эди. Масалан, Абу Толиб ал-Маъмуний асли халифа ал-Маъмун авлодидан бўлса ҳам, тахт талашларидан бурни қонаб, жона-жон Бағдодини ташлаб кетади. Бир муддат Рай ва Нишопурда яшайди. Сўнг Хуросон орқали Бухорога келиб, ўн беш йилча ижод қилгач, шу ерда вафот этади.

Яна бир жаҳонгашта шоир Абу Бакр ал-Хоразмийнинг ҳаёти ундан ҳам алғов-далғовли. У Хоразмда туғилиб ўсган. Қалами пешланиб, ёши йигирма бешларга етганида шоир ўз юртини тарк этади, Ироқ ва Шом сари йўл олади. Саройларда хизмат қилиб, дўст-ёр орттиради. Орадан сал ўтиб, шоир Бухорога келгач, дўстлари қаторига вазир Абу Али Балъамий ҳам қўшилади. Сўнг у, сарой гийбатчиларидан қочиб, Нишопурга, кейинроқ Сижистонга юз туттади, бу ерда қамалиб ҳам чиқади. Шерозда бироз жон асрагач, яна Нишопурга қайтиб, умрини ғарибона яқунлайди.

Бухорода туғилиб, шу ерда умргузаронлик қилганларга ҳам осон бўлган эмас. Мана, Абу Таййиб Мусъабий. Рудакийнинг дўсти. Зуллisonайн шоир. Хуш хулқию билимдонлиги учун амир уни сарой котиблигидан вазир қилиб кўтаради ва, афсуски, бир неча ой ўтар-ўтмас, яна амирнинг ўзи шоирни қатл этиш ҳақида ҳукм чиқаради ва ҳукм ижро этилади.

Бундай мисоллар кўп. Ас-Саолибий тазкираларида тўрт юз ўн бешга яқин, жумладан 50 бухоролик ва етти хоразмлик шоир асарлари тилга олинган. Уларнинг тақдирлари

Элга мақбул ҳар улғки сен учун жондош эрур,
Сен башорат айласанг, унгай зафарлардан нишон.

Кўрсатар бўлсанг жасорат, дарс олар Баҳром келиб,
Ҳимматинг ёлқинлари етгай Зуҳалга бегумон.

Қасд этиб бедовга минсанг, ҳар заиф топгай паноҳ
Ҳам амал топгай жамики орзулар шул замон.

Гар ўзинг бир жойда турсанг, сўзларинг дунё кезар,
Не десанг, содиқ суворийлар таратгай ҳар томон.

Сен шижоат, ақлу идрок ҳам саховат бобида
Барчадан зилроқ бўлиб, ҳайратдадир тарозубон.

Тўхтамай қўнмоқда илкинга зафарлар изма-из,
Худди найсон ёмғирин ёғдирганидай осмон.

2

Майим май бўлмагай асло, келиб у кўрмагач бир он,
Надимлар ҳам надим эрмас ва райҳон ҳам эмас райҳон.

Бўлиб ҳолим забун, бермас юпанч ҳаттоки орзулар,
Сабабки, қучди икки ўртада йўлларни ҳам хуфтон.

Бу қайғудан бўлак бир черткига бардош беролмасман.
Наҳотки дўстсизлик дарди бирлан бўлурман қурбон.

Сени ёдимга олдим қаҳрамонлар бадқовоқ чоғи,
Ажални тиш аро зоҳир этиб қулган маҳал шайтон.

Қоронғу кечада ўқлар учар юлдузга ўхшайдир,
Ҳалокат ёнма-ён, аммо ҳаловат кўп йироқ армон.

Тўкиб қон найзалар йиғлар, чарақлаб қулса шамширлар,
Ҳаво тунддир губордан, қон эмиб борлиқ — қизил алвон.

юкоридагидек оҳанглари, бўёқлари билан бир-бирини тўлдиради, ўша давр руҳи ва кай-фияти, манзара ва тушунчаларининг бадийи бирикмасига айланади, кўз ўнгимизда Ибн Сино, Беруний, Фирдавсий, Рудакий каби алломалар нафас олган муҳитни намоён этади.

Шеърят турларига келсак, 10-асрда кенг тарқалган қасида жанри фақат баланд парвоздангина иборат бўлиб қолмай, тимсоллар нисбати асосига қурилар эди. Шунинг учун ҳам кейинча ундан ғазал ва васф ажралиб чиқди. Академик Е.Э. Бертельснинг ёзишича, халифа Ҳорун ар-Рашид бирор буюмни давра ўртасига қўяр экан-да, шоирлардан уни ўзига хос йўл билан сифатлашни сўрар, энг муваффақиятли ва мукамал васфлар учун катта-катта мукофотлар берар экан. Уша маҳалда ҳажв ва марсия жанрлари ҳам кенг тарқалган бўлиб, бу ҳол ижодкорларнинг турмуш ҳақиқатларига анчагина яқин турганидан далолат беради. Худди шу боис, бир ёндан Наврўз ва ҳосил байрами – Меҳржонга аталган дилрабо асарлар янграса, яна бир ёндан қариликдан шикоят ва мўйсафидона панд-насиҳатлар туғилаверган.

Камтар олим Исмадулла ака ўз илмий тадқиқоти ва ундаги мисол сифатида келтирилиб, арабчадан ўзбек тилига сўзма-сўз таржима қилинган шеъринг парча ва лавҳалар мени қизиқтириб қолганини сезди шекилли, оҳиста “агар уларни авайлаб ўзбекчага бадий таржима қилиб бера олсангиз, икки дунё савобига дохил бўлардингиз” дегандай лутф қилди, гўё ҳамкорликка чорлаб. Мен таклифни қабул қилдим. Чунки бу асар, айниқса шеърлар, гўзаллигидан ташқари, ҳозирги илм аҳлига ўз замондошлари ижодини қадрлаш борасида амалий сабоқ бўлиши мумкин эди. Уша ҳамкорлик меваси таъби нозик шеърхонларимизга ҳам маъқул бўлар деган умиддаман.

Таржимон

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн ҲОМИД

1

Ҳавас қилган эсанг ҳар нени, бу асно муҳайёдир,
Изоҳат айламак-чун зўр зафар ҳам бўлди тез зоҳир.

Тополмай истаган нарсангни армон қилмагайсан ҳеч,
Фалакнинг сенга қилмиш хизмати аълодан аълодир.

Саодат сенга ҳамроҳдир ҳаловат сен билан ошно,
Бўлиб қадринг буюк ҳар не буюрсанг бунда пайдодир.

Ғанимлар узра от солсанг, музаффар туғ бўлур раъйинг,
Саноқсиз ёт қўшинлар ҳайбатинг олдида расводир.

Этилган эрса бул он икки қуён банди, шодланким,
Хиёнаткор бўлур мағлуб, деган бу яхши маънодир.

2

Май ажойиб нарса, лекин ланж бўлур кайфдан одам,
Севги ҳам аввал ҳаловат, сўнгра келтиргай алам.

Аҳли ошиқ аста-аста ҳурлигин қурбон қилур,
Тан олиб қуликни, маҳбубига сўнг бўлгай қарам.

Эй аёллар, тахтда — сиз, бизнинг юрак сизлардадир,
Қул бўлиб қолгай у ҳатто йўл йироқ бўлганда ҳам.

Бул жамоат ичра бир ой борки, нозик ҳам нафис,
Ҳар тиши бир дона дўлдир, чеҳрасин дейман санам.

Абдулфатҳ БУСТИЙ

1

Ўзгароқдир ўзга кунлардан бу кун,
Бир-бирин қучмиш булутлар бирла шом.

Урса чақмоқ худди ошиқ қалб бўлиб,
Зил булут кўз ёши ҳеч бўлмас тамом.

Ер юзи мажнун ёноғин эслатар
Унда кўз ёш сели айларкан давом.

Тўртта истак айласин қўнглингни банд,
Яхши кун мазмуни шундандир мудом:

Дўст юзи, айвонда гўзал манзара,
Шод муганний, ҳам шароб тўлган бу жом.

2

Эй саидим, ул китобингдан ёзилмиш ғам бу он,
Тўлди хурсандлик ва шодлик нурига олам бу он.

Сеҳри бор эркан китобнинг, сеҳри хурсандлик эрур,
Шул сабаб ғамдан қутулгай у билан ҳамдам бу он.

Кўп латиф мазмун ва маънолар билан бўлгай никоҳ,
Қанча лафзу қанча сўзлар бўлса унда жам бу он.

Шишаи асбоб ичинда худди жўшгандай шароб,
Бир мижозли танда руҳдай шод кезар ул ҳам бу он.

3

Мабодо рostaкамдан бўлса жаннат,
Бу дунё жаннати — бешак Самарқанд.
Уни Балх бирла таққос этма асло,
Этилмас ҳеч қиёс хантал билан қанд.

Абу Сулаймон ХАТТОБИЙ

1

Кўнгил дер: «Кошки саҳродан учиб келган шу бир хуррам
Ва сайраб тўймаган оддий, қиёссиз қуш бўлиб қолсам...»

Шамол қийнайди, таҳқирлайди боғнинг шоҳларин тинмай,
У қуш чайқалган ул шоҳ узра соз айтар туриб маҳкам.

Агар оч қолса, у тупроқ титар оҳиста дон излаб,
Мабодо бўлса чанқоқ, сув учун ҳам чекмагай кўп ғам.

У ўйлаб эртанинг ризқин кечирмас тунларин бедор
Ва бермас эрта, яъни охирот келгач ҳисобот ҳам.

Фақат лаззатни тотдинг, кўрганинг ҳам яхшилиқ бўлсин,
Ўзин бахтли сезар, эй қушча, сенга ўхшаган одам.

2

Этса йиртқич сенга таҳдид, топилур қочмоққа жой,
Лек ёмон одам ишидан ҳеч паноҳ йўқ вой-вой.

Қанча эллар борки, йиртқичдан малолат кўрмаган,
Лек одамзоддан азият чекмаган йўқ, ҳойнаҳой.

3

Ҳаёт тинч бўлса, билгин сен ғанимат,
Кирар жунбушга у сал ўтса фурсат.

Мудом тинчликка интил, у — гаровда,
Абад сен бирла турмас ҳеч омонат.

Абулғазл Убайдуллоҳ ибн Аҳмад МЕКОЛИЙ

1

Пок муҳаббатга сахий оҳу бу он
Менга этмиш дарди ҳижрон армуғон.

У ҳижоб бирлан бўлур ғойиб, нетай,
Бўлса ҳамхонам, этар бағримни қон.

У менинг руҳим, бу хил ғойиб бўлиш
Руҳ учун инкор этилмас ҳеч қачон.

2

Мени ўз васлидан маҳбуба даф этди,
Кўзимдан уйқуни бу дард ялаб кетди.

Сочилди ёшларим дур мисли сўнгсиз,
Бу ҳол охир қовоғимни садаф этди.

3

Бизга ижод этди бул кун навбаҳор,
Марварид ичра ақиқдек лолазор.

Шодадан боққан шақойиқ гуллари
Хол безатган қиз юзидек беғубор.

4

Менга хушбўй бир бинафша эт ато,
Қалбга шодлик айласин бахш беҳато.

Қисқа умримнинг давомли бўлмоғин
Эт хабар, деб, унга қилдим илтижо.

**Абу Наср Исмоил ибн Ҳаммо
Жавҳарий ФОРОБИЙ**

1

Одамлардан узоқлашмоқни хоҳлаб қолса ногоҳ дил,
Узиб ташлар эдим дўстлик ипин балки пушаймон-ла.

Одам иззат тилар доим ва лек узлатдадир иззат,
Бу дунёда кечиргай кун фақат инсон инсон-ла.

2

Бир йигит кўрдим, ҳаёсиз, баджаҳл,
Ақли қашшоқ, кўзи кўк, ранги заҳил.

Шул сабабданки Язид ибн Ҳиндни
Ибн Бутулдан яхши дер у беақл.

3

Бизни даъват айлагувчи, чекма гам,
Бунда Курздан хоксорроқ ҳар одам.

Мен учун сув тоза анбардай эрур,
Анбар эрса кўп азизу муҳтарам.

Ғар қутулмоқ истасанг нон ваҳмидинг,
Беғараз сув бирла эт оғзимни нам.

**Абу Саъд Абдуррахмон ибн
Муҳаммад ибн ДҮСТ**

1

Хабар бер менга, оҳу, этма муштоқ,
Тиш урди олмага ким ҳамда қандоқ?

Ким у илк бора пок ҳуснингга теккан,
Қасамки, ошкор айла тезроқ.

Яноғинга қизил гул бирла босган
Таоло муҳрини ким бузди бундоқ?

Бу номақбул ҳунар из қолдирибдир
Гўзал ҳам сертабассум юзда, эвоҳ!

Мулойим теринг узра марваридлар
Шошилмай томчилаб турганда гоҳ-гоҳ,

Қизил гул сингари анбар кумушдан
Халос бўлгандайин ранг очди ногоҳ.

2

Кийиклар ёнидан ўтганда бир гал,
Тушиб қолдим ўзим бехос асирга.

Боқиб бир жону танни маҳв этувчи
Аёвсиз ўқларин санчди бағирга.

3

Бир оҳу бирла суҳбат бошласам хушҳол,
Сузиб мастона кўз маст айлади дарҳол.

Яноғи этди рад мен гул сўраб қолсам,
Лаби рад этди мен оҳиста сўрсам бол.

**Абу Абдурахмон Муҳаммад ибн
Абдулазиз НИЛИЙ**

1

Ўқ бўлиб учгач нигоҳи, юз ўгирдим чет томон,
Тандаги мажруҳ бу жоним зора қолгай, деб, омон.

Ишқ дер: Ундан қутулмоқ мутлақо мушкул эрур,
Қайтаролмас ўқни қалқон, бўлса гар кўзлар камон.

2

Ёримнинг нигоҳида парпираб ўйнайди нур:
Ўт — унинг яноғида, тафти бағримда эрур.

3

Бахил қурсин, маломат қилма бекор,
Бахилнинг молидан бўлма умидвор.

Қувиб мол ортидан, фазлин йўқотган
Одамнинг устидан кулмоққа йўл бор.

Ҳар балою ҳар азобга менда бор бардош-чидам,
Ғарчи тошдай эса ҳам бошимни сўнгсиз дарду ғам.
Шон-шарафлар ин қурар, албатта, кулфат устига,
Ўтда куйгандан кейин бўлгай мусаффо тилла ҳам.

Абу Наср Саҳл ибн МАРЗУБОН

1

«Абулайно хабарлари»н ёздим илм йўлига,
Кўзига нур бўлар, дедим, кимдир олса қўлига.

2

У юклар менга мушкул иш, демам «уҳ»,
Ўтиб дамлар, танам бўлмоқда мажруҳ.

Агар айтсам, туғилгай кўп маломат,
Бу келтиргай ўзимга жабру андуҳ.

Бирор йўл бормикин бундан ҳам ўзга,
У ботин йўлни излаб талпинар руҳ.

3

Тақмагин суҳбатда айб дўстимга сен,
Дўстда иллат бўлса гар, айбдори мен.

Шул сабаб, завқ чоғи бу касбингни қўй,
Ёки қўйгин менга ҳам ул айбни тенг.

4

Издадим майдан даво, чаққач чаён,
Кетди огриқ, сал ҳаловат топди жон.

Менга кўп лутфу карам кўргузди, деб,
Ул шифокор майни мақтайман ҳамон.

Ёмондан қоч ва доим яхши бирлан бўл,
Уларнинг ҳар ишидан сенга чиққай йўл.

Одамнинг хулқи ҳам бир дардга ўхшайдир,
Юқар албатта ул дард кимга берсанг қўл.

Баграт ШИНКУБА

Кетганларнинг сўнггиси*Роман*

Ватанни йўқотган – ҳамма нарсани йўқотади.

Абхаз мақоли

СЎЗБОШИ

Шу қишнинг бошларида, шанба оқшоми уйимизга Карбей Барчан ташриф буюрди. У билан педагогика билим юртида бирга ўқиган эдик, лекин Сухумидан кетганига анча бўлганди. У шошиб тургани учун гапни чўзиб ўтирмади. Анча эскирган портфелидан қалин бир жилдни олиб, менга узатди.

– Мана бу қўлёзма, сендан илтимос, иложи борича тезроқ ўқиб чиқ. Бусиз ҳам у ўттиз бир йил катта холам Таталнинг сандиғида қолиб кетган экан. Ўтган ҳафта уни дафн этгач, сандигини очиб кўрдик. Унинг ўзи бу сандиқни очиб кўрганини ҳеч ким эсламайди. Бу қўлёзма ўша сандиқдан чиқди. Унинг марҳум ўғли Шарах Квадзбанинг қўлёзмаси экан. Уруш олдидан ёзилган, лекин ҳалиям эскиргани йўқ. Ўқиб кўр-чи, уни босиб чиқариб бўлмасмикин? Гап унинг менга қариндош эканлигида эмас. Умуман, ўқиб кўр, ўзинг биласан. Ўғлининг ўлганига анча бўлган холамнинг сандиғида ўттиз бир йил ётган ушбу қўлёзманинг тақдирини менинг виждонимга ҳавола қилиб Карбей кетди. Ҳали қўлёзма жилдини очмай туриб, ўлиб кетган икки киши хотираси олдида мени масъулият ҳисси қамраб олди.

Биринчи бор қўлёзмани жуда тез ўқидим, бошидан охиригача, албатта. Лекин кейин уни яна бир неча бор кўздан кечирдим. Ахир ишониш қийин бўлган бу воқеани яхшироқ тушунишим керак эдида. Қўлёзма оддий қоғоз эмасди. Унинг тақдири қўлёзма муаллифининг тақдири сингари жуда мураккаб эди.

Шарах Квадзбанинг ўзини мен билмасдим, лекин урушгача у ҳақда эшитган эдим. У биздан беш ёш катта эди ва Сухумида педагогика техникуминини тугатиб, Ленинградга кетган эди. У ерда Шарқ институтининг Кавказ тиллари факультетига кириб, академик Маарнинг маърузаларини тинглаганди. Кейин уни аспирантурада олиб қолишди. У ерда кавказ тилларининг шимоли-ғарбий гуруҳи, шу жумла-

*Русчадан
Файзи ШОҲИСМОИЛ
таржимаси*

Баграт ШИНКУБА (1917–2004) – таниқли абхаз адиби. “Ватандошларим” (1950) шеърый романи, “Қоя ҳақида кўшиқ” китоби, “Кетганларнинг сўнггиси” тарихий романи билан машҳур. Ёзувчининг “Кетганларнинг сўнггиси” романи ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди, қалбда Ватан меҳрини жўш урдиради, деган умиддамиз.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

94

дан, убихлар тилини ўрганиш бўйича ихтисослашган эди. Убихлар тили, шунингдек, бошқа кавказ тилларининг тарихий яқинлик даражасини аниқлаш учун бу тилни билиш жуда зарур эди.

Яна шуни ҳам эшитган эдимки, Квадзба ленинградлик профессорларининг фикрига қараганда, лингвистик қобилиятли одам бўлган экан. Балки шунинг учундир, ўша даврнинг муҳитига нисбатан жуда камёб бўлган сафарга – Туркия ва Яқин Шарққа жўнатилган экан. Бу сафардан мақсад убихларнинг сўзлашув тилини билувчи одамларни қидириб топиши бўлган. Чунки убихлар тилида гаплашувчи халқнинг ёзуви бўлмаган.

Уруш пайтида бир-биримизни унча яхши билмасдик. Биз Квадзба билан таниш эмасдик. Мен кимдандир, эҳтимол, Карбейдандир, Квадзба Ленинградда эканини, у ердан армияга чақирилганини, тез орада оғир ярадор бўлганини, ҳарбий шифохонадан қайтибоқ яна урушга жўнаганини ва 1942 йилда бедарак йўқолганини эшитгандим. Орадан ўн олти йил ўтгач, 1958 йилда бизларга – Сухумига узоқ Италиядан бир хабар келди. Унда айтилишича, Комо кўлидан унча узоқ бўлмаган Чермената деган чекка бир қишлоқда, урушнинг энг охири кунларида, қирқ бешинчи йилнинг апрелида ҳалок бўлган итальян партизанлари мазоридаги қабр тошларидан бирида Шарах Квадзба исми бор экан. Лотин ҳарфлари билан битилган бу ёзувда фақат битта ҳарф хато ёзилган экан. Квадзба Италияга қандай бориб қолди – буни тахмин қилишдан бошқа илож йўқ. Тақдири ўхшаш шундай кишиларнинг кўпчилиги сингари у ҳам Италия чегарасига яқин бўлган Австриядан қандайдир ҳарбий асирлар лагеридан қочиб, ўша ерга бориб қолган бўлса керак. Аммо фамилияси жуда кам учрайдиган бўлганидан бу айнан ўша Квадзба эканига шубҳа қолдирмасди. Ҳалок бўлиш санаси – 1945 йилнинг йигирма тўртинчи апрели эса унинг урушнинг қарийб охиригача, Галаба кунигача бор-йўғи икки ҳафта қолгунгача жанг қилганидан гувоҳлик бериб турибди.

Шарах Квадзбанинг тақдири, аниқроғи, унинг мен билган тақдири ана шундай.

Унинг қўлёзмаси тарихига келсак, бу ҳақда менга Карбей гапириб берди. Мен қўлёзмани нашрга тайёрлаган олти ой мобайнида у бир неча бор келиб кетганди.

Маълум бўлишича, Шарах Квадзба ушбу қарийб беш юз саҳифалик қўлёзмани бир ўтиришда: хорижий сафардан қирқинчи йилнинг ёзида қайтиб келиши билан дарҳол таътил олиб, бир ярим ой Абхазияда, онасининг уйидан ҳеч қасққа чиқмай, эрталабдан ярим кечгача ўтириб ёзган.

Жўнаш олдидан, энг сўнги кун варақларни бир жилдга тахлаб, жилдни портфелга жойлаб, онасидан сандигининг калитини сўраб олиб, портфелни сандиқнинг энг тагига кўйиб, уни қулфлаган. Калитни онасига бера туриб:

– Мана бу ёзилган қоғозлар то ўзим қайтиб келгунимча сандигингизда турсин, – деган экан.

У бу сўзни шундай таъкидлабдики, онаси бутун умрга эслаб қолибди. Ўшанда у уйдан сўнги йўлга чиқиб кетаётганини ва ўз онасини, ўз Абхазиясини бошқа ҳеч қачон кўрмаслигини сира ўйламагандир. Лекин, эҳтимол, унинг овозида онасига шундай нарса эшитилгандики, ўғли томонидан сандиққа қўйилган бу нарсани умрининг охиригача асрашга мажбур қилгандир. У фақат сақлабгина қолмасдан, бу ҳақда ҳеч кимга “чурқ” этмаган. Унинг ўғли бедарак йўқол-

ганини айтишганда ҳам, қаердадир, жуда олисда ўғлининг исмини қандайдир умумий қабристонда топишганини маълум қилишганда ҳам она бу борада ҳеч кимга оғиз очмаганди.

Бу хабарни эшитганда, она аввалига:

– Майли, Шарахнинг қариндошлари ва дўстлари ўзларининг ва менинг бор нарсамизни сотиб, тушган пул билан мени ўғлимнинг мозорига олиб боришсин, – деб айтди.

Аммо унга дарҳол розилик билдиришмагач, бу ҳақда бошқа ҳеч нарса демади. Сукут сақлади. Балки ўғлининг қабрини кўрмагач, унинг ўлганига ишонмагандир. Ҳар ҳолда, ўғлининг портфелини сандикдан бир марта ҳам олмади: ахир у қўлёмасини ўзи қайтиб келмагунча асрашни тайинлаганди-да, эҳтимол, у ўғлининг қайтишини кутгандир. У жуда кекса ва саводсиз эди. Мен ҳам, Карбей ҳам бу саводсиз аёл ўғлининг қўлёмасини эсдан чиқарганига ишонмасдик.

Ҳали айтиб ўтганимиздек, Шарах Квадзбанинг қўлёмаси қарийб беш юз саҳифадан, аниқроғи тўрт юз саксон икки бетдан иборат эди, жуда майда ҳарфлар билан, айниқса охиетроғи шошилиб, лекин тушунарли қилиб ёзилганди, қўлёманинг ўртасига машинкада кўчирилган ва 1940 йил август санаси қўйилган икки бетлик маълумот-таржимаи ҳоли эди. Унинг ёнида қўлда ёзилган қисқа қайдлар ҳам бор эди. Афтидан бу Квадзбанинг хорижий сафардан қайтиб келгач, институтга тайёрлаган ҳисоботининг қораламаси эди. Булар билан бирга қўлёмма ичига Абхазия давлат музейидан Ш.Квадзбага берилган тилхат ҳам қўйилган экан. Унда Шарах Квадзба хорижий сафардан олиб келган мис карнай ҳамда кавказ ханжарини музейга топширгани ва музей асраб қўйиш учун уларни қабул қилгани баён этилганди.

Ханжарнинг кейинги тақдирини билмайман, лекин жуда ноёб буюм, убихлар томонидан ишланган мис карнайни музейда бир неча бор кўрганман, лекин унинг Шарах Квадзба совғаси эканидан беҳабар эдим.

Квадзба ўз ҳисоботининг қораламасида сафарда тўпланган маълумотлар, унинг фикрича, убих халқининг фожиали тарихини ўрганишнинг қоронғи томонларига ойдинлик киритиши мумкинлигини ёзганди.

Ўша қораламаларнинг бирида Квадзба ўз ишига танқидий ёндашиб, кўпгина топонимик номлар ҳанузгача аниқланмасдан қолмоқда, деб ёзган эди. Шунингдек, айрим тарихий шахслар у тўплаган материалларда яхши ечимини топмагани учун тадқиқотчи уларни илмий шарҳлашга тайёр эмаслигини таъкидлаганди.

Шарах Квадзбанинг қўлёмасини энг зарур ҳоллардагина сал-пал таҳрир қилиб, ўқувчилар эътиборига ҳавола этишдан олдин ушбу асарда тилга олинган мавзу ҳақида бир-икки оғиз сўз айтмоқчиман, зеро, у ўта долзарб мавзудир.

Квадзбанинг қўлёмасида бизнинг кўз ўнгимизда убихлар тарихининг саҳифалари жонланади. Бу халқ жуда қадимдан Фарбий Кавказ тоғларида яшар эди. Бу жойлар тахминан шимолда Шахе, жанубда Хоста дарёлари оралигига тўғри келади. Кавказ урушининг охирида убихларнинг қаттиқ қаршилигига дуч келган чор ҳукумати уларнинг сардорларига икки йўлдан бирини таклиф этди: ё тоғдан тушиб, Шимолий Кавказнинг текисликларига жойлашасизлар ёки Туркияга кўчиб ўтасизлар. Ана шу икки шафқатсиз қарордан убихларнинг сардорлари танлагани тарихан узоқни кўра билмаслик оқибати бўлиб чиқди: 1864 йилда убихлар ўз сардорларига эргашиб Туркияга

кўчиб ўтдилар. Шундан сўнг бўронлар хуружидан ҳолдан тойган қушлар галаси сингари бирлашиб яшай олмадилар ва Яқин Шарқ мамлакатларига тарқалдилар.

Орадан бор-йўғи бир аср ўтиб, бой ва мардона ўтмишга эга бўлган халқ ер юзидан бутунлай йўқ бўлиб кетди.

Жонли убих тили фақат хотиралардагина қолган эди. Ҳолбуки, убихлар тили ва тарихини билиш бутун кавказшунослик равнақи учун жуда муҳимдир, чунки бу ўринда фан олдида қаёққа қараманг, оқ доғлар учрайди.

Ўн беш йиллар муқаддам, таниқли кавказшунослардан бирининг хабарини ўқиб қолдим. Унинг ёзишича, Яқин Шарқ мамлакатларига тарқалиб кетган убихлар авлодлари орасида унча катта бўлмаган иккита кўшни қишлоқда убихлар тилида гаплашувчи ўн олтита одам қолган экан. Бу ўн беш йил бурун ёзилган хабар эди. Шу тилда гаплашувчи одамлар яна борлиги тўғрисида илмий адабиётда мен бошқа ҳеч нарса учратмадим.

Шунга қарамай, китобхон эътиборига Шарах Квадзбанинг қўлёзмасини ҳавола этишни истайман. Бу қўлёзма 1940 йилда ўз халқининг Туркияга кўчганини яхши эслайдиган юз ёшли убих билан суҳбат чоғида битилган. Шарах Квадзба қариянинг уйида бир ойдан зиёд яшаган. Юз ёшли бу убих — Зауркан Золак бўлиб, қўлёзмага қараганда жуда соғлом, бақувватлиги ва ўткир хотираси билан ажралиб турган. У бир ойдан зиёд вақт давомида ўз ҳаёти ҳақида гапириб берган, Шарах Квадзба тинглаб, ёзиб борган. Тилшунос нимани эшитган бўлса, ҳаммасини қоғозга туширган.

Менинг назаримда, Худога шукрки, қўлёзма тўлалигича сақланиб қолган. Уни илмий нуқтаи назардан таҳлил қилиб кўриш ҳали ҳам кеч эмас. Ундаги айрим тарихий ва маиший далилларни танқидий таҳлил қилиш ҳам ўринли бўлар, зеро, қўлёзма бутун борлиги билан мароқли инсоний ҳужжат сифатида қимматлидир. Қўлёзма ҳикоя қилувчининг шахсини очиб берувчи далил сифатида ҳам қадрлидир. Шундай қилиб, қўлёзмани варақлаймиз. Огоҳлантириб қўймоқчиман, менинг олдимда тўрт юз саксон икки саҳифали тўлдириб ёзилган варақлар, уларга сарлавҳалар қўйилмаган, қисмлар ва боблар билан ажратилмаган, ҳатто хат бошидан ёзилмаган. Чунки уни кекса убих гапидан кўчириб олган инсон бу қўлёзмани нашр қилиш ҳақида ўйламаган ҳам. У эшитаётганларини ёзиб улгуришни ўйлаган, холос. Қўлёзманинг сиз кўрган номи, бобларнинг номланиши ва ўқишга осон бўлиши учун қисмларга ажратилиши Шарах Квадзба эмас, мен томонимдан амалга оширилган, бу менинг виждоним буюрганидир.

БИРИНЧИ КИТОБ

МАРҲУМЛАР БИЛАН КЕЧКИ ТАМАДДИ

Йўл-йўлакай мени бу ерга олиб келган аравадан тушдим-у, тўхтаб қолдим. Қаёққа боришимни билмай турибман. Аравани бу ергача зўрга тортиб келган от, энди пастга қараб, қияликда уловни шалдиратганча йўртиб кетди. Сукутни фақат ғилдиракларнинг ғичирлаши бузарди. Иссиқ энди сал пасайди, кечга бориб эса бошлаган илиқ эпкин, худди улкан, кўринмас супурги мисол йўл бўйлаб чанг-тўзонни супураётганга ўхшарди. Ҳув олисда, ўнг томонда қишлоқ кўзга ташланади, итларнинг ҳураётгани эшитилади. Чап томонда қуёшдан қуриб-

қақраган качал тепалик, унда ёмғир селидан сўнг қуриган ёриқлар битиб улгурмаган чандиқларни эслатади, олдинда эса то уфққа қадар яккам-дуккам дарахтлари қовжираб турган ғамгин текислик ястаниб ётибди. Менга бегона бўлган бу ерга қараганча ҳайрон бўлиб турибман. Наҳотки, убихлар ўз тоғларини мана шу ерга алмаштирган бўлсалар? Бир неча авлодларнинг суяклари наҳотки мана шу тупроқда ётган бўлса? Болғанинг босқонга урилишидан чиққан товушдан сергак тортдим. Демак, аравакаш алдамаган экан. “Темирчилик устахонаси мана шу атрофда”, деганди у. Мана у, юз одимча орқа томонда экан. Фақат аравадан тушганда бошқа томонга бурилган эканман. Ана, темирчининг ўзи. Болғасини яна бироз тўқиллатди-да, устахонасига қараб юрарканман, худди менга кераклигини билгандек, ўзи пешвоз чиқди. Ўрта бўй, сийрак мўйловли, юзидаги терини шошапиша артгани сезилиб турарди. Қўлида қандайдир тугунча. Балки бошқа темирчидир, ўйлайман ўзимча.

Лекин бу ўша — темирчи Бирам экан. Менга унинг исмини айтишганди.

— Агар уни учратсанг, ҳаммаси яхши бўлади, — дейишганди.

Унинг қўлидаги тугунча ҳам менинг омадим. Чунки у ўша бўғчани ҳалиги қария — убих Зауркан Золакка олиб бораяпти. Менинг бу ерларга келишимнинг боиси ҳам ана шунда эди.

Бирам билан качал тепаликнинг этаги бўйлаб боряпмиз. Бу тепаликни худо қаргаганми, дейман, бир томони сув ўйиб кетган ёриқлар — ҳаммаёғи чандиқ, бошқа томони яланғоч қоя тошлар...

— Келдик, — деди Бирам. — Унинг уйи шу ерда. У бармоғи билан кўрсатаяпти-ю, мен ҳеч нарсани кўрмайман.

— Ҳеч қанақа уй йўқ-ку.

— У ёқда эмас, бу ёқда...

У яна бармоғи билан кўрсатади. Ниҳоят, мен ўша уйни кўрдим. Бу тепаликнинг пастида гор бўлса керак, унинг олдига қамишдан девор тугилган. Мағора оғзини эса пўстак беркитиб турибди.

— Шу ерда кутиб тур. Мен билиб келай-чи, Зауркан уйдамикан. Ундан сўраб кўраман, сен билан гаплашадими, йўқми? У баъзан шундай жаҳлдор бўладики, ҳеч кимни, ҳатто мени ҳам кўришни истамайди. Юз ёшда!

Бирам елкаларини қисди. Бу билан у юз ёшдаги кишидан: “Нега жаҳлинг чиқаяпти”, деб сўрашмайди демоқчи бўлди, шекилли.

— Лекин уйда бўлмаса керак, деб кўрқаман, акс ҳолда кучуги сезган бўларди.

Бироқ у гапини тугаллашга улгурмай, каталакдан каттакон бир кўппак сакраб чиқиб, вовуллай бошлади, товуши ҳам жуда ғалати, гўё чатнаган бўм-бўш кўзадан бизга қараб бақираётган овозга ўхшарди.

Бирам бир неча тупроқ зиналардан юқорироқ кўтарилди-да, эшик ҳисобланган қора туйнукдан кулбага кириб гойиб бўлди. Ҳадеб хуравериш кучукнинг жонига тегди шекилли, вовуллашдан тўхтаб, менга қараб тураверди.

Мен бўлсам, сафар менга қанчалик оғир бўлганини эсларканман, бу юз ёшли чол қанақа экан ўзи деб ўйлайман, ахир ўшани деб шунча жойдан келдим-а? Менинг у билан учрашувим тилшунослик учун нима бераркан, Бирам унга мен ҳақимда нима дер экан? У нега бунчалар ҳаяллаб қолди? Балки у билан бирга борсам яхши бўлармиди? Лекин, ана, Бирамнинг ўзи зиналарни бир-бир босиб, ёнимга тушаркан, унинг қаттиқ оқсоқланаётганини сездим.

— Зауркан уйда экан. Дам олиб ётибди, ҳозир ўрнидан туриб, сени кутиб олади, — дейди Бирам. Мен учун унинг хурсанд бўлаётганини сезиб турибман.

Биз тупроқ зиналардан кўтариламиз ва кулба олдида тўхтаимиз.

Бу ерни ҳовли деб бўлмайди, лекин барибир кулба олдида тўртта паст бўйли, лекин бақувват дарахт ўсиб турибди. Улардан бирининг тагига ўриндиқ қўйилган, биз Бирам билан унга ўтириб, чека бошладик.

— Ўрнидан туриб, сени кутиб олишга ваъда берди, — такрорлади Бирам ва ўзини олдиндан оқламоқчи бўлгандек қўшиб қўйди: — Баъзан у жуда жаҳлдор бўлади. Лекин бу одати учун шундай кекса одамни айблаб бўладими? Ахир, бу атрофда унинг тенгдоши йўқда. Мен унга айтдим, истаган нарсангизни олиб келдим деб. Лекин у ётган жойидан қимирламади ҳам, ҳеч нарса демади ҳам. У кўпинча жавоб қайтармай жим ётаверади. Кейин мен сен ҳақингда айтдим, жуда муҳим меҳмон дедим. Лекин у яна ҳеч нарса демади. Фақат чиқиб кетаётганимда орқамдан: “Ҳозир тураман”, деб қолди. Мен унга нега келганингни айтганим йўқ, бирдан жаҳли чиқиши мумкин эди-да. Яхшиси сен ўзинг гапир, учрашганимда. Сени кутиб оладими, демак, ҳайдаб юбормайди. Мен уни яхши биламан. Кичкиналигимда отам ўрнини босди, мени боқиб катта қилди. Тўғри, у алоҳида яшашни истади, лекин биз барибир ота-боладай бўлиб қолаверамиз, унинг мендан бошқа ҳеч кими йўқ. Мен кетаман, сен эса қол. Кетаётганим учун кечир, аммо ҳозир кеч бўлаяпти, ўткинчилар отларини тақалатиш учун кириб қолишлари мумкин. Оқшомга яқин бу ерга келаман. Агар туриб сени қаршиласа, шу ерда қолишга таклиф қилади. Сен шу ерда ётиб қолишинг мумкин, мен егулик олиб келаман.

Мен Бирамга миннатдорчилик билдириб, яхшилигингни, албатта қайтараман, дедим.

— Кейин гаплашамиз, — деди у, — Фақат Заурканга ҳеч нарса таклиф этма, на пул, на бошқа нарса. Меҳмон — азиз, дейди у. Биз сен билан кейин келишиб оламиз.

Мен бир ўзим қолдим, тўғрироғи, қўпшак иккаламиз қолдик. Иккаламиз ҳам жим кутаяпмиз. У ётганча, мен ўтириб. Очиқ эшикка, барибир у туйнук эмас, ичкарига очилган эшикка қараб, бу нота ниш уй соҳиби қачон чиқаркин деб. Туриб, кутиб олишга ваъда берган, ахир. Бу ерда неча йилдан бери яшаётган экан? Ҳамиша бир ўзи яшаганмикин? Нега тақдир уни Бирам билан бирлаштирган экан? Алоҳида яшашининг боиси нимада? Нега энди тирик одам мазор мисоли жойда яшашни танлабди?

Кулбанинг ичкарасидан чуқур йўтал эшитилди, лекин Зауркан эшикда кўрингунга қадар яна бир неча дақиқа ўтди. У баланд бўйли, елкалари кенг, чўзинчоқ юзи кўкрагига тушиб турган оппоқ соқоли туфайли янада узун кўринади. Эгнида чопонга ўхшаб кетадиган узун халат тиззасидан пастроққа тушиб турибди. Енглари кенг, энли бу кийим оқ матодан тикилган. Ўнг қўлида асо, охирига темир учлик қўйилганидан оғирлиги сезилади. У эшик олдида қимир этмай узоқ вақт менга диққат билан тикилди. Кўпшак эркаланиб, унинг оёғига суйкалади, лекин қария итни оёғи билан четлатиб, ниҳоят менга қараб бир неча қадам ташлади. Одимлари енгил, тўғри тургандагина эмас, юрганда ҳам қадини тик тутди.

— Хўш галдиниз, — деди у менга туркчалаб, тўхтаб ва ўнг қўлини кўксига қўйиб.

– Хайрли кун, – дедим мен ҳам туркчалаб.

Ғафат энди, менга яқин тургандагина бўйи нақадар баландлигини ҳис этдим, мовий кўзлари менга баланддан қараб турарди. Кейин тепадан пастга қараб мени кузатишдан зерикди, шекилли, энгашиш тик тургандан оғирроқ бўлса керак, танаси кесилиб кетган улкан юз йиллик дарахтнинг кундасига оҳиста ўтирди, қўли билан боя биз Бирам иккаламиз ўтирган ўриндиқни кўрсатди. Мен ўша жойга ўтирдим. Қария асосининг учини ёнидаги ерга санчди-да, чўнтагидан қаҳрабо тасбеҳини олди.

– Бугун кун ҳаддан ташқари исиб кетди. Ана, ҳатто дарахт барги ҳам қуриб қолибди, – деди менга қандайдир шохни кўрсатиб, лекин у баргни мен кўрмайман.

– Ҳа, жуда иссиқ бўлди, – дедим мен.

У узоқ жим турди, мен эса тасбеҳнинг шиқирлашини эшитаяпман, холос.

“Нимадан бошласам экан? – ўйлайман ўзимча. – Энг асосийсиданми? Нега келганимданми ёки бошқа нарсаданми?” Ўзим ҳам кутмаган ҳолда сўрайман:

– Неча ёшдасиз?

Зауркан жилмаяди:

– Олдимга ёшимни билгани келганга ўхшайсан? Менда шундан бошқа ҳеч нарса қолмаган ҳам. Агар янглишмасам, ҳозир роппа-роса юз ёшга тўлдим.

– Сиз шу ерда туғилганмисиз? – дея сўрайман, агар “ҳа” деб жавоб берса, демак, ҳаммаси беҳуда эканини билатуриб.

– Йўқ, – жавоб беради у. – Мен бу ердан жуда олисда туғилганман.

Ўзи ҳақида яна бирор нарса деса керак, деб кутиб турибман. У индамасдан тасбеҳини ўгираркан, бирдан тўхтаб мендан сўради:

– Ўзинг кимсан? Қардан келдинг?

Унинг кўзларига қараб туриб, бу қария билан очиқчасига гаплашишга аҳд қилдим. Таваккал!

– Мен узоқдан келдим. Бошқа давлатдан. Совет Иттифоқидан.

– Қанақа? – қайта сўради у кафтини қулогига тутиб.

– Совет Иттифоқи. Русия. Кавказ. Абхазия. – Мен бу сўзларни бирин-кетин, Туркияда улар қандай айтилса, шундай талаффуз қилишга интилиб, қария улардан нимадир тушунар деган умидда айтдим.

У тушуниб, такрорлайди:

– Кавказ. Абхазия.

– Ҳа, мен Кавказдан, Абхазияданман. – У мени яхши эшитсин деб қаттиқ-қаттиқ гапираман.

– Ўзинг қайси халқдансан? – сўрайди у шошилиб, гўё менинг жавоб бермаслигимдан хавфсирагандай.

– Мен абхазман. Абхазиядан келдим.

– Нима, абхазмисан? Ё қодир Оллоҳ, рост айтаяпсанми? – Қария бу сўзларни соф абхаз тилида айтди, гангиб қўлларини осмонга кўтарганча.

– Ҳа, мен абхазман, Абхазиядан келдим, – дейман энди туркча эмас, абхаз тилида.

– Жуда суюнтуриб юбординг-ку! Абхаз зотини кўрмаганимга ҳам неча йиллар бўлиб кетди. Яна абхазча гап эшитгунимча одамлар неча ўлиб, неча тирилса керак деб юрардим.

Шундай деркан, қария кундадан турди-да, мени ўзига тортиб, кўзларимдан ўпди.

– Шуни билиб қўй, мен қон бўйича сенга бегона эмасман. Менинг бахтиқаро онам абхаз қизи эди, Шат-Ипа уруғидан, Цебелладан. Сенинг исминг нима?

Мен унга исмимни айтдим, у қўлларини елкамдан олганича йўқ, бирдан тасбеҳ ҳали ҳам қўлида эканини сезиб, уни чўнтагига солди, шундан кейин мен уникида меҳмон эканман, тасбеҳини чўнтагидан бирор марта ҳам олмади.

– Ўтир, ўтир, – деди у менга. – Сен туришинг шарт эмас. Мен кексаман, лекин сен менинг тоғам бўласан, урфимиз бўйича сен катта ҳисобланасан¹. – У мени ўтқазди, мен эса уни. – Агар мен бугун ўлсам-у, ҳозир бутун халқим мени кутаётган жой – жаннатга тушсам, – дейди у яна турмоқчи бўлиб, мен эса елкасидан босиб тургазмайман, – мен уларга ер юзида абхазлар ҳали яшаётганини гапириб бераман.

Қария ҳеч тинчланолмайди, ундаги ҳаяжон менга ҳам ўтади. У бир ўтиради, бир туради, ҳали кулбасига кириб кетади, яна қайтиб чиқади, ўзини кўярга жой тополмаётгандай. Хаёли паришондай у дарахдан бу дарахтга боради, уларни бир-бир ушлаб кўради. Улар жойида турибдими, йўқми дегандай текшириб қўяди, туш кўраяпман деб ўйлайди. Кейин ёнимга қайтиб келади. Ўзича нималарнидир гапира бошлайди, кимга гапираяпти, ўзигами ёки менгами:

– Бугун менинг қимматли меҳмоним бор. У мен туғилган жойдан келган. Мени кўриш учун атайлаб келган. Мен узоқда яшайман, у менинг қандай яшётганимни билгани келибди!

У бу гапларни менга эмас, бошқа кимгадир гапираётгандай, сўнг менинг шу ердалигимни эслаб, ёнига келади, кучли қўллари билан мени ўтқазди.

– Ўтир, дад² Шарах, сен тоғамсан, тикка туришинг ярамайди. Ҳа, убихлар меҳмонни қандай кутишни яхши билишади, – деди у мени жойимга ўтиргизаркан. – Лекин буни мендан бошқа ким ҳам қиларди? Сендай азиз меҳмонни муносиб кутиб олиш учун бир ўзим нима ҳам қила олардим?

Қария шундай деркан, ҳовлида тинимсиз айланади, бир менга гапиради, бир ўзига. Баъзан телбалардай довдирайди.

Қоронғи тушгач, уйига кириб, ўчоққа ўт ёқади. Оловнинг ёруғи ташқарига ўрлайди. Ниҳоят, у чиқиб, мени ичкарига таклиф қилади, ўчоқ ёнига ўтқизиб, ўзи яна чиқиб кетади. Мен атрофга аланглайман. Ўчоқ ёнида бир неча пастак-пастак курсича, деворга ўйилган меҳробга пахталик кўрпача тўшалган, унинг олдида уй шиппаклари. Иккинчи хонага олиб кирувчи эшик. Ҳаммаёқ тартибли ва топ-тоза. Демак, чолга кимдир қараб турибди. Лекин ким?

У кучоғида хас-хашак билан қайтиб кирди, унинг ярмини ўчоққа қалади.

– Мана шунақа, азизим Шарах, мана шунақа, – деди қария, туриб кетмаслигим учун елкамдан босиб. – Мана бу ўчоққа бир қараб қўй, убихларнинг энг сўнгисининг ўчоғи. Абхаз тилини унутмаганим қандай яхши-я, лекин барибир қандайдир сўзни унутган бўлсам, мени кечирасан. Худога шукур, онам менга абхаз тилини ўргатган эди. Унинг сўзлари қулоқларим тагида ҳамон жаранглаб тургандай.

¹ Эски абхаз удумига кўра, ўғил онасининг барча қариндошлари ва фамилиядошларини тоға деб билади. Улар ёшларидан қатъи назар онасининг қариндошлари сифатида унга нисбатан катта ҳисобланадилар. (Муаллиф изоҳи.)

² Д а д – убихча эркалаб “азизим” дегани.

Мени ўчоқ ёнига ўтқазди-ю, ўзи ҳануз ҳаяжонини босолмасди. Уйга киради, ташқарига чиқади, мени бутунлай эсдан чиқаради, кейин яна эслаб қолади. Ниҳоят, қўшни хонага кирди-ю, ўн дақиқалар жим-жит бўлиб кетди. Чамадонимдан қоғоз ва қалам олгим кел-япти, лекин юрагим дов бермаяпти. Нима учун келганимни тушунтирмасдан туриб бундай қилолмайман, ахир. У ўзини убихларнинг сўнгиси эканини айтди. Бу ростга ўхшайди. Икки ой давомида Туркия ва Сурия бўйлаб сарсон-саргардон юриб, ўзини убих деб атаган бошқа бирорта одамни учратмадим. Фақат у ҳақда, мана шу юз ёшли Зауркан Золак тўғрисида бошқа кишилардан биринчи марта қария убих бўлса керак, деган гапни эшитдим.

Мана, ниҳоят, у иккинчи хонадан чиқди, уни қарийб таниб бўлмасди, бўйи янада баландроқ кўринарди. Энди эғнида эски қора черкас чакмони, бошида баланд телпак, ингичка кавказча белбоғида қорая бошлаган қадимий кумуш ханжар. Қариянинг кўлида узунлиги бир метр келадиган мис карнай бор эди. У ўтириб шу карнай ҳақида гап бошлади.

— Бу ўлкада қолган убихлар ичида энг каттамыз Соулах, мана бу белбоғ билан ханжарни ва ушбу карнайни менга берди. Белбоғ билан ханжар унинг ўзиники бўлиб, карнай бутун халқимизга тегишли эди. Бугун у менда, ўлганимдан кейин эса ким билади кимники бўлишини. Бизлар Кавказда яшаганимизда отамда ҳам худди шунақаси бор эди. Цебелдадан бизникига онамнинг оға-инилари келганда, отам ўша карнайни чалиб, қариндошларни ва қўшнилари йиғарди. Карнайнинг овозини эшитганлар Хамирзаникига меҳмонлар келишганини билишарди. Шундай экан, майли, бу оқшом ушбу карнай ҳам бир садо берсин, токи барча убихлар бугун меникида олисдан келган менга энг яқин одам — тоғам меҳмон эканини билиб қўйишсин! Меникига зиёфатга келишсин!

Қария бошқа ҳеч нарса демасдан кўлида карнай билан кулбадан ташқарига чиқди. Мен ҳам ҳайрон бўлиб унга эргашдим. У кулба олдида ўсиб турган тўртта дарахтдан ўтиб, жарлик ёқасига борди-да, карнайни чала бошлади.

Бу карнайнинг товушини ҳаётимда биринчи марта эшитишим, ҳам кўрқинчли, ҳам нолавор, худди ярадор жониворнинг ноласига ўхшайди. Бу товуш баланд кўтарилиб, том устидан юксалган тутундай еллар қанотида тарқалиб кетади, олис-олисларда нола чекиб жон беради гўё. Уни тинглар эканман, ўйлайман: нега энди карнай янада қаттиқроқ нола чекмайди, токи уни эшитганлар йиғлаб юборсинлар, нега энди уни эшитганлар бош кийимларини олиб, тарихдан ўчиб кетган халқнинг хотирасини ёд этмайдилар? Убихларнинг сўнгги қарнайи нола қиляпти, уни чалаётган юз ёшли қариянинг энди ҳеч қачон қайтадан бола ҳам, ўсмир ҳам, жангчи ҳам бўлолмаслиги алам қилмайди. Алам қиладиган томони шундаки, бошқа ҳеч ким энди убих бўлолмайди, чунки унинг ўзи убихларнинг энг сўнггисидир!

Мен алам билан шуни ўйлапманку, карнай эса нола қиляпти. Ниҳоят, қария карнай чалишдан тўхтади ва биз Зауркан билан унинг кулбасига қайтиб кириб, ўчоқнинг икки томонига ўтирдик. Убихларнинг сўнгги карнайининг ноласи тинди, сўнгги ўчоғи эса ҳали ёниб турибди. Менинг қаршимда ўтирган сўнгги убихга, унинг чуқур ажин босган юзига, кучли тиззаларга қўйилган катта-катта қўлларига, кенг елкаларига, бақувват бўйнига қараб туриб, ёшлигида қандай паҳлавон бўлганини ўйлайман.

– Мен сени тушундим, жуда олисдан келибсан, – дейди Зауркан салмоқланиб, гўё сўзларни бирин-кетин эслаётгандай. – Сен иш билан келганингни тушуниб турибман. Мен ҳарқандай саволингга жавоб берман, лекин, илтимос, бугун дамингни ол, менинг туз намагимдан татиб кўр.

Қария бу сўзни ҳали айтиб улгурмасдан эшикдан Бирам кириб келади ва мен болалигимдан сингиб кетган абхазча одатимиз бўйича ўрнимдан туриб уни қаршилайман.

– Ўтир, داد, ўтир. У бунақа нарсаларни тушунмайди, – дейди Зауркан менга, Бирамга ишора қилиб.

У бўлса бирор сўз ҳам демай, ўзи билан олиб келган тугунчани дастурхонга қўйиб, ечади-да, ундан егуликни олади. Баъзан у Заурканга энгашиб, туркча нималарнидир пичирлайди: эҳтимол, қария билан кечки овқат хусусида маслаҳатлашаётгандир.

Бирам дастурхонга егуликларни жойлаштиришга уннар экан, қария қимир этмай ўтирганча, кўкрагига тушиб турган оппоқ соқолини силаб, диққат билан менинг кўзимга қарайди. Менга яқин ўтирибди-ю, худди узоқдан қараётгандай тикилади, унинг бу нигоҳида ҳам меҳр, ҳам қаҳр бордек кўринади. Кейин мендан нигоҳини олиб, очиқ турган эшикдан қоронгу ташқарига – қоронгиликка қарайди ва баланд ҳамда қувноқ овозда гапиради:

– Карнай бекорга чалингани йўқ, داد Шарах. Мана, қўшнилар ҳам қариндошлар ҳам йиғилиб келишди, уларнинг ҳар бири ўз иши билан банд: биттаси улоқлар сўйиб, оловда тоблаб пиширяпти, бошқалари новвоснинг терисини шилиб, дошқозонга солиб, тагидан ўт ёқишди – шўрва тайёрлашяпти. Ёшлар ҳам қараб туришгани йўқ. Ҳозир бу ерга бизнинг убиҳ оқсоқолларимиз келишади, онамнинг юртидан келган азиз меҳмонимни муборакбод қилгани киришади. Ҳозир сен уларни черкас чакмонида, белларига осиб олишган эгри қилич ва ажойиб ханжарлари билан кўрасан. Биз улар билан кўпдан келишиб олганмиз: кимнинг ҳовлисига Кавказдан меҳмон келса, ҳаммамиз ўша ерга тўпланамиз!

Мен уни тингларканман, бир неча бор Бирамга қараб қўйдим, у худди қариянинг абхазча гапларини тушунмаётгандай ёки буни олдиндан эшитгандай дастурхонга уннар эди.

Зауркан ўрнидан туриб, ўчоқдан ёнаётган бир шохчани олди-да, ундан шамни ўт олдириб, дастурхон ёзилган хонтахтанинг бир чеккасига қўйди. Сўнг хонанинг ўртасига бориб, хурсанд бир ҳолатда буюради:

– Қани, ҳой ёшлар, қизларга айтинглар, областа билан жомни олиб киришсин. Меҳмонлар кўлига сув қўйишсин, овқатланиш пайти бўлди.

У аста ёни билан юриб, эшикдан ташқарига чиқади.

Ҳовли қоронғи ва жимжит. Булутсиз осмонда юлдузлар жимирлайди.

– Муҳтарам Сит, Даут, Соулах, Татластан, Зосхон, Аҳмад, ҳаммаларинг қўлларингни ювиб, меҳмонимизни дастурхонга таклиф этинглар. Ҳамма нарса тайёр, – дейди Зауркан баланд овозда, ҳар бир номни айтганда юзини буриб, гўё ўша исм эгасига мурожаат қилаётгандай. Шундан сўнг у бир неча қадам ташлаб, кекса дарахт ёнига боради, қўллари билан уни қучоқлаб, дарахт остида турган паст бўйли кимгадир эгилгандай бўлади.

– Азиз онажон, бугун нега ғамгинсиз? Яқинроқ келиб, меҳмонимизни синглиси сифатида бағрингизга босинг. Ахир у сизнинг

жонажон Абхазиянгиздан. Биздан яширинча аччиқ-аччиқ йиғлаб, у ёқларда қолиб кетган биродарларинг ҳақида абхазча нолалар қилганингиз яхши эсимда. Майли, у сизнинг қондош укангиз бўлмаса ҳам, лекин барибир у абхаз-ку. У билан гаплашинг, эҳтимол, ака-укаларингиз ҳақида бирор нарса билар.

Зауркан қаддини ростлайди. Ҳозир у гапираётган сўзини бўйи ўзи билан тенг ёки қарийб тенг кимсага қарата айтапти.

– Отажон, мен сизни хурсанд қилиш умидида эдим. Яхши эслайман, бизникига бирорта абхаз келса, ёшми, кексами, албатта меҳмон қилардингиз, қўшнилари чақирардингиз, кейин Мзимта дарёсигача кузатиб қўярдингиз. Бугун Шарах Квадзба бизнинг меҳмонимиз, у ёш, агар уни муносиб равишда меҳмон қилолмасак, уят бўлади. Эҳтимол, у бу ерга олис-олислардан бизга нима бўлганини, нега убихлар ер юзидан йўқ бўлиб кетганларини билиш учун келгандир.

Зауркан уйга томон юради ва бўсагага етганида тўхтаб, овозини баландлатади:

– Энди қўлларини чайиб бўлганларни азиз меҳмонимиз билан бирга дастурхонга таклиф қиламиз.

У бирдан абхаз тилидан убихчага ўтади. Мен бу тилни назарий ўрганганман, лекин ҳеч қачон эшитмаганман ва билимим камлигидан ҳамда кутилмаганидан у нима деяётганини тушунмас эдим. Унинг айрим сўзларинигина англаб, умумий маъносини ҳис этаяпман. Энди Зауркан таклиф қилаётгани йўқ, кимнидир ишонтирмоқчи бўлаяпти, ҳатто буюраяпти, бу унинг овозидан сезилиб турибди.

Биз қора осмон узра қимир этмасдан порлаб турган юлдузлар остидамиз, менинг ёнимда, ерда эса юз ёшли одам унинг сўзларига жавоб қайтара олмайдиган марҳумлар билан гаплашаяпти. Унинг оёқлари остида ер, боши узра барчамиз учун умумий бўлган осмон ва мен унинг тушуниб бўлмас нутқини тинглаб, мана шу ер ҳам, мана шу осмон ҳам балки убихларга адолатсизлик қилгандир деб ўйлайман.

Қария убих тилидаги нутқини тўхтатиб, ишора билан мени уйга таклиф этади.

Бўсага олдида қўлида обдаста билан Бирам бизни кутиб олади ва қўлларимизга сув қуяди.

– Мана, бугун Худо бизга ато этгани мана шу, – дейди Зауркан, биз дастурхон ёнига ўтиргач.

Дастурхонга қўйилган нарсалар, чурақдан ташқари, ҳаммаси бизнинг Кавказдагидан бошқа. Бирам дастурхонга қўйган туркча овқатлардан мен сафарим пайтида татиб кўргандим. Булар пакла чўрбаси – ловий шўрва, буғли-буғлама – буғда пиширилган котлетлар.

Зауркан: “Ол, дастурхонга қара”, деб менга мулозамат қилиб турибди. Бирам бўлса, дастурхондан олис бир бурчақда кўзини юмганча жимгина ўтирибди, худди ухлаб қолганга ўхшайди.

Ўчоқда кўмир ёнаяпти, дастурхон ёзилган хонтахта устида ингичка шам тутапти. Мана шу ним қоронғида ўзимни галати ҳис қилаяпман, ҳозир бу ерда нималар бўлаётганига ҳам ишонаман, ҳам ишонгим келмайди.

Зауркан менинг рўпарамда ўтирибди, шошилмасдан овқатланапти, ҳар замон-ҳар замонда худди унинг гапига кимдир қулоқ солмаётганидан норози бўлгандай бир томонга қараб-қараб қўяди. Кейин, бирдан қўллари билан тиззасига таяниб, аста туради ва кимнидир чақиради:

– Нарчоу, ҳой Нарчоу, ҳамма ўтириб бўлдимми? Ҳаммага шароб қуйилдимми? Қайнатилган гўшт қуйилганми? Илтимос, Нарчоу, эътиборли бўл, вақти келиши билан пиширилган гўштни кимнинг олди-га қўйишни ўзинг яхши биласан, деб ўйлайман. – Зауркан қаддини тўла ростлайди. – Энди бўлса, азиз меҳмон ва муҳтарам қўшнилар, гарчи мен ҳеч қандай мартабага эга бўлмасам-да, кекса ёшимдан ташқари, албатта, менга ушбу зиёфатга косагуллик қилиш шарафи насиб этди. Тангри барчангизга бахт ва соғлиқ ато қилсин. Бугун жуда қадрли меҳмонимиз бор, балки энди уйимизга ундан ҳурматли меҳмон ҳеч қачон келмас! У менинг тоғам, онамнинг укаси; меҳмон ғариб дастурхонимизга қўйилган нарсалардан кўпроқ егуликлар қўйишга лойиқ инсон. Лекин мана шу дастурхонга қўйилган нарсаларнинг ҳаммаси самимий, чин дилдан, соф юракдан!

Зауркан дастурхон узра бошини баланд кўтарганча турибди. Унинг ўнг қўли шундай қисилганки, гўё шароб тўла бордоқни ушлаб тургандай. Қариянинг нигоҳи хув олисларга қадалган, худди уй тўрида жойлашган узундан-узун дастурхон теварагида юзлаб кишилар ўтиргандай.

Мен қарияга қараб туриб, унга қарийб ишонгандай бўламан, чунки мезбон уни ўраб турган бўшлиқ билан жуда қатъият-ла гаплашмоқда. Мен бир зумга ҳамма нарсани унутаман: келганим шу мамлакатни, бу ерга келгунча кесиб ўтганим саҳрони, тирмашиб чиққаним качал тепаликни, ҳозир ўтирганим мана бу қулбани, ҳамма-ҳаммасини унутаман ва менга ҳозир шу ерда эмас, Кавказда, шу дамда эмас, балки юз йил олдин убихларнинг кўплаб одам қатнашаётган зиёфатида ўтиргандай ҳис қиламан ўзимни. Мен буғи чиқиб турган қовурилган гўштни, мамалиг¹ни, оғзидан шароб қуйилаётган кўзаларни кўраяпман. Мен ҳали Зауркан ташқарида номма-ном санаган чолларни кўраётгандайман. Убихлар энди йўқ деб ким айтди? Мана улар, менинг атрофимда ўтиришибди ва мен уларнинг тилида айтилаётган сўзларни эшитиб турибман... Ва уй эгасининг таклифи билан косагул қилиб сайланган улардан бири – этаклари черкасча тўнининг белбоғига бар урилган чол ўрнидан туриб, менинг соғлигим учун қадаҳ кўтаради, унга эргашиб бошқалар ҳам ўринларидан туришиб шароб ичадилар. “Нега ўрнингиздан туриб, безовта бўласизлар, мен бунга лойиқ эмасман, ўтиринглар”, деб илтимос қилсам ҳам менга қулоқ солмайдилар, ўтирмайдилар, тик турадилар... Мен кўзларимни юмиб, бу ғалати онлар давом этишини истаيمان, лекин бирдан орага чўккан жимлик мени ўзимга келтиради.

Зауркан жим қолиб, болта билан чопиб ташланган ниҳолдай ўрнига ўтириб қолади. У менинг рўпарамда, елкаси билан деворга суянганча ўтирибди.

Дастурхон атрофида фақат у ва мен. Бир неча қадам нарида Бирам ўтирибди. Энди кўзларини очиб, лоқайд нигоҳи бизларни кузатапти. У қариянинг ўрнидан турганини кўрмагандай, оташин гапларини эшитмагандай бефарқ қараб турибди.

“Унга нима бўлган ўзи? Нега ҳамма нарсага лоқайд қарайди, – ўйлайман мен Бирам ҳақида. – Ёки у ухлаб ўтириб, буларни кўрмади ҳам, эшитмади ҳамми? Балки мени шунчалар ҳаяжонга солган ҳолатлар кўпдан бери унинг жонига теккандир?”

Зауркан ҳорғин жим ўтирибди. То Бирам ўчоқ чўғида қаҳва қайна-тиб, финжонларимизга қуйиб бергунча, беш, ўн дақиқа шундай ўтир-

¹ М а м а л и г – маккажўхори унидан тайёрланган шавла.

ди. Қария биз қаҳва ичаётганимизда ҳам индамади, уни тугатганимиздан сўнг, аста ўрнидан туриб:

– Дад Шарах, – деди менга, – бу кеча сени бошқа безовта қилмайман. Йўлдан чарчаб келгансан, ётиб дамнингни ол.

У қўли билан менга кўрпача ёзилган ўриндиқни кўрсатди.

– Хайрли кеч, – деди у бошини эгиб эшикка қараб юраркан. – Энди мен бориб қарай-чи, зиёфат қандай кетаяпти экан. Меҳмонларнинг кўпчилиги ҳали дастурхондан туришгани йўқ. Меҳмонларга қарашган қўшниларим ҳам ҳали еб-ичишга улгуришмаган. Улардан бир хабар олиб келай...

У бошини баланд кўтариб, деворга суяб қўйилган асосини қўлига олади ва менга ҳам қарамай мардона юриб кулбадан чиқиб кетади. Бирам эса қария қайтиб келмасидан менинг қаерда ухлашим кераклигини кўрсатишга шошилади. У қария кўрсатган жойда эмас, қўшни хонада ётишим кераклигини айтади.

Ўша тун мен барибир ухлай олмадим. Аввалига ҳали қоронғи экан, қария у ёқдан-бу ёққа юриб тургани ва ўзи билан ўзи гаплашаётгани эшитилиб турди. Тонг оқара бошлагач эса, тинчиди ва ухлашга ётди. Энди мен ухлашни хоҳламасдим, чамадондан ёндафтарни олиб, қариядан эшитганларимни бошидан охиригача ҳаммасини ёздим. Ёзарканман, ташвиш билан ўйлардим: эртага уни қай аҳволда кўрарканман. У ўзига келармикан, тинчланармикан? У билан яна гаплашишга муваффақ бўлармиканман?

Беҳуда ташвишланган эканман. Эрталаб, ҳовлидаги тўртта дарахтдан энг кексаси тагида, ўзи ясаган курсичада ўтириб, ўзи гап бошлади:

– Қани, сенга тагин нималарни гапириб берай?

Мен унга тушунтирдим: биринчидан, ҳаёти тарихини эшитишни истайман; иккинчидан, у менга убих тилини ўрганишимга ёрдам берсин, чунки ҳозир у гапираётган убих тилини ўрганишда менга бошқа ҳеч ким ёрдам беролмайди. У “хўп” дея боши билан икки марта имо қилди.

Ўша куни у кечаги воқеадан кейин жуда ҳорғин кўринарди, шунинг учун уни қистовга олдим. Кейинги куни эса биз ишга киришиб кетдик ва ҳар куни эрталаб ҳамда кечқурун бир неча соатлаб гаплашар эдик. Мен уникида бир ойдан зиёд, аниқроғи, ўттиз тўрт кун турдим. Зеро, у ерга сафарим ўттиз тўрт кунга белгиланган эди. Сафарни чўзиш анча юриш ва вақт йўқотишни тақозо этарди, шу боис таваккал қила олмадим.

Мен Бирам билан қариядан яширинча келишиб олгандим, озгина ҳақ бериб турардим, у кунига бир марта, баъзан икки марта келиб турар, бизларга озгина бўлса-да, егулик нарса олиб келар, шунга қаноат қилардик.

Эрталаблари, то тушга қадар биз ҳовлида, қария дарахт тагидаги ўзи ясаган курсичада, мен бўлсам қўлимда ёндафтар билан унинг рўпарасида улкан чинор кундасида ўтирардик.

Ҳар куни эрталаб, то тушга қадар Зауркан менинг илтимосимга кўра ўзим билан убих тилида гаплашарди, мен уни диққат билан тинглар, ёзар ва қайта-қайта сўрардим. Кейинги ҳафтада суҳбатимиз анча енгил кўчди, лекин дастлабкилари қийин бўлди. Чунки институтда олган билимимга қарамай, жонли убих тилини сира эшитмагандим.

Менга бахт кулиб боқди, йигирма тўрт ёшида Кавказдан кетган, ҳозир юз ёшдаги чол ўз она тилини унутмаган, бунинг устига ме-

нинг тилим, онасининг тили бўлган абхазчани яхши эслаб қолганди, умрининг қолган йиллари давомида турк ва араб тилларида бемалол гаплашишни ҳам ўрганиб олганди. Шу боис мен учун қийин бўлган ҳолларда у тилдан бу тилга ўтар, охир-оқибатда менга тушунарсиз бўлган у ёки бу убиҳча сўзнинг маъносини билиб олардим.

Назарий жиҳатдан убиҳ тилининг абхазчага яқинлиги институт-даёқ менда шубҳа туғдирмасди. Бироқ назария ва сўзнинг грамматик қурилишидаги яқинлик бир гап, жонли тилни ўрганиш бошқа гап экан. Назарий тилда узоқ бўлган ва ҳатто баъзан ўзининг алдамчи ўхшашлиги билан айрим сўзлар қўшимча қийинчиликлар туғдирарди. Луғавий маъносини олиб қараганда убиҳ тилида ҳам, абхаз тилида ҳам муштарак ўзакли сўзлар талайгина эди. Олов сўзи абхазча “а-мца”, убиҳча “а-мизде”, Ой абхазча “а-мза”, убиҳча “а-медзи”; Ёмғир абхазча “а-куа”, убиҳча “ак-ку”; Сув абхазча “а-дзи”, убиҳча “бзи”, Кўз абхазча “а-бла”, убиҳча “а-блия”; Туз абхазча “а-жика”, убиҳча “жи”. Фонетикада ўхшашликлар кўп эди, лекин фарқлар ҳам бор эди, ҳар ҳолда мен шуни қатъий аниқладимки, иккита ундош товуш убиҳча талаффузда абхазчадан кескин фарқ қилар экан.

Сўнги кунларда убиҳ тилининг турли шевалари бормикин дея анча уриниб кўрдим, лекин буни аниқлаб бўлмади. Зауркан Сочи дарёсининг бошланишидан унча узоқ бўлмаган – убиҳлар ўлкасининг маркази ҳисобланган жойда яшаган. Унинг қишлоқдошларининг сўзлашуви Туапсега томон шимолроқда яшаган убиҳлар сўзлашувидан фарқ қилганмикин, буни Зауркан билмайди, балки эслай олмайди.

Баъзан ана шу эрталабки суҳбатларимиз пайтида Зауркан мендан Абхазия тўғрисида сўраб қоларди. Онасининг юрти ҳақида сўраган дамларида гапни убиҳлар тилида бошларди-да, менинг яхшироқ тушунишим учун абхазчага ўтарди. Уни онасининг қариндошлари ва фамилиядошлари кўпроқ қизиқтирарди. Гарчи мен унинг онаси туғилган жой Цебелдага бир неча бор сафар қилганимда Шат-Ипа уругидан бирорта кишини учратганимни айтган бўлсам-да, ҳеч ишонмасди, қайта-қайта сўрайверарди:

– Хўп, майли, қаердадир, битта бўлса ҳам, қандайдир кўр, чўлок, гилай бўлса ҳам, ўша Цебелдада Шат-Ипа қавмидан бирорта инсон балки қолгандир.

– Йўқ, Цебелдада ҳозир бундай фамилиядаги одамлар йўқ, – дея такрорлайман сабр билан. – Умуман, Абхазиянинг бошқа жойларида шундай фамилияли кишилар бор. Кекса, саводсиз кишилар ҳам бор, ёш, ўқимишли кишилар ҳам учрайди. Улар орасида мен танийдиганлар ҳам бор.

Биринчи бор буни айтганимда, у унчалик эътибор бермади, уни фақат Цебелдада яшовчи ҳамда онасига қариндош бўлган Шат-Ипалар қизиқтирарди. Лекин кейинги сафар улар ҳам қизиқтириб қолди. Бошқа жойларда яшовчи шу фамилиядагилар қаерда ва қайси қишлоқларда истиқомат қилишини, денгизга яқинми, қандай яшаётганларини суриштирди.

– Мен бизнинг Абхазияда юз берган ўзгаришлар ҳақида, шаҳарлар, темир ва тош йўллар тўғрисида, денгиз бўйида сув босадиган ерларнинг сувини қочириш, безгакка қарши кураш, мактаблар, шифоналар, болалар абхаз тилида ўқиётгани хусусида гапириб беришга ҳаракат қилардим.

Гарчи сўзларимни диққат билан тинглашга ҳаракат қилаётган бўлса-да, гапларим унинг қулоғига кирмаётганини билиб турардим.

Мен ҳикоя қилаётган нарсалар билан унинг ёшликдаги хотираси орасида жуда катта масофа, қарийб ўтиб бўлмас асрнинг уч чораги ётарди.

Кечкурунлари, ҳавонинг қандай бўлишига қараб, баъзан дарахт остида, баъзан уйда ўтирардик ва Зауркан менга ўз ҳаётини абхаз тилида, кўпинча туркча, гоҳида арабча аралаштириб гапириб берарди. Олдин айтганимдек, абхаз тилини у яхши биларди, бу тилга янги кирган сўзларни билмагани учун уларни туркча ёки арабча тушунтиришга ҳаракат қиларди.

Айни шу боисдан у баъзида мени яхши тушунмасди. Бу кўпинча абхаз тилига кирган янги тушунчаларни ишлатганимда юз берарди! Умуман, ўз ҳаёти ҳақида гапирганларини ёзишга улгурардим. Чунки у айтаётганларини жон-жон деб такрорларди.

Кечалари, қария ухлашга ётгач, мен ёзишга улгурмаган гапларини дафтарга туширардим. Баъзида керак бўлган жойларда шарҳлар ёзиш учун белгилар қўйиб кетардим. Лекин энг муҳими чинакамига битмас-туганмас ҳаётини кучга ва ўчмас хотирага эга бўлган одам — Зауркан Золакнинг ўз ҳикоясини кўчириб ёзиш эди...

УЙДА БЎЛГАН ПАЙТИМИЗДА

Азизим, Шарах, инсон она сути билан синган тилни унутиши мумкин, деганлар бекорларни айтибди. Одам ўз онасини унута олмаганидек, тилини ҳам унута олмайди. Мен бир неча тилни тушунаман ва бунинг одамга нақдар кераклигини ҳам яхши биламан. Мен ҳали кичкиналимиздаёқ уч тилни билардим. Агар денгизга қараб турсак, биз — убихлардан ўнг томонда адигейлар, чапда эса абхазлар яшарди. Мен фақат абхазчани эмас, адигей тилини ҳам биламан, тўғриси, сал ёмонроқ, лекин биламан. Бизлар шунақа яқин қўшнилар эдикки, бир-биримизнинг тилимизни, албатта, билардик.

Убих тили менинг она тилим, болалигимда ҳаммаёқда шу тилни эшитардим. Уни қандай унутишим мумкин. Абхаз тилини онамдан ўрганганим. Адигей тилини бувим яхши биларди. Эсимда, у билан тегирмонга борардик. Бувим дон тўла халтани бошига қўйиб олганди, қўллари бўш бўлгани учун жунни титиб борарди, тиллари ҳам бекор турмасди, менга адигей эртақларидан гапириб борарди. Бир сафар, эсимда, тўхтаб, менга чумолиларни кўрсатди. Улар бизнинг сўқмоғимизни кесиб, қаёққадир шошилишарди.

— Қара, улар сафарга отланишибди. Уларни тўхтата оласанми?

— Ҳозир кўрасиз, — дедим мен ва чумолиларни босиб топтамоқчи бўлдим, лекин бувим йўл қўймади:

— Нима, чумолилардан кучли эканингни кўрсатмоқчимисан? Борди-ю, тўсатдан ўрмонда қуролли отлиқлар дуч келиб, бизларни ўлдирса ёки отларига бостирса-чи? Кучсизларни улар кучсиз бўлгани учун ўлдириш керакми? Ахир, баъзан энг кичкина ва кучсиз ҳам энг ақлли бўлади.

Шундай деб бувим менга бир эртақ айтиб бердилар. Бизнинг хотирамиз элакка ўхшайди: бир хили унда ушланиб қолади, бир хили тушиб кетади. Адигейларнинг бир эртаги эсимда сақланиб қолган, уни сенга гапириб бераман.

Бир замонлар бир одам яшаган экан. У ҳамма тилларни, ҳатто қуённинг, бўрининг, чумолининг тилини ҳам тушунаркан. Бир сафар у ўрмондан ўтиб бораркан, бир чумолини босиб олибди. Чумолининг жаҳли чиқиб бақирди:

- Бу қанақа аҳмоқ ўзи, оёғининг остига қарамасдан юради?
- Ҳалиги одам буни эшитиб, чумолини ушлаб олибди-да, кафтига қўйиб, ҳайрат билан кўздан кечира бошлабди.
- Бошинг намунча катта!
- Ақлни унга яшириш учун, – дебди чумоли.
- Нега белинг мунча ингичка?
- Шунинг учунки, ейиш учун яшаётганим йўқ, балки яшаш учун еяпман.
- Бир йилда қанча ейсан ўзи?
- Биттагина буғдой дони менга бир йилга етади, – дебди чумоли.
- Яхши. Кўрайлик-чи, битта дон сенга бир йилга етармикин, – дебди одам ва чумолини бир қутичага қамаб, ёнига битта дон ташлабди.

Бир йилдан сўнг у чумолини эслаб қолиб, қутичани очибди. Қараса, чумоли доннинг ярмини ебди, холос.

- Нега доннинг атиги ярмини единг? – сўрабди одам.
- Чунки ҳеч қандай гуноҳим бўлмаса ҳам мени шу зиндонга ташлаган аҳмоқ одам бу ердалигимни бир йил эмас, икки йилдан сўнг эслаши мумкин эди, шу боисдан ҳар эҳтимолга қарши доннинг ярмини қолдирдим, – жавоб қилибди чумоли.

Мен бу эртақни жуда яхши кўраман, азизим Шарах, лекин, йигирма йил бўлгандир-ов, уни ҳеч кимга гапирганим йўқ, чунки эшитадиган одамнинг ўзи йўқ. Бу эртақни шунинг учун яхши эслайманки, ўзим ушбу узун ҳаёт йўлида ўша кичкина чумолини жуда кўп хотирлаб турдим. Лекин мени ақлим эмас, кучим ва сабр-бардошим асраб қолди. Агар менда кучим сингари ақлим бўлганда, ҳаётим бошқача бўлган бўлар эди. Менинг онам, олдин айтганимдай, абхаз қизи эди, Цебелладан, Шат-Ипа қавмидан. У менга абхаз тилини ўргатганми, йўқми, билмайман, уни аввал-бошдан билишимни эслайман. Кичкиналигимда, баъзан Цебеллада, тоғаларимникида узоқ туриб қолардим. Оилалари катта, меҳмондўст эди. Уларникига қиш пайтида борганимда, Цебеллада маъхур бўлган эртақ ва қўшиқларни тез-тез эшитиб турардим.

– Ўша ерда мен худонинг ўзи билан олишган Абрскил ҳақидаги ривоятни, қадимги паҳлавонлар тўғрисидаги афсоналарни эшитганман. Эсимда, чиройли гапиргани учун кимнидир мақтамоқчи бўлишса, уни гапга чечанлиги билан қозондаги сувни қайнатадиган Нарт¹га ўхшатишарди. Ўша Нарт ҳақидаги воқеани ҳам тез-тез ҳикоя қилиб туришарди. Мен буни бир неча бор эшитганман: нартлар кимнинг сўзи ўткир эканлиги ҳақида баҳслашиб, уларнинг ҳар бири сўз ирод қилганича сув тўла қозон ёнига бораркан, лекин сув қайнамас, совуқлигича туравераркан. Улар орасида энг сўзамоли гап бошлаб, қозон тепасида нутқининг ўрталарига борганда сув узра сал-пал буғ кўтариларкан, сўзини тугаллаганда эса қозон қайнай бошларкан – у шунақа чиройли ва мазмунли гапираркан.

Онамнинг биродарлари уйида ҳамма нарсдан кўпроқ нон-намак, меҳмоннавозлик қадрланарди, шундан сўнг гапга чечанлик эъзозланарди.

Негадир бугун кўзим учаяпти, киприк қоқаяпман, ўтиб кетганларни эслайман, эҳтимол, шунинг учундир. Мен болалигимда билганим ҳамма нарса қабр тошига ёзилган битиклардек хотирамга ўрнашиб қолган. Йиллар ўтади, на сув, на қор-ёмғир, на-да шамолу қум уни ўчира олади.

¹ Н а р т – қадимги Кавказ халқлари афсонаси қаҳрамони.

Сен ҳайрон бўлма, Шарах, болаликда ўрганган тилларимни унутмаганимга. Агар уларни унутсам, бунга ўзим ҳам ҳайрон бўлардим.

Кейин эса ҳаёт мени турк ва араб тилларини ўрганишга мажбур қилди, бунинг учун мен ҳаётдан миннатдорман. Ҳаёт жуда оғир эди, агар шу икки тилни билмасам мен яшай олмасдим. Бу тиллар мени бахтли қилиша олмади, лекин ўлиб кетишимга йўл қўйишмади.

Сен кеча менга айтувдинг, на Туркияда, на Сурияда мендан бошқа убихлар тилида гапирадиган одамни тополмабсан. У ерда, Кавказда, убихлар юртида бирорта шу тилда гапирадиган одам қолмаганини ҳам айтувдинг. Эҳтимол, мен сени нотўғри тушунгандирман, лекин убихлар тили йўқ бўлиб кетди, энди у йўқ демоқчи бўлаяпсан, шекилли. Агар сен ҳақ бўлсанг ҳам, мен учун барибир ёлғон.

Менга айт-чи, ахир сенинг гапингга қараганда, бир неча бор убихлар юртида бўлгансан, у ер сизларга жуда яқин, Хосту дарёсини кечиб ўтиб, Сочи дарёси бўйларига чиқилса, бас. Ҳозир у қандайлигин билмайман, лекин ўшанда дарё жуда кенг эди. Менга айт-чи, ўша юртга бориб, Сочи соҳилига қадам қўйганимда, у сен билан гаплашадими? Ёки гаплашди-ю, сен унинг тилини тушунмадингми? У оқаяптими, демак у гапиради. Унинг ўзанида бир томчи сув қолмагач эса, у гапиришдан тўхтайти.

Убихлар юрти бўйлаб кезган чоғларинг сезмаган бўлишинг мумкин эмас, у ерда бизнинг муқаддас жойимиз бор, ўша ерда қудратли Битха сақланади. Уни кимдир илоҳ дерди, кимдир санам дерди. Баланд тепалик этагида яшил майсазор ястаниб ётарди. Тепалик устида эса еттита улкан эман дарахти ўсар, ўз соялари билан бизнинг муқаддас Битхамизни ҳимоя қилардилар. Дарахтларнинг шоҳлари бири-бирига тегиб турар, барглари эса ўзаро шивирлаб гаплашардилар. Ўша жойда турганимда улар бизнинг тилимизда қандай гаплашганини эшитмадингми? Эманларнинг таналарида сон-саноксиз чандиқларни кўрмадингми? Ўша чандиқлар ҳар баҳор Битхага топиниш учун келган кишилар ёққан шамлардан қолган.

Мен ўзимизда, убихлар мамлакатада яшаганимда кекса кишилардан кўп марта эшитганман. Муқаддас Битха ёзнинг бошларида ўз жойини тарқ этаркан. Момақалди роқ гумбурлаганда у ўзидан учкунлар сочиб, осмонга қўтариларкан-да, баланд тоғларга учиб кетаркан. Кейин яна ўз жойига қайтиб келаркан.

Яхши эсимда, биз Туркияга кўчиб ўтган йилимиз, лекин ҳар сафаргидек ёзда эмас, қишнинг қоқ ўртасида, бунақаси аввал ҳеч бўлмагани, совуқ бир оқшом, осмон тип-тиниқ бир пайтда, бизнинг муқаддас Битхамиз бўлган томонда кўк гумбурлади ва бир неча дақиқа давом этди, бизлар ҳаммамиз, қарилару ёшлар, нима бўлганини тушунмай, кўчаларга югуриб чиқдик, бир вақт қарасак, ўзидан учкунлар сачратиб бизнинг муқаддас Битхамиз учиб келаяпти.

Шунга қадар, унинг ўз муқаддас жойини ташлаб учиб чиққанини ва яна жойига қайтиб борганини бирорта убих кўрмаган эди. Тагин ёзда эмас, қиш ўртасида.

Бунинг биз учун бахтсизлик юз беришидан дарак эканини ҳамма яхши тушунарди.

Ўша еттита эман остида суви ҳеч қуриб қолмайдиган ва биз учун муқаддас бўлган булоқ қайнаб турганини кўрдингми? Агар кўрган бўлсанг ва тепасида турган бўлсанг, наҳотки унинг овозини эшитмадинг?

Сендан яна сўрамоқчиман, Мацестада бўлганмисан? Ҳалиги, оловли сув оқиб турган жойда? Унда ернинг қайноқ кўз ёшлари оқиб

турибди. Наҳотки, ер остидан отилиб чиқаётган оловли сув сенга ҳеч нарса демаган бўлса?

Лекин сен ҳеч нарса кўрмаган ва эшитмаган бўлсанг ҳам, бизнинг юртимизни ювиб турган денгизга кўзинг тушгандир. Наҳотки у сен билан гаплашмаган бўлса? Наҳотки у сенга ҳеч нарса демади?

Аждодларимизнинг қабр тошли мозорлари-чи? Тошлар сукут сақлайди, деганлари бекор гап. Агар хотиранг ўчмаган бўлса, агар сукунатни тинглай олсанг, улар ҳам сен билан гаплашишга қодир...

У ерда яшайдиган ва бу ерда учрайдиган қушлар қўшиғини ҳам эшитмадингми?

Йўқ, азизим Шарах, тил ўз-ўзидан ўлиб кетиш мумкин эмас, чунки у фақат инсон тилининг учидоғи эмас, одамнинг ичида ҳам, фақат одам ичидағи эмас, балки сувнинг, тупроқнинг, тошнинг ичида яшайди. Мен ишонаман, у ерда, убиҳлар юртида шох шох билан, тош тош билан, ирмоқ ирмоқ билан мен гапираётган мана шу тилда ҳозир ҳам сўзлашишда давом этмоқдалар!

Менинг отам ҳам, бувам ҳам деҳқон бўлишган. Бувам мен туғилмасдан бурун вафот этган. Айтишларига қараганда, у чўпон бўлган экан, бойнинг молини боқиб, кун кўрган, оиласини тебратган экан. Отам Хамирза бўлса деҳқончилик қиларди, тариқ, маккажўхори экарди, эрталабдан-кечгача ишларди. Оиламизда аввал опам Ойша туғилган, кейин мен, сўнгра укам Мата дунёга келган. Кейин сингиллари Жуна ва Куна туғилишган, улар эгизак эдилар.

Биз Туркияга кўчиб ўтгунга қадар, ҳаммамиз бирга яшардик. Фақат Ойша қўшни қишлоқда турарди, ўша ёққа, Хорун деган деҳқонга турмушга чиққан эди.

Биз асалари ҳам боқардик. Кузда бироз жўхори асал ва мум сотардик. Бунинг эвзига ўзимизга туз, совун, муҳими порох сотиб олардик.

Борди-ю, қурғоқчилик юз берса ёки кўп ёмғир ёғиб, ҳосил ёмон бўлса, биз отам билан укамни уйда қолдириб, шамшод кесиб келиш учун Сочи дарёси бўйлаб юқорига чиқардик. Йўл бўлмаганидан кесган шамшодимизни хўкизларга судратиб, пастга, дарё соҳилига тушардик. Уларни сувда сузиб келган турк савдогарларига сотардик. Олувчилар жуда кам пул тўлашарди. Бунинг устига шамшодзор дараеси Шардин Алоу ўғлига қарашли бўлгани учун биз унга ҳам пул тўлардик.

Тўғри, биз бошқа бировга қараганда унга камроқ ҳақ тўлардик. Бунинг ўз сабаблари бор эди, албатта. Биз убиҳларда, худди сиз абхазларда бўлгани сингари қадимдан бир одат бор эди, оталиққа олиш фахрли иш ҳисобланарди. Биз, деҳқонлар, тарбия қилиш учун уйимизга дворянлар уруғидан бола олардик. Баъзан деҳқонлар бу борада дворян билан бола туғилмасдан олдин келишиб олардилар. Қишлоқдаги энг обрўли кишиларни заминдорга юбориб, унинг этагини ўпишга имкон беришни сўрардилар — бу қариндош тутинишни билдирарди.

Агар дворян фарзандини тарбия қилиш учун юборса, бунинг устига бой қудратли бўлса, деҳқонлар унга ўз ҳомийлари сифатида қарашган ва унинг ёрдамидан умидвор бўлишган.

Бироқ дворянлар бу борада анча эҳтиёткор бўлишган. Ўз боласини дуч келган оилага бераверишмаган. Ким билан қариндош бўлиш фойдали эканига алоҳида эътибор қилган. Дворян Шардин Алоу ўғли бизнинг ана шундай қариндошимиз эди. Уни бувим тарбиялаган эди. Унинг шамшодзоридан биз дарахт кесиб олардик ва бошқа бойларга қараганда унга кам ҳақ тўлардик. Баъзан пул тўламай, совға-саломлар юбориб турардик.

Шардин Алоу ўғли фақат бизнинг оилага эмас, балки бизнинг бутун Золақлар уруғимизга кўкалдош оға ҳисобланарди. У ҳам бошқа убих заминдорлари сингари яхши ва муҳташам уйда яшарди. Унинг уйи каштан дарахти ёғочидан қилинган эди. Заминдорнинг ер-мулки, ўрмонлари, яйлови, экин майдонлари бор эди. Қишлоғимиз аҳолиси унинг яйловида ўз молини ҳам, бойнинг молини ҳам боқарди. Унинг ерларини биргаликда ҳайдаб, экин экишарди, кейин ҳосилини йиғиштириб олишарди. Бойнинг тоқзоридан узумини узиб, шароб тайёрлаб беришарди.

Эсимда, байрамларда бутун уруғимиз совға: улоқ ёки қўзи, новвос олиб боришарди. Ҳар ким имконига қараб унга ёнғоқ, асал, шароб ҳам ҳада қилишарди.

Шардин Алоу ўғли менинг хотирамда сарбоз сифатида қолган. Унинг ҳовлисида ҳамиша — кечаю кундуз эгарлоғлик тулпор шай турарди. Курол-яроғи ҳам ҳамиша ёнида эди. Мен унинг уруш, талон-торож ва босқиндан бошқа нима билан шуғулланганини сира эслолмайман. Баъзан муваффақиятли ўтган босқиндан сўнг у денгиз соҳилига борар ва турк кемаларида келган савдогарларга қулларини сотар эди. Лекин ҳамиша бир неча қул қарол сифатида унинг уйида қоларди. Уларни асир олгани учун қуллар Шардиннинг шахсий мулки ҳисобланарди. Зодагон уларни сотиши, хоҳласа ўлдириши ёхуд тўлов эвазига қайтариб бериши мумкин эди.

Борди-ю, бизларда қўшнилари орасида ёки дворянлар ўртасида бирор жанжал чиқиб қолса, бунақаси тез-тез бўлиб турарди — Шардин Алоу ўғли бундай жанжал ёки можароларни муҳокама қилиш йиғинларига борарди, шунда бизнинг уруғ эркаклари ҳамиша уни кузатиб борардилар. Агар хавф туғилиб қолса, уни ҳимоя қилиш, ўлдириб қўйишса, қасос олиш учун у билан бирга бўлишарди.

Уни кузатиб борувчилар алмашиб турарди, бир сафар биттаси, иккинчи сафар бошқаси борарди. Менинг отам Хамирза унинг эмикдоши сифатида Шардин қаерга бормасин, ҳамиша бирга юрарди. Бир эшитганим бор, қадимда, абхаз подшолиги пайтида, бизнинг убихлар ўлкаси Абхазиянинг бир қисми бўлган экан. Мен у ерда яшаган даврда Абхазияга қарам эмасдик. Бизнинг ўзимизда ҳам ҳаммага гапи ўтадиган княз йўқ эди. Дворян уруғлари орасида бир неча кучлилари бор эди, гарчи улар ҳокимият учун ўзаро баҳслашиб туришса-да, убихлар юртини биргаликда бошқаришарди. Лекин бу ҳақда кейин, бизнинг бошимизга тушган бахтсизлик ҳақида гапирганимда ҳикоя қиларман.

Отам Хамирза меҳрибон ва адолатли инсон эди. Қишлоғимизда низо чиққанда, баҳлашувчилар муаммосини адолатли ҳал қилсин деб кўпинча унга мурожаат қилишарди. Лекин урушда ва босқинлар пайтида жасур сарбоз шафқатсиз эди, одамлардаги жасоратни жуда қадрларди.

Мени ва укамни болалигимиздаёқ қиличбозликка, ўқни беҳато отишга, чавандозликка ўргатганди. Қиш пайтлари тоққа овга чиқардик, милтиқ билан ов қилардик, қопқон кўярдик. Қор кўп ёғса овга чангида чиқардик. Бунга ҳам эплардик. Денгиз узоқ эмасди, отам бизни ҳам ўзи билан олиб борарди, биз яхши сузишни, эшкак эшишни, елкан кўтаришни билардик.

Убихлар ўз қайиқларида баъзан балиқ овига чиқишарди, баъзан эса бошқа ўлжа учун чиқишарди — Абхазия соҳилларига тушиб талончилик қилишарди ёхуд очик денгизга чиқишга улгурмаган турк савдогарлари кемаларига ҳужум қилардилар.

Онам Наси сингилларимни туққанидан сўнг тез-тез касал бўлар, шунга қарамай, акаларини кўргани Цebelдага бориб турарди. У кўпинча қуролланган ҳолда от миниб ёлғиз ўзи борарди, ёнига фақат мени ва укамни оларди. Мен ҳозир ҳам кўзимни юсам нигоҳимга ўша ёшлигим кўришиб кетади. Онам баланд бўйли, хушқомат эди, иккита қилиб ўрган узун қўнғир сочлари товонигача тушарди.

Биз камбағал, муҳтож ва ташвиш билан яшардик, лекин барибир ўша дамларни оиламизни бахтли пайтлари сифатида эслаймиз. Ҳар ҳолда, эҳтимол, бизни олдинда шафқатсиз қисмат кутганидан менга шундай туюлаётгандир.

Ҳозир менга болалик — оламдаги энг қисқа даврдек бўлиб туюлмоқда. Кунни кечагина биз укам билан бахтиёр болалар эдик, мана энди эса, бола эмас, аскармиз. Бошқалар орасида энг ёши ўзимиз, ҳамма билан бирга урушга кетаяпмиз.

Отам, укам ва қишлоғимиздаги бошқа эркаклар билан уч марта босқинларда иштирок этдик. Биринчи ҳужумимиз қисқа бўлди, биз жанубга Абхазияга от солдик, иккинчи ва учинчи босқинларимиз тоғ орқали шимолга ва анча узоқ чўзилди. Шимолга бўлган бу босқинларимиз рус подшоси убихлар устига юриш бошлаган ўша қора кунларда содир бўлди.

Уруш бир йил эмас, икки йил эмас, анча узоққа чўзилди, қанчалиги ҳозир эсимда йўқ. Лекин қиш билан ёз бир неча бор алмашди, уруш эса ҳамон давом этарди. Охирида унда қариялар ва касаллардан ташқари ҳамма эркаклар иштирок этарди. Ёзда айниқса оғир бўларди, далада ишлаётганда қуролимиз ёнимизда шай турарди, бир неча кунга етадиган егулигимиз бўлиши шарт эди. Хавф туғилган заҳоти сафарбарлик жойига етиб бориш талаб қилинарди. Ҳой, азизим Шарах, бу шунақа қора кунлар эди. Ўша пайтлар бизлар тўккан қон дарёсини энг кучли отлар ҳам кечиб ўтолмасди. У дамлар тўккан шунча қонларимиз убихларга бахтсизликдан бошқа ҳеч нарса келтирмади. Энг алам қиладиган томони шундаки, дарё бўлиб оққан қонларимиз беҳуда кетди.

Ўша пайтда биз рус подшосининг кучини, унинг аскарлари қанчалигини ҳали билмасдик, турк султонининг асл нияти нима эканини ҳам билмасдик. Эҳ, داد Шарах, тобут устида йиғловчи дод солиб, юзини, кўксини тилка-пора қилгани фақат қариндошларга тасалли бўлади, холос. Бу билан марҳумга ҳеч қандай ёрдам беролмайди. Менинг ҳикоям ҳам шундай эмасми?

Отам, мен ва укам ҳам қўлимизга қурол олдик ва охиригача ташламадик.

Тўғриси айтиш керак, бизда — убихлар ўлкасида ҳеч қачон хотиржамлик бўлмаган: талон-торожлар, босқинлар, қулларни денгиз орти — Туркияга сотишлар, кўшни қабилалар, уруғлар ўртасида қирпичоқлар, аёлларни ўғирлаш, қонли хун олишлар — буларнинг ҳаммаси юз бериб турарди ва бизга бошқача бўлиши мумкин эмасдек туюларди. Лекин бутун убихлар юрти хавф остида қолганда, биз шу хавфдан бошқа ҳамма нарсани унутардик.

Убихлар азалдан ўзларини ҳимоя қилишни билардилар. Уларнинг эркига, ватани озодлигига чанг солувчи ким бўлишидан қатъи назар, улар қўшнилари ёки олисдан келган юнонлар ёхуд римликлар, араблар ёхуд туркларми — уларнинг хуружга қарши қаттиқ курашардилар. Урушларнинг баъзилари ҳақида ривоятлар сақланиб қолган, бошқаларини кексалар эслаб қолган. Лекин эркаклар жангчи сифатида тарбияланиши қачондан бошланганини ҳеч ким билмайди.

Кўлида қурол ушлай оладиган бирортаси ватанни ҳимоя қилишдан бош тортишини тасаввур қилолмасдик. Борди-ю, убихлар орасида шундай бирорта аблаҳ учраб қолса, ундайнинг номини ўчириб, мамлакатдан ҳайдаб юборардик.

Ҳамиша, ҳатто йилнинг энг иссиқ палласи ёзда ҳам биринчи чорлов билан ҳар бир оила битта жангчи ажратарди. Унга эркак ўз орасидан битта ўнбоши сайларди. Ўнбошилар ўз орасидан битта юзбоши, юзбошилар битта мингбоши сайлашарди. Биринчи минг киши юриш бошлаганда умумий йўлбошчи — сардор сайланарди. Бундай одам ўта тажрибали, сабр-қаноатли, жасурлардан танланарди. У сайланганидан кейин ҳар бир гапи, буйруғи жангчилар учун қонун ҳисобланарди. Унга деҳқонлар ҳам, дворянлар ҳам бирдай бўйсунарди. Сафарга тайёрланиш олдидан йиғилиш муддати ва жойини тайинларди. Нечта пиёда аскар ва отлик жангчи кераклигини ҳам у белгиларди. Сардорнинг ўзидан ташқари ҳамма сафарга ўзи билан бирга асал ва ҳамир, қуритилган гўшт ва пишлоқ, қазил ва оқ туз олиши шарт эди. Ҳар бир жангчи ёнида эҳтиёт буюмлар — икки жуфт хом теридан тикилган чорик, жун пайпоқ ва пўстин бўлиши лозим эди. Айримларга эса ўзи билан яна арра, болта, белкурак, арқон олиш буюриларди. Булар дарё устидан кўприк қуриш ёки совуқ пайтда кечаси тунаш учун чодир тикишга керак бўларди.

Сафарга чиқиш олдидан мис карнай чалинарди, сен бунақасини менда кўргансан...

ҲОЖИ БЕРЗЕК КЕРАНТУХ

Ҳожи Берзек Адагва ўғли йигирма йил давомида убихларнинг сардори бўлди. У кўплаб қонли олишувларда ғолиб келди. Рус подшосининг генераллари уни куч билан қўлга ололмагач, ҳийла йўлига ўтдилар. Убихларнинг бўйсунмас сардорининг калласини олиб келган одамга минг сўм кумуш пул берилади, деб эълон қилдилар.

Бироқ унга бахт ҳамиша ҳамроҳ эди. Унинг бошини олиб келадиган биронта хоин топилмади. Охир-оқибат у ўз иродаси билан сардорлик вазифасидан воз кечди.

Бунинг асл сабабини мен билмайман, балки кексайиб қолганидандир, эҳтимол, воқеаларнинг бориши убих халқини шу йўлни давом эттиришга ундаганидандир. Ҳолбуки, тажрибали жангчи бу йўлнинг жуда хавfli эканини билар, лекин унга қарши туришга куч тополмасди, шу боисдан бўлса керак, ўзини четга олди, лашкарбошилиқдан воз кечиб, уйига жўнаб қолди ва тез орада ўлди. Бу русларнинг турклар билан катта уруши тугаганидан кейинги йили юз берди. Сардорлик ўрнини унинг жияни Ҳожи Берзек Керантух эгаллади.

Бундай ўрин алмашишдан кўпчилик норози эди, лекин уруш давом этарди, баҳслашиш, иккиланишга вақт йўқ эди. Янги сардорни эса қариндошининг шуҳрати ёқлаб турарди.

Аmmo Ҳожи Керантух бу лавозимни эгаллаганидан кўп ўтмай убих халқи йўлбошчисини шу одам бўлгани кўпчиликка маъқул кўринди. Ҳожи Керантух ҳокимиятни қўлга олгач, қаттиққўл ва жасур эканлигини намойиш этди. Ҳолбуки, авваллари у ҳақда “оғизда чириган тишга ўхшаб қимирлаб туради, у ёқдан-бу ёққа бориб келаверади” деган гаплар юрарди. Бундай мулоҳазаларга боришнинг ўз сабаблари бор эди, албатта. Катта уруш бошланишидан сал олдин у рус подшоси генераллари билан ярашиб, ҳарбий унвон олди, у руслардан хиз-

мат ҳақи — кумуш пул ҳам олиб турарди. Кейинги бир неча йил давомида амакиси убихлар етакчиси сифатида подшо генераллари билан жанг олиб бораркан, у уйда, гилам устида чордона қуриб шатранж ўйнарди.

Агар Қрим уруши юз бермаганда, дад Шарах, убих халқининг тақдири нима бўларди, билмайман. Уруш пайти рус армияси Абхазия ҳамда бизнинг соҳиллардан чекинганда бош вазир Умар пошо қўшинини Сухумига туширди. Бизнинг қишлоқларимизда мўлалар пайдо бўлди. Улар тоғлар оша турклар билан Доғистондан келишганди. Уларнинг ҳаммаси бир овоздан руслар тор-мор келтирилгани ва бу ерларга бошқа қадам босмасликларини гапирардилар.

— Бизлар эса ҳамиша сизлар билан бўлиш учун келдик, — дерди улар. — Сизларнинг тоғларингиз чўққисига Оллоҳнинг ердаги ноиби буюк султоннинг муқаддас байроғини тикиш учун келдик.

Ана шунда бизнинг Ҳожи Керантухимиз рус подшосидан воз кечиб, султон томонга ўтди, черқасча чакмонидан погонларини юлиб ташлади, кумуш пул олмай қўйди.

Подшонинг султон билан урушида Абхазиянинг ҳукмдор князи Хамутбей Чачба аввалгидай подшо тарафида қолаверди, бизнинг Ҳожи Керантух эса султон томонига ўтди. У бизнинг йўлбошчимиз бўлди ва кўп ўтмай турк аскарлари бирин-кетин кемаларга ўтириб, Туркияга қайта бошлаганда ҳам руслар томонга ўтмади.

Подшо генераллари бирин-кетин ташлаб кетган истехкомларига қайта бошладилар. Шунда Ҳожи Керантух жасорат кўрсатиб, рус генераллари билан олишувни давом эттирди. Подшонинг ҳарбий кемалари ҳали Туапсе яқинида, ҳали Адлер атрофида, гоҳ Сочи дарёси этакларида қўшин туширарди, бу аскарлар убихлар юрти ичкарисига кириб боришга шошилмасдилар. Улар фақат қалъалар қурадилар ёки эскиларини тиклардилар. Руслар бу билан тўхтаб қолмасликларини ҳамма яхши тушунарди. Буни бизнинг сардоримиз Ҳожи Керантух ҳам яхши биларди. У имкон топган ҳамма жойда подшо аскарларининг соҳилга тушишларига халақит берар ва қурилаётган истехкомларга ҳужум қилишга шошиларди.

Биз ўз мардонаворлигимиз билан фахрланардик, лекин ростини айтсам, дад Шарах, халқимизни уруш ҳолдан тойдирганди. Уруш туфайли одамлар жаноза ёки тўйларда бир-бирини қўролмасдилар, экилган ерларимиздан хабар ололмасдик, жўхориларни йиғиштириб олишга улгурмасдик.

Ё худо, ўшандан буён қанча вақт ўтди, ҳамма нарса ўзгариб кетди бу фоний дунёда!

Ҳаётни кўпинча денгизга таққослашади. Бу жуда тўғри. Чунки худди ҳаётдагидек, унинг шафқатсиз тўлқинлари баъзан ўз йўлида учрайдиган бор тирик мавжудотни ҳалок этиб, кўмиб ташлайди. Баъзан эса биринчи энгил ўлжа билан кифояланиб, дарҳол орқага чекинади. Аммо у босиб ўтган ва орқага қайтган жойларда ҳаёт барибир сўнади.

Биз убихларнинг бошига тушган воқеаларни эсласам, ўша сўнган ҳаёт кўз ўнгимга келаверади. Қани энди, шуларнинг ҳаммасини сенга бир бошдан гапириб бера олсам.

Бирдан бизнинг қишлоқларимиз бўйлаб “руслар сулҳ тузишмоқчи эмиш” деган хабар тарқалди. Мзимта дарёси соҳилидаги соллар қатнайдиغان жойда подшо юборган генерал сардоримиз Ҳожи Керантух билан учрашадиган бўлибди. Олиб бориладиган музокараларда воситачи, убихлар тарбиялаган Абхазиянинг ҳукмдор князи Хамутбей Чачба экан.

Ҳожи Керантух билан бошқа дворян уруғларининг нуфузли кишилари орасида низолар бор эди, лекин кейинчалик жангларда кўрсатган жасорати туфайли убихларнинг унга ишончи ортди. Агар сени унинг қандай одам бўлганини билгинг келса, айтишим мумкин, у ёш эмасди, лекин ҳали сочи оқармаганди, ўрта бўйли, бақувват, тез ҳаракат қиларди, овози баланд ва кучли, нигоҳи ўткир ва ҳокимона эди.

Қўпчилик ёш убихлар сингари мен ҳам унинг шуҳрати ва жасоратига мафун эдим. Мен уни шу қадар яхши кўрардимки, унга қарата отилган ҳар қандай ўқни кўксим билан тўсишга тайёр эдим. Лекин унинг тан соқчиси — жондори бўлиб хизмат қилганим уч йил давомида бундай қилишимга тўғри келмади. Уч йил мобайнида ҳамма соҳада — юриш-туришида, отда ўтиришида унга тақлид қилишга уринардим.

Ҳозир, узоқ йиллар ҳаёт тажрибаси менинг ақлимни жойига келтирганда ўша пайтлар Ҳожи Керантух нима қилганини ўйласам, унинг ўта тийиқсиз, ўта манман, ўта сабрсиз, энг муҳими, ўта калтабин одам бўлганини тушунаёпман. Аммо ўша йилларда менинг ёшлигим ва тажрибасизлигим ундаги бу хислатларни сезмаган эди.

Эҳ ёшлик, ёшлик! Эҳтимол, ундаги энг азиз нарса чарчаш нималигини билмаслиги ва орқага ўгирилиб қарай олмаслиги бўлгандир.

Мен кўп марталаб босқинларда ва олишувларда бўлган эдим, қилич яланғочлаб, милтиқлар ўқи оралаб душманга ташлангандим, ўлимнинг юзига тик қараб ҳам ортга қайтмагандим, лекин барибир ўзимни ёш ва беташвиш ҳис қилардим, тубсиз жарлик устида осилиб турган ингичка шохнинг учига бориб қолганимни ҳали билмасдим.

Яхши эсимда, ўша кун баҳор ўтиб, ёз бошланган бўлишига қарамай, ғалати совуқ эди. Муқаддас Битхамиз яқинидаги кенг майдонда бир ярим минг аскар отининг жиловини тутганча сафарга шай турарди. Мен сенга гапириб берганим етти асрий чинор тагида Ҳожи Керантух халқимизнинг бошқа нуфузли кишилари билан кенгаш қураётганди. Улар ўринларидан турмай узоқ вақт нима ҳақдадир баҳслашаётганини ҳамма кўриб турарди. Гап нима ҳақда кетаётганини ҳамма ҳам билмасди, лекин унинг жондори бўлганимдан менга яхши маълум эди, чунки бошқалардан кўра яқинроқ турганим учун уларнинг гапларини аниқроқ эшитардим. Ҳожи Керантух қизишиб кетди: у подшо генерали билан музокараларга ўзи билан шунча қўшинни олиб боришни истамасди.

— Мени ундан қўрқаяпти деб ўйламасин, — деди Ҳожи Керантух. — Ўзим билан ўнтагина одам оламан, қолганлари шу ерда кутиб туришсин.

Лекин бошқалар унинг бу фикрини маъқул кўрмасди, учрашув сулҳ билан тугамаслиги, урушга айланиб кетиши мумкин, дейишарди, подшо генералларига ишониб бўлмайди. Улар неча бор сардорларни ҳам, тоғлиқларни ҳам битта-битта ушлаб, совуқ Сибирга сургун қилдилар. Борди-ю, эндиги учрашув хавfli тус олса, убихлар сардори ёнида аскарлар бўлиши лозим.

Ниҳоят, Ҳожи Керантух кўнди. Баҳсни тўхтатиб, ўринларидан туришди. У сакраб отига минди-ю, бир ярим минг отлиқ аскарни эргаштириб, Мзимта дарёсига қараб юрди.

Одатда, шунча суворий йўлга чиққанда қўшиқсиз юришмасди. Лекин ўша кун эрталаб аскарларимиз қўшиқсиз, жим ҳаракат қилди. Биз ўзимиз жангга шай эдик, лекин ортимизда уйимиз, оилаларимиз, уруш туфайли ташлаб қўйилган ва бурган босган далаларимиз қолаётганди. Биз урушга шай бўлсак ҳам, бу қон тўкишлар барибир,

қачонлардир тўхтатилиши кераклиги ҳақида ўйлаб борардик. Ва эҳтимол, урушни тўхтатишга бугун, кун ботгунга қадар қарор қилинар.

Ҳамманинг олдида бораётган сардор Ҳожи Керантух бирдан тўхтади, отидан сакраб тушди ва осмонга тикилиб қолди.

Биз ҳам шошиб қолдик, бошимизни кўтариб кўкка қарадик, Қарасак, қора қузгунлар галаси осмонни қоплаб, гарбга учиб кетаяпти. Ҳаммамиз гангиб қолдик, аммо сукут сақлаб Ҳожи Керантух нима дейишини кутардик.

– Менга Сахаткерини чақириб беринглар, – деди у осмондан кўзини узмай.

Орадан дақиқа ўтмай, суворийлар орасини ёриб келган Сахаткери унинг олдида борди. Жуда ҳам дароз, озгин бу киши оқ салла ўраганди. У убихлар юртида бош мулла эди ва ушбу сафаримизда қуролсиз юрган ягона одам эди.

– Тушунтириб беринг-чи, бу нимани билдиради, – сўради Ҳожи Керантух бармоғи билан учиб кетаётган қушларни кўрсатиб.

– Бу бахтсизлик аломати, – деди Сахаткери ва Ҳожи Керантух сингари қузгунлар учиб кетган томонга қарар экан, қўшиб қўйди: – Билмадим, йўлингни давом эттириш маъқулмикин. Қарғалар биз учун кун нурини тўсиб қўйишди. Ҳозир сен учрашмоқчи бўлаётган кофирлар бизнинг эртага яшашимиз учун кун беришмайди. Оллоҳ ўзи бизга бу жойларни тарк этиб, бошқа ерга жойлашишимизни раво кўраяпти. Тангри иродасини қанча тез адо этсак, бизга шунча яхши!

Ҳожи Керантух осмонга қарамай қўйди. Бошини эгиб, анча ўйга толди. Бир ярим минг аскар ҳам жим турарди. Улар сардорнинг бир қарорга келишини кутишарди.

Ҳожи Керантух сакраб отига минди, у ҳали жиловни қўлига олиб улгурмаганди, биз йўлимизни давом эттирдик.

Хосту дарёси кечиб ўтилгач, Ҳожи Керантух қўшинни уч қисмга бўлишни буюрди. Биринчи қисмни денгиз томонга, Мзимта дарёси этагига юборди, иккинчи қисмни ҳар эҳтимолга қарши тоғ сўқмоқларини тўсиш учун дарё бошланишига жўнатди. Қолган беш юз отлиқни ўзи билан олиб, Мзимтанинг соллар кечувига йўл олди.

Дарёнинг бу томонида сардоримиз учун чодир тикилган эди. У томонда иккита чодир кўриниб турарди. Бири генералники, иккинчиси Абхазия ҳокиминики.

Рус зобити бир тилмоч билан дарёнинг бу соҳилига ўтди ва убих дворянларидан бирини эргаштириб орқага қайтди.

Узоққа чўзилмаган музокаралардан сўнг учрашувни бизнинг соҳилда ўтказишга қарор қилишди.

Сол яқинлашиб келди ва ундан рус генерали, унинг зобитлари, кўриқчилари ҳамда абхазларнинг ҳоким князи Хамутбей тушишди. Мен уни сўнгги марта ўз отабеги Ҳожи Берзек Адагва ўглининг жанозасига келганда кўргандим. Ўшанда у йиғлаганди, ҳозир эса йиғлаётгани йўқ, аммо ўша пайтдагидан ҳам ғамгинроқ кўринарди. Солдан тушиб, тепага чиқиб келаркан, индамай одимлар, оёғини зўрға кўтариб босаётганга ўхшарди.

Подшо генерали ҳарбий кийимда эди, эполетлари ялтираб турар, юзи думалоқ, қизғиш соқолли киши эди. Шу пайтгача мен подшо генералларини бунақа яқиндан кўрмагандим. Гарчи у кофир бўлса ҳам ҳеч қанақа кўрқинчли жойи йўқ эди.

Бир-бирига қараб юрар эканлар, ҳаммалари чодир олдидаги майдончада тўхташгач, Абхазиянинг ҳукмдор князи Хамутбей биринчи

бўлиб Ҳожи Керантухга яқинлашди ва таъзим қилиб унинг кўксини ўпди, болалигида убиҳлар оиласида тарбиялангани учун шундай қилиши керак эди.

Музокаралар бошлангач, мен Ҳожи Керантухнинг соқчиси сифатида унинг орқасида турар ва ҳамма гапларини эшитардим.

Азизим Шарах, мен бошқа кунларимни эсдан чиқарган бўлсам ҳам, ўша учрашув онларининг ҳар бир дақиқасини яхши хотирлаб қолганимга ҳайрон бўлма, зеро, ўша куни менинг халқимнинг тақдири ҳал бўлаётган эди. Кейин ҳам халқимнинг тақдири ҳал қилинган кунлар бўлган эди. Лекин бу шундай кунларнинг биринчиси эди. Ҳаммаси эсимда, ҳатто ўтган йили экилиб, қуриб қолган маккажўҳори пояларининг оёқларимиз остида шитирлаганини ҳам эслайман. Ўша куни кўёш гоҳ кўриниб, гоҳ булут орасида ғойиб бўлиб турганини ҳам унутганим йўқ. Денгиз томондан шамол эсиб турганини, бир неча бор ёмғир томчилаб ўтганини ҳам эслайман. Узоқ баҳслашишганини унутганим йўқ. Бу баҳс тобора кучайиб боргани, овозлари тобора кўтарилгани ҳам эсимда, чунки Ҳожи Керантух ўша баҳс пайтида асов арғумоқни минишга ўргатаётган чавандозга ўхшаб кетганди, у ўзини тутолмас, гапидан чалғий бошлаганди. Юзи тез-тез ўзгарар, жаҳли чиқар, қиличини яланғочлаб, у билан баҳслашаётганларга ташланишдан ўзини зўрга тутаетгани кўриниб турарди.

Мен уни яхши билардим, ҳар бало бўлиши мумкин, шу боисдан унга ёрдам беришга улгуриш учун шай бўлиб турардим. Эҳтимол, шунинг учундир, унинг гапирган ҳар бир гапини эшитар ва ҳозир ханжарлар қинидан чиқиб, ишга тушиб кетиш мумкинлигини ўйлардим.

Убиҳлар томонидан Ҳожи Керантух билан бирга Дзиапш Аҳмад Баракай ўғли ҳам музокараларда иштирок этарди. У бутун Кавказда маълум одам эди. Ёшлигида Истанбулда ўқиган Аҳмад бир неча тилда гапира оларди. Кекса Ҳожи Берзек Адагва ўғли убиҳлар сардори бўлган пайтда Аҳмад Баракай ўғли унинг қўл остида ажнабийлар иши билан шугулланарди. У бир неча бор убиҳлар иши юзасидан Истанбулга, Лондонга ва Петербургга бориб келган эди. У қизиққон, аммо жуда айёр эди, гапга қаерда нуқта қўйишнинг уддасидан чиқа оларди. Демак, Аҳмад Баракай ўғлининг бу музокараларда иштирок этиши бежиз эмасди.

Биринчи бўлиб гапни подшо генерали бошлади. У жуда кескин гапирарди, аммо бу кескинлик афтининг хотиржамлиги ва овозига мос келмасди, шунинг учун ҳам даставвал тилмоч унинг сўзини бошқача таржима қилаётгандек кўринди.

— Сен, Ҳожи Керантух, — деди генерал, — Берзекларнинг машхур уруғидансан, олий насабли одамсан, бугун бир ишни, эртага бошқа ишни қилишинг сенга ярашмайди. Император олий ҳазратлари сенга унвон берди, маош тайинлади. Аммо сен императорнинг саховатига нолайиқ чиқдинг. Уруш бошланганда императорнинг сенга берган унвонидан воз кечдинг. Россияга садоқат билан хизмат қилиш ўрнига турклар тарафига ўтдинг ва буни уларнинг тазйиқи туфайли эмас, ўз хоҳишинг билан қилдинг. Ўшандан бери бизлар-ла келишилган шартларга амал қилмаяпсан. Эркакларни ҳамиша қуролланган ҳолда тутиб турибсан, бизнинг истеҳкомларга ҳужум қилаяпсан. Турклар билан махфий музокаралар олиб бораяпсан ва улардан қурол-яроғ олиб турибсан.

— Жаноб генерал, мен билан гаплашганда сал эҳтиётроқ бўлиб, сўзингни ўйлаб гапиргин, — жавоб қилди Ҳожи Керантух. — Мен қуён

эмасман ва мени бу ерга този итларинг ҳайдаб келишгани йўқ. Мен ўз еримда турибман, қўлларимда эса кишан эмас, қурол.

Ҳожи Керантухнинг юзига қон қуйилди, генерал эса пинагини бузмай тураверди, жим туриб, тилмоч унинг гапларини охиригача таржима қилишини кутди.

— Лекин сенга бу ҳам камлик қилди,— дея сўзини давом этди генерал Ҳожи Керантухнинг гапларига гўё эътибор бермагандай.— Сен ҳали ҳам турк султонидан умид қилиб ўтирибсан. Биз сенинг ундан ҳарбий ёрдам сўраётганингни биламиз. Ўзингча дунёда султондан кучлироқ кимса йўқ, деб ўйлайсан, ундан ёрдам олиш мумкин, дея умид қиласан. Биз шуни яхши биламизки, ҳозир ёнингда турган Аҳмад Баракай ўгли уч йил бурун сенинг номингдан Лондонга борди ва у ерда инглизлардан ҳимоя қилишларини ҳамда бизга қарши ҳарбий ёрдам беришини сўради. Бу ҳақда инглиз газеталари ҳам ёзди ва у энди сир эмас. Яқинда Сухумидаги инглиз консулига хат юбординг — бу ҳам сир эмас. У ҳозир бизнинг қўлимизда ва уни кўрсатишимиз мумкин. Мен сени ҳақорат қилишни истамайман, лекин қилган хатги-ҳаракатинг сотқинликдан бошқа нарса эмас.

Ҳожи Керантух генералнинг сўзини биринчи бор бўлганида, у ҳозир ханжарига ёпишади, деб ўйладим. Лекин энди бир қўлини беллига тираб, иккинчи қўлини қиличининг суякдан ишланган оқ дастасига қўйганича қоққан қозикдек жим туриб, генералнинг сўзларини тингларди. У генералга қарамасди, унинг боши оша тепасига булутлар тўпланган тоғ чўққисидан кўз узмасди. У ҳеч нарса кўрмаётганга ва эшитмаётганга ўхшарди. Тилмоч ҳаяжонидан гапидан адашар ва дудуқланарди. Бу нарсалар рус тилини тушунадиган Ҳожи Керантухнинг жонига тегди ва тилмочнинг сўзини охиригача эшитмай, газаб билан генералга қаради:

— Ҳа, рост. Агар мен ҳам Кавказдаги айрим нуфузли князлар сингари сизнинг унвонларингиз ва кумуш пулларингиз деб ўз халқимни сотганимда хоинлик қилган бўлардим. Лекин Оллоҳга шукр, мен ҳеч нарсага учмадим. Жаноб генерал, сен буни сотқинлик деяпсан. Аммо ўзинг қилаётган ишларни нима деб атамоқ керак? Ахир, бу ерга сон-саноксиз қўшин билан келдинг-ку? Ахир, ниятинг убихларни ўз еридан ҳайдаб юбориш эмасми?!

Менга айт-чи, агар дунёнинг барча буюк ҳукмдорлари йиғилиб сенинг подшоҳингдан: “Убихлар унга нима қилди, уларни нимада айбляпти, уларни нима учун қиргин қилаяпти?” деб сўрашса, у нима деб жавоб берган бўларди, мен шуни билишни истайман.

Ҳа, сен тўғри айтдинг, биз сизларга тобеликни қабул этганимизда, яхшироқ яшаймиз, деб умид қилгандик. Лекин бизнинг умидларимиз чиппакка чиқди. Биз денгизда савдо қилишга ўрганиб қолдик, нима билан савдо қилиш мумкин-у, нима мумкин эмаслиги ҳақида ҳеч кимдан сўраб ўтирганимиз ҳам йўқ. Сизлар бизнинг соҳилимизга ўз кемаларингиздан бошқа кемаларнинг келишини тақиқлаб қўйдингиз. Сизлар бизнинг дворянларимизни қароқчилар деб, жангда асир олганларини қул қилиб сотишларига йўл қўймадингиз. Бизнинг ўз қонунларимиз бор, сизнинг эса ўз қонунларингиз. Бизларга ёт бўлган қонунларингизни бизга тиқштиришингизни истамаймиз. Сиз бизни ўз мусулмон динимиздан маҳрум қилмоқчи бўлаяпсиз. Биз яхши биламиз, сизнинг ҳукмингизга ўтиб қолсак, болаларимизни чўқинтира бошлайсиз. Сизлар уруш пайтида бу соҳилни турклардан ҳимоя қилолмасангиз тақдир ҳукмига ташлаб қочасизлар! Қайтиб келганингизда эса бизларни сотқин деб ҳақорат қиласизлар!

Хўш, мен сиздан сўраяпман, бизнинг орамизда яна қандай сулҳ бўлиши мумкин?

Генерал ҳеч нарса демай, чўнтагидан дастрўмол чиқарди-да, пешанасидаги терларини артди, қўлларини орқасига қилиб, чинорнинг тагига борди-да, уни қандай қилиб кесиб ташласа бўлишини чамалагандек, танасини кўздан кечира бошлади. Кейин бирдан бурилди-да, Аҳмад Баракай ўғлига мурожаат қилди:

– Муҳтарам Аҳмад Баракай ўғли, ўйлашимча, сен убихлар орасида энг охирги одам эмассан, шунинг учун бугун сизнинг овозингизни ҳам эшитишни истардик.

Аҳмад Баракай ўғли баланд қаддини қимир этмай тик тутганча, генералнинг саволига ҳадеганда жавоб бермади. Ҳамма, у энди жавоб бермаса керак, деб турганда бирдан тилга кирди:

– Сиз бизни тушунмаяпсиз, жаноб генерал, биз эса сизни тушунмаяпмиз.

Ҳожи Керантухнинг кўзлари газабдан чақнаб кетди, афтидан Аҳмаднинг ўта юмшоқлик билан айтилган сўзлари унга ёқмади, шекилли, генерал унинг сўзларини эшитиб жилмайди.

– Сен жуда доносан, Аҳмад Баракай ўғли, сен сих ҳам куймасин, кабоб ҳам демоқчисан. Лекин бу донолик урушда кетмайди. Урушда бунақа бўлмайди!

Генерал қўлларини орқасига қўйиб у ёқдан-бу ёққа оҳиста юра бошлади. Кейин Ҳожи Керантухнинг рўпарасида тўхтади-да, баланд овозда чўзиб гап бошлади:

– Ҳукмдор император жаноби олийларини ўзларингиз сизларга қарши қатъий чоралар кўришга мажбур қилдингиз. Бошқа тоғликлар сизлардан кўра анча эҳтиёткорроқ эканлар: ё водийга кўчиб тушишди ёхуд қуролларини ташлаб, биз билан тинч-тотув яшашга ваъда беришди. Сизлар бўлсангиз, ҳамон урушаяпсиз, ҳали ҳам султонга умид боғлаяпсиз. Ҳукмдор император жаноби олийлари бултур Кавказда бўлган пайтларида сизларнинг ишларингиз бўйича фармони олий қабул қилгани азм этган эдилар. Ана шу фармонни мен бугун яна бир бор, эҳтимол, сўнгги марта эслатиб ўтмоқчиман: “Убихлар бир қарорга келишлари шарт, улар Кубанга кўчиб ўтишни хоҳлайдиларми, хоҳласалар, у ерда абадий яшаб қолиш учун ер-мулк оладилар ва ўзларининг миллий халқчиллигини ҳамда суд тизимини сақлаб қоладилар. Агар хоҳласалар, Туркияга кўчиб кетсинлар”.

Генерал шу ерда музокараларда иштирок этаётганларнинг барчаси учун маъзум бўлган бу сўзларга бошқа ҳеч нарса қўшмасдан жим қолди. Ўшанда подшо тўнка устига тўшалган бўрқда ўтириб, шу сўзларни айтганда, унинг атрофида анча одам тўпланиб турганди ва оқ подшонинг бу гаплари тезда бутун Кавказга тарқалиб кетганди. Лекин барибир кутилмаганда тақрорланган бу буйруқ бошлар узра гумбурлаган момақалдироқдай бўлди.

– Агар сен бизни кўчирмоқчи бўлаётган ўша олис Кубан текисликлари яшаш учун яроқли жойлар бўлганида, у ерларда аллақачон одамлар яшаётган бўларди, – деди Ҳожи Керантух. – Биз денгиз бўйида яшаяпмиз ва савдо қилишга кўникканмиз. Биз тоғларда ов қилишга ўрганганмиз, тоғ яйловларида мол боқишга одатланганмиз. Биз шу ерда яшашга кўникканмиз, у ерда эмас. Йўқ, жаноб генерал, сенинг қопқонингга бошимизни қўймаймиз. Агар гапингга кирсак, бизларни ҳимоя қилиб келган тоғларимизни тарк этишимиз билан, ўша Кубаннинг қўриқ чўлларига кўчишимиз билан бошимизга не кунларни соласан, истаган нарсангни қиласан. Сен бизнинг деҳқонла-

римизга бизда крепостной ҳуқуқ бекор қилинган дейсан, у ерларда кимга, қандай ва қанақа ерлар берилиши бизга номаълум. У ерларни бу ерда биздан тортиб олаётган ерларимиз ўрнига берасизларми ёки сотасизларми, буни ҳам билмаймиз. У ерга кўчирилган деҳқонлар биз билан, ўз ҳомийлари билан тортишишларини, бизга қулоқ солмасликларини, бизни ҳурмаг қилмай қўйишларини хоҳлаяпсиз. Сизлар бундай низоларни қўллаб-қувватлайсиз, чунки бизни бир ёқлик қилиш сизларга осон кўчади!

Бу сафар Ҳожи Керантух хотиржам гапиролмади. У қизишиб, тез-тез, кескин ва баъзан тугилиб-тугилиб гапирди. Генерал жим туриб, у сўзини тугаллашини кутарди. Ҳожи сўзини тугатгач эса, генерал эмас, шу пайтгача жим турган Абхазиянинг ҳукмдор князи Хамутбей Чачба гапирди:

— Агар тоғ довони орқали фақат битта йўл бўлса, ўша йўл билан юриш керак, — деди, у.— Менинг гапларимга хафа бўлма-ю, лекин, сиз убихларда иккиланиш учун вақт йўқ, довон орқали ўтадиган иккита йўл ҳам йўқ.

Хамутбей Чачба секин гапирди, афтидан ҳар бир сўзини зўрға айтаётгани сезилиб турарди.

— Бизга қанчалик ёмон бўлмасин, бизларни руслар билан ёлғиз қолдир. Бундан бу ёғига сенинг воситачилик қилишингни истамайман,— дея бақирди Чачбанинг сўзини бўлиб Ҳожи Керантух. Лекин унинг қичқириғи Хамутбейни тўхтата олмади.

— Мен убихлар сутини эмиб катта бўлганман, убихлар оиласида тарбияланганман. Мен убихларнинг эмиқдоши, сут қардошиман, мен уларни фалокатдан огоҳлантиришга мажбурман. Мен абхазларга нима тиласам, убихларга ҳам шуни раво кўраман. Агар лозим бўлса, ўзимни аямай, буни исботлайман.

Лекин Ҳожи Керантух яна унинг сўзини бўлди, гапиришга қўймади:

— Сенинг гапларингга қандай ишонай? Сен подшо генераллари билан бирга убихларга қарши қандай урушганингни биз яхши эслаймиз. Сен сутни эслатдинг. Лекин сен ўша сутни қон билан аралаштириб ичдинг. Ўз абхазларинг олдида нима кароматинг билан мақтанаяпсан? Подшога бўйсунини истамаганлар қонини тўккан сен эмасмисан?

Сизларга раҳмим келаяпти, деяпсан. Лекин ўзингникиларга раҳм қилдингми?

Ўз тиши билан ўз танасини бурдалаган сен эмасмисан?

Бир вақтлар барчамизни бирлаштирган буванг Келишбей шу кунгача яшаганида эди, на сиз — абхазлар, на биз — убихлар, бундай жар ёқасига келиб қолмасдик! Лекин у ҳалок бўлди, энди у йўқ. Отанг Сафарбей эса битта ҳам ўқ узмай Абхазияни рус подшосига топширди. Энди бўлса бизнинг бўйнимизга ҳам арқон ташламоқчимисан.

Ҳукмдор княз бошини эгиб, қимир этмай турар, Ҳожи Керантух бўлса унинг олдида наридан-бери юрар, ҳақоратлар ёғдирар эди.

— Бу ерни бизга ҳеч ким ҳадя қилгани йўқ,— деди Ҳожи Керантух ниҳоят нуфузли князни тинч қўйиб, генералнинг олдида боргач. — Аммо бизлар тирик эканмиз, уни ҳеч ким тортиб ололмайди. Бизлар сулҳ тузилишини сўраяпмиз, йўқ эса — жанг қиламиз.

Ҳожи Керантух чап қўлини қиличи дастасига қўйганича, ўнг қўлини худди қуролини яланғочлагандай олдинга чўзди.

Тилмочлар унинг сўзларини таржима қилишга зўрға улгуришар, кўзларини генерал ҳамда унинг ортида турган зобитлардан узишмасди. Агар хавф туғилса, дарҳол қиличларини яланғочлашга улгуриш учун уларни диққат билан кузатишарди.

Генерал Ҳожи Керантухга хўмрайиб қаради-да, жим турди, сўнг ниҳоят:

– Майли. Уруш бўлса уруш-да, – деди. – Лекин барибир сендан бир нарсани сўрамоқчиман. Зеро, сен халқинг тақдирини ҳал қилиш масъулиятини бўйнингга олаяпсан. Яна бир нарса: биламан, барча мол-мулкингизни сотиб, бироз вақтгача турк савдогарларидан қурол-яроғ харид қилишларингиз мумкин. Инглиз контрабандачилардан ҳам баъзи нарсаларни олишларингиз мумкин. Ишқилиб, ҳозирча қурол-яроғларингиз бўлади. Ва биз шуни ҳам биламизки, яқинда Англиядан сенга олтита замбарак юборишди. Уларга қўшиб иккита йўриқчини ҳам юборишди. Улар сенинг аскарларингга замбаракдан отишни ўргатишади. Лекин тушунсанг-чи, сенинг бутун халқинг бир ҳовуч кишилар тўдаси, холос. Шу бир тўда одамларинг билан бизни енголмаслигингни, наҳотки тушунмасанг?

Агар тушунсанг, галаба қилишга ҳеч қандай умидинг бўлмаган ҳолда нима учун бутун халқингнинг ҳалок бўлишини истайсан?

Ҳожи Керантухнинг жавоб беришини ҳамма биларди, лекин нима деб жавоб беришни ҳеч ким билмасди.

– Биз учун ташвиш тортма, жаноб генерал, – деди Ҳожи Керантух, овозини баланд кўтариб, узоқдагилар ҳам яхши эшитсинлар учун қарийб бақириб. – Ҳали ҳеч ким одамларнинг жасоратини уларнинг сони билан ўлчагани йўқ. Лекин бизда қурол-яроғ ҳам етарли, уларни ишлатадиганлар ҳам. Борди-ю, жангчиларимиз етишмаса, ҳомиладор хотинларимиз қорнини ёриб, уларнинг бағридан янги жангчиларни чиқариб оламиз!

Ҳожи Керантух шундай деди-да, мен томонга қаради ва: “Отларга!” – дея бақирди жаҳл билан, худди бир айбли иш қилиб қўйгандай.

Генерал ҳеч нима демади, фақат елкаларини қисиб қўйди-да, Абхазиянинг ҳукмдор князига қараб қўйди. Бу билан унга: “Хўш, қалай, бундан ҳеч нарса чиқмаслигига амин бўлдингми?” демоқчидай бўлди.

Аммо Хамутбей ўрнидан жилмади. У ҳамон кетишни истамас, қўлларини кўкси узра чалкаштирганича жим турарди.

Генерал сабрсизлик билан яна унга қаради, лекин у ўрнидан жилмай қўлини кўксида қовуштирганча тураверди, сўнг бизнинг сардорга оҳиста мурожаат қилди:

– Менинг эмикдошим Ҳожи Керантух, мен яна илтимос қиламан гапимга кулоқ сол. Ҳаёт ё мамот ҳақида гап кетаётганда бизнинг ҳеч қайсимиз шошилишга ҳаққимиз йўқ. Қиличларни яланғочлашдан олдин яна бир яхшилаб ўйлаб кўр: ахир Доғистонда уруш тугади, у Чеченистонда ҳам, бутун Шимолий Кавказда ҳам тугади. Кавказ энди рус императорининг мулкига айланди. Бунга рози бўлмаганлар эса денгиз ортига кўчиб кетаяптилар, у ерда эса, менимча, уларни ҳеч қандай яхшилик кутмаяпти. Барибир, олдинда сулҳдан бошқа нарса йўқ. Шундайми ёки бошқачами, яхшими ёки ёмонми, лекин сулҳ, тинчлик. Барибир бутун Кавказ бўйлаб тинчлик қарор топади. Эҳтимол, убихлар ҳозир тиззаларигача ўзларининг ва бошқаларнинг қонини кечиб, уруш тугаганини тушуниб етмагандирлар, агар урушни давом эттирсалар, улар ўзларини ўлдирган бўладилар. Сизларни бу телбаликка ким итараяпти, бегона қўлми ёки бегона тилми?

Менинг эмикдош қардошим, сендан илтимос қиламан, устозим Ҳожи Берзек Адагва ўғли хотираси ҳаққи, кўп йиллар убихларга етакчилик қилган зот ҳаққи-ҳурмати, сизларнинг ҳузурингизга боришимга имкон бер. Чопарлар юбориб, ўз халқинг орасидаги энг доно кишиларни йиғ. Сен белгилаган кун мен бир ўзим, генералсиз бора-

ман. Бир-биримизнинг, доноларимизнинг гапларига қулоқ солайлик, маслаҳатлашайлик. Ҳозир ажралиб кетишимиздан олдин бунга нима дейсан?

– Ҳожи Берзек Адагва ўглининг хотираси ҳаққи, сен шуни илтимос қилар экансан, бу билан менинг қўл-оёғимни боғладинг, майли, бизларга кел, халқнинг фикрини ҳам эшит, ахир сен шу халқнинг сутини эмгансан. Лекин кейинги ҳафтанинг охиридан кечикмай кел. Биз сени узоқ қутолмаймиз. Хайр!

Ҳожи Керантух қўлини юраги устига қўйиб, бош эгди-да, отлар томон жадал юриб кетди.

Мен орқага ўгирилиб, генерал ва Абхазиянинг ҳукмдор князи солга чиққанларини кўришга улгурдим. Буни дарёнинг нариги соҳилидагилар ҳам сезишди шекилли, у ердан ноғоралар гумбури эшитилди, дарахтлар тагида ўтириб дам олаётган аскарлар ўринларидан туриб, сафга тизила бошлашди.

Биз эса Ҳожи Керантух бошчилигида отларга минган эдик. У қамчисини тепага кўтарди ва шу заҳоти карнай овози янгради. Бу – сулҳ ҳақидаги музокаралар тўхтатилганига ишора эди, демак, қуроли бор ҳар бир тирик жон жанга шай бўлиб туриши керак, – дерди карнай садоси.

УБИХЛАРНИНГ ЭМИҚДОШ ОҒАЛАРИНИ КУТИБ ОЛИШИ

Ҳозир сенга гапириб бермоқчи бўлганим воқеани ўз кўзим билан кўрганим йўқ. Хамутбей Чачба келиши ҳақида ўша пайтда халқ орасида кўп гапиришарди, кейин қувғинликда ҳам кўп эслаб туришарди. Энди хотирамнинг суви қуриб қолган қудуғи тагидаги томчиларини сўзлаб бераман.

Азизим Шарах, мен эслаб қолган нарсаларнинг ҳаммасини билиш сен учун муҳим. Чунки убихлар юртига уларнинг эмиқдош оғалари Хамутбей Чачба келган ўша кун бизлар учун сўнги кун бўлган эди. Айни ўша кун биз танлаган йўлимиздан бошқача йўл тутишимиз учун ҳали кеч эмасди.

Ўша оқшом Зауркан чиндан ҳам ўз хотирасининг қудуғида қолган эсдаликларини орадан етмиш беш йил ўтгач, менга гапириб берди. Бу Хамутбей Чачбанинг убихлар юртига келиши билан боғлиқ воқеалар эди.

Мен Заурканнинг кўрган ва эшитганларини эслаб қолиш хотирасига тан бермай иложим йўқ. Аслида унинг ўзи ўша пайтда юз берган воқеалар эмас, балки эшитганларини гапириб берди. Зеро, ўша воқеалар ҳақида афсоналар тарқалган, қўшиқлар тўқилган эди. Шу боисдан мен ҳам Заурканнинг айнан сўзлари эмас, балки воқеалар тўғрисида гапирмоқчиман. Чунки абхазлар ва убихлар тарихини ўрганаётиб, кўп нарсаларни эшитгандим. Айрим воқеалар тўғрисида Заурканнинг олдида бормасдан олдин билардим. Билганларимни Заурканнинг ҳикоялари билан тўлдириб бераман. Фақат хотимадагина Зауркан ҳикояларининг охирини айнан келтираман. Лекин унинг ҳикоялари ҳар қанча афсонавий бўлишига қарамай, аниқ тарихий далилларга асосланиб сўз юритилган.

Абхазларнинг ҳокимлик ҳуқуқига эга бўлган князи нуфузли Хамутбей Чачбанинг Зауркан эслаган убихларга келиши воқеаси ўша музокаралар бўлиб ўтган ёзда содир бўлганди. Ўша музокараларда воситачилик қиламан, деб Чачба жуда ноқулай аҳволда қолганди.

Энди бўлса у яна убихларга ташрифи ва бу сафарга ўзи билан бирга кимни олиб бориши кераклигини яхши тушунарди. Чунки бу

фақат убихлар учунгина эмас, унинг ўзи учун ҳам жуда муҳим эди. Зеро, у Кавказнинг янги ноиб Михаил Романовичнинг кўз ўнгида ўз мавқеини тиклаб олиши учун ҳам зарур эди.

Убихларга сафарининг муваффақиятсиз чиқиши, бусиз ҳам лиқиллаб турган мавқеига путур етказиши мумкин эди ва Хамутбей Чачба убихлар билан учрашувга ўзи билан бирга унга садоқатли бўлган, Абхазияда нуфузи баланд, убихларга таъсир ўтказа оладиган кишиларни олиб боришга қарор қилди. У ўзига Самурзакандан Емхаа Алгидни, Абжўйдан Гиргуал Чачбани, Бзибадан тўқсон ёшли Маан Кацни ҳамроҳ қилди. Маан Кац бутунлай кексайиб қолган бўлса-да, хорижий ва умуман, энг мураккаб ишлар бўйича ҳамон князнинг маслаҳатчиси эди.

Убихларга сафарида Маан Кацни олиб бориш бир томондан хавфлидай кўринарди. Чунки у ҳоким князнинг ўзи сингари подшо генераллари билан бирга цебелдаликларга, садзларга ва убихларга қарши ҳам жанг қилган эди. Ҳозир унинг бориши эски ва қонли ишларини убихларнинг ёдига солиши мумкин эди. Лекин, иккинчи томондан, бу хатарли йўлга унингсиз чиқиши ҳам князга хавфли кўринарди. Гап шундаки, Маан Кацнинг ўзидан қарийб эллик йил кейин туғилган ўғай синглиси Ҳожи Керантухга турмушга чиққанди. Шу босидан, қариянинг бориши сафарнинг хавфлилигини камайтирибгина қолмай, музокараларда ёрдам бериши ҳам мумкин, деб фараз қилинарди.

Хамутбей Чачба йўл-йўлакай яна икки кишини ҳамроҳ қилиб олмоқчи эди, лекин бунга муваффақ бўлолмади. Цебелдалик Маршан Алмаҳсит атайлаб овга жўнаб кетганди, садзлар юртидан бўлган княз Гечба Рашид эса ҳоким княз уларнинг ёнидан ўтиб кетаётганида одам юбориб, касал ётибман, деб айттириб юборди. Касаллигининг сабабини фаҳмлаш қийин эмасди: агар музокаралар тинчликка олиб келса, Гечба бу ишга аралашмасликни маъқул кўрганди, агар қон тўкишга олиб борса, Ҳожи Керантух томонида туриши аниқ эди.

Ҳоким княз шу икки кишини ҳам олиб борса убихлар билан тинч қарорга келишилиши осон кечилиши тушунарди, худди шу фикр уни йўл бўйи қийнаб борди.

Мзимта дарёсини кечиб ўтгач, отличлар ўзларининг сараланган аргумоқларида шимол томонга жадал юриб кетдилар. Йўлнинг чап томонида денгиз гоҳ кўзга ташланар, гоҳ ғойиб бўларди. Ана шундай бурилишларнинг бирида улар соҳилдан тез сузиб кетаётган кемачани кўриб қолдилар.

Ҳукмдор княз отини тўхтатди ва бошқалар унга етиб олишгач:

— Нима деб ўйлайсизлар, кемача кимники бўлди экан? — деб сўради.

— Кетишга шошилаяпти. Демак, русларники эмас, — жавоб берди Маан Кац, кемани яхшироқ кўриш учун отнинг белида қаддини ростлар экан.

— Туркия савдогарлари бўлса керак, — деди Гиргуал Чачба. — Ростини айтганда, Ҳожи Керантух ҳақ, убихлар ким биландир савдосотиқ қилишлари керак-ку, ахир.

— Яна инглиз қуроллари келтиришди, — деди ҳукмдор княз, энди денгиз томонга қараб эмас, тепаликларни айланиб ўтиб, ўрмон ичра йўқолиб бораётган суқмоқни кўздан кечириб.

Уша суқмоқ бўйлаб, оғир қурол ортилган ўттизтача от бир-бирининг кетидан юқорига ўрлаб борарди. Ҳукмдор княз сўнгги от ўрмонда кўздан ғойиб бўлгунча ўрнидан жилмай турди.

– Ёмон, жуда ёмон. Бу қурол учун ким пул тўлаганини билмайман, лекин убиҳ халқи бунинг учун қон билан жавоб беради. Фалокат бўлиши тайин, – деди Ҳамутбей Чачба.

Унинг ҳамроҳлари бу сўзларни яхши эслаб қолдилар ва башорат деб баҳоладилар. Ҳар ҳолда қарияларнинг ҳикояларида айнан шундай акс этди ва асримизнинг йигирманчи йилларида шундай ёзилиб қолди.

Абхазиянинг ҳукмдор князи Ҳамутбей Чачба ўша пайтда рус армиясининг генерал-қутсол¹и унвонига эга эди ва русларнинг бир неча ҳарбий орденлари билан тақдирланганди. Уни ҳам, бунисини ҳам у тоғликларни бўйсундиришда рус генералларига ёрдам бергани учун олган эди. Тоғликлар эса на русларнинг, на князнинг ҳукми остида бўлишни хоҳлашмасди. Убиҳлар ҳузурига борар экан, у, албатта, уларга ўзининг рус генерали формаси ва орденлари билан буни эслатмаслик учун оддий черкас чакмонида, тоғлик сифатида тоғликларга бораётгандай қийиниб олганди. Бу ҳақда бир неча кўрганларнинг гувоҳлиги бор. Улар, шунингдек, князнинг бутун йўл бўйи сукут сақлаб ва гамгин ўйларга гарқ бўлиб боргани ҳақида гувоҳлик берадилар.

Убиҳлар ҳузурига кета туриб, ўшанда у нималар ҳақида ўйлаган экан? Бу саволга жавоб беришга уринмасдан бошқа иш қиламан: ҳукмдор княз Ҳамутбей Чачбанинг таржимаи ҳоли ва ҳаётининг айрим ҳолатларини эслатиб ўтаман. Зеро, бу ҳолатлар унинг аҳволини умуман ва убиҳлар билан у олиб борадиган музокараларда хусусан қийинлаштирди.

Айни ўша куни буларнинг барчаси ҳақида у ўйладими ёки йўқми, номаълум, аммо ўйлаши керак эди. Қрим урушидан олдин у рус генералларининг тоғликлар билан олиб бораётган курашида улар томонига қатъий ўтиб, ўзининг шахсий ҳукмдорлик мавқеини кенгайтириб ва мустаҳкамлаб олган Ҳамутбей Чачба айни уруш пайтида қийин аҳволга тушиб қолди. Русларнинг ҳарбий қисмлари Қораденгиз соҳилларидан чекиниб кемаларга ўтирдилар. Рус генераллари стратегик ният билан вақтинчалик Абхазияни қолдириб, ўзининг барча ҳарбий кучларини ундан олиб чиқиб кетдилар. Ҳукмдор княз ўз аҳволининг хавф остида қолганини ҳис этиб, аввалига Мингрелияга, хотинининг қариндошлари – Дадмани князларига борди, лекин кейин хавфли бўлишига қарамай, ўз князлигига қайтиб келди.

Ҳали Сухумига қараб йўлда кетаётганидаёқ яхшиликдан дарак бермовчи манзарага дуч келди: уфқда соҳилга қараб келаётган Туркия кемаларининг мачталари кўзга ташланарди. Эндигина ўзининг князлик саройида пайдо бўлган ҳам эдики, уни бирин-кетин меҳмонлар қуршаб ола бошлашди. Дастлаб Доғистондан эмас, балки Истанбулдан Шомилнинг ноибларидан бири Муҳаммад Амин, у билан бирга черкас князи Сафарбей келишди. Уларнинг мақсади, буни ҳеч кимдан яширмасдилар ҳам, Фарбий Кавказ тоғлиқлари орасида газовот гоясини ёйиш эди. Абхазия ҳукмдори ҳузурига эса, уни Туркия тарафига оғдириш ниятида ташриф буюришганди. Сухбатлар узоқ, баҳслар кескин бўлди, бироқ ҳукмдор княз уларнинг гапига учиб, турклар томонига ўтмади.

Шу икковидан кейин Сухумида турк Умар пошо пайдо бўлди. У Истанбул ҳукуматида Кавказ ишлари билан шуғулланарди. Умар пошо Абхазиянинг ҳукмдор князига бош вазирнинг Кавказнинг тоғлик аҳолисига муқаддас газовот байроғи остида кофирларга қарши кураш

¹ Қ у т с о л – адъютант.

ҳақида чақириқ битилган хатни топшириш ниятида эди. Лекин Хамутбей Чачба бу хатни олишдан бош тортди, мен мусулмон эмасман, насронийман деб жавоб берди.

Кейинги меҳмон ўзини Меҳмедбей деб атади. Аслида у Европада маълум ва машҳур игвогар Бандия эди. Бу одам ҳали антиқ даврлардан бери машҳур бўлган “Қаер яхши бўлса, ўша ер ватан” шиорига амал қилувчилардан бири бўлиб, ўзини “Кавказдаги Европа армиясининг бош қўмондони” деб атарди.

Айнан шу одам иккита бошқа киши – Англия томонидан қўллаб-қувватланувчи Европа авантюрачилари Лапинский ва Браун билан бирга Абхазиянинг ҳукмдор князи ҳузурига кириб, уни Британия шери ва султон қизил ярим ойининг бирлашган қудратига қарши турадиган куч дунёда йўқлигига ишонтиришга уриндилар.

Ҳукмдор князга ҳамма нарса – замонавий қурол-яроғдан тортиб, асрлар оша сўнмайдиган шон-шуҳрат ваъда қилдилар. Лекин у ўшанда бу ваъдаларга учмади, кейин ҳам Абхазия соҳилларига Туркия қўшинлари туширила бошлагач, бунинг устига Туркия тарафига оға бошлаган кўпчилик князлар ва дворянлар Хамутбей Чачбага кўзинг кўр бўлиб, куч ким томонида эканини кўрмаяпсан, деб таъна қила бошлаганда ҳам ўз қароридан қайтмади.

Ўзи учун ниҳоятда оғир бўлган ўша кунларда Абхазия ҳукмдори кўрсатган қатъият иккита асосий сабаб билан изоҳланарди: русларнинг ҳақиқий кучини бошқаларга нисбатан у яхши тасаввур қиларди ва Қрим урушидаги мағлубиятига қарамай, уларнинг Абхазияни бутунлай тарк этганларига ишонмасди. Агар шундай бўлса, у русларга содиқ қолиб, келгусида, урушдан сўнг Россия империяси таркибида ўзининг ҳукмдор князлигини, хусусий кенг ер мулк майдонларини, ҳар йили ўн минг рубль миқдорида олиб турадиган кумуш пулини сақлаб қолган бўларди. Зеро, бу пулни император газнасидан олиб туришга у ўрганиб қолганди.

Унинг қатъият кўрсатишига иккинчи сабаб ҳам бор эди. Унинг русларга ён босиш мўлжалини маъқулловчи абхазлар оз эмаслигини яхши биларди. Лекин шуни ҳам яхши билардики, султоннинг уч юз йиллик ҳукмронлиги мобайнида бунинг нима эканлигини ўз танасида яхши синаб кўрган кўпчилик абхазлар туркларга қарам бўлишни маъқулламайдилар. Шу боисдан агар унга қарши исён кўтариладиган бўлса, турклар уни қўллайдиларми, йўқми, унинг ўрнига ўзларига маъқул бўлган бирортасини ҳоким қилиб қўймайдиларми, деган масала ҳам бор.

Ўша давр тарихини ўргана туриб, аҳволнинг мураккаблигига доир гувоҳномалар топдим. Абхазия ҳукмдори ўшанда мураккаб вазиятда қолган эди. Ҳатто Лондонда чиқадиган “Таймс” газетасининг муҳбири Сухумидан шундай ёзганди:

“Бу ердаги абхазларнинг турклардан нафратланишига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Улар бизларга ёрдамлашиш у ёқда турсин, балки бизнинг ҳаракат қилишимизни энгиллаштириши мумкин бўлган йўллардаги кўприкларни бузиб ташламоқдалар, ҳамма жойда йўлларни ишдан чиқармоқдалар. Бу халқдаги олий табақалар ўзларининг Россияга боғлиқ эканларини яширмаяптилар ва кўрқув билан туркларнинг бостириб киришларини кутмоқдалар”.

Қрим уруши пайтида ҳукмдор князнинг кўрсатган қатъияти юксак тақдирланган эди. Руслар Абхазияга қайтиб келдилар ва ўша пайтларда Хамутбей Чачба ўзини Абхазиянинг ҳақиқий ҳукмдори сифатида ҳис қилди.

Бироқ Кавказ уруши охирлаб борарди. Шомил енгилди, ҳарбий ҳаракатлар Фарбий Кавказдан ташқари ҳамма жойда тўхтаб бошлади ва подшо ҳукумати ўша пайтда ҳали бўйсундирилмаган тоғликларга қарши курашда унинг тарафдори бўлган ҳукмдор князлар ва хонларни қўллаб-қувватлашдан маъни йўқ деб топди. 1862 йилга келиб Абхазиянинг ҳукмдор князлиги бутун Кавказда охиргиси бўлди. Агар Кавказ ноибни княз Баратинский подшонинг ўзига хат ёзиб Хамутбей Чачбани ҳимоя қилмаганда, эҳтимол, ўшандаёқ уни тугатар эдилар. “Князни таъқиб қилишда ҳеч қандай заруратни кўрмайпман, — деб ёзганди княз Баратинский, — аксинча, бу фақат зарар келтиради. Абхазиядаги қўшни қабилаларга унинг таъсири жуда муҳимлиги менга маълум. Шунинг учун бу одамни биз томонга оғдириш жуда фойдали деб ҳисоблайман”.

Лекин ўшандан буён орадан икки йил ўтгач, вақт ёмон томонга ўзгарди ва Кавказнинг янги ноибни буюк княз Михаил Романович Абхазиянинг ҳукмдор князлигини бундан буён сақлаб туриши бирор фойда бериши даргумон деб ҳисоблаб, уни тезроқ ва сездирмасдан тугатиш керак, токи унинг номининг ўзиёқ қандайдир собиқ мустақиллигини эслатиб турмасин, деб ўйлади.

Бу ҳақдаги миш-мишлар ҳамда Россияда бўлиб ўтаётган деҳқончилик ислоҳоти ҳақидаги хабарлар Хамутбей Чачба қулоғига чалинарди. Бундай ислоҳотлар Абхазияда ҳам бошланиши мумкин эди. У ўз тақдири, ўзининг яккаю ягона ўғли Георгий қисмати ҳақида ҳам ўйларди. Зеро, кўпдан бери ўғлини Абхазиянинг бўлажак ҳукмдори сифатида тасаввур қила бошлаганди. У вақтдан ютишни, янги ноиб томонидан лойиҳалаштирилаётган князликни тугатиш режаларини орқага суришни истарди.

Русларнинг куч-қудратини тўғри баҳолай олган Абхазия ҳукмдори убихларни қонли ва умидсиз курашдан тўхтаб қолишни истаркан, самимий, беғараз йўл тутган эди. Курашни давом эттиришга қарор қилган Ҳожи Керантухнинг ўжарлиги бирин-кетин келиб турган турк жосуслари томонидан авж олдирилаётгани Хамутбей Чачбага яхши маълум эди. Бу нарса убихларнинг мардлигига тан берган ҳолда, уларга нисбатан қалбидаги ачиниш туйғуларини бўшаштираётганди.

Ҳожи Керантухда мардлик, матонат етарли бўлса-да, ақл-идрок ва узоқни кўра билиш қобилиятидан худо қисган эди. Бироқ Хамутбей Чачба убихлар билан музокараларга фақат уларнинг келгувсидаги тақдирдан ташвишлангани учунгина бормаётганди. Аслида, уни ўзининг тақдири кўпроқ ташвишга соларди.

Князнинг Ҳожи Керантух қайсарлигининг ўз фуқаролари — абхазларга, айниқса, Цебелда ва убихларга қўшни бўлган жойлардаги аҳолига кўзгатувчи таъсир ўтказаяпти, деб ҳисоблаши асоссиз эмасди. У агар убихлар ўзи олиб борган музокаралар туфайли руслар билан ярашиш битими тузсалар, бу княз фуқароларига таъсир ўтказиши мумкин, деб ҳисобларди. Чунки ҳозир унинг фуқаролари ҳисобланганларнинг айримлари имконият туғилди дегунча, унга итоат қилишдан бош тортишлари мумкин эди.

Унингча, убихлар билан олиб бориладиган музокараларнинг муваффақиятли чиқиши абхазларнинг унга бўйсунмаган қисмини итоат эттириш мумкинлигини, ўз навбатида бу нарса руслар кўз ўнгида унинг обрўсини ошириши ва охир-оқибатда ўз князлигини тугатиш ҳақидаги ниятдан воз кечдириши мумкин эди. Борди-ю, агар убихлар билан музокараларда у бундан бир ой муқаддам рус генерали

эриша олмаган келишувга эриша олса, бу ютуқ уни, Хамутбей Чачбани, Кавказдаги рус ноибиде назарида уни шунақа юксак мартабага кўтариб кўярдики, ҳукмдор князликнинг тугатилиши ҳақида гап ҳам бўлмасди.

Бу ўринда Зауркан Золак ҳикоясидан қилган чекинишим ягона мақсадни кўзлайди — ҳукмдор княз Хамутбей Чачба ҳақида нисбатан сал-пал билганларим бу шахснинг бизнинг Абхазия миқёсида тарихий эканлиги шубҳасиз. Мен убихлар билан юз берган фожиа арафасида улар ҳузурига қилган сафари унинг ҳаётида қандай ўрин тутгани ҳамда ўзи учун жуда хатарли бўлган сафарга ундаган сабабларни аниқлашни истардим.

Буларнинг ҳаммаси нимадан бошлангани ва нима билан тугагани, энг муҳими, замондошлар хотирасида қандай ҳолда сақланиб қолгани ҳақида эса, мен юқорида эслатиб ўтганим ва сўзма-сўз ёзиб олганим Зауркан ҳикоясининг сўнгги, энг боғловчи қисми тасаввур бера олади.

Шуни такрор айтаманки, бу ҳикоянинг афсонавий муфассаллигига қарамай, унинг асоси, келтирилган далиллар ҳақиқатга тўла мос келади.

— Азизим Шарах, сен менга хоҳ ишон, хоҳ ишонма, одамлар, бир киши эмас кўплаб кишилар, бир марта эмас, жуда кўп марта менга айтиб беришганди, бутун йўл бўйи княз Хамутбей ўз уйдан то убихлар юртигача, икки кечаю икки кундуз жим борди, ҳеч кимга бир оғиз сўз айтмади.

Биринчи марта у убихлар юртига кетаётиб, ўрмонда тўсатдан яшил майсазор ўланга бамайлихотир ўтлаб юрган оппоқ тулпорга кўзи тушганда гапирди. Оқ тулпор Хамутбейга ёқиб қолди ва у ортидан келаётган отлиқларга бурилиб, уларга ҳалиги отни кўрсатмоқчи бўлди, лекин улар княз ёнига етиб келишганда тулпор жойида кўринмасди. У ғойиб бўлди, гўё у бу ерда асло бўлмагандек эди.

Шунда ҳамроҳлари билан ўланг¹ ўртасида тўхтаб, княз икки кечаю икки кундуз йўл босишгач, биринчи марта тилга кирди ва уларга болалигида, эндигина етти ёшга тўлган пайтлари худди шу йўлдан юрганини, аксинча, абхазлар мамлакатида убихлар юртига эмас, балки убихлар юртидан абхазлар мамлакатига қараб юргани ҳақида гапириб берди.

У атиги етти ёшда эди, лекин оппоқ тулпор белида катталардай борарди. Оти сингари ўзи ҳам оппоқ кийинганди: эгнида оқ черкас чакмони, бошида оқ телпак, елкасида оқ бошлиқ². У билан ёнма-ён тўриқ отда йигитчанинг тарбиячиси — отабеги Ҳожи Берзек Адагва ўғли, улар ортидан юзта отлиқ убих борарди. Отлиқлар сафар кўшигини кўплаб, осмонга қарата ўқ узишарди. Одатда урушдан галаба билан қайтганда шундай қилишади.

Йўл-йўлакай бу отлиқларни кўрган ҳар кимса улар ортидан кўз узолмай қараб қоларди.

Уларни билмаганлар:

— Булар ким?— деб сўрарди.

Билганлар эса бундай деб жавоб берарди:

— Бу — Абхазия ҳукмдори Сафарбейнинг ўғли, ўз уйига қайтиб келаяпти. У убихлар юртига тарбияланиш учун берилганди. Ўз уйига қайтиб келаётган ёш княз бахтли бўлсин!

¹ Ў л а н г — майсазор, яланг, поляна, луг.

² Б о ш л и қ — бош кийими устидан кийиладиган махсус ёпинчиқ.

Ёш Хамутбейнинг устози Ҳожи Берзек Адагва ўғли уни чарчатиб қўймаслик учун йўлда икки марта кечаси ётиб ухласин, деб тўхталиб ўтди. Аввал княз Ридбаникида, кейин княз Инал-Ипаникида тунадилар. Ҳар иккала жойда ҳам базмлар уюштирилди. Учинчи куни Абхазиянинг ҳукмдор князи Сафарбейникига етиб келишди. Уч кечаю уч кундуз базм бўлди, фақат ёш князнинг отабеги Ҳожи Берзек Адагва ўғлига эмас, уни кузатиб келган юз нафар отлик убихга қимматбаҳо совғалар улашилди.

Лекин ёш Хамутбейни отасининг уйидаги ўз хонасига олиб бормоқчи бўлишганда, у убихлар юртида уни оқ сут бериб боққан онасини эслаб йиғлаб юборди. Ўз туққан онаси ҳар қанча эркаламасин, овутишга уринмасин, уни юпата олмади. Отабеги Ҳожи Берзек Адагва ўғли ўз отличқлари билан қайтиш учун йўлга чиққанида ёш Хамутбей онасининг қўлидан сирғалиб чиқди-да, улар билан убихлар юртига қайтиб кетиш учун отга сакраб минишга уринди.

Майсазорда тўсатдан пайдо бўлиб, яна кўздан йўқолган оқ отни кўриб, Хамутдей Чачба ҳамроҳларига болалиги ҳақидаги мунгли хотираларини гапириб берди.

Шунда унинг ҳамроҳлари Хамутбейни босган ғам-ғуссани тарқатиш учун отларини чоптириб кенг ўлангда чавандозлик қилдилар; тўппончаларидан ўқ узиб, ёввойи олма дарахтининг ғўра мевачаларини уриб тушира бошладилар. Бир ўқ узишда олмани уриб туширсалар-да, князнинг кўнглини кўтара олмадилар.

У ҳамон олдинда маъюс кетиб борарди. Ниҳоят, етти эман ўсиб турган кенг ўланга етиб келдилар, бизнинг муқаддас ибодатхонамиз шу ерда, Битхамиз унда сақланарди, убихлар ўз кўкалдош оғаларини шу ерда кутиб олишлари керак эди.

Княз Хамутбей ўрмон четига чиқиб, олдида ястаниб ётган майсазорни кўрди, у бўм-бўш эди. Баланд ўсган улкан эманлар остида уларни бирорта одам кутиб турмасди.

– Нима бўлди? Нега ҳеч ким йўқ? – сўради княз Хамутбей, ўлангни кўздан кечираб экан. Ҳеч кимдан жавоб эшитмагач, отини ниқтади.

У ҳали ўланнинг ўртасига етиб борганича йўқ эди ҳамки, ялангликнинг нариги бурчидан тушуниб бўлмайдиган қора нарса унга қараб келарди. У яна бироз юрди ва у томонга келаётган нарса аёллар тўдаси эканини тушунди. Аёллар бошдан оёғигача қора кийинган, сочларини ёйиб келардилар. Бу атрофда азага борган аёллар шундай кийинишарди.

Княз Хамутбей ва ҳамроҳлари довдираб қолишди, отларини жондор¹ларига топшириб, уларга қараб келаётган қора – аёллар тўдаси тарафга юришди.

Улар аёлларга қараб юраркан, ташвишланиб, бир-биридан сўрашарди.

– Булар қасёққа кетаяпти? Нега мунақа кўп? Нима бўлди? Ким ўлди?

Аёллар эса, келаверди, келаверди, ниҳоят, княз Хамутбей кўрдикки, тўданинг олдида бошқа аёллар сингари қоп-қора кийинган, оппоқ сочлари ёйилган она – Хамутбейни оқ сут эмдириб боққан онажони, Ҳожи Берзекнинг беваси келаёттир.

Кампирни таниган Хамутбей уни қаршилашга шошилди, унинг ёнига келганида онажониси унга қарамади ҳам. Оқ сут берган она юриб борар ва йиғларди, худди марҳумнинг боши узра тургандай нола қиларди, бошқа барча аёллар ҳам унга қўшилиб йиғлашарди.

¹ Жондор – тан соқчиси.

Аёл ҳамон унга эътибор бермасди, йиғлар ва марсия айтарди. Марсияни тинглаб Хамутбей қотиб қолди. Оҳ, бу сўзларни эшитмаса кош-ки эди...

Эшитдингми, йўловчи, менинг қайғумни?
 Қанчалар бахтсизман, эшитдингми, ҳей?
 Эшитдингми, оқ сут бериб боққаним,
 Ўлди жигаргўшам, княз Хамутбей!
 Даҳшатли ўлим топди, ер ололмас бағрига,
 Шарманда бўлиб ўлди, жанозасиз, азасиз.
 Убихлар йўқотдилар эмикдош оғасини,
 Абхазлар йўқотдилар князларини, эсиз...

Кампирдан кейин марсия ўқиётган аёллар орасидан ёйилган сочлари товонига тегиб турган Хамутбейнинг эмикдош синглиси ажралиб чиқди ва бошини муштлаб, шундай ўкириб йиғладики, товуши онасининг сўзларини босиб кетди:

О, Хамутбей, айт, ахир, энди нима қилай мен?
 Бахтсиз эмикдош синглинг нималар қилсин энди?
 Наҳотки оқ подшонинг садақа кумуши деб
 Сотдингми сени боққан убихларнинг ерини?
 Қандай ўлим топганинг ўйламоқ ўзи даҳшат!

Аёллар баттар йиғлаб уввос солишар, уларнинг ўртасида эса бошини ҳам қилганича княз Хамутбей тошга айлангандек қотиб турарди. У ўз умрида жуда кўп бахтсизликни кўрган, фожиаларнинг гувоҳи бўлганди, лекин бунақа бахтсизлик ва шармандаликни кўрмаган эди.

Ҳожи Керантух унинг убихлар ерига келишига розилик бериб, шундай қилдики, уни бу ерда эмикдош оғалари сифатида эмас, ашаддий душман сифатида кутиб олдилар.

Ниҳоят, Хамутбей ўзига келди, аёллар орасидан юлқиниб чиқиб, отига томон шошилди, унга етиб бориб, сакраб эгарга ўтирди.

— Йиғланг, мени эмизиб боққан онам,— қичқирди у йиғлай туриб.— Йиғланг, менинг эмикдош сингилларим! Сизнинг бағрингизда катта бўлган мен ҳам сизлар билан йиғлайман. Йиғланглар, йиғланглар, ҳозир йиғланглар, чунки кейин йиғлашга улгурмайсизлар! Йиғланглар, чунки убихлар ўлкасини ер ютди. Сен бўлсанг, Ҳожи Керантух, сен ҳозир балки менинг йиғлаётганимга қулаётгандирсан, шуни яхши эсингда тут, ўз халқингнинг қарғиш-лаънати, менинг эмас, сенинг бошингга ёғилгай!

Кўзда ёши билан йиғи аралаш у шундай деб бақирди-да, отига қамчи босди, отини учирганича ўлангни телбаларча кесиб ўтди. Хамутбей гўё аёлларнинг хўнграб-хўнграб йиғлашларини ва марсия маросимни ортда қолдириб кетмоқчи эди. Унинг ҳамроҳлари ҳам худди телбалардек, бир-бирини ортда қолдирганча, отларини чоптириб кетдилар.

ШАРДИН АЛОУ ЎҒЛИ

Оиламиз учун қайғули бўлган ўша куни укамдан бошқа ҳаммамиз уйда эдик. У руслар билан жанг қилишни давом эттирар, биз унинг қаерда эканидан, нима бўлганидан беҳабар эдик. Отам Хамирза уч кун олдин ўнг қўлидан яраланган, жароҳати йиринг боғлаб оғрирди, лекин у ётишни истамасди, эрталаб туриб ярасига оғриқ

қолдирувчи ўсимликдан қўйиб қўлини боғлади. Аммо ўзини қўярга жой тополмай, уйда ҳам, ҳовлида ҳам наридан-бери юра бошлади. Онам ва иккита синглим қўшниникига чиқиб кетишди. У ерда қишлоқ аёллари билан бирга жангчилар учун мато тўқир эдилар. Улар тушга яқин қайтиб келишди ва уй ишларини бажаришга киришишди.

Мен энг охирида келдим: бир неча кун давомида ҳар куни жондори сифатида Ҳожи Керантухнинг ёнида бўлдим. Ўқлар ёмғири остида ва қўл жангларида ёнма-ён олишдик.

Бугун халқ сардорларининг йиғилиши бўлиши ва унда бундан буён нима қилиш кераклиги масаласи кўрилиши лозим эди. Мен у билан от елдириб бордим ва у бугун уйда ётиб қолишимга рухсат берди.

Совуқ кун охираб борарди, эрталабдан ёға бошлаган қалин қор кечга бориб тинди. Шу пайт дарвозамиз олдига ўзининг паст бўйли, аммо кучли хачирида бувим энағалик қилган, отамнинг кўкалдоши Шардин Алоу ўғли келиб тўхтади.

Хачирнинг жиловини ушлаш учун мен югуриб чиқдим, кейин бугун оиламиздагилар уни ўраб олишди.

– Жароҳатинг қандай? – сўради отамдан Шардин Алоу ўғли.

– Гапиришга арзимамайди, – деди отам меҳмонга оғриқ азоб бераётганини айтишдан уялиб, ярадор қўлини орқасига яширганча.

– Азиз отамиз, умидимиз устун, бутун бахтсизликлар ва мавжуд касалликлар сиздан арисин ва менга дорисин, – деди онам ва урф бўйича Шардиннинг атрофидан уч марта айланиб, кўксини ўпди. Сингилларим уялишиб, онам айтганларини такрорладилар.

Шардин уйга кирди, биз унга эргашдик. Мен унга чакмонини ва бўркини ечишга ёрдамлашдим, қорини қоқиб ташлаб, деворга илиб қўйдим. Шардин Алоу ўғли ўрта бўй, кенг елкали ва бақувват одам эди, қорни анча қаппайганди, чунки овқатдан ҳеч қайтмас, кўп ерди. Учи қайрилган узун қора соқоли бақувват кўксига тушиб турарди.

Онам гуриллаб ёнаётган ўчоқ олдидаги ўриндиққа чарм ёстиқни қўйиб берди, у бизда фахрли меҳмонларга мўлжалланганди, Шардин унга ўтирди. Биз кенжалар унинг олдида ўтиришни хаёлимизга ҳам келтирмасдик. Онам билан отам, гарчи Шардиндан катта бўлсалар-да, бундай кибор қариндош ҳузурда ўтиришни лозим кўрмай, тик турардилар.

Онам, ҳамиша Шардин бизникига келган пайтлардагидек ўчоқ устидаги занжирга қозон осдилар. Отам кўзи билан менга ишора қилиб кўзи сўйишни буюрди. Бизда бунақа дамлар учун махсус кўзи боқиб қўйиларди. Бироқ Шардин отамнинг ишорасини сезиб қолди-да, шошаётганини, кечки овқатни бизлар билан баҳам кўришга вақти йўқлигини айтди.

– Мен сенинг ярадор бўлганингни эшитиб, ўзингни ва оилангни кўргани келдим. Бундан ташқари сизлар – менинг қариндошларим билан маслаҳатлашмоқчиман. Биз оғир кунларни бошимиздан кечираяпмиз, менга сиздан бўлак яқинроқ оила йўқ. Мен маслаҳатлашиш учун келдим, – деди у. Мен унинг гапини эшитиб, ўзимча ўйладим: Нега бунақа деяпти, яхшиликкамикин, ишқилиб?

– Ҳа, – деди отам. – Рост, биз убихларда бунақа оғир дамлар ҳеч қачон бўлмаганди. Фақат бизнинг оиламиз эмас, яхши биламан, ҳамма сенинг ҳимоянг остида. Қўшни овуллардагилар ҳам, биз ҳам умид билан сен ҳақингда ўйлаймиз. Шундай нотинч паллада бизникига қадам ранжида қилганингиздан беҳад бахтлимиз.

Шардин бешмет¹идан қора сигара чиқарди, биз аввал ҳам унда шундай сигараларни кўрганмиз, унга турк савдогарлари олиб келарди. Мен ўчоқдан чўғ олиб унга тутдим, у сигарани тутатиб, чекаркан, деди:

– Сизлар, эҳтимол, биларсизлар, Ҳожи Керантух бугун яна кенгаш чақирди. Убих эли энди нима қилади, шуни ҳал қилмоқ керак. Кенгаш қанча давом этишини билмайман, лекин ҳозирча бирор қарорга келингани йўқ. Кенгаш ҳали чўзилар экан, мен ўзим нима ўйлаётганимни сизларга айтмоқчиман! Подшо генераллари, барибир, сизларга ўз ерингизда яшашга имкон бермайди. Жанглар борган сари юқорига ўрлаб, тоғларда, бу ерга яқинроқ жойларда олиб борилмоқда. Ҳаммамизга найза санчмасларидан бурун, барибир қутулиб қолишга уриниб кўриш яхши эмасмикин?

Оллоҳнинг ердаги ноиби турк султони агар унинг фуқаролигини қабул қилишга рози бўлсак, бизни қутқаради. Энди бизни фақат шу қудратли кучгина ҳимоя қилиши мумкин. Бир неча кун бурун Истанбулдан келган турк тужжори меҳмоним бўлди. Мен уни кўпдан бери биламан ва унга ишонаман. У бадавлат бўлибгина қолмай, султон аъёнлари билан ҳам таниш. Тушунишимча, у бу ерга фақат савдо қилгани келгани йўқ. У менга қўшниларимиз, Туркияга кўчиб ўтган натухайлар ҳақида гапириб берди. Султон натухайларга берган сўзининг устидан чиқди: уларни ўзлари танлаган ерларга жойлаштирди. Улар ўрнашган жойлар ер юзидаги чинакам жаннат экан. У ерда қаттиқ совуқ ҳам, жуда иссиқ ҳам бўлмас экан. Об-ҳавоси ҳамиша биздаги баҳорнинг охири кунлари сингари илиқ бўларкан, инсонга керак бўлган ҳамма нарса ўсар экан. Агар зағча оғзида маккажўхори дони билан учиб ўтса-ю, донни ерга тушириб юборса борми, бир ой ўтмай узун поя бўлиб ўсар, бир неча сўта боғларкан! Унинг айтишича, кўтосларда фақат ер ҳайдашар, болалаганларини соғишмаскан ҳам, чунки биздаги ольха сингари уларда сут дарахти ўсаркан, унинг ёнига бориб, танасини тилиб қўйсангу кўзани тутсанг бас, қуюқ кўпикли сут оқиб тушаркан. Агар ўша сутдан қаттиқ ивितмоқчи бўлсангиз, дарахтнинг ўзидан битта баргини узиб сутга ташласангиз, кифоя, то уйга етиб боргунча сут шунақа қуюқ қаттиққа айланарканки, уни пичоқ билан кесса ҳам бўларкан. Қовоқларни айтмайсизми, – деди у менга. – Шунақа қатта бўлиб етиларканки, пичоқ билан кесиб бўлмаскан, фақат болта билан чопиб бўлиш мумкин экан. Шунақа мўъжизаларни гапирдики, аввалига ўзим ҳам ишонмадим, шунда чўнтагидан бир хат чиқариб берди. Хатда мана шулар ёзилган экан. Ўша хатни Туркияга келган натухайлардан бири – Мурот ёзибди, мен уни кўпдан биламан, у меникида, мен уникида кўноқ бўлгандик, ҳа, сиз ҳам у ҳақда эшитган бўлсангиз керак. Мана, ўша хат, – деди Шардин черкасча чакмонининг ички чўнтагидан бир неча буқланган қоғозни чиқарди. Текислади, кейин очди-да, ҳаммамизга кўрсатиб чиқди.

Лекин бу хатни бизда ким ҳам ўқий оларди? Фақат бизнинг оиламизда эмас, балки бугун қишлоғимизда ҳатто битта ҳам ҳарф танийдиган одам йўқ эди. Ҳа, менинча, отамнинг кўкалдоши Шардин ҳам ҳарфларнинг унча фарқига бормасди. У хатни кўз ўнгимизда бирпас ушлаб турди-да, яна қўйнига яширди ва дўсти Мурот хатда нималар ёзганини ўз сўзлари билан давом эттирди. Лекин бу одам ҳақида ундан олдинлари ҳеч нарса эшитмаган эдик.

¹ Б е ш м е т – пешмат, бешбел камзул.

– У бу ерда, натухайлар орасида жуда обрў-эътиборли одам эди, у ерда Туркияда эса шундай катта лавозим эгаси бўлдики, бош вазирнинг энг яқин одамларидан бирига айланди-қолди. Турк савдогари менга ёлгон гапирган бўлиши ҳам мумкин, лекин тоғларимиз фарзанди, меникида меҳмон бўлиб кетган Мурот ёлгон ёзиши мумкинми?

У менга “агар дўзахдан чиқиб кетишга кучингиз етса, тўппа-тўғри жаннатга тушасизлар!” деб ёзипти. Агар қўл остингиздаги одамларинг билан Туркиянинг жаннатмонанд соҳилларига тушсангиз, — депти хатида, — у ерда сизни бахтли ҳаёт кутмоқда! Бу ерда нимани кутишимиз керак? Рус генераллари бизни Кубанга кўчириб юборишларини кутамизми? Бизлар бу ерда қадрдон ўрмонларимиз орасида мана ҳозиргига ўхшаш совуқ қишларда совқотиб яшайпмиз, у ерда тақир чўлнинг бўм-бўш ялангликларида совуқдан пашшадай қирилиб кетамиз. Динимиз-имонимиздан жудо бўламиз, фарзандларимизни соллатликка олишади, ерни ҳам у ерда ҳар ким ўзи учун сотиб олади, чунки рус заминдорлари ўз деҳқонлари ҳақида қайгурмайдилар, зеро, деҳқонга эгаллик ҳуқуқи бекор қилинган! Кубанда ерни нимага сотиб оласизлар? Агар сотиб олмасанглар, ерсиз қандай яшайсизлар? Эмиқдош биродарим Хамирза биз бир қориндан талашиб тушмаганмиз, лекин бир кўкракдан сут эмганмиз! Мен нима ўйласам, ҳаммасини сенга айтдим, энди сен ўзинг нима ўйлаяпсан, шунга билмоқчиман?

Шардин Алоу ўғли отамга шундай мурожаат қилди. Отам эса унинг қаршисида қуриб қолган дарахтдай, соғ қўли билан ярадор қўлини ушлаганича қотиб турарди.

Орага жимлик чўкди. Фақат ўчоғимизда оч аланга қуруқ саржинларни чарсиллатиб, ямлаб ютаётгани эшитилиб турарди. Гарчи Шардин мўъжизалар ҳақида гапириб бизлар учун жаннат ваъда қилса-да, айна қиш ўртасида бошимиз узра гумбурлаган момақалди роқ ҳам бизларни унинг сўзларичалик довдиратмаган бўларди.

Отам шу қадар узоқ жим қолдики, кутавериш томоғим қуриб қолди, гўё тилимдан айрилиб қолгандек эдим. Ниҳоят, у шундай секин гап бошладики, биринчи сўзини зўрға эшитдим:

– Азиз эмиқдошим, сен бизнинг умидимизсан, сен биздан оқил, фаросатлисан, биздан кўпроқ кўргансан ва яхшироқ биласан. Нима қилишимиз кераклиги сенга равшанроқ. Қаерга борсанг борамиз, сенга хизмат қилишимизни аввалгидай давом эттираверамиз. Фақат ер ҳайдаш ва экишни биладиган мен сенга нима ҳам дея олишим мумкин? Агар майли десанг, сендан бир нарсани сўрамоқчиман: кенгашда нимага қарор қилинди, сен билан бирга ҳамма убиҳлар ҳам борадиган бўлдими?

– Қарор ҳали қабул қилингани йўқ, убиҳларнинг ҳаммаси қандай йўл тутишларини ҳам мен билмайман, лекин менга сизлардан яқинроқ кишилар йўқ, шунинг учун ўз қароримни айтиш учун ҳузурингизга келдим, — деди Шардин. Унинг сўзларида ташвиш бор эди.

– Унда, азиз биродаримиз, муштарак тақдиримизга шерик бўлиш яхши эмасми? — деди отам Хамирза. — Ҳали бировлар жанг қилаётган бўлса-ю, бошқалар қуролини ташлаб, денгиз ортига жўнаб қолса қандай бўларкан? Қандай қилиб бизлар биринчи бўлиб ўз қўлимиз билан ажодларимиз ўчоғини сўндирамиз, қандай қилиб оталаримиз қабрини биринчи бўлиб қолдириб кетамиз? Биринчи бўлиб муқаддас ибодатхонамиз Битха билан қандай хайрлашамиз? Ер нима бўлади, ер? У ерда, Туркияда, биз бу ерда қолдириб кетаётган ерларимиз

ўрнига бошқа ер бериладими? Уни сотиб олишга бизни мажбур қилмайдиларми...

Отам сўзини тугатишга улгурмади, яна нимадир демоқчи эди-ю, онамнинг ҳўнграб йиғлаб юбориши унинг гапини бўлди.

– Вой шўр пешанам, Цебелладаги ака-укаларимга нима бўлганини мен қаёқдан биламан? Уларни бу ерда қолдириб, денгиз ортига қандай сузиб кетаман? Ўлиб кетганлар қанчалар бахтли эдиларки, бу мудҳиш кунларни кўрмадилар! – онам ўкиниб-ўкиниб йиғлар, сингиларим ҳам унинг орқасидан туриб, белидан тутганларича кўз ёши қилардилар.

Онам йиғлашни хуш кўрмасди, унинг ҳўнграшини илк бор эшитган Шардин унга таъна қила бошлади.

– Синглим, сен ҳамиша жасурлигинг билан эркакларни ҳайрон қолдириб келгансан. Шундай дамларда кўз ёши тўкиш сенга ярашмайди! Сенинг цебелдалик ака-укаларинг ҳақиқий мард одамлар. Улар чор генераллари зулми остида яшашга рози бўлмадилар.

Менингча, улар бизни кутиб туришибди ёки кутиб-кутиб, аллақачон Туркияга сузиб кетгандирлар. Сен ҳадемай уларни соғ ва омон кўрасан, улар ўша жаннатмонанд жойда юришгандир. Сен бўлсанг, Ҳамирза, – гапирди у отамга, – ташвишланма, у ерда сени ҳеч ким ер учун ҳақ тўлашга мажбур қилмайди. Буни сенга мен Шардин Алоу ўғли айтаяпман. Бу ерда эса, генераллар сени Кубан орқасига эмас, ундан ҳам нарига ҳайдашмайди, деб ким қафолат беради? Қўлимизда ҳали қурол бор экан, улар шундай дейишяпти! Қурол-яроғимиз, ўқдоримиз тугагач эса бизни Кубан ортига кўчиришга ёки тўппа-тўғри Сибирга ҳайдашларига ким халақит беради? У ерда эътиқодимиздан айирсалар, болаларимизни чўқинтирсалар нима бўлади?

Шу пайт унинг сўзини бўлиб, узоқ соҳилдан замбаракнинг гумбурлагани эшитилди. Шундай эшитилдики, кутилмаганда, худди бирдан ўчоғимиз тагидан шайтон отилиб чиққандай бўлди.

– Нега қўлингдаги арзимас яранг билан бу ерда хотиржам турибсан. Ҳозир отилган замбарак ўглингни ўлдирган бўлса-чи! – хитоб қилди онам Наси.

Замбаракнинг гумбурлашини эшитиб, онам йиғидан тўхтагани, у биз эркакларга бир-бир газабнок кўз югуртириб чиқди.

– Сенга нима бўлди? – жеркиди унга отам, – овозингни ўчир ва сабрли бўл!

Онам жим бўлди ва бизларга шундай қарадики, қани эди ер ёрилса-ю, кириб кетсам.

Соҳил бўйидан эса тўп гумбурлаши ҳамон эшитилиб турарди.

– Агар ҳалок бўлишни истамасангиз, шу кечадан бошлаб кўчишга тайёрланаверинг, – деди Шардин ва менга ўғирилди: – Сен, Зауркан, шуни унутмагинки, кўпгина ёш йигитлар Ҳожи Керантухга жондор бўлишни хоҳлашарди Лекин унинг тансоқчиси сен бўлдинг, бунга мен туфайли эришдинг. Мен сени унга яқинлаштиришни хоҳладим, токи сизнинг қавмингиз дворян бўлишини истардим. Убихлар бошига тушаётган бахтсизликлар бунга халақит берди. Сени Ҳожи Керантухга мен ўзим яқинлаштирдим, энди эса ундан узоқлаш деяпман! Унинг ўзи сир тутаяпти, лекин мен биламан, у барча қариндошлари ва фуқаролари билан Туркияга ўтиб кетмоқчи. Шунинг учун менинг энагамнинг набираси унга жангда жондор сифатида эмас, балки йўлда қул сифатида хизмат қилишини истамайман. Сен энди уни тарк этиб, менинг тасарруфимга ўтишинг лозим!

У шундай деди, гўё ханжар тигини юрагимга санчгандай.

– Сен ёлгон гапираяпсан, – дея ҳайқирдим, – Ҳожи Керантух сўнги нафасигача жанг қилади. У кўрқоқ эмас. Мен ҳеч қачон қасамимни бузмайман ва уни ташлаб кетмайман!

– Ҳой, сенга нима бўлди, – гапимни бўлди Шардин. – Мен билан бундай оҳангда гаплашишинг менга ёқмаяпти.

Лекин бу мени тўхтата олмади.

– Сендай олийнасаб қариндошим олдида оғиз очганим учун кечирим сўрайман, – дедим мен. – Лекин сени қандай тушунишим керак? Сен газовот эълон қилганингда мен овозингни эшитмаганимидим? Кўпинча жангга биринчи бўлиб кирган сен эмасми? Жуда кўп марталаб жанг олдидан ва жангдан кейин кофирлар билан муқаддас урушда шаҳид бўлган ҳар кимса тўғри жаннатга тушади, деб айтган сен эмасми? Энди бўлса, қуролни ташлаб ҳам жаннатга тушиш мумкин экан-да? Демак, бу жаннат Туркия. Сен бизларни ўша ёққа кетишга кўндирмоқчи бўлаяпсан, шундайми?! Сен ва сенга ўхшаган муҳтарам зотлар аввал нима ҳақда ўйлаган эдинглар. Агар жаннатга қочиб кетиш шунақа осон бўлса, унда жангга тўкилган қонларни осмонда ким ҳисобга олади? Беҳуда ўлиб кетганлар жонини жаннатга ким олади? Сиз-чи, ота, бизларни нега эркак қилиб ўстирдингиз? Нечун бизларга уй-жойини ҳимоя қилаётганда ўлимдан қўрқмаслик керак, деб ўргатдингиз?

Менга нима бўлаётганини ўзим ҳам билмасдим, лекин энди мени ҳеч нарса тўхтата олмасди. Аммо шу пайтга қадар биз худо деб билан қариндошимиз ҳузуридагина эмас, ҳатто отамиз олдида ҳам овозимни баланд кўтарган эмасдим.

– Ўчир овозингни, – гапимни бўлди отам. – Сен учун мен уялиб кетдим. Сен жуда қаттиқ гапириб юбординг, бу менинг қулоғим учун жуда оғир. Азиз қариндошимиз Шардин билан кўпол гаплашиб, бизни шарманда қилдинг. Агар биздек оддий, оми кишиларни яхши кўрмаса шундай совуқ кунда бу ёққа шунча олисдан келармиди?

Мени шундай сўзлар билан қамчилаб, Шардинга ўтирилди.

– Бизни кечирасан, сенга қандай жавоб беришимиз кераклигини дарҳол тушунмабмиз. Агар сен бизнинг энг яқин валинеъматимиз бўлсанг, сен билан Туркияга кетишимиз кераклигига, у ерда бизни яхши ҳаёт қутаётганига ишонаман ва бутун оиламиз ўша ерга кўчиб борамиз ҳамда сендан ҳеч қачон ажралмаймиз.

Отам бу сўзларни Шардин олдида худди айбдорлардай гапирди. У валинеъматимиз хафа бўлди, деб ўйларди. Лекин меҳмонимиз қайта жонланди, ўрнидан турди, қамчиси билан этигига қарсиллатиб урдида, гўё у билан аввал, бошданоқ ҳеч ким билан баҳслашмоқчи эмасдек, бамайхотир гапирди:

– Энди сизлар вақтни бой бермай, йўлга ҳозирлик кўринглар. Егулик-ичгулик нарсалар ҳам эсдан чиқмасин. Мен борай: ўзим ҳам йўлга тайёрланишим лозим, агар менга сизларнинг ёрдамингиз керак бўлса, хабар бераман. Сен эса, Хамирза, ҳозирча, агар қўлингдаги жароҳат, худога шукур, унчалик хавфли бўлмаса, бизнинг қариндошларимиз ва қўшниларимиз уйларини айланиб чиқ, сен унча кекса эмассан, лекин улар сени ҳурмат қилишади, менинг номимдан уларга сен айт! Беҳудага ўз қонларини тўкиб юришмасин, кўчиб кетишга тайёрланишсин ва ҳеч нарсадан ташвишланишмасин. Уларга айт, Шардин Алоу ўғли ҳамини сен ва улар билан бўлади. Агар яна кимдир, бошқа биров келиб сизларни Кубанга кўчиб кетишга кўриндиришга уринса, рад этишсин!

Мана шундай, бизлар учун ҳамма нарсани ўзи ҳал қилди-да, хачирига ўтириб жўнаб қолди.

Ўшанда одат шунақа эди: бизнинг дворянлар сафарга ёки бошқа дворянликка меҳмондорчиликка борадиган бўлса от миниб борардилар, бизларга, ўз улусининг деҳқонларига эса хачир миниб келардилар. Тоғ сўқмоқларида хачирда юриш хотиржамроқ эди-да.

У ўз хачирида жўнаб кетди, бизлар эса уни кузатиб, яна ўчоқ бошига келдик-да, худди ҳозиргина жанозадан қайтиб келгандек оловдан кўз узмай сукут туриб қолдик.

Онам ўчоққа қозон осмади, овқат пиширмади, ҳатто товуқларни кўноққа ҳайдаб киритмади. Индамай ўтирганча кўз ёши қила бошлади. Отам ҳам сигирларни соққани чиқмади, олови ўчган ўчоқ ёнида ўтирганча ўйга толди.

Ҳатто замбарак товушидан кўрқиб вовуллаган кучугимизга, кўппакнинг увлаши бахтсизлик келтиришини билса-да, бақириб қўймади.

Ҳовлида соғилмаган сигирлар “мў”лар, бирдан хўроз ҳам тонг отишини кутмай, кечкурундан қичқириб, гўё бутун овулга эгаси ўчоқни ўчиришга тайёрланаётганидан хабар бераётгандек эди.

Мен бўлсам отамнинг рўпарасида ўтириб, гоҳ кулбамизнинг хивчдан тўқилган деворига, гоҳ тутундан қорайиб кетган шифтимизга, гоҳ бобом ўчоқ устига илиб қўйган занжирга қарардим. Буларнинг ҳаммаси менга болалигимдан таниш эди, лекин ҳозир улар кўзимга шундай чиройли ва яхши кўриниб кетдики, улардан айрилишга ичим ачиди.

Ҳали кечагина мен одатим бўйича келаси йил кузда уйимизга қўшнимизнинг қизи Фелдишни олиб келишимни тасаввур қилардим. Қўшнилариимиз унча яқин эмас, бошқа овулдан эдилар... Биз анча олдин тасодифан учрашиб қолган эдик, кейин бизнинг овулдан уларнинг овулга элтувчи сўқмоқда кўп марталаб, лекин тасодифан эмас, учрашиб турардик. Менинг оиламдагиларнинг бундан хабарлари бор ва бўлажак тўйга тайёргарлик бошланганини билардим. Энди эса буни тасаввур ҳам қилолмасдим, уни бу ерга қандай олиб келаман, ахир бу уй бўлмайди-ку.

Ўтирганча “тўйимиз бўладими ўзи”, – дея ўзимга ўзим савол берардим. Қанча узоқ ўйлаганим сари тезроқ тонг отишини ва отга миниб унинг ёнига боришни истардим.

Онам йиғларкан хўрсиниб қўяр, йиғи аралаш укамнинг исмини айтиб чақирарди. Синглим ҳам гоҳ хўрсинар, гоҳ йиғларди.

Агар кучугимиз ҳуриб қолмаганда, шу ҳолатда яна қанча ўтирардик, билмадим. Уйимизга томон кимдир келарди. Бўсагадан ҳатлаб ўтишим билан укамга кўзим тушди. Уни икки киши суяб келарди. Улар билан укамни уйга олиб кириб, курсига ўтиргиздик. У қонга беланган эди. Онам билан синглим додлаганича унга ташланишди. Уни олиб келганлардан бири укамнинг жароҳати хавфли эмаслигини, уни даволаш мумкинлигини айтди: у сонидан яраланганди. У дарҳол қайтиб кетишлари кераклигини айтиб, ўртоғи билан уйдан қайтиб чиқишди.

– Дарров ўт ёқиб, сув қайнатинглар, – деди отам ва укамни ечинтиришга киришди, мен унга ёрдамлашдим. Укам кўп қон йўқотгани учун ҳолдан тойган. Яраси каттагина бўлса ҳам унча хавфли эмасди. Отам бирпасда уни ювиб тозалаб, боғлаб қўйди. Бундай ишлар отамнинг қўлидан келарди, бу борада қўшнилари орасида ҳам машҳур эди. У укамга қатиққа сув аралаштириб ичирди, бўтқага асал қўшиб едирди.

— Оллоҳ сенга ва бизга раҳм қилди болам, соғ-омон бағримизга қайтарди, — деди отам.

— Қайтиб келмасам яхши эди, — деди укам Мата зўрға нафас олиб. — Ҳаммаси тугади ота, ҳаммаси тугади. Бизни қириб ташлашди. Бизлар жанг қилган ерлар ўликларимиз билан қопланди. Бир неча отлиққина омон қолдик, холос, ўқ-доримиз тугаб бўлди. Биз ҳайқириқ билан душман соллотлари устига ташландик. Ўқ ёмғири остида денгиз соҳилига ёриб ўтдик. Лекин ўқ менинг сонимга тегди ва отимни ўлдирди. От мени босиб қолди. Ерда ётганча кўриб турардим, тирик қолган биродарларим отлари билан жарликдан денгизга сакрар, очофат денгиз эса уларни арғумоғига қўшиб ютиб юборарди. Қани менинг биродарларим? Ўқ мени нега ўлдирмади? Нега бу ерда ётибман, қариганда сизни шарманда қилиб?

— Тинчлан, Мата, — деди отам. — Битта жангда ҳамма ўлиб кетмайди, болам. Ҳамиша кимди кейинги жангда олишиб ҳалок бўлиш учун бу жангда соғ-омон қолади.

Отам шундай дер экан, Матанинг бошини силади, кейин ҳеч нима демай ўлининг сочини силашда давом этди. Мата ухлаб қолди. Биз эса унинг теварагида тонг оттирдик. Куёш чиқиб тоғ чўққиларидаги қорларда порлади.

Бизнинг хонадонимиз гам-гуссага ботганди, куёш эса байрамдагидек порлаб турарди. Отам онам билан сингилларимга эрталабки нонуштани тайёрлашни буюрди, кейин ҳаммамизга қорнини яхшилаб тўйдиришни тайинлади. Укамга ҳам. У уйғонган, ўзини яхши ҳис қиларди.

Отам ўзида бор бўлган энг яхши кийимларни кийди, дастурхон тўридаги ўзининг ҳамишаги ўрнига ўтди ва ҳаммамизни бир-бир кўздан кечириб чиқди.

— Сизлар ҳаммангиз, эркаклар ҳам, аёллар ҳам руҳларингни туширманглар, биз шундай бўлади, деб ҳеч ҳам ўйламаганмиз, лекин эмикдош биродаримиз Шардин Алоу ўғли ҳақ: агар бу ерда қоладиган бўлсак, ҳаммамиз ўлиб кетамиз. Биз уруш бўлмаётган жойни излашимиз лозим, энди йўлга тайёрланайлик.

— Қанақа йўлга? Нималар деяпсиз? — бақирди укам ва сўрига ўтирди, оғриқдан афти бужмайиб кетди. Кечаси билан бизни қийнаб чиққан нарсадан у беҳабар эди.

— Тинчлан, болам. Биз барча мусулмонларнинг муқаддас ери Туркияга кўчиб ўтамиз. Султон бизларни ўз фуқаролигига қабул қилади ва бизларга ер беради. Эмикдош оғамиз Шардин Алоу ўғли Туркияда ҳам, йўлда ҳам бизга ҳомийлик қилишга ваъда берган эди. У билан бирга йўлга тушишимиз керак.

— Нима деяпсиз? — дея бақирди Мата, отамнинг сўзларини эшитиб, лекин оғриқдан инграб ўрнига чўкди. — Сизга нима бўлди? Бор-йўғи бир ҳафта бурун сиз мени руслар билан жанг қилгани юбордингиз. Бор-йўғи бундан уч кун аввал сизни ярадор қилишди. Қанча урушларда бўлганингизни эслаб кўринг. Жангларда олган жароҳатлардан қолган чандиқларингизни санаб кўринг!

— Ёт, сенинг иссиғинг бор, — деди отам ва Матани зўрлик билан ётқизди. — Сенга бақариш мумкин эмас. Мен ҳамма чандиқларимни яхши эслайман, лекин урушни яна давом эттирадиган бўлсак, биз — убихлардан ҳеч ким қолмайди.

— Ишонмайман. Халқимизнинг ҳаммаси шундай ўйлашига ишонмайман, — дедим мен отамга. — Сардоримиз Ҳожи Керантух қуролини ташлашига ишонмайман. Агар Туркияга қочиб кетсак, бизга яхши

бўлишига ҳам ишонмайман. Шардин Алоу ўғлининг гаплари уйдирмадан бошқа нарса эмас. Ота, ўзингизни алдашларига йўл қўйманг!

Биз иккаламиз, гоҳ мен, гоҳ Мата, навбатма-навбат отамни Шардиннинг уйдирмаларидан воз кечишга кўндиришга уриндик. У ўтириб гапимизни тинглар, баҳслашмас, лекин рози ҳам бўлмасди. Жим ўтирарди. Кейин ҳассасини қўлига олди. Остонага юриб боргач, бизларга ўгирилди:

– Яхши. Халқ нима дейишини кутамиз. Зауркан, Ҳожи Керантух ҳузурига бор, унинг жондори бўлиб қолавер. Кеча кенгаш чақирган экан, демак, бугун ёки эртага улар бирор қарорга келишлари керак. Мен қўшниларимизни айланиб чиқаман. Шардиннинг хоҳишини уларга етказаман, деб ваъда берганман. Қўшнилари ҳам унга эргашиб. Туркияга кўчиб ўтишармикин? Қани, Шардиннинг даъватига улар нима дейишаркан?

– Ота, борманг деяпман, — бақирди яна Мата ва сўридан турди. — Борманг. Бошқа эрақлар тўп овози келаётган жойда жон бериб, жон олаётган эканлар, у қўшнидан бу қўшнига ўтиб, бугун қон тўкаётган ерларини ташлаб кетишга уларни қандай кўндирасиз!

– Ўчир овозингни! — бақириб берди отам.

– У овозини ўчиради, лекин у ҳақ. Сиз ҳеч қаёққа бормаслигингиз керак, ота, — гапга аралашдим мен.

– Майли, мен ўла қолай, лекин сиз бормасиз, — деди Мата ва устидаги қўрпани итқитиб, ўрнидан турди. Турди-ю, гандираклаб кетди ва мен ушлаб қолишга улгурмай, ағдарилиб тушди-да, ҳушидан кетди.

Онам ва сингилларим мен билан баробар укамга талпинишди. Отам бурилди-да, уйдан чиқиб кетди.

КАШТАНЛИ УЙДА СЎНГГИ КЕНГАШ

Кенгаш ёки кейинчалик Туркияда мажлис дейишга кўникишган ҳамда убихлар юртида халқни бошқарган йигин ўн уч кишидан, шунингдек, абхазларнинг садзба ва ахчипса қабилаларининг икки вакилидан ташкил топганди, бу қабилалар ўша пайтларда абхазлардан кўра убихларга кўпроқ ён босардилар.

Убихлар мамлакатининг ўзи Туркиядаги вилоятларга ўхшаб ўн битта қисмга бўлинарди. Шу қисмларда ким сардор бўлса кенгашда ҳам ўша қатнашарди. Бизнинг жойдан унда Шардин Алоу ўғли иштирок этарди. Уларнинг ҳаммасидан ташқари кенгашга яна икки киши — бизнинг бош мулла Сахаткери ҳамда Мусо қатнашарди. Ўша пайтлар Мусо менга энг билимдон одам бўлиб кўринарди, энди ўйлдашимча, биз убихларнинг барчасидан саводли киши эди. У кенгаш йиғилишларида нима ҳақида гапирилса ва қарор қилинса бир четдан қоғозга туширарди. Мен унинг овозини ҳеч эшитмаганман. У уч бурчакли пастқам столча ёнида бошини қуйи солганича жим ўтирарди. Столча устида кўплаб патқалам бўларди, у гоҳ унисини, гоҳ бунисини олиб, бутун эшитганларини араб ҳарфида ўнгдан чапга ёзиб борарди.

Кенгаш йиғини Ҳожи Керантух мансуб бўлган Берзеклар уруғи яшайдиган Митхас қимшлоғида ўтарди. Ёзда кенгаш йиғилиши одатда ярим доира шаклида ўсиб турган улкан эман дарахтлари соясида, қишда эса каштан дарахтидан биргаликда қурилган уйда ўтказиларди.

Худди ана шу каштан ёғочли уйда мен ҳам қатнашган йиғилишда убихларнинг Туркияга кўчиши ҳақидаги қарор қабул қилинди. Маз-

кур қарор охир-оқибатда шунга олиб келдики, мен, эҳтимол, сен билан убихлар тилида гаплашаётган сўнги одам бўлиб қолдим.

Баҳорнинг айнаи бошланиш пайтлари, йиғилиш арафасида қаттиқ совуқ бўлди, кечаси кучли ёмғир ёғди, фақат жарликлардагина қорайган қор эримай қолганди, холос. Ёмғирдан сўнг осмон мовий тусда эди. Лекин биз Ҳожи Керантух билан каштан ёғочли уйга етиб борганимизча, ҳаво яна айниб, қор аралаш ёмғир ёға бошлади.

Одатда, бунақа кунларда ҳеч ким ташқари чиқмас, уйда, ўчоқ ёнида исиниб ўтрарди. Лекин шу кун эрталаб каштан ёғочли уй тева-рагида юзлаб кишилар тўпланган, уларнинг юзлари азадаги сингари ғамгин эди.

Ҳожи Керантух уй олдида шошиб отдан тушди. Кенгашнинг бошқа аъзолари уни шу ерда кутиб туришарди. Ҳожининг ортидан уйга киришди.

Мен яхши эслайман ва ўша каштан ёғочли уйда нима бўлганини сенга айтиб бераман. Ҳожи Керантух бошқалардан алоҳида, катта оромкурсида ўтирарди. Қолганлар унинг ўнг ва чап томонида узун курсилардан жой олишганди. Уларнинг орқасида эса бизлар “шунқор ақлли кишилар” деб атайдиган, жуда донгдор бўлмаса ҳам убихлар орасида ўзларининг ақлли сўзлари ва доно маслаҳатлари билан машҳур бўлган оқсоқоллар тик туришарди. Улар орасида бизнинг муқаддас ибодатхонамиз посбони Соулах ҳам бор эди. Ҳожи Керантух анчадан бери кенгашнинг тан олинган бошлиғи, мен ҳам унинг жондори сифатида ёнида ҳозир нозир бўлиб, орқасида турардим.

Ўша кун каштанли уйга ҳаммадан кейин мулла Сахаткери кирди. Салласини баланд қилиб ўраган мулла гўё бошига сув тўла коса қўйиб олгандай жуда секин эҳтиёткорона одимларди. У ҳамманинг ёнидан ҳеч кимга қарамай ўтди-да, Ҳожи Керантухга энг яқин жойга ўтирди.

Садзлар ва ахчипслар сардорларининг жойлари бўш эди. Улар кенгашга келишмади. Лекин кекса, доно ва бу ерда сўзини айтишга ҳаққи борларнинг ҳаммаси келганди. Улар кенгаш аъзолари ўтирган курсилар орқасида тўпланиб туришарди. Ҳамма мажлисни қандай бошлар экан, деб Ҳожи Керантухга жим қараб туришарди. Одатда у гапни жуда тез, худди биринчи бўлиб ўқ узишга шошиб тургандай бошларди, лекин бу сафар узоқ жим турди, қўлларини тиззасига қўйганча ерга қараб турди. Уйқусизликдан кўзлари шишиб кетганди. Ниҳоят, у бошини кўтарди, ҳаммага бир-бир қараб чиқди, ўрнидан чаққон турди, қора телпагини энсасига сурди, ханжарини тўғрилаб қўйди, иккала қўлини унинг дастасига қўйганча гап бошлади:

— Уруш қандай кетаётганини ҳаммангиз яхши биласиз. Кеча айтганларимга бугун ҳеч нарса қўшимча қилолмайман. Руслар ҳамма томондан бостириб келишяпти. Улар энди фақат денгиздан эмас, шимолдан ҳам жуда яқин келиб қолишди. Бу ҳақда айғоқчиларимиз хабар беришди. Бундан уч кун бурун сизларнинг розилигингиз билан генерал Гейман-ла ярашиш тўғрисида музокаралар олиб бориш учун ўз амакимни юборган эдим, ундан ҳалигача бирор хабар йўқ. Эҳтимол уни ўлдиришгандир ёки асир олишгандир. Ўзларингиз бўш жойларни кўриб турибсиз — садзлар ва ахчипслар иккиланиб қолишган бўлсалар керакки, келишмади. Қўшнилариимиз шапсуғлар узоқ жанглардан сўнг қуролларини ташлашга мажбур бўлишди. Натухайлар денгиз ортига кўчишни бошладилар. Қолганлар ҳам иккиланиб туришибди. Умид қиламанки, псхувлар, даллар ва цебелдалиқлар, агар Абхазиянинг ҳукмдор князи Хамутбей Чачба халақит бермаса, ваъдаларига биноан бизга ёрдамга келадилар. Бугун биз убихлар учун

Энг оғир кун келганини айтишим шартмикин? Бунақаси ҳеч бўлмаганди. Биз бугун эртага нима бўлишини билмаймиз. Урушми ёки тинчлик, озодликми ёхуд қуллик, ё бўлмаса кўчиб кетишми? Убих халқи биз нимага қарор қилишимизни, уларни қаёққа бошлашимизни кутяпти. Келинлар, нима қилишимизни ўйлаб кўрайлик. Истасак-истамасак бир қарорга келишимиз лозим.

Ҳожи Керантух каштанли уйда ўз атрофида ўтирган ва турганларга ҳокимона нигоҳ билан бир-бир қараб чиқди. Сўнг қўлларини тиззасига тираб ўтирди-да, кўзларини ерга қадади.

Ҳамма сукут сақларди, мен биринчи бўлиб ким гапираркан деб бош қотирардим. Аини пайтда аллақачон Туркияга кўчиб кетишга қарор қилган Шардан Алоу ўғли ҳақида ўйлардим. Лекин у ҳозир бу ерда Ҳожи Керантух ҳузурда шу ҳақда бирор нарса дейишга ботинармикин? Агар айтса қон тўкилиши аниқ. Шу ҳақда ўйлаб Шардинга қарадим, у бўлса, ҳеч нарса юз бермагандек, бемалол ўтирганча бармоқлари билан қора соқолини силаб кўярди.

Мен бўлсам ҳамон биринчи бўлиб ким гапиришини тополмай гаранг эдим.

Биринчи бўлиб мулла Сахаткери ўрнидан турди. У аввалига икки қўлини жуфтлаб, сийрак соқоли олдига кўтарди-да, титроқ овоз билан дуо ўқигандек гап бошлади:

— Эй парвардигор, ҳаммамиз сенинг измингдамиз, биз гуноҳкор бандаларингдан марҳаматингни аяма! Бизларни ўзинг қўлла, ёрлақагин худойим! — деди. Кейин кўкси узра қўлларини қовуштириб, уйда тўпланганларга қараб қўйди. Ҳатто ким кимни тўсиб қўйганини аниқроқ кўриш учун бўйнини чўзиб қаради. — Оллоҳ, тақдиримизни пешанамизга битиб қўйган. Эҳтимол, абадийликка эмасдир, лекин вақтинчалик бизнинг халқимиз пешанасида бу жойлардан кўчиш бор. Бизнинг тақдиримизда шу нарса бор ва унга қарши туриш — гуноҳ! Кофирлар бизни қувғинлик йўлини танлашга мажбур қилди ва бу йўл бизларни денгиз оша Туркияга, ярим дунёнинг ҳукмдори султоннинг муборак ерига бошлаб боради. Султоннинг амри билан бу муқаддас тупроқ барча мусулмонларни кучоқ очиб кутмоқда. Эй, кенгашнинг муҳтарам аъзолари, шундай экан, сизлардан сўрамоқчиман: бу ерда сизларни нима ушлаб турибди? Нимани кутаяпмиз? Чор генералларининг бизни Кубан чўлларига кўчириш ҳақидаги ўйлари фақат нафрат уйғотади. Биз мўмин-мусулмонлар кофирлар маконида қандай яшаймиз? Бизлар учун ердаги ҳақиқий жаннатга йўл очилиб турган бир паллада ўша дўзахга кўчиб боришни ким ҳам истарди?

Каштанли уйда йиғилганларнинг кўпчилиги учун Сахаткерининг сўзлари янгилик эмасди. У бу ҳақда кенгаш аҳлига бунақа ошкора ва баланд овозда гапирмаган бўлса-да, лекин кўп йиллардан бери у ёки бу одам билан гаплашганда доимо Туркияга кўчиб кетишга даъват қилиб келарди.

Олдинлари бу ҳақда эшитишни ҳам истамаган айрим кишиларнинг юзларидан ҳозир маъқуллаб кутиб олаётганларини кўриб турардим. Бироқ ҳамма шу фикрда деб бўлмасди.

Бирдан Наврўз Баракай ўғли илон чаққандай ўрнидан сакраб туриб кетди. Тўпори, ўжар феълли бу одам пастгина бўйига қарамай, кенг елкали ва бақувват эди. У бошидан телпагини юлиб олди-да, гупилла-тиб ерга урди, қоп-қора бароқ қошларини кериб чинқирди:

— Бу эркаклар йиғилиши эмас, кампирлар ва фолбинлар йиғинига ўхшайди! Нега энди биз уч кундан бери, ҳақиқий эркаклар жанг қилаётган бир пайтда бу ерда фол очиб ўтирибмиз? Агар биз жанг

билан ўз еримизни ҳимоя қилиш ўрнига бош қотириб ўтирадиган бўлсак, келинлар, яхшиси эркаклик кийимимизга доғ туширмай, уни ечиб ташлайлик-да, аёллар кийимини кийиб кофирлар учун мамалиг пишириб, уларга дастурхон ёзайлик. Деҳқонлар бизларга ўлпон тўламай қўймоқдалар, чунки биз дворянлар жангчилик бурчимизни бажармаяпмиз. Арғумоғи бор одам бировдан унга от бериб туришларини сўрамайди! Бизнинг ўз еримиз бор, нега энди биз бировлардан ер сўраб боришимиз керак? Бизнинг уйимиз шу ерда, у Туркияда ҳам, Кубанда ҳам эмас. Майли, кўрқоқлар истаган ерларига бораверишсин, битта убих тирик экан, жасурлар жанг қилиш учун қоладилар!

У ердан телпагини кўтариб олди-да, қўлига уриб қоқди, сўнг ёнига қўйиб қўйди.

– Наврўз ҳақ! – эшитилди бир неча овоз бараварига.

– Бизлар қул эмасдик, бўлмаймиз ҳам, – деди қўлларини белига тираб Мурод Харипса ўғли. Баланд бўйли бу одамнинг соқоли қопқора, сочи қириб олинган эди. – Агар бизлар таслим бўлмасак, ҳозир кўрқиб турганлар ҳам бизга эргашадилар!

– Ҳа, биз олишамиз. Кўрамыз ҳали ким тирик қолади-ю, кимлар ер тишлайди, бизми ёки душманзимизми? – дея бақирди кимдир, лекин кимлиги ҳозир эсимда йўқ.

– Тўхтанлар. Уйламасдан қарор қилган одам ўқ узишга улгурмасдан ҳалок бўлади, – деди қария Сит, баланд овозда, лекин вазминлик билан. У бизларга қариндош, тўнғич аммамга уйланган эди, деҳқонлар орасида доно ва адолатли киши ҳисобланарди. Ер-мулк ва тўкилган қон учун шафқатсиз низоларни баргараф этишга уни таклиф этишарди. Ҳожи Керантухнинг ўзи ҳам унинг фикри билан ҳисоблашарди.

Ситнинг овозини эшитиб, ҳамма унга ўгирилди, лекин у бошқа ҳеч нарса демади.

– Сен закий инсонсан, Сит, – деди Ҳожи Керантух. – Бошладингми, давом эттир. Бу ҳақда сен қандай фикрда эканлигингни билишни истаймиз.

– Менинг кичкина ақлим бундай катта ишларга етмайди, – деди Сит. – Учта ўғлим савашгани кетишди, уларга нима бўлганидан хабарим йўқ. Агар улар соғ-омон қайтиб келишса, сизлар қабул қиладиган қарор қандай бўлишдан қатъи назар, биз тўртталамиз ҳам унга розимиз. Аммо, илтимос сизлардан, шошилманлар, яхшилаб ўйлаб кўринлар. Хато қилманлар! Тонг шафағини шом ёғдуси билан чалкаштирманлар. Менинг қари кўзларим тонг шафағини кўришни истайди, лекин кун ботгандан кейинги ёғдуни кўраёпти, у менга қонли ва совуқ ёш томчилагандай сезилаёпти...

Фақат кейин, анча кунлар ўтгач, қария Ситнинг ҳалиги гаплари ҳақида ўйлаб қолдим. Лекин ўша онларда унинг сўзларига унча эътибор бермагандим. Чунки диққатимни бошқа нарса жалб этганди. Мен бутун борлигим билан икки кишини кузатардим. Зеро, кўп нарса уларга боғлиқ эди. Бири умумий қарор тақдирини ҳал қилса, иккинчиси оиламиз тақдирини ҳал қиларди.

Шардин Алоу ўғли индамай, бепарво ўтирарди. У гўё ҳамма нарсани аллақачон ҳал қилиб қўйгандай эди.

Ҳожи Керантух ҳам жим ўтирарди. У менга олиб бўлмас қалъадек кўринарди. Ҳеч кимга таслим бўлмайдиганга ўхшарди. Айтиш гуноҳ, лекин ўша кун мен пайғамбардан кўра унга кўпроқ ишонардим!

Қария Ситнинг гапларидан сўнг дақиқача чўзилган сукунатдан кейин қайсар Наврўзнинг кенжа укаси Аҳмад Баракай ўгли ўрнидан турди. У акаси сингари елкадор эди, лекин шунақа хушбичим эдики, ингичка белини қайчи билан кесса бўладигандек кўринарди. Соқоли калта қилиб тарашланган, қора матодан тикилган черкасча чакмони тагидан оппоқ архалуг и кўриниб турарди. Ҳожи Керантухнинг бу одамни кўргани кўзи йўқлигини билардим, агар у буни ошкора сездирса, Аҳмад руслар томонига ўтиб кетишидан чўчиб, Ҳожи ўз нафратини яшириб юрарди.

Аҳмад дарҳол гапира қолмади. У аввалига қумуш қинли ханжарнинг дастасини силади, кейин тилла соатини чиқариб, унга қараб қўйди-да, қопқоғини чақиллатиб ёпди ва чўнтагига яширди, шундан сўнггина ингичка, баланд, ҳамма эшитадиган овоз билан гапирди:

– Бизлар нима қилишимиз кераклиги ҳақида неча марта баҳслашдик ва бу тортишувларимиз шунга олиб келдики, биз убихлар ҳаммамиз жарлик тепасидаги қуруқ шоҳда осилиб турибмиз ва унинг бошимиз узра чарсиллаётганини эшитмоқдамиз. Бунинг учун ким айбдор? Ҳаммадан кўра кўпроқ ўзимиз. Бугун ҳар ким яхши тушуниб турган нарсани кўрқмасдан айта оламан. Биз рус подшосининг сон- саноксиз қўшинлари билан уруш олиб бормаслигимиз керак эди. Аждодларимиз ҳам, биз ўзимиз ҳам душманамиз кучини ҳисобга олмасдан, уни ўз кучимиз билан қиёсламасдан жанг қилдик.

– Нима бало, уйқудан бугун уйғондингми, Аҳмад?– ўрнидан туриб қичқирди унга Ҳожи Керантух. – Қўшинларимизга Ҳожи Берзек Адагва ўгли сардорлик қилган ўша кунларда халқни урушга ҳаммадан кўра баландроқ овозда чорлаган сен ўзинг эмасмидинг? Ёрдам сўраб Туркияга, Англияга борган сен эмасми? Кемаларда бизга замбарак, қурол-яроғ ташиб берган ўзинг эмасмидинг? Нега бугун янги туғилгандай гапираяпсан?

– Ёки изларини йўқотмоқчи бўлган қуёнга ўхшаб, ўриндиқни уёқ-бу ёққа ташлаяпсан! – бақирди мулла Сахаткери.

Бироқ Аҳмад бақирдиқ-чақирдиқлар тингунча жим кутиб турди.

– Сен ҳақсан, Ҳожи Керантух, – деди у. – Мен ҳам сизларга ўхшаб адашганман ва русларга қарши сизлардан кам қилич яланғочламаганман. Лекин барибир, бизларнинг ҳар қанча жасурлигимизга қарамай, бу бизларга ҳалокатли хавф солаяпти. Кўпдан буён, ўша бизнинг биринчи ўқ узганимиздан бери хавф солиб келаяпти. Биз бошимизни тошга урдик, бошимиз ёрилди, лекин тош бутун. Бунинг ҳаммаси учун фақат рус подшоси генералларинигина айблаш нотўғри. Биз, убихларнинг сардорлари, улар билан ярашган, улардан зобитлик унвони ҳамда маош олиб турган вақтлар ҳам бўлган эди. Лекин кейин, султоннинг куч-қудратига умид қилиб, рус генералларига қарши урушни авж олдириб юбордик. Энг аламли жойи шундаки, бизни ўзининг кучига ишонтириб, унинг учун биз қон тўкишимизни истаган ҳолда, бизлар туфайли рус подшоси билан урушишни истамаяпти. Мана шунинг учун ҳам оғир аҳволга тушиб қолдик. Буни аллақачон тушуниб етиб, руслар билан ярашишимиз керак эди!

Гап шу ерга келганда Наврўз чидаб туролмади ва укасининг сўзини бўлди.

– Агар бизлардан кимдир бошини ёрган бўлса, у ҳам сенсан!– бақирди у. – Сен бу ерга ёрилган бош билан келдинг ва кофирлардан

¹ А р х а л у г – калта камзул.

омонлик сўрашни маслаҳат бераяпсанми? Агар бу ерда кимдир мана шу бемаъни маслаҳатингга кўнган тақдирда ҳам, укагинам Аҳмад, бир онадан туғилган биз иккимиз руслар билан қандай ярашишимиз мумкин? Иккита укамизга найза санчиб боши узра кўтарган ким? Агар ўша кофирлар билан бизлар дўстлашсак, укаларимиз хунини ким олади? Марҳум отам номи билан қасамёд қиламанки, кофирлар билан ярашмоқчи эканингни яна такрорласанг, сени чопиб ташлайман. Мени биродаркушликка мажбур этма. Жўна бу ердан. Чиқиб кет!

У ханжарини суғурмоқчи бўлган эди, зўрға тўхтатиб қолишди.

— Гапимни охиригача айтишга имкон бер,— деди Аҳмад акасига қарамасдан Ҳожи Керантухга мурожаат қилиб.— Ҳатто мени қатл этишга ҳукм қилган бўлсанглр ҳам, сўнгги сўзни айтишга ҳаққим бор.

— Сен гапингни айтиб бўлдинг,— бақирди Наврўз.

— Сабр қил. Охиригача эшитайлик,— деди Ҳожи Керантух.

— Гуржилар биздан анча кўплигини яхши биласизлар, бироқ улар рус подшоига қарши уруш очмадилар,— деди Аҳмад.— Улар подшонинг фукроси бўлиб, ўз ерларини, тилларини сақлаб қолдилар, ким билади, эҳтимол, қачонлардир ўз эрklarини қайтариб оладилар.

— Мен сендан ҳамма нарсани кутгандим, Аҳмад, лекин дин-имонингдан қайтгансан, деб сира ўйламагандим,— деди мулла Сахаткери.— Бизларни кимлар билан таққослаяпсан? Гуржилар билан руслар — насронийлар. Уларнинг дини бир. Шунинг учун ҳам улар ярашишди. Бизлар эса мусулмонмиз. Кофирларга ҳамиша душман бўлиб қолаверамиз.

Мулла Сахаткери шу гапни айтиш учун ўрнидан турганди, айтиб бўлгач жойига ўтирди, гўё унга ҳеч ким эътироз билдириши мумкин эмасдай.

Лекин Аҳмад унга эътироз билдирди.

— Муҳтарам Сахаткери,— деди у,— сен мендан ҳам яхши биласанки, бундан минг йил бурун биз насроний динини қабул қилганимизни халқ яхши эслайди. Гарчи кўпдан бери мусулмон бўлсак ҳам, рождество ва пасха¹ байрамларини ўтказишда давом этмоқдамиз. Биз ўтмишда кофирларга ҳамиша душман бўлиб келмаганмиз, келажакда ҳам бўлмаслигимиз мумкин.

Бу сафар Наврўз телпагини яна ерга урди ва ханжарини ғилофидан ярмигача эмас, бутунлай суғурди.

— Ҳожи Керантух, марҳум отам номига қилган қасамимни эшитдинг-а? Агар ҳозир шу одамни бу ердан ҳайдаб чиқармасанг, уни қўйдай бўғизлаб ташлайман. Бундан буён, Аҳмад, сен Баракайнинг ўғли эмассан, менинг укам эмассан. Сен — руслар томонидан яширинча чўқинтирилган, диндан қайтгансан, сен сотқинсан, сен гуноҳкор бандасан. Чиқиб кет!

Наврўзнинг қўшнилари ҳар томондан унга ёпирилиб, ушлаб қолишди. Ҳожи Керантух эса ўрнидан туриб наридан бери юра бошлади. Кейин аста юриб, Аҳмад Баракайнинг ёнига келди.

— Хўш, бизларга яна нима демоқчисан? Рус генераллари сени йўлдан уришганини айтмоқчимисан? Англияда бўлган пайтингда, у ерда сенга тилла суви югуртирилган қилич совға қилишганди. Руслар-чи? Улар нима беришди? Англиядан қайтиб келганингда инглизлар бизга ёрдам беради деб русларга қарши гиж-гижладинг. Бугун бўлса, ҳали ўзинг айтгандай, қуруқ шохда осилиб турган бир пайтимизда, бунга менинг алоқам йўқ демоқчимисан? Ҳа, сен чиндан ҳам тамом бўлибсан!

¹Рождество ва пасха — насронийларнинг диний байрамлари.

— Биз ҳаммамиз тамом бўлдик. Энг аввало — Сен,— деди Аҳмад ҳамон хотиржам, овозини кўтармай. — Инглизлар бизни алдагани учун мен айбдорманми? Тўғри, мен бу ерга анчагина Англия қуролирини олиб келдим. Мен борган сари шуни яхши тушунаяпманки, инглизлар бизлар учун рус подшоши билан урушмайдилар. Улар учун биз киммиз? Бир тўда ёввойи одамлар! Мен Лондонда бўлган пайтимда улар бизнинг тақдиримизга, ташвишимизга эмас, улар учун ғалати кўринган кийимимга кўпроқ қизиқиб қарардилар. Мени рус генераллари билан қўрқитма. Ҳатто улар куч билан босиб олган жойларда кўп қон оқизган бўлсалар-да, таслим бўлганларни ўлдирмадилар, уларнинг болалари ва аёлларини қирғин қилмадилар. Улар ҳатто Шомилни фарзандлари ва аёллари билан ҳам ўлдирмадилар. Фақат Россияга олиб кетдилар. Уларнинг кучига бўйсунган доғистонликлар қириб ташланмади, ўз уйларида яшамоқдалар. Қўшнилариимиз ўлдирилмади, ўз уй-жойларида яшаб турибдилар. Рус генералларининг шафқатсизлигини сендан кам билмайман, лекин улар урушмаса ўлдирдишмайди. Эшитишимга қараганда, улар орасида қандайдир биттаси топилди: у биз тоғликлар учун ҳарф яратибди, алифбо чиқармоқчи экан. Мен халқимиз учун фақат иккита йўлни кўриб турибман: ё жангда сўнги одамгача қирилиб кетиш, ёхуд душман бизни енгганини тушуниб етиш. Душман ғолиб келдими, бас, билганини қилсин, бу унинг виждонига ҳавола. Мен бизга яширинча қурол-яроғ сотганлардан кўра, қилич яланғочлаб устимизга ташланганларга кўпроқ ишонаман. Улар бизга қурол сотдилар-у, биз учун қонларини тўкмадилар. Мен Туркияда кўп марта бўлганман ва у ерда биз эркакларни яхшилик кутмаётганидан хабардорман. Биз эркаклармиз, у ерда опа-сингилларимиз сингари харамларда жория бўлолмаймиз! Ўз юртларини ташлаб кетганлар умрларининг охиригача хор бўладилар! Мен бир нарсани яхши биланман: биз убихлар еримизни ташлаб кетсак — тамом бўлганимиз. Бизлардан ҳеч ким қолмайди. Энди эса мени нима қилсаларинг, шуни қилинглар: ё ҳайдаб юборинглар, ёки ўлдиринглар.

Аҳмад Баракай ўгли шундай деди-да, ўз ўрнига бошқа ўтирмади, атрофда тўпланиб турган одамлар орасига бориб туриб олди. У энди ўзини кенгаш аъзоси ҳисобламай қўйганди.

Унинг сўнги сўзлари шундай кучли таъсир қилдики, ҳамма жим бўлиб қолганди. Бирдан ташқаридан от туёқларининг товуши эшитилди, ҳамма очилаётган эшикка қаради, бўсағада Ҳожи Керантухнинг амакиси Берзек Арслонбей кўринди. У генерал Гейман билан музокаралар олиб боришга юборилган эди. Арслонбей орқасига қарамасдан елкасидан ҳўл бўркини олиб жондори қўлига ташлади-да, бошини ҳам қилганича унга пешвоз чиққан кенгаш аъзолари ўртасида туриб қолди.

— Қандай хабар олиб келдингиз?— сўради Ҳожи Керантух.

— Ёмон хабар олиб келдим,— деди Берзек Арслонбей.— Генерал Гейман бизларни узоқ вақт қабул қилмади. Биз уни ҳибсга олинган аристонлар сингари кутиб турдик. Кейин аскарлари бизни унинг ҳузурига бошлаб борганда, у ҳатто гапимизни эшитишни ҳам истамади ва деди: “Кеч бўлди. Энди ўртамизда яраш сулҳи бўлмайди. Кубан текислигига рози бўлганлар биз орқали ўтадилар, биз уларни ўтказиб юборамиз. Туркияга кўчиб ўтишни хоҳлаётганлар учун эса биз учта йўлни бўшатиб қўямиз. Улар ана шу учта йўл билан денгизга чиқадилар ва уларни кутиб турган кемаларга ўтирадилар. Сизлар яшаган бу жойларда биронтангизга ҳам рухсат бермаймиз”.

У бизларни қайтариб юборди, ўзи бўлса урушни қайтадан бошлаб, йўлида учраган ҳамма нарсани ёндириб ва вайрон қилиб бор-

моқда. У армияси билан жуда тез ҳаракат қиляпти ва икки ёки уч кундан сўнг шу ерда бўлади.

Мен нима юз беришини тушунмадим. Лекин бизни даҳшатли қисмат кутаётганини ҳис қилдим ва умид билан Ҳожи Керантухга қарадим.

У мажолсиз бир ҳолатда жойига ўтирди ва қўллари билан бошини чангаллади.

Ундан кейин баъзилар ҳам секин жойларига ўтиришди, қолганлар довдираганча тик қотиб қолдилар.

Сен, балки бўрон яқсон қилиб кетган ўрмонни кўргандирсан? Ўша дамда кенгаш уйида тўпланган убиҳлар шундай ҳолатда эдилар.

Ташқаридан яна отлар туёғининг товуши эшитилди, уйга от солиб келган аскар югуриб кирди, у зўрға нафас оларди, қўлида қалпоғи билан қамчисини ушлаб турарди.

— Ҳожи Керантух, Туркия кемаларининг бош дарғаси Сулаймон афанди сизга етказишимни буюрди: “Мана, уч кечаю кундузки, денгиз соҳилида турибмиз. Бунинг учун бизга ҳеч ким ҳақ тўламаяпти. Агар бугун кечгача сизларга керакмизми ёки йўқми, айтмасангиз, биз инглиз контрабандачиларининг кемалари билан бирга денгизга чиқиб кетамиз!”

— Йўқол!— газаб билан қичқирди унга Ҳожи Керантух.

Аскар бошини эгганича чиқиб кетди.

У Ҳожи Керантухнинг ёлғиз ўзига айтиши керак бўлган гапни ҳамманинг олдида бақариб айтганига гуноҳкор эди. Чунки Ҳожи Керантух кенгаш чақиришдан олдин бир қарорга келгани маълум бўлиб қолганди. Лекин ўша дамда аскар нима гуноҳ қилиб қўйганини мен тушунмагандим. Кейин тушундим.

— Кенгаш аъзоларидан ташқари ҳамма чиқиб кетсин,— деди Ҳожи Керантух. — Сен ҳам, Аҳмад Баракай ўғли, чиқиб кет, бу ерда қиладиган ишинг йўқ.

Биз оқсоқолларни олдинга ўтказиб юбориб, уйдан бирин-кетин чиқа бошладик. Энг охирида Аҳмад чиқди. Кеч кира бошлаган, булутлар тарқаб, совуқ шамол эсарди. Бутун ўланг пиёда ва отлиқлар билан тўла эди. Отам орқадан келиб, елкамдан ушлаганини сезмай қолдим, у мени оломон ичидан четга бошлади.

— Кенгаш қандай қарорга келди. Кўчамизми, қоламизми?

— Баҳс давом этаяпти,— дедим мен.

— Тортишувнинг кимга кераги бор? Баҳсларни вақт ҳал қилдиқўйди,— деди отам.— Эмикдош биродаримиз ҳақ эди. Кенгаш аъзолари чиққунча сен бу ерда кутиб тур. Мен Шардиннинг уйига қайтаман. Мен у ерга борган эдим. Улар кўчишга тайёрланишяпти. Мендан ёрдам беришни сўрашди. Кўшнилари билан гаплашгандим.

— Баъзилар рози эмас. Энди Шардиннинг ўзи бориб гаплашсин!

Мен ҳайрон бўлиб қолдим. Отам менга ҳамма нарса ҳал қилингандай гапираётганди. Наҳотки, ҳамма нарса ҳал этилган бўлса? Мен атрофга тортилган четанга суюнганча гангиб турганимда ичкаридан Ҳожи Керантух бошлиқ кенгаш аъзолари чиқиб келишди.

Уларни кўрган оломон уйга яқинлашди.

— Бизнинг қароримизни эшитинглар,— деди Ҳожи Керантух. Унинг таниш баланд овозини эшитиб, у бизларни ҳозир жангга бошлайди, деб ўйладим. Мен ҳамон шуни истардим.— Бугун ярим кечада биз руслар билан урушни тўхтатамиз. Улар бизни енгдилар ва, майли, ерларимизга эгалик қилсинлар, лекин бизга эга бўлолмайдилар! Буюк султон бизнинг кулфатимиздан хабар топиб, Туркиянинг энг яхши

жойларидан бизга ер ажратди ҳамда бизларга кемалар юборди. Биз ана шу кемаларда денгиздан сузиб ўтамиз. Бизлар у ёққа вақти келиб султон кўшини билан бу ерларга қайтиб келамиз, деган ишонч билан сузиб кетамиз. Лекин ҳозир бизлар бу ердан кетишимиз керак, аммо бўрилар тирқиратиб юборган кўйлар суруви сингари пароканда бўлиб эмас, балки барча биргаликда, ҳар бир туман ўз сардори бошчилигида йўлга чиқамиз. Эртага кун тушликка етганда муқаддас Битхамиз ёнида тўпланамиз ва бирга бўлишимиз ҳақида қасамёд қиламиз. Биз танлаган йўлдан бошқасини лозим топганлар муқаддас ибодатхонамизнинг тавқи лаънатига учрагай! Отларни эгарлаб, йўлга тушинлар, овулма-овул, қишлоқма-қишлоқ юриб барча убихларни қароримиздан хабардор қилинлар. Биз Ахчипсоу, Псха, Дал, Цебелдага чопарлар юборамиз. Биз улар билан елкама-елка туриб жанг қилдик. Энди улар ҳам бизлар билан бирга бўлишсин. Эртага биз қасамёд қилганимиздан сўнг денгизга тушамиз ва кемаларга ўтирамиз.

Сенга ростини айтадиган бўлсам, ҳамма нарсага, ҳатто ўлимга ҳам тайёр эдим, лекин бунга эмас! Қани у қахрамонлар қахрамони ўша Ҳожи Керантух! Ахир у бизни неча бор душман устига ҳужумга бошлаб борганди, бирга қон кечганди. У ҳеч қандай душман олдида тиз чўкмайди, деб қаттиқ ишонардик. Мен ўзим ҳақимда шундай улкан одамнинг жондори деб фахр билан ўйлардим. Ҳозир эса менинг олдимда бу сўзларни оддий бир одам айтди. У бизларга душмандан қандай қочиш йўлини кўрсатди.

Тўсатдан кимдир оломон орасини ёриб чиқиб келди-да, елкаси билан мени туртиб юбориб, олдинга ўтди, Ҳожи Керантух қаршисига турди. Бу ўрис Афанасий эди — биз уни шундай аташга одатлангандик. У чиндан рус солдати бўлиб, йигирма йиллар бурун ўз ихтиёри билан бизлар томонга ўтган, убих қизига уйланиб, тилимизни ўрганди, урф-одатимизни қабул қилди. Ўрис Ҳожи Керантух рўпарасида бошидан намат қалпоғини олди-да, таъзим қилди.

— Илтимос, битта сўз айтишга ижозат бер.

Ҳожи Керантух на ҳа, на йўқ, деб жавоб бермагач, у бизлар томон ўгирилди-да, соф убих тилида шундай деди:

— Мен дин-имоним ва қоним бўйича ҳозир сизлар билан жанг қилаётганлардан бириман. Шу боисдан менга ишонмасликка ҳақсизлар! Лекин рус генерали бу ерга келса, биринчи бўлиб дорга мени осадди, шунинг учун менга ишонишинлар керак! Мен сизларга қарши ўқ отишни истамадим ва рус подшосининг армиясини тарк этдим. Сизнинг синглингиз менга ёр бўлди ва иккита ўғил туғиб берди. Ана шу болалар ҳаққи, еру осмон ҳаққи, худо ва барча муқаддас нарсалар ҳаққи бу ердан Туркияга кетишга шошилманлар, ерингизни етим қолдириб кетманлар! Бу ерда сизларни нима кутаётганини билмайсизлар, лекин у ерда ҳам нималар кутаётганини билмайсизларку! Бу ер эса сизнинг ўз ерингиз. Уни ташлаб кетманлар. Нима бўлса бўлсин!

— Жим бўл, кофир!— бақирди унга мулла Сахаткери ва муштумини шундай қисдики, ҳозир уриб юборадигандек эди.

— У ўрис. У ҳозир соллатлар етиб келиб, бизга найза санчишини хоҳлаяпти,— бақирди кимдир оломон орасидан.

Менинг ёнимда букчайганча асосига суяниб турган кичкинагина бобой нам ерга ботиб турган таёғига қараганича оғир хўрсинди ва шивирлади:

– Аждодларимиз бахтли эканлар, шундай даҳшатли кунларни кўрмай ўлиб кетишди.

– Пичандан олиб келинглар, – буюрди Ҳожи Керантух.

Шу заҳоти бир неча йигит оғилхонага ташланди. У ерда отлар учун кичикроқ пичан ғарами бор эди. Йигитлар бир зумда пичан ташиб келтиришди. Ҳамма пичан ташиб бўлингач, Ҳожи Керантух томга чиқиб, ёқиб юборди.

Шошиб қолган оломон ортга тисланди ва чувиллади.

– Бу уйнинг нима айби бор эди?

– Уни кимга қолдирмоқчисан?

– Ё Тангрим, бизга раҳм қил!

– Йўлда кемалар билан сувга чўкиб кетгандан кўра, бизни шу ерда ўлдиришгани маъқул эди!

– Агар шунақа жасур бўлсанг, нега бу ерда турибсан? Қуролни ол-да, генералнинг қаршисига чиқ!

Бирдан кўплаб овозлар орасидан энг ўткир овоз янгради:

– Ўз уйларимизни ҳам ёқайликми?

Пичан борган сари кучлироқ ёна бошлади, яқин атрофдаги уйларнинг итлари ҳуришга тушдилар, кейин увлай бошлашди.

Ҳожи Керантух отлар боғланадиган ерда қантариқлик турган, тулпори томон юра бошлади ва ярим йўлда тўхтади. Мен отини ечиб келиб, унинг миниб олиш учун тизгинидан ушлаб туришимни кутди шекилли.

Лекин мен бормадим. Мен оломон орасида туриб каштанли уйнинг ёнишини кузатардим. Кимдир унинг отга минишига ёрдамлашиб юборди шекилли, у тулпорини йўрттириб, ёнимдан ўтиб кетди.

Уй эса ҳамон ёнарди. Баланд кўтарилган аланга учқунлар сочиб кўкка ўрларди.

Одамлар ҳамон тарқалишмай туришарди. Улар ғурбат элларга кетиш олдидан шу оловдан сўнгги ҳароратни олиб кетмоқчи бўлаётганга ўхшардилар. Мен эса ўзимни тағ-туби йўқ жарликка қулаётгандек ҳис қилардим. Йўл-йўлакай кўрқув ва азобдан буришган юзларга, тентираётган кўзларга, шивирлаётган лабларга, титраётган даҳанларга кўзим тушарди.

Кимдир елкамга туртди. Мен ўгирилиб Шардин Алоу ўғлини кўрдим. У паст бўйли хачирини миниб олганди.

– Тезроқ отингга миниб, ортимдан юр! Худога шукур, ниҳоят, жанобинг Ҳожи Керантух қандай одамлигини билиб олдинг. Ўшани деб жонингдан кечишга ҳам тайёр эдинг-а? – У шундай деб қаттиқ кулди-да, хачирини ниқтади.

“Шундай аламли дамда ҳам кулар экан, бу одамда қандай юрак бўлиши мумкин?” – ўйладим мен умидсизликдан баданим музлаб. Ҳожи Керантухни мен энди севмай қўйгандим, лекин Шардин Алоу ўғлидан баттар нафратланиб кетдим.

Давоми келгуси сонда

Поклик ва муҳаббат тараннуми

Адабиёт оламида улуғ шоиримиз Алишер Навоий ўта машҳур бир газалининг илк байтини тиланчидан бир қанча олтин баҳосига сотиб олган, деган нақл юради. Гадо шоир эшигига келиб, бу байтни ўқиб, тиланчилик қилган экан.

Бу нақл газалнинг фавқулудда ва ўхшаши йўқ асар эканлигига ишорадир. Ўта қиммат нархга сотиб олингани эса байтнинг гоят қимматли, маъно оламидан топилган нодир хазина эканлигига далилдир. Зотан, Навоий девонида бундай фавқулудда ва беназир газаллар ва байтлар сон-саноқсиз.

Кўкрагимдур субҳнинг пироханидин чокроқ,
Кипригим шабнам тўкулган сабзадин намнокроқ.

“Менинг кўксим тонгнинг йиртилган кўйлагидан кўра ҳам чокроқ, йиртикроқ. Киприklarим эса устига шабнамлар тўкилган майсалардан кўра ҳам намлироқ, хўлроқ”.

Тасаввуфий маънога кўра, бу манзара шоирнинг маънавий ҳоли ва мартабасидан даракдир ва тун бўйи тонггача ишқ, умид ва зорлиқ билан йиглаб чиққанидан аломатдир.

Шоир айтмоқдаки, субҳнинг кўйлаги чок бўлиб, тонг оқариб, уфқ қизариб кўринганидек, менинг қизил қондек бағрим ҳам тонг либосидан кўра чокроқ бўлган кўксим чокидан кўринаётир. Тун бўйи майсалар устига тўкилган майин, маҳзун шабнамлар тонгда равшанроқ намоён бўлади. Шоир тонг орқали тунги унсиз йиғи ҳолатини, ботиний кечинмаларини ошкор этмоқда.

Бу кўнгул ғамнокидин то шодмон кўрдум сени,
Истарам ҳар дамки, бўлғай хотирим ғамнокроқ.

“Менинг хотирим – кўнглим ғамгинроқ бўлган сари сенинг тобора шодмонроқ бўлганингни кўрмоқдаман. Модомики, сен ўз ошиғинг ғамидан суюнар экансан, бас, сенинг шодланмоғинг учун ҳар нафас кўнглим янада ғамгинроқ бўлишини истайман!”

Бу байтда “кўкраги чокроқ”, “киприги намнокроқ” бўлишининг сири очилди ва “кўнгли ғамнокроқ” ифодаси билан мазмун тобора ривожланди.

Лайли андин қўйди Мажнун кўнглида рахти ғамин,
Ким, йўқ эрди манзил ул водийда андин покроқ.

“Лайли шунинг учун ғам юкини, қайғу омонатини Мажнуннинг кўнглида қўйдики, бу ҳаёт водийсида, ишқ саҳросида, тириклик даштида ундан покроқ бошқа жой йўқ эди”.

Рахт – йўл юки, сафар анжоми дегани. Бу ўринда ғам юки, қайғу сафар халтаси, гусса омонати маъносида келмоқда. Инсоний-мажозий ишқ учунки ошиқ қалби шунчалик пок бўлиши шарт бўлса, бас, энди илоҳий ишқ учун банданинг қалби нақадар пок бўлиши керак!

Зеро, пок нарса пок жойда бўлади.

Ўйла мужгон ханжарига ёпишибдур дурри ашк,
Ким, магар андин ятиме йўқтурур бебокроқ.

Шунингдек, кўз ёшларининг дурри — инжу марваридлари киприклар ханжарига шундай ёпишиб олганки, магар ундан ҳам кўра бебокроқ — кўрқмасроқ ва бевошроқ безорию чапани йўқдир.

Саҳроларда безорилар карвонлардаги олтин-күмуш, дурру гавҳар бойликларига қандай ёпишса, киприклар ханжари ҳам кўз ёши дурларини қўлдан бергиси йўқ. Лайли, Мажнун, водий зикр қилингани учун бу байт ҳам мантиқан ҳаётий бир мисолга боғланди.

Аслида бу мажоздан мурод маърифат натижаси бўлган йиғидир, тинимсиз кўз ёши тўкиб йиғлаш манзарасини акс эттиришдир.

Лабларингдин жон олурда барча эл қулдур санга,
Жон берурада бир қулунг йўқ бандадин чолокроқ!

Сенинг лабларингдан ўз ўлик танасига жон олишда — ҳаёт топишда бутун халқ сенга қулдир, асирдир. Лекин жон беришга келганда мен гариб бандангдан кўра ҳам чаққонроқ — тайёрроқ қулинг йўқ. Зеро, ҳаёт топиш ҳаммага ёқади, лекин жон фидо қилиш, жон бериш осон нарса эмас.

Одабийлик туфроғин берса фано елига чарх,
Оҳким, йўқтур киши аҳли вафодин хокроқ.

“Фано”нинг маъноси маҳвият эканини Навоий бошқа бир ғазалининг ушбу байтида равшан билдирган:

Дединг: фано недурур? Мухтасар дейин: ўлмак,
Ки, шарҳини тиласанг, юз рисола бўлғусидир.

Тақдир, ажал бутун одамият тупроғини йўқлик шамолига совурса, яъни вафот эттирса, оҳки, унда вафо аҳлидан ҳам кўра хокроқ, тупроқроқ, яъни ўлимга тайёрроқ киши йўқдир. Ҳаётда ўзи тупроқ бўлиб, йўқлик шамолига шай турган тоифа аввало вафо аҳлидир.

Вафо улугъ неъмат бўлиши билан бирга, сидқ (тўғрилиқ ва садоқат)нинг олтидан бир қисмидир. Чунки сидқ олти қисмдир: Сўздаги тўғрилиқ. Ниятдаги тўғрилиқ. Азмдаги (азм этиб интилишдаги) тўғрилиқ. Вафодаги тўғрилиқ. Амал қилишдаги тўғрилиқ. Диннинг ҳар қандай масаласидаги тўғрилиқ. Ана шу олти сифат билан сифатланган киши сидқиқ дейилади.

Ғазалнинг сўнгги байти илк байт билан мантиқан боғланади — яна жароҳат, чок ифодаларига қайтилади:

Неча уқдосанг, Навоий кўнгли захминроқ бўлур,
Кўрмадук захмеки, тиккан сойи бўлғай чокроқ.

(Эй дўстим, табибим, шифокорим!) Сен ҳар қанча тўкиб, тикиб боғлаганинг сари Навоийнинг кўнгли яна захминроқ — жароҳатлироқ бўлиб боради. Ҳолбуки, тиккан сари тобора очилиб, чокроқ бўлиб борадиган жароҳатни ҳеч кўрмаган эдик!

“Уқла” — банд, боғ, тўқима (тикиш) дегани. Аруз вазнида рамал баҳридаги шакллардан бирининг номи ҳам “уқла” дейилади. Рамл “рамал” эса шеърнинг ўн тўққиз баҳридан бири бўлиб, бўйра тўқишдаги бир шаклга асосланган. Чунки “рамал” деб луғатда бўйра (гилам, палос) тўқишни айтилади. Шунга кўра “уқламоқ” боғламоқ, тўқимоқ, тикмоқ деган маънодадир. Мақтаъ мантиқи ва мазмуни ҳам шуни англашмоқда.

Мирзо КЕНЖАБЕК

Бир мактуб шаҳодати

Алишер Навоий қаламига мансуб “Муншаот” асари ўзбек насрининг гўзал намунаси ҳисобланади. У иншо санъатининг туркий тилдаги ягона ва гўзал намунаси сифатида ҳам қимматлидир. Зеро, унда буюк мутафаккир ва давлат арбобининг серқирра фаолияти давомида турфа ҳолатлар ва турлича сабаблар тақозоси билан юзага келган муборак мактублар жамлангандир.

Навоийнинг ёш замондоши, тарихчи Хондамир “Мақорим ул-ахлоқ” — (“Гўзал хулқлар”) китобида “Яна бир ўзларининг ҳар кимга ёзган туркийча мактубларидирки, рисола шаклида тўплаганлар. Агар ёзувчи юлдузли осмон қоғозларига унинг қимматбаҳо мактубларидан бирининг сифатларини узоқ муддат ёзса ҳам поёнига етолмайди” дея бу асарга муносиб таъриф беради.

Албатта, тарихчининг мазкур сўзлари ўта муболагали. Бироқ бу мактублар Навоий ҳаёти ва фаолияти қирраларини ифшо этувчи, унинг турли вазиятлардаги руҳий ҳолатларини ёритувчи бадиий лавҳалар ва айни пайтда даврнинг ўзига хос тарихий ҳужжатлари сифатида ғоятда аҳамиятли эканлиги равшан. Биз сўз юритадиган мактуб фикримизга ёрқин далил бўла олади.

Шу ўринда Навоий мактубларига хос бўлган бир муҳим хусусиятни ҳам айтиш ўринлидир. Бу — назм ва наср қоришиқ ҳолда келадиган мазкур мактубларда юборилаётган манзил ва шахс номи ҳамда хатнинг ёзилиш санаси кўрсатилмаганлигидир. Зотан, ўша даврдаги форсий мактубларда, чунончи, Абдурахмон Жомий номаларида ҳам шу ҳолни кўрамыз.

Умуман, Шарқ иншо санъатига хос бўлган бу ҳолат тасодифий эмас. Унинг сабабларини ўша санъат табиатидан излаш керак. Зеро, Шарқда мактублар шунчаки бирон хабар ёки мақсадни ташувчи ҳужжатгина эмас, балки ўзига хос бадиият намунаси сифатида яратилган, уларнинг бошига фалончидан пистончига, деб ёзиш бадиий кўркамликка соя солиб қўядигандек туюлган. Бошқача қилиб айтганда, манзил ва сананинг ёзилиши мактуб услубига нисбатан номувофиқ кўринган бўлса, эҳтимол. Қолаверса, жўнатилаётган манзили ва ёзилиш вақтини мактубда ёзиб қўйишга деярли эҳтиёж ҳам бўлмаган, чунки у ишончли ва тайинли, махсус кишилар орқали юборилган. Бундай кишилар — “қосид”, “ҳомил” ва “доранда” деб аталган — мактубнинг кимданлиги, қачон ва қаерда ёзилганлиги, хат муаллифи ҳақидаги баъзи маълумотларни оғзаки етказишдан ташқари айрим махфий тугилиши лозим бўлган гапларни баён этишни ҳам ўз зиммасига олган. Бир қатор мактубларда учровчи “Ружуь руқъа ҳомилининг адосига ва ҳавола нома ноқилининг дуосига қилилди” (Мурожаат этиш ва дуойимизни етказиш хат олиб борувчига юклатилди), “мундаги ҳолатни руқъа ҳомилидан сўралса, арз қилгусидир” каби жумлаларни шу маънода тушуниш керак.

Биз сўз юритмоқчи бўлган мактуб Навоийнинг энг яқин кишиси ва ишончли ходими Фиёсиддин Муҳаммад Деҳдор орқали султон Ҳусайн Бойқаро ҳузурига жўнатишган. Тархон мансабидаги бу шахс зиммасига яна Навоий томонидан Рум элчиларининг қабул қилиниши ва улар билан олиб борилган музокаралар ҳақида маълумот бериш ҳам юклатилган.

Мазмунига кўра султон Ҳусайн Бойқаро мактубига жавобан ёзилган мазкур мактуб ҳижрондан зорланиш ва висолдан умидворлик мазмунидаги рубоий билан бошланадики, бундан Навоийнинг пойтахтдан узоқда, тобе вилоят ёки шаҳарлардан бирида турганлиги англашилади:

“Жон қасди кўп этти ёр ҳижрони манга,
Хирман ўқин урди улча имкони манга,
Гар бўлса мутеъ чарх даврони манга,
Еткурса мени ул ойға ё они манга.

Куллуқ дуодин сўнгра арзадошт улким, заиф ва қувватсиз қулунгизнинг заъфи қувватқа ва марази сиҳҳатқа юз қўюб эрди. Иноят қилиб, сўрдура юборилган нишонким, етти. Айтса бўлғайким, баданда ҳарорат шуъласидин шараре ва кўнгулда изтироб шиддатидин асаре қолмади.

Битикингдинки, саводини кўруб жон топдим,
Зулмат ичра, масало, чашмай ҳайвон топдим.

Хаста қулар учун ҳақ таоло ул ҳумоюн зотни хасталигдин асрасун ва қадимий бандалар учун ул фархунда сифотни дилбасталигдин ўз паноҳида тутсун”.

Бу ёзилганлардан шунинглаш мумкинки, қайсидир вилоятда ихтиёрсиз ҳолда турган Навоийга қандайдир хасталик ёпишган. Бундан хабар топган Ҳусайн Бойқаро ҳол сўраб унга мактуб йўллаган. Буни ўзига нисбатан катта илтифот деб билган шоир шарқона лутф билан султонга миннатдорчилик билдирмоқда.

Шундан сўнг у давлат аҳамиятига молик муҳим бир воқеани баён этади:

“Бу учурда Хожа Ҳофиз Ғиёсиддин Муҳаммад Деҳдор тархон қуллик эҳромини боғлаб, Сиз томон йўлга тушди. Рум подшоҳининг илтифот қилиб, ўз элчиларини (бизга) юборилганлиги ва бу хусусда қандай ҳукмга келганлигимизни маълум қилмоқчи”.

Авалло шунини айтиш керакки, яқин вақтларгача Хуросон давлаги билан чет мамлакатлар ўртасидаги муомала ва муносабатларда Алишер Навоийнинг давлат арбоби сифатидаги иштироқи ҳақида гувоҳлик берувчи маълумотлар мавжуд эмас, деб келинар эди.

Марҳум навоийшунос олим Абдуқодир Ҳайитметов бундай қарашни рад этаркан, шоирнинг “Наводир уш-шабоб” девонидаги “Рум туҳфаларининг улошин деб турар, балки шоҳ пояндозидек талошғонни айтиб дурар” сарлавҳаси билан берилган:

Туҳфаларким юборди Қайсари Рум,
Бурса¹ жинси, фаранг дебоси,
Турфа кўргилки, зумраи ислом
Анга солди фаранг яғмоси.

қитъасини келтириб, Султон Ҳусайн саройига Рум подшосининг элчилари қимматбаҳо совғалар олиб келган, подшоҳ уларни ўз яқин одамларига улашган. Бу учрашувда Навоий ҳам қатнашган ва ўз таассуротларини ушбу қитъада ёзган, деб изоҳлайди.

Сўз бораётган мактуб ана шу фикрнинг тўғри эканлигини исботлабгина қолмасдан, Навоийнинг давлат арбоби сифатида олиб борган муҳим ишларидан бири ҳақида гувоҳлик бермоқда. Энди, элчилар орқали туҳфалар юборган Рум подшолиги қайси мамлакат эканлигини аниқлаймиз.

Тарихдан маълумки, “Рум” атамаси қадимги Рим империясининг Шарқда, жумладан, Ўрта Осиёда кенг тарқалган номидир. 395 йилда Рим империяси икки қисмга – Шарқий ва Ғарбийга бўлингач, бу ном фақат Шарқий Рим империяси – Византияга нисбатан қўлланилган. Кичик Осиё туркий қавм – салжуқийлар томонидан босиб олингач, “Рум” номи Кичик Осиёни англата бошлаган.

“Қайсар” сўзи эса, ҳукмдорга нисбатан ишлатиб келинган лотинча “Кайзар”² сўзининг арабча талаффузидир.

Яна бир эътиборга молик жиҳат шеърдаги “Бурса жинси” иборасидир. Маълумки, Бурса (Брусса) Туркиядаги қадимий шаҳарлардан бўлиб, бир неча вақт (1326-65 й.) Усмонли турклар сулоласининг пойтахти ҳам бўлган. Бу

¹ Бу сўз “Наводир уш-шабоб” девоннинг дастлабки тўлиқ нашрида “Бўлса” деб ўқилган ва шундай берилган. А.Ҳайитметов ҳам шу шаклда қўлаган. Ҳолбуки, девоннинг кўлзма нусхаларида бу сўз “Бурса” деб ёзилган.

² “Кайзар” сўзи “кесиб олинган” маъносидadır. Маълумки, қадимги Рим императори Гай Юлий Цезарь (эрамиздан аввалги 100-44й.й) туғилиш вақтида онасининг дарди оғирлашиб, туғилажак бола қориндан кесиб олинган. Шунинг учун бўлгуси императорнинг исмига Кайзар сўзи қўшиб айтилган. Бу исмининг Цезарь тарзидаги ўзгарган шакли XVI асрдан кейин янги лотинча талаффузга асослангандир. Гай Юлий Цезарь – Кайзар буюк император бўлиб, қадимги Рим ва қўшни давлатларда шўҳрат қозонганлиги учун ундан кейинги Рим императорлари ҳам ўз исmlарига Кайзар (Қайсар) сўзини қўшиб айтишни одат қилганлар. Шу тариқа Қайсар сўзи император маъносини англатадиган бўлиб қолган. XIV аср охирида Шарқий Рим (Византия) империясини забт этган турк султонлари ҳам ўзларини қадимги Рим вориси ҳисоблашга ҳақли билиб, мамлакатларини Рум ва ўзларини Қайсар деб атаганлар.

шаҳарда бошқа соҳалар қатори ипакчилик ва тўқимачилик саноати азалдан ривожланиб келган. “Бурса жинси” дейилаётган экан, буни шу шаҳарда тайёрланган шойи матолар деб тушунмоқ керак.

Ана шуларга кўра, биз қитъа ҳамда мактубда сўз бораётган элчилар ва улар келтирган тухфалар Усмонли турклар султонлигидан эканлигига амин бўламиз.

Мактубни ўқиш жараёнида ўз-ўзидан Навоий ана шу давлат аҳамиятига молик муҳим вазифани қайси шаҳарда амалга оширган, деган савол пайдо бўлади.

Навоий ҳукумат ишларига дахлдор топшириқлар билан бир неча бор мамлакатнинг турли вилоят ва шаҳарларига юборилганлиги қатор манбалардан маълум. Бундай ҳолларда у зиммасидаги вазифани бир неча кун ичида бажариб, яна пойтахт Ҳиротга қайтаверган. Бироқ, у мамлакатнинг ҳарбий чегарасида жойлашган Астрободга ҳоким қилиб юборилганида бу шаҳарда “икки йилга яқин адолат таҳтида ўтириб” (Хондамир) ҳукумат ишлари билан машғул бўлган.

Навоий Астрободга ҳоким бўлиб келганидан сўнг Султон Ҳусайн кўпинча хавф тугдириб турадиган Мозандарон, Журжон ва Филон вилоятларининг ҳокимлари ўз ихтиёрлари билан тобе бўлганликларини билдирадидилар. Туркман султони Якуббек қимматбаҳо совғалар билан уни табриклайди, Озарбайжон ва Ироқ ҳукмдорлари ҳам Навоий туфайли Ҳусайн Бойқаро давлати билан дўстона муносабат ўрнатадидилар. Бу ҳақда Хондамир шундай ёзади:

“Мозандарон, Рустамдор ва Филон вилоятларининг ҳокимлари ул жанобнинг Астрободга ҳоким этиб тайинлангани хабарини эшитиб, итоат гарданларини унинг елкасига қўйиб, Астрободга мактуб билан элчилар орқали муносиб тухфа ва ҳадялар юбориб, ўзларининг ихлос жавоҳирларини арз тавоғига қўйдилар.

Астробод ул ҳашаматли амирнинг (яъни Навоийнинг — Ю.Т.) иззатли маснади бўлган ўша кунлари олий даражали подшоҳ, адолатпаноҳ Султон Яъқуб мирзо бир неча бор сўзамол ва ишончли одамларни фахрли чопонлар ва мўлк-қўл тансиқ моллар, иноятли ва марҳамат уйғотувчи мактублар билан юбориб, муҳаббат ва дўстликни камолотига етказди”.

Аслида султон Ҳусайн Бойқаронинг Навоийни бу чекка вилоятга ҳоким этиб юборишдан кўзлаган асосий мақсадларидан бири ҳам ана шу эди. Бу ҳақда султоннинг Яқуббекка ёзган бир мактуби¹ тўла гувоҳлик беради (бу қимматли ҳужжат ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинасида 286-инв.рақами билан сақланади). Форс тилидаги бу мактубда Ҳусайн Бойқаро ўзаро муносабатлар тақозосига кўра туркман султонига ўз ҳурматини изҳор этиб, ҳар икки мамлакат ўртасидаги дўстона алоқалар ўрнатиш чегара жойларини идора қилиб турган кишилар зиммасига катта масъулият юклашини, бироқ шу пайтгача тайинланган ҳокимлар бу вазифани уддалай олмаганликлари, шунга кўра энди ўзининг энг яқин кишиси ва давлат арбоблари орасида энг тадбиркори бўлган амир Алишерни ўша вилоятга ҳоким қилиб юбораётганини таъкидлайди:

“...бу шаъни улуғ ва баёни аъло иш тепасига олампаноҳ даргоҳимиз маҳрамларидан шундай бир киши тайинламоғи лозимки, у камоли ақидоту ихлос ва ниҳоятда яқинлигу махсуслик билан бирга яна, баланд қимматлилик беағида барчадан кўрками ва шуҳрату давлатмандликда барчадан юқори бўлсин.

Алҳақ, бу саодатли сифатларни ўзида жамлаган киши — пойдор давлатимизнинг сирларига маҳрам, осмон қадарли боргоҳимиз хилватгоҳида (бизга) гамнишини, салтанатимиз устунни, мамлакатимиз таянчи, султон ҳазратларининг ишончлиси ва хоқонликнинг кифти Низомиддин Алишердир...”

Мамлакат ҳукмдори томонидан Навоийга мазкур вилоят ҳокими сифатида ҳукумат маанфатларига мос тушувчи ҳар қандай ишларни амалга ошириш, давлат ва фуқароларнинг дахлсизлиги йўлида керакли ҳар қандай чораларни кўриш ҳуқуқи бериб қўйилганлиги ва ўзи амалга оширган ишлар ҳақида мактублар орқали хабарлар йўллаб туриш ҳам топширилганлиги иншо сўнгида алоҳида таъкидланади:

“Содир бўлувчи ишлар бўйича “Машваратсиз қилинган иш — тўғри эмас” (деган мақол) мазмунини назарда тутиб, мактублар ва ёзишмалар эшигини очиқ сақласин. Мазкур (амир) ҳар ниманики ўз уҳдасига олишни лозим топса,

¹ Шарқшунос Асомиддин Ўринбоев бу мактубнинг ўзбекча таржимасини у ҳақдаги мақола билан бирга “Адабий мерос” журналининг 1982 йил 2-сонидан эълон қилган.

дину давлатнинг тўғри тадбири ва мулку миллатнинг ривожи бутунлай ана шунда эканлигига сира шубҳа йўқдир. Унинг пок хотирига нимаики келса ва уни амалга оширса, (бизнинг) офтобдек нурли замиримиз олдида айни савоб ва эзгуликнинг ўзгинасидир”.

Бизнингча, Усмонли турклар султони ҳам, кечроқ бўлса-да, Астрободга Навоийни ҳоким этиб тайинлашига хайрихоҳлиги ва дўстона муносабатининг ифодаси сифатида мактубда тилга олинаётган кишилар ва тухфаларни юборган бўлиши ҳақиқатга яқин.

Мактубдаги яна бир жиҳат ҳам ана шундай фикрга келишимизга далолат қилади.

Хусайн Бойқаро ҳузурига Навоий айнан Хожа Ҳофиз Гиёсиддин Муҳаммад Деҳдорни юборишни мақбул кўрган. Бу бежиз эмас эди. Зеро, бу шахс Навоийнинг жуда яқин маҳрами ва ишончли ноиби ҳам бўлганлиги Хондамирнинг “Мақорим ул-ахлоқ” асари орқали маълум.

Навоийнинг Астрободдан Хусайн Бойқарога йўллаган иккинчи бир мактубида ҳам шу исм тилга олинади. Уша мактубда бу вилоятда маскан ва бу сарҳад (чегара)да маскан тутган Навоий баъзи бир давлат ишларига дахлдор хабарларни етказиш учун “муътамад анис (ишончли дўст) ва муътаман жалис” (ишончли қозонган ҳамсуҳбат) Хожа Ҳофиз Муҳаммад Деҳдорни остонбўслиққа (хизматга) юборганлигини ёзади.

Рум мамлакати султонининг илтифот кўрсатиб юборган тухфалари ва уларни келтирган элчилар билан олиб борилган музокаралар натижаси ва айтиш мумкинки, бу иш билан боғлиқ махфий гапларни мамлакат эгасига етказишдек масъулиятли ишнинг ана шу шахсга юклатилиши ҳам бу ишда шахсан Навоийнинг роли катта бўлганлигидан гувоҳлик беради. Чунки Хожа Ҳофиз Гиёсиддин Муҳаммад Деҳдор тарихий-адабий манбаларда кўрсатилганидек, табиатан зийрак ва хушчақчақлиги, доно ва зукколиги, нозикфаҳм ва уддабуронлиги билан Навоийнинг ишонч ва эътиборини қозона олган киши эди.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур мактуб Алишер Навоийнинг йирик давлат арбоби сифатида олиб борган ижтимоий-сиёсий фаолиятининг ёрқин саҳифаларидан бирини иншо этувчи ва айни пайтда XV аср иккинчи ярмидаги Султон Хусайн Бойқаро бошлиқ Хуросон давлатининг нафақат Шарқ мамлакатлари билан, айни пайтда Ғарб мамлакатлари билан ҳам ижтимоий, сиёсий ва маданий алоқалар олиб боргани ҳақида гувоҳлик берувчи ҳужжат сифатида ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

*Юсуф ТУРСУНОВ,
филология фанлари
номзоди*

Ўзбекистон Қаҳрамони
Озод Шарафиддиновнинг
80 йиллигига

Ҳақиқатга бахшида умр

Давра суҳбати

Мирпўлат МИРЗО, “*Жаҳон адабиёти*” журнали Бош муҳаррири ўринбосари:
— Улкан адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов қизғин ҳаёт йўлини босиб ўтди. Унинг адабиётимизга қўшган ҳиссаси, жасоратларга бой ижодий фаолияти ҳукуратимиз томонидан юксак тақдирланди. Устозимиз босиб ўтган умр йўлига назар ташласак, жуда катта ижодий мерос, ёшларга ибрат бўладиган маънавий жасорат намунаси қолганлигига гувоҳ бўламиз. Бугунги кунда бутун фикру вужуди билан мустақилликни алқаган, истиқлолни куйлаган қаҳрамон адибимизнинг 80 йиллигини мамлакатимиз кенг нишонламоқда.

Мен “Жаҳон адабиёти” журналида ўн йилга яқин вақт давомида Озод ака ёнида доимо бирга юрган бир шогирд сифатида унинг маънавий жасоратига кўп гувоҳ бўлганман. Масалан, пойтахтимиздаги коллежлардан бирида ўтказилган учрашувда талабалардан бири Озод акага: “Бундай учрашувларга келиш сизга оғирлик қилмайдами?” — деб савол бергани ёдимда. Шунда устоз талабага: “Мени бунақа учрашувларга келишимга сизларга, жамиятга кераклигим туйғуси куч беради”, — дегандилар.

Озод аканинг мероси ўрганилаётгани, мунтазам ўтказилаётган адабий тадбирлар, китобларининг чоп этилаётгани устознинг асарлари бугунги кунда ҳам жамиятимизга керакли эканлигини исботлаб турибди.

Бинобарин, элни, юртни ва юксак ҳақиқатни улуғлаган адиблар ҳамма даврларда ҳам халқ билан, ёшлар билан тирикдек яшайди.

Озод аканинг фазилатларидан бири ҳамманинг ҳам кўлидан келавермайдиган журъатлилиқ, дадилликда кўринарди. Ҳар бир асарнинг баҳосини муаллифнинг кимлигидан қатъи назар, юзига тик қараб айта оларди. Яхши асарни юзага чиқаришга, эълон қилдиришга ҳам катта шижоат билан киришиб кетарди.

Яна бир ҳолатга эътибор қилсак, Озод аканинг самимияти ҳам жасоратга йўғрилганлигига амин бўламиз. Хусусан, “Мустақиллик меъмори” асарида Юртбошимиз шахсига, у киши амалга ошираётган улкан ўзгаришларга гоят самимият билан, илҳом билан муносабат билдирганлар. Бу эътирофларни биз адиблар худди ўз дилимиздаги гаплардек мамнуният билан ўқиганимиз ёдимизда. Айни пайтда юртбошимиз томонидан Озод акага билдирилган юксак эҳтиромни мамлакатимизнинг бутун зиёлиларига кўрсатилган катта эътибор деб қабул қилишга ҳақлимиз.

Бугунги давра суҳбатимизга устозимиз Озод аканинг сафдошлари, шогирдлари ва ихлосмандлари жам бўлишган. Одил ака, мана Сиз адабиётимизга улкан ҳисса қўшган адибларимиздан бирисиз. Сиз яратган роман, қиссаларга (жамики асарларингизга ҳам дейишимиз мумкин) Озод ака ўз муносабатини билдириб келган. Бундан ҳаммамиз хабардормиз. Ўз дўстингиз, сафдошингиз ҳақидаги фикрларингиз билан суҳбатимизни бошлаб берсангиз.

Одил ЁҚУБОВ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси:

— Мана, сиз дўстимиз Озод Шарафиддиновнинг маънавий жасорати, уни илҳомлантириб турган “жамиятга кераклилик туйғуси” ҳақида гапирдингиз.

Озод Шарафиддиновнинг бу фазилатларини энг аввало қадрлаган ва юксак баҳолаган Президентимиз Ислон Каримов бўлди.

“Жаҳон адабиёти” журнали таъсис этилганда муҳтарам Президентимиз Бош муҳаррир лавозимига Озодни таклиф этгани адиблар даврасида кўпчиликка маълум.

Шунда Озод Ислон акага:

– Муҳаррирлик жуда қийин соҳа-ку, Ислон Абдуганиевич, балки мендан бошқа одамни топарсизлар, – деганда, Президентимиз:

– Мен биламан, сиз ишнинг кўплигидан эмас, аксинча, иш озлигидан азият чекадиган инсонлар тоифасига кирасиз. Сиз ишни бошлайверинг, соғлигингиз ҳақида биз ўйлайлик, – деганини Озод кўп эслаб:

– Бундай гапдан кейин мен Президентимизнинг бу таклифини қандай рад этардим, – деганлари ёдимда.

Ҳақиқатан, Озод “Жаҳон адабиёти” журнаliga бутун ақлу заковатини бағишлаб ишлади. Ҳатто оғир касаллик хиппа бўга бошлаганда ҳам у таслим бўлмади, аксинча, ишга қаттиқ шўнғиди, ишдан ҳаловат қидирди.

Пиримқул ҚОДИРОВ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси:

– Утган асрнинг бошларида ҳаётда ва бадиий адабиётда миллий уйғониш руҳи кучайган, эркинлик орзуси ва истиқлолга чорлаш ғоялари баралла қуйланган эди. Афсуски, халқимизни ўзлигини англашга, эрк ва истиқлолга чорлаган бу ҳаётбахш уйғониш чечаклари мустабид тузум бўронлари остида шафқатсиз сўндирилди.

Лекин баҳорни орқага қайтариб, яна қишга айлантариб бўлмас экан. Олтмишинчи йилларнинг бошларида Озод Шарафиддинов каби янги тафаккур эгаларидан сабоқ олган ва уларнинг ижодий дардларига ҳамдард бўлган янги истеъдодлар уйғонди. Озод Шарафиддинов ўзи дарс берган талабалар орасидан чиққан ана шундай ёш ватанпарвар шоирларни тақдирнинг инъоми сифатида кутиб олди. Жумладан, Эркин Воҳидов ва Абдулла Ориповларнинг чуқур миллий руҳ билан сугорилган шеърларига хайрихолик қилди, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлади. Бу икки оташин шоирнинг «Ўзбегим» ва «Ўзбекистон» шеърларидан бошланган миллий руҳ янада юксак пардаларда жаранглаб, янги бир уйғониш даври бошланганидан далолат берди. Истиқлол шарофати билан йигирманчи йилларда эсан илк уйғониш еллари асримиз охирига келиб, мустақил Ўзбекистоннинг миллий тикланиши ва ҳар томонлама юксалиш жараёнларига қўшилиб кетди. Ана шу мангуликка дахлдор хайрли, эзгу ижодий ишларда Озод Шарафиддинов фаол қатнашгани, байроқдорлардан бирига айланганини ҳамиша фахр ва ифтихор билан тилга оламиз.

Аллома Озод Шарафиддинов ижоди обиҳаётга тўлиб оқётган дарёга ўхшайди. Айниқса, унинг “Ижодни англаш бахти” ва “Довондаги ўйлар” деб аталган икки жилдлик асарлари адабиётимиз ва фанимизнинг олтин хазинасидан ўрин олган бебаҳо маънавий бойликдир. Бу бойликни қадрлаш ва ёш авлодлар қалбига етказиб бериш Озод Шарафиддинов ижодидан ҳамон маънавий мадад олиб келаётган биз каби дўстлари ва мухлисларининг бурчидир.

Мирпўлат МИРЗО: Сизга ва Одил акага домланинг эътиборлари ўзгача эди. Пиримқул ака, журналимизнинг 1-сонида сизнинг янги асарингиз ҳам Озод аканинг ташаббуси билан чоп этилганди. Ҳаммага манзур бўлган “Амир Темур сиймоси” асарингиз ҳам биринчи марта “Жаҳон адабиёти”да эълон қилинди.

Мана, даврамизда асарлари дунёнинг ўттиздан ортиқ тилига таржима қилинган, ўзбек болалар адабиётининг йирик намояндаси Худойберди ака ҳам иштирок этмоқдалар. Марҳамат, Худойберди ака, сизнинг ҳам дил сўзларингиз бор, албатта.

Худойберди ТҶҲТАБОЕВ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси:

– Устозларнинг гапини эшита туриб Озод акага боғлиқ шу хотиралар эсимга тушди. 1981 йилга қадар Озод ака билан яқиндан таниш, тўғрироғи, унга мухлис эдим. Мақолаларини ўқирдим, таржималарининг гўзаллигига тан бериб юрардим.

1981 йилнинг январида “Қасоскорнинг олтин боши” романим босилиши билан, китоб ҳақида гоҳо яширин, гоҳо ошкора баҳс бошланди. Пиримқул ака, эсингизда бўлса роман сизнинг сўзбошингиз билан босилган эди. Шунга

қарамасдан, мени миллатчиликда айблай бошлашди. Романнинг асосий қахрамонларидан бири Ҳамдамбойнинг авлодларидан кўпчилиги тирик экан. Биттаси Самарқанд шаҳар Темирйўл райони прокурори, иккинчиси область ижроия комитети ахборот бўлими бошлиғи, яна биттаси Оқдарё район умумий овқатланиш бўлимининг раҳбари экан.

Шунақанги ҳужум бошладиларки, ҳали айтганимдек, довдираб қолдим. Худога шукур, Озод Шарафиддинов енг шимариб, мени ҳимоя қилишга киришди. “Адабиёт ва санъат” газетасида катта мақола эълон қилиб, ҳам бадий, ҳам тарихий ҳақиқат борасида менинг романимни оқлаб, ҳимоя қилиб, ҳужум қилаётганларга зарба берди.

Ана шу ҳимоялар туфайлими, Худо ёрлақаб ўша йили Одил ака сизнинг “Диёнат” романингиз қаторида “Қасоскорнинг олтин боши” романимга ҳам йиллик мукофот берилган эди.

Бу воқеадан кейин Озод акага яна қаттиқроқ боғланиб қолдим. Фельетончиликни ташлаб, болалар адабиётига ўтиб кетишимга ҳам Озод ака билан яқинлигим сабабчи бўлган эди.

Умарали НОРМАТОВ, филология фанлари доктори, профессор:

— Мен дўстим Худойбердининг сўзини маъқуллаган ҳолда Озод аканинг адабий танқидчиликдаги хизмати ҳақида гапирмоқчиман.

Абдуғафур РАСУЛОВ, филология фанлари доктори, профессор:

— Сиз, Умарали ака, домланинг адабий танқидчилик фаолияти ҳақида ҳар қанча гапиришга ҳақлисиз. Сабаби, сиз Озод аканинг расман биринчи шогирдисиз...

Умарали НОРМАТОВ: Озод Шарафиддиновнинг қатағон қилинган адиблар меросини халққа қайтариш йўлидаги жонбозликлари илмий-ижодий жасорат намунаси дейишимиз мумкин. Мустабид тузум шароитида бундай кураш ва шижоатлар қанчалар қимматга тушганлигини, эҳтимол, ҳозирги ёш авлод яхши билмас. Мунаққид Абдулла Қаҳҳорнинг “Тобутдан товуш” комедияси ҳақидаги илҳом ва эҳтирос билан ёзилган мақоласи, мафкуравий-сиёсий жиҳатдан “номақбул” шеърлар муаллифлари, Пиримқул ака алоҳида таъкидлаган Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповларга устозлик қилгани учун таъна-дашномларга учради, у муҳаррирлик қилган “Тирик сатрлар” тўплами, Абдулла Қаҳҳорнинг “Ёшлар билан суҳбат” китоби қатағонга учради; Чўлпон шеърляти, замонавий адабий жараён, қатор назарий масалаларга оид илмий мулоҳазалари, адабий анжуманлардаги дадил чиқишлари жиддий “сиёсий хато”ликда айбланиб, мунаққиднинг қутлуғ номи бадном этилди. Бироқ устоз вужудидаги, руҳидаги мислсиз матонат, чексиз ҳаётсеварлик туфайли бу хўрликларни енга олди ва аҳдидан, танлаган йўлидан қайтмай, шижоат билан илмий-ижодий, педагогик фаолиятини давом эттирди.

Абдуғафур РАСУЛОВ: Тўғри айтасиз, Озод Шарафиддинов шахсда ва ижодда эрк туйғуси нақадар муҳимлигини англаб етган шижоатли мунаққид эди. Ўша даврларда ҳам унинг наздида Чўлпон Эркини бор овозда куйлаган улкан санъаткорлардан бири эди.

Хусусан, “Чўлпонни англаш” китобида Озод ака улуг шoirимизнинг адабиётдаги юксак мавқеини тиклашга ҳам катта ҳисса қўшди.

Пиримқул ҚОДИРОВ: Озод айни шу рисоласининг ўзи билан ҳам адабиётшунослик тарихига ўз номини муҳрлаган бўлур эди. Шахсан, менга шундай туюлади.

Абдуғафур РАСУЛОВ: Дарҳақиқат шундайку-я, Пиримқул ака, лекин устознинг Ҳамза ҳақидаги кенг кўламли мақоласига нима дейсиз? Яхши биламизки, Ҳамзани шўролар даврида шўро шоири деб улуғлангани учун ҳам унинг ижодига галати муносабатлар шакллана бошлаган эди. Озод ака эса миллатимизнинг оташин шоири ижодининг туб моҳиятини очиб, адолатни юзага чиқариб берди. Холбуки, бизда ҳамзашунослар бисёр эди. Улар қила олдиларми бу ишни?

Мирпўлат МИРЗО: Лекин ҳар қандай шароитда ҳам домланинг ён атрофида ўнлаб, юзлаб шогирдлари бор эди. Абдуғафур ака, ҳозир сиз айтиб ўтган жасорат,

дадиллик бевосита уларнинг кўз ўнгида содир бўлганининг ўзи ҳам улар учун бир сабоқ бўлган бўлса, ажаб эмас. Шундай эмасми, Ўткир ака?

Ўткир ҲОШИМОВ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси:

— Мен университетда дарс берган, менга ижод сирларини ўргатган барча домлаларимни хурмат қиламан. Бироқ улар орасида икки киши — Озод ака ва Матёкуб Кўшжонов айрича таассурот қолдиришган. Озод аканинг бирон дарга папка ёки “шпаргалка” кўтариб кирганини эслолмайман. Домла қайси мавзуда дарс ўтмасин (маъруза ўқиш эмас, айнан сабоқни назарда тутаяпман), шу қадар теран фикрларни ўртага ташлар, шу қадар шавқ ва шиддат билан сабоқ берардики, бошқа факультет, ҳатто бошқа олий ўқув даргоҳларидан ҳам талабалар кириб, домланинг фикрларини жон қулоғи билан тинглади эдилар. Озод аканинг имтиҳон олиши ҳам галати эди. Бир сафар кўлимдаги чиптага қараб, саволларга “булбулиғуё” бўлиб жавоб бераётганимда домла шартга гапимни бўлиб, “тушундик, мулла, буюғини қойил қиларкансиз, энди айтинг-чи...” деб ўша пайтдаги рус ва жаҳон адабиётининг энг ёрқин вакиллари ижоди ҳақида нималарни билишим, қайси асари ҳақида фикрим қандайлигини суриштирди. Кейин билсам, домла бизни бировларнинг китобидаги сўзларни “ёдламай”, мустақил фикрлашга ўргатган экан...

Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ, филология фанлари номзоди, “Жаҳон адабиёти” журнали бўлим мудири:

— Узр... Мен диққатингларни домладаги муҳим бир фазилатга қаратмоқчиман. У киши қайсидир масала хусусида тортишиб, ўз нуқтаи назарини қаттиқ ҳимоя қилган пайтларида бирон марта ҳам ўзини кўрсатиш учун ёки шахсий манфаатини кўзлаб минбарга чиққан эмас. Умарали ака айтганидек, Чўлпон ижоди, Абдулла Қаҳҳорнинг “Тобутдан товуш” драмасини ёқлаш, “Тирик сатрлар”, “Ёшлар билан суҳбат” тўпламларига муҳаррирлик қилишдек қалтис ҳаракатларнинг оқибати қандай тугашини у аввалдан яхши биларди. Ўжар олимнинг танобини тортиб қўйишлари аниқ эди. Бунга кўп уриниб кўришди ҳам. Домла бамисоли Қақнус куш каби оловлар ичидан соғ-саломат чиқиб, жасорат намунаси сифатида кўз ўнгимизда тагин тоғдек қад кўтариб тураверди.

Шу ўринда яна бир мисол келтираман. XX аср бошларида Туркистон ўлкасининг озодлиги, эрки учун курашган фидойилар кўп бўлган. Улар орасида собиқ Туркистон Мухтор Республикасининг раҳбарларидан бири Мустафо Чўқаев алоҳида ажралиб туради. Талабалик йилларимизда бу киши ҳақида бир ёқлама тасаввур қулогимизга қўйилган: ашаддий миллатчи, буржуазия жосуси, империализм малайи ва ҳоказо. Бу одам ҳақида билганларимиз шу эди. Мустақиллик йилларида ҳам Мустафо Чўқаевнинг асарлари ҳақида дурустроқ маълумот олганимиз йўқ. Қарангки, юзлаб олимлар, тарихчилар бу мураккаб сиймо ҳақида ёзиш керакми-йўқми деб, иккиланиб турган вақтда Озод домла яна бир жасорат кўрсатди. Мустафо Чўқаевнинг умр йўлини ва унинг истибодни шош этувчи кескин асарларини мукамал ўрганиб, каттагина адабий портрет — бадиасини эълон қилди. Домла ушбу бадиасида бу сиймо истиқлол учун фаол курашчилардан бири бўлганини теран далиллар билан исботлаб берди.

Мирпўлат МИРЗО: Даврамадан Фарғонадан ташриф буюрган филология фанлари доктори Йўлдош Солижоновдан ҳам эшитсак. Марҳамат, Йўлдош ака.

Йўлдош СОЛИЖОНОВ: Суҳбатдошларимиз айтганидек, устоз ўзидан ҳам кўра ўзгаларни кўпроқ ўйларди, ўзининг иши битмаса ҳам бошқаларнинг ишини битиришга кўмаклашарди. Бунга кўп бора гувоҳ бўлдим. 2001 йилдан бошлаб докторлик ишим юзасидан Тошкентга серқатнов бўлиб қолдим. Домла кўпинча шифохонада даволанаётган бўлардилар. Ўзлари не аҳволда ётган бўлсалар ҳам қабул қилар, ишим қай даражада эканлигини, қандай ёрдам кераклигини сўрадилар.

Домланинг ҳар бир мақоласи ўқувчида фикр уйғотади, баҳс-мунозарага чорлайди. Шу билан бирга, Озод ака ўзи қаламга олган масалани туб-тубигача очиб беришга ҳаракат қиларди. Устознинг жиддий танқидий мулоҳазаларида ҳам ижодкорни авайлаш, унинг келажагига ишонч балқиб туради. Шу фазилатига кўра “калтак еган” ижодкорлар ҳам домлани яхши кўрадилар.

Одил ЁҚУБОВ: Озоддаги, мана, Йўлдошжон таъкидлаган гамхўрлик, даврадагилар айтиб ўтган маънавий жасоратнинг, фидойиликнинг илдизи қаерда деб ўйлайсан киши. Бу биринчидан, унинг табиатига боғлиқ бўлса, иккинчидан, Озод ҳаёт билан адабиётни алоҳида-алоҳида олиб қарамаслигида эди. Ҳаётий ҳақиқатнинг сурати иккаласида ҳам бир хил кўриниши лозим, деб ҳисобларди.

Пиримкул ҚОДИРОВ: Тўғри айтасиз, Одилжон. Зотан Озоднинг ўзи илмда, ижодда қандай бўлса, хизмат фаолиятида ҳам шундай эди. Эгаллаган мавқеида қанчалик самимий бўлса, оиласида ҳам меҳрибон, камтар эди. Шундай эмасми Муҳаббатхон?

Муҳаббат ШАРАФИДДИНОВА, филология фанлари номзоди:

— Тўғриси айтсам, дадам билан сафдош бўлган ҳурматли олимларимиз, адибларимизнинг дил сўзларини тинглаб ҳаяжонланиб ўтирибман. Сизларга оиламиз номидан миннатдорчилик билдираман. Дадамни ҳам инсон, ҳам ижодкор сифатида фаолиятларини ўрганар эканман, у кишидаги ақл-заковат, ўткир хотира, теран дунёқараш, кенг кўламли диапазон олдида ҳайратга тушаман. Бунинг сабабини ижод намуналари орқали кўришимиз мумкин. У кишининг яққол кўзга ташланадиган фазилати — ҳаётдаги, адабиётдаги муаммоларни илгаш, таҳлил этиш ва ечимини дадил топишда кўринади. Бу уч вазифани дадам бир вақтда бажарар эдилар. Ҳамманинг ҳам кўлидан келмайдиган бу ноёб фазилатни “Салмон Рушдига очик хат” ёки “Нега эътиқодимни ўзгартирдим?” каби мақолаларида яққол кўриш мумкин.

Дадамнинг табиатларига хос муҳим қирралардан яна бири шундаки, у қайси ижодкор асарини таҳлил қилмасин (хоҳ ёш ёзувчи бўлсин, хоҳ тажрибали) — бу ижодкорнинг асарларини гўё ўз лабораторияси объектига айлантирар, ўзи ҳам ҳар бирдан сабоқ, маънавий озуқа олишга ҳаракат қилар эдилар. Танқидчиликнинг вазифасини ижодкорга ақл ўргатиш, фақат кўкка кўтариш ёки ерга уришда эмас, асарларидаги бадиийликни ахтаришда, деб билар эдилар. Қайси ижодкор хусусида тўхталмасинлар, масалан, Чўлпон, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Ғафур Фулом, Зулфия, Шайхзода, Миртемир, Саид Аҳмадлар ҳақида ёзадиларми — ҳар бир мақоласида уларнинг овози эшитилиб турар эди.

Вазира СОБИРОВА, “Турон” кутубхонаси директори:

— Ҳозир Муҳаббат опа Озод аканинг таҳлил қилган асарларидан маънавий озуқа олишлари ҳақида гапирганларида, кўз олдимга у кишининг нақадар кўп китоб ўқишлари келди. Домла билан илк бор танишганимдаёқ, у менда илиқ таассурот қолдирган эди. Ўша пайтларда “Турон” кутубхонасида бўлим мудири бўлиб ишлардим. Ҳар сафар домла билан суҳбатлашганимда, бир нарсани, ўзбекона “зиёилик”ни ҳис қилар эдим. Домланинг танлаб ўқиши, кўпроқ ижод қилиши, кўрган-билганларини тезроқ қоғозга туширишини кўриб, у кишига ҳурматим янада ортар эди. Озод ака “Турон”ни ўзининг иккинчи уйи деб ҳисобларди. Ходимларини эса худди ўз оила аъзоси сингари ардоқларди.

Озод аканинг кутубхонамиз жамғармасини тўлдиришга қўшган ҳиссаси жуда катта. Унинг хорижий адибларнинг асарлари ҳақидаги мақолалари, фикрлари ва маслаҳатлари асосида “Турон”нинг китоб жамғармасини бойитиб борардик. Озод ака “Турон”да ўтказилган барча тадбирларда қатнашиб, мазмунли ва қизиқарли суҳбатлари билан даврага файз киритар эди.

Маҳмуд САТТОРОВ, “Адолат” нашриёти директори:

— Озод Шарафиддинов шўро даврида адабиётга янги нафас, тоза ҳаво олиб кириб, умрини адолат учун, ҳақиқат тантанаси учун курашда ўтказган инсондир. Мустақиллик йилларида устоз чинакам қаҳрамонлик намунасини кўрсатди.

Мен Озод аканинг “Президент” китобининг яратилишидан бир ношир сифатида бирмунча хабардорман. Шуни ишонч билан айта оламанки, устоз муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг нурли сиймосини тўлақонли ярата олди.

«Шундай одамлар борки, улар билан ҳар бир учрашув кўнгилда ўчмас из қолдиради, — деб ёзади домла «Президент» китобиди: — Ислом Абдуганиевич Каримов ана шундай одамлар сирасига киради. У киши билан ҳар учрашганимда

кўнглимда қандайдир нури туйғулар пайдо бўлар, улардан бутун вужудимга алланечук қувват югургандек туюлар эди...»

Аллома «Президент» рисоласида Ислоҳ Каримовнинг ижтимоий, сиёсий, адабий портретини ярата борар экан, дил сўзларини шундай эътироф этади:

«1991 йилнинг 31 август куни Президент Ислоҳ Каримов Олий Кенгаш сессиясида Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини эълон қилди. Халқимиз ҳақли равишда Ислоҳ Каримовни мустақиллигимизнинг бош меъмори деб атайти».

Ўзбекистонни, унинг 25 миллионлик халқини озодлик, мустақилликка олиб чиққан йўлбошчи, қаҳрамоннинг образини чизар экан, адиб ўша кунлар руҳини жонлантиради:

«Ислоҳ Абдуганиевич Каримов Президентлик лавозимига келган кезларда замон оғир, кечаги иттифоқда алғов-далғов авж олган, кўп жойларда тўплар гумбурлаб, кўча-кўйлар танкларнинг ваҳимали садосига тўлиб кетганди. Ўзбекистон ҳам тўрт томони ёнғин билан қуршалган оролга ўхшарди».

Мамлакатни мана шундай мушкул вазият, шароит ва аҳволда қабул қилиб олгач, Йўлбошчи қандай ҳаракат қилиши, унинг шахси, иродаси, мақсад ва интилишлари қандай бўлиши керак? Озод Шарафиддинов Ислоҳ Каримовнинг бошқа шахс ва лидерларга ўхшамаган, фақат ўзигагина хос ва мос инсоний сифатлари, сабот-магонати, кураш йўли ҳақида ҳаммамизнинг дилимиздаги гапларни айтди.

Баҳодир КАРИМ, филология фанлари доктори:

— Бадиий асарнинг туб моҳияти, сир-асрорини англаш ва тушунтириш бахти ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Бунинг учун юксак истеъдод лозим. Озод ака ноёб истеъдод эгаси эди. Бинобарин, устоз доимо янги асарларга нисбатан энг тўғри сўзни айтар, муайян бир адабий воқелик ёки маълум бир ижодкор шахсини муносиб баҳолар эди.

«Ижодни англаш бахти» тўпламини varaқлаб кўринг: «Истиқлол нуруларида эврилаётган адабиёт», «Истиқлол ўйлари», «Адабий суҳбатлар», «Қадрдон чехралар», «Устозлар ва ҳамкасабалар», «Китобсиз яшаб бўлмас», «Жажжи портретлар, муқаддималар, ихчам тақризлар» деб номланган етти бўлимдан таркиб топган ҳар бир бўлим номланиши ўзида бир олам маъно, фалсафа бор. Бу китобга тақризчи бўлганимдан фахрланаман.

Умарали НОРМАТОВ: Устоз ижодий фаолиятининг ўттиз беш йили мустабид тузум, ўн беш йили эса истиқлол йилларида кечди. Устознинг чоп этилган адабий-танқидий, публицистик ва таржима асарлари рўйхати 616 та. Шулардан 200 дан ортиқроғи 1991 йилгача, қолган 400 га яқини эса мустақиллик йилларида дунё юзини кўрган. Шу мисолнинг ўзиёқ домланинг мустақиллик фидойиси, истиқлолдан чинакамига илҳом ва руҳ олган инсон эканини кўрсатади.

Абдуғафур РАСУЛОВ: Дарҳақиқат, Озод Шарафиддинов сўнгги йилларда Америка ва Фарбий Европа адабиётларидаги оқимлар, поэтиканинг назик муаммолари, герменевтика, аксиология билан яқиндан танишди. Устознинг улуг сабоғи шундаки, у жўшиб, тўлиб-тошиб модернизм, экзистенциализм, абсурдизм, авангардизм, сюрреализмга бутунлай маҳлиё бўлиб кетмади. У Фарб адабиётшунослиги назариясини уқишга, англашга ҳаракат қилди. Эътибор беринг, Озод Шарафиддинов модернизм, ўзга оқиму назариялар ҳақидаги қарашлари ифодаланган мақоласига «Модернизм жўн ҳодиса эмас» деб сарлавҳа кўйди. Сарлавҳа — муносабат, англаш даражаси, гоёнинг ифодаланиш йўли. Устоз ўзбек адабиёти намуналаридан биронтасини модернизм қолипига солиб таҳлил қилишга шошилмади.

Сайди УМИРОВ, филология фанлари номзоди:

— Таниқли адиб Асқад Мухтор ўттиз йил муқаддам «Вопросы литературы» журнали тарқатган анкета саволларига жавобида шундай ёзган эди: «Ҳозирги ўзбек танқидчилари ичида Озод Шарафиддиновнинг асарларини алоҳида қайд этмоқчи эдим. Унинг китоблари адибларга ақл ўргатмайди, балки тенгма-тенг туриб жиддий, фойдали суҳбат куради. Муаллиф — ёзувчи ва ўқувчи билан биргаликда адабиёт ва ҳаёт муаммоларини муҳокама қилаётгандай бўлади. Унинг оддий ва самимий услуби ўзига ром этади, бу мунаққид шахсияти аксидирки, менинг меҳр ихлосим танқидчи томонида». Адиб, гарчи аниқ айтмаган бўлса

ҳам, гап мунаққид асарларига хос публицистик руҳ, адолат ва ҳақиқат туйғуси ҳақида кетаётганини англаш қийин эмас.

Умуман, юртимизнинг ижтимоий-маданий ҳаётида қандай янгилик, муҳим ўзгариш бўлса, “Бу ҳақда Озод Шарафиддинов нима дер экан?” деган савол пайдо бўлар, Устоз ҳам ортиқча маҳтал қилмай матбуотда, эфир, экранда мақола, суҳбат билан чиқар, кўнглидаги гапларни, оғриқли муаммоларни дадил ва далиллаб айтар эди.

Ёзувчилар, домлалар, турли касб соҳиблари ҳақида ҳеч ким Озод Шарафиддиновдай кўп ва хўп ёзган, ижодий портрет, эссенинг катта, ҳатто яширин имкониятларини намоён қилган эмас.

Мирпўлат МИРЗО: Дарҳақиқат, баъзи кишилар устозни тили аччиқ мунаққид сифатида биларди. Бироқ Абдулла Қаҳҳорга хос бўлган тилдаги бу “заҳар”, асосан, бўш асарларга ва уларнинг истеъдодсиз муаллифларига қаратилар эди. Адабиётда яхши асарлар пайдо бўлиб қолса, устоз унинг илк тарғиботчисига, муаллифнинг биринчи ҳимоячисига айланарди. Бу — бор ҳақиқат.

Муҳтарам устозлар, азиз дўстлар, давраимизда Озод аканинг суюкли набиралари Шаҳнозаҳон ҳам иштирок этмоқдалар. Марҳамат, Шаҳнозаҳон, дил сўзларингизга муштоқмиз.

Шаҳноза ТҶИЧЕВА, филология фанлари номзоди:

— Мен авваламбор ушбу даврада Озод Шарафиддиновдай улуг олимнинг невараси эканлигимдан фахрланиб ўтирганимни айтишим лозим. Мен ҳам бувамнинг асарларини ўрганиш, тадқиқ қилиш билан шуғулланиб келяпман. Сайди ака айтганларидек, Озод Шарафиддинов эссенависликда ҳам беназир эдилар.

Бинобарин, “Ижодни англаш бахти” ва “Довондаги ўйлар” китобларига кирган эсселарнинг номланишиёқ: “Сизни соғиндим, Зулфия опа!”, “Одамлар нақши”, “Умарбековнинг ўлмас фазилатлари”, “Нурга йўғрилган умр”, “Бир асар муҳокамаси”, “Ҳар инсон бир мўъжиза” — китобхонни ўзига жалб қилади. Шу билан бир қаторда уларнинг тили ва услуби, бадиий портрет яратиш маҳорати кўп тадқиқотларга мавзу бўла олади.

Турсунбой АДАШБОЕВ, болалар шоири:

— Мен Озод аканинг қувваи ҳофизаси теранлигига, дунёдаги адабий жараёнлардан бохабарлигига ҳамиша лол қолардим. Устоз айниқса, қардош халқлар адабиёти, хусусан, қирғиз адабиётига хос янгиликлар билан мунтазам қизиқиб борарди. Қирғиз адабиётида Чингиз Айтматовдан кейинги ижодкорлар ҳақида сўраб-суриштириб, муносиб асарларни журналга тавсия этиш лозимлигини доим таъкидлаб турарди. “Жаҳон адабиёти” ташкил этилган дастлабки кунлардаёқ қирғиз адабиётидаги янгиликлар тўғрисида мақола ёзиб беришни илтимос қилдилар. Атоқли қирғиз шоир ва ёзувчиларининг қатор шеърини туркумлари, ҳикояларини Озод аканинг тавсиялари билан таржима қилдим. Шоир Шавкат Раҳмоннинг атоқли қирғиз оқини Тўқтагулдан таржималарини журналга тавсия қилганимда ўта хурсанд бўлган эдилар.

Ўткир ҲОШИМОВ: Бир сафар уйига борганимизда домланинг ногиронлар аравачасига мослаб ясалган “қўлбола” столга энгашиб ёзиб ўтирганини кўриб, бу инсоннинг иродасига, ишчанлигига тагин бир карра тан бердим. У ўзида бор бўлган, барча илм ва тажрибани одамларга тақдим этишга уринди ва шунга эришди!

Муқаддас китобларда ёзилишича, ярлақанган бандасидан эзгу амаллар, солиҳ фарзандлар, содиқ шоғирлар ва яхши китоблар қоларкан. Озод Шарафиддинов бу вазифани ҳам тўлиқ адо этган инсон эди.

Мирпўлат МИРЗО: Устоз ҳаётда ҳақиқий қаҳрамонлик мезонини кўрсатиб яшадилар. У “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвонига сазовор бўлганида ҳамманинг дилидан бу унвон чинакам эгасини топди, деган фикр кечган бўлса, ажаб эмас.

Сўнги дақиқаларга қадар устознинг қувваи ҳофизаси хира тортмади, ўтли тафаккурининг ёлқини пасаймади. Ҳали-ҳамон кўнғироқ қилиб, таҳририят фаолиятини сўраб қоладигандек туюлаверади.

Ҳақиқатдан ҳам Ўткир ака айтганларидай Озод Шарафиддиновдан дарёдай меҳр, маънавий жасоратнинг жуда катта ибрат мактаби — ҳали неча авлодлар

ўқиб ўрганишига татигулик китоблар қолди. Озод аканинг 80 йиллигини бугун мамлакатимизда нишонлаш, асарларини кенг кўламда ўрганиш энди бошланмоқда. Бугунги давра суҳбатимиз ҳам Озод аканинг меросини ўрганиш борасида таҳририятимиз режалаштирган ишларнинг дебочасидир. Сизларнинг илиқ сўзларингиз, устознинг фаолияти борасидаги қимматли фикр-мулоҳазаларингиз учун миннатдорчилик билдирамыз.

Энди, Одил ака, муҳтарам адибимиз, адабиётимизнинг оқсоқоли сифатида давра суҳбатимизни бир яхши тилак айтиб якунлаб берсангиз.

Одил ЁҚУБОВ: Озод ҳаётда ҳам, адабиётда ҳам жасур эди. “Жаҳон адабиёти” ҳам Озоднинг дадиллиги туфайли дадил асарлар босиб оғизга тушди, Президентимизнинг ишончини оқлади. Журнал ҳаминиша мана шу юксак анъанага содиқ қолсин. Эл ичида мартабаси ортиб, обуначиларининг сони кўпаяверсин!



Ушбу давра суҳбати Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамият фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди.

Лойиҳа номи: «Буюк аждодларимизнинг маънавий жасоратини улуғлаш, уларнинг ҳаёт ва ижод йўлини ибрат мактаби сифатида тарғиб этиш, ёшларимиз тафаккурини умумбашарий қадриятлар асосида камол топтириш, уларда мустақиллигимизга нисбатан ғурур ва садоқат туйғуларини шакллантириш».

«Улисс саргузаштлари» ҳақида ўйлаганларим

Калит Дедалда. Калит кулфнинг оғзида.

Ж.Жойс «Улисс саргузаштлари»

Йўлга чиққан ҳар қандай йўловчи тафаккур, руҳ, кўнгили музофотини Фарб ва Шарққа қараб белгилайди. Бизнинг ҳар биримиз йўловчимиз. Фарб тафаккуридан беҳабар инсон ҳеч қачон Румий ёки Навоий оламини тўла англолмайди. «Қуръон»дан беҳабар ўқувчи «Телба» (Ф.Достоевский)-нинг телбаликлари, Толстойнинг «Икромнома»сини тушунмайди.

Бугунги кун кишисини манзилдан кўра, манзилга олиб борувчи йўл қизиқтирмақда. Яъни, Ернинг киндиги — Қуддус битта, унга элтувчи йўллар саноқсизлиги аллақачон англанди. Йўллар бўлса, ўзингда бошланиб, ўзингда тугаши муқаррар. Бу муқаррарлик адабиётдир. Ақлга мана шундай мунозарали, муайян шаклга сиғмайдиган ўйларни, фикрларни тортиқ қилаётган, йўлчи юлдузлик рутбасини олган бош нашр — «Жаҳон адабиёти» журнали назм, наср, публицистика, адабий жараён, адабий танқидга доир энг сара асарлар, мақолаларни журналхонларга ҳавола этмоқда, жаҳоний қиёсларга ундамоқда. Журнал, айниқса, биз ёшлар учун англаш ва англаниш майдонига айланди. Журналда «Зардушт таваллоси» (Нитше), «Бузрукнинг кузи» (Г.Г.Маркес), «Навқирон санъаткор сийрати» (назаримда «Санъаткорнинг ёшликдаги сийрати» таржимаси асарнинг асл номига яқин) ва ниҳоят «Улисс саргузаштлари» асарлари таржималарининг бериб борилиши адабиётшуносликдаги моҳият ва шакл, англаш ва ҳис этиш йўлини янгиламоқда.

Тенгдошларим орасида энг қўп тилга олинаётган, баҳсларимизни-да қиздираётган «Улисс саргузаштлари» нашри журналга бўлган қизиқиш, эътиборни янада кучайтирди.

Ўқувчини «Санъаткорнинг ёшликдаги сийрати» билан олов тафтига

кўниктирган Жойс журнал саҳифаларидан «юриб» бориб, «Улисс» оташхонасига қамаб қўйди — фикр ва ҳис оташхонасига.

Асардан анъанавий чизиқлар ёки айни европача ёхуд туркона модернни ахтарманг. Бунинг бош сабаби шуки, асар 1922 йилда тугалланган бўлса-да, фикр ва ҳис кўлами билан биз янгилаётган янгиликдан ҳам янгироқ. Қизиқ, нега Улисс — Блум яҳудий? Дунё аҳолисининг аксарияти христиан, ислом динида бўлса. Бу иккинчи сабаб. Назаримда, бу билан Жойс динлар шаклан мағлуб бўлишини, ягона Яратувчи куч — сенинг «қайдадир — баланддан ёки ёнингдан ўтади»ган кучгина доимийлигини, бу кучга онг ва онгсизлик ҳолатида ҳам қўшилиб оқиш учун умумэтиқод масаласини ўртага ташлайди. Асарнинг янгилиги умумэтиқодни янгича излаш, этиқоднинг янгича ҳимояси билан боғлиқ.

Мутаржим И.Фафуров асарга қисқача изоҳ бера экан, 1-воқеада Стивен Дедал «Одиссей»даги отасини йўқотган Телемак каби ҳаракатланишини, Жойс ҳам бу қисмни «Телемак» деб номлаганини айтиб ўтади. У Ватани, онаси, отасини ахтаради.

Асар биққи Бак Маллиганнинг Стивен Дедалга Кинч, разил шайтон деган мурожаатидан бошланган. Аммо «Санъаткорнинг ёшликдаги сийрати»дан танилган Стивен «буғдой» учун эмас, ўз сўзида қолгани ва илми учун «ҳайдалган»и маълум. «Сийрат»да отаси билан, ўзи билан олишган Стивен, «Улисс»да онаси ва сочилиб кетган қисмлари билан курашади. Дедал ўзи ҳақида дейди: «Энди мен бошқаман, лекин ҳалиям ўша-ўшаман. Ҳамон малайман. Малайнинг малайи». Жойс «Худди соя тушгандек лўппи юзлар ва думалоқ оғир энгак — ба-

мисоли ўрта асрларнинг санъат ҳомийси Прелатнинг сиймоси», дея айнан Санъаткор Стивенга ишора қилади.

Ўз мусиқий оҳанги ва услубига эга ҳар бир воқеа алоҳида тана аъзолари тасвирланган: 4-воқеада буйрак, 7-воқеада ўпка, 8-воқеада жигар, 10-воқеада юрак, 11-воқеада қулоқ. Улар бирлаштирилса, Стивен пайдо бўлади. Бак Маллиган дейди: «Орол одамлари одам аъзосининг чил бўлаklarини йиғиб юрадиганларни бот-бот эслаб туришади». Бу Жойс даври ўқувчилари ва Жойс ҳақида.

Стивен шахсларда ҳам сочилиб ётади: Бак Маллиган, Блум, Жон Конми... Блум унинг ўзи бошқара олмайдиган онг ости механизмидир.

Стивенни барча персонажлар, жаммики деталлар таҳлил қилади. Бак Маллиган унга «Сенда қандайдир ёқимсиз бир нарса бор. Ўзинга бир қара, сен ёмон кўрқинчли бахшисан», дейди. Таржимада закийлик билан танланган «бахши» сўзи бироз кўркув, бироз ҳайиқиш, бироз илоҳийлик руҳига эга. Бу руҳий чизиқлар Стивенни кесиб ўтади. Бахши, эҳтимол, Одиссейни, Телемакни овораяу сарсон қилган Ҳомердир, балки Жойснинг ўзидир.

Асар сўнгига қадар доимий ҳаракатдаги персонажларнинг макондан чиқиб кетолмасликдаги имконсизлиги тасвирланади. Стивен дейди: «Бу ирланд санъатининг рамзи – чўрининг дарз кетган ойнаси». Персонажларнинг сочилган ҳолати, руҳий тўлғоқларнинг парчаланлишлари санъат, яъни макон ойнанинг дарз кетганлигидан. Блумнинг «яланғоч» қиёфаси ҳам ойнадаги аксидир.

Стивен имконсиз имконлари ҳақида дейди: «...менинг қиёфамда ўта ҳурфикрликнинг нохуш бир мисолини кўриб турибсиз. Мен икки бойнинг хизматидаман – инглиз ва италиялик. Яна учинчиси ҳам бор, мен унинг малайиман – Британия империяси ва муқаддас Рим католик апостол черкови».

2-воқеа ўқувчини «тутиб қолади-ган» «Боланинг бўш юзи бўш деразага бўш қаради» жумласи билан бошланади. Бу қисмда Стивен бўшлиқ ва шакллар оралаб Ватинни, руҳ Ватинини излайди: «Жон – бу моҳият эътибори билан жаммики бор нарсаларнинг бари: жон шаклларнинг шакли. Кутилмаган, жами борлиқни қамраб олувчи

осудалик: шаклларнинг шакли. Менинг жоним мен билан бирга, шаклларнинг шакли». Инсон Румий данаги қобигидир¹. Шаклларнинг шакли дейилганда диалектик асос бор. Тасаввуф истилоҳи билан тушунтирилганда, кулл (бутун, барча маъносида бўлиб, Оллоҳ назарда тутилади) ва жузь (бўлак, бутуннинг бир қисми маъносида, Оллоҳ яратганлар назарда тутилади) муносабати кўринади. Ислом тасавву-фида ЙҮЛ Оллоҳдан яратилмишга йўналтирилса, Жойсда бу ЙҮЛ Инсондан Оллоҳга қараб ҳаракатланади. Моҳият эътибори билан ҳар иккисини ҳам ўзингда ўзингни топиш истаги тутиб туради. Мана бу парча фикрларимизнинг исботи: «Хулониң жамолига етишни истайсизми? Омфалос² ингизга назар солинг. Алло. Кинч гапиряпти. Жаннатни уланг. Алиф, алфа, нол, нол, бир».

Жан Поль Сартр³ «Экзистенциализм тўғрисида» номли мақоласида ёзади: тўнғич умидсизлик – экзистенциячиликнинг ибтидо нуқтасидир. Сартр бунда умид ҳаракатда эканини, умидсизлик келтирадиган ўжар ҳаётбахшликни тилга олмоқда. Модернча адабиёт дея қаралаётган асар айнан аччиқ аламзадалик, ўжар ҳаётбахшлик координаталарида ётади. Сартр ўзимни танлаш билан мен умуман инсонни танлайман, деб ёзган эди. Жойс ёзади: «Сен ҳеч кимнинг хўжаси бўлмассан, ҳеч кимнинг қули бўлмассан».

Асарнинг бошланишидан то якунигача мусиқа оқиб туради. Ташқи муҳитга чалиган ўқувчи бу мусиқадан узилиб қолади, асарни тушуниш жараёни тугайди. Англинмаган нуқтани такрор-такрор ўқиш фойдасиз. Мутолаа, аниқроғи тинглашни яна асар ибтидосидан бошлаш керак.

Асар чин маънода шарқ ва ғарб тафакқурини бирлаштирадиган кучга эга. Дантенинг йўлбошловчиси Вергилий бўлса, Жойсда бу вазифани Ҳомер, Шекспир (Ҳамлет), Ҳорун ар-

¹ Румий «Ичиндаги ичиндадир» асарида шаклсиз мазмунни қобиқсиз унмайдиган данак мағзига ўхшатган. Айни вақтда инсон вужудини қобиққа, Оллоҳни мағизга менгзайди.

² Омфалос – киндик (юнонча).

³ Ж.П.Сартр – XX асрда яшаган йирик француз файласуфи, адаби, экзистенциячилик асосчиларидан.

Рашид адо этади: «Ўтган кеча у мени уйғотгандан сўнг, ўша тушмиди ё бошқа? Аҳа, эсимга тушяпти, Ҳорун-ар-Рашид. Худди, худди ўзи. Ўша одам мени етаклади, гаплашди».

«Улисс»да ранглар тобора қуюқлашиб боради, инсоннинг энг қуйи оламларига кириб борасан, истаган рангингни, ҳатто ҳали тасаввурингда тўлиқ шаклланмаган рангларингни топасан: «Ҳа, шом топади менда ўзини менсиз».

Таржимон фикрича, 4-эпизодда бошдан-оёқ буйрак рамзи талқин этилган. Адиб бу эпизодни «Калипсо» деб атаган. «Одиссей»да (5-қўшиқ) Одиссейнинг нимфа Калипсо қўлида тутқун яшаганлиги воқеалари ҳикоя қилинади. Беҳудага эпизодда метемпсихоз (ўлимдан сўнг бошқа қиёфада яшаш, бир танада қайта-қайта трилиш) хусусида сўзланмаган. Блум Одиссейга, унинг хотини санъаткор қўшиқчи Мэрион паризод Калипсога рамзий муқоясада тасвирланади. Блумнинг кўзлари ҳар қаерда, ҳар қачон фақат аёлни кўради. Унинг онгидаги табиат манзаралари, чор атрофни қоплаган денгиз пари Калипсо маконига ўхшаш. 3-воқеада кечилган ўйлар бу қисмда чин воқеликка айланади. Умуман, асарда биронта шунчаки тилга олинган детал йўқ. Уларнинг ҳаммаси тирик ва қачондир тилга киради, буни кутиш керак, холос. 2-воқеада тилга олинган Кассандра, аёл ҳақидаги фикрлар бу воқеада тўла жонланади. Айнан мана шу қисмда Блум қизи Милли ҳақида тинимсиз ўйлайди.

Буйрак борасида. Блумнинг энг сеvimли таоми («Мен, тирик жон, ўликлар дами билан нафас оламан»). Блум «қовурилган қуй буйрагидан лаззат олар, ундан андак пешоб ҳиди келиб турар, оғизга нозикроқ аччиқроқ маза берарди». Одиссейнинг Калипсога асирлиги ҳикоя қилинар экан, бу қўшиқ бироз ёқимсиз, бироз жирканишни уйғотадиган саҳналарга эга. Тарих «тоза» эмас. Блум тарихни танаввул қилмоқда: «Мен, тирик жон, ўликлар дами билан нафас оламан».

5-воқеа ислом, христианлик, буддавийлик хусусида баҳс юритади: кўздан қолган Иброҳим алайҳиссалом, ибодатдаги христианларнинг оғзида парчаланаётган Исо алайҳиссалом,

ўзини ўнглай олмай йиқилиб ётган ҳайкал Будда.

Маълумки, «Фауст»да Фауст билан Еленанинг фарзанди яшаб қолмайди, у ўлади. Елена эса Парис томонидан ўғирланган ва Одиссейнинг узоқ кезинишларига сабаб бўлган аёл. Гёте ўтмишни тирилтиришнинг имконсизлигини, бу фожиага сабаб бўлишини уқтирмоқчи бўлган, аҳтимол. Блум Одиссейга қиёс этилар экан, Блумнинг фарзанди Рудининг ўлими ҳам айнан шундай ечим топади. 6-воқеада Блум ва бошқалар Падди Дигнамни дафн этадилар: «Ҳар бир жума ўз пайшанбасини кўмади». Ўлим борасидаги фикрлар Дигнам вафоти билан боғлаб давом эттирилади: «Она ерга мени кўмингиз. Муқаддас тупроқдан бир қафт ташлангиз. Фақат ўлик туғилган болани онаси билан қўшиб кўмишади. Нега шундайлигини мен тушунаман. Тушунаман. Болани ер тагида ҳам иложи борича узоқ ҳимоя қилишлик. Ирланднинг уйи унинг тобути... Лекин қаранг, ҳавога кўмиб бўлмайди». Улим нуқтасида Блум, унинг фарзанди, онаси, отаси бирлашади.

Жойснинг ёзганларини мундарижа дейиш ҳам мумкин. Унинг ҳар бир айтгани бошланма, қачондир уларга қайтади ва уларни энг юқори нуқтага олиб чиқади.

«Улисс»да «Қуръон», «Инжил», «Одиссей», «Ҳамлет» сюжети бор. Асарда Исо, Ҳамлет, Стивен ва табиийки, Блум бирдек ўсган, бирдек «шоҳлаган».

Юқорида тасаввуфдаги қарашлар билан Жойс оламини қиёслаган эдик. Стивеннинг мана бу фикрлари яна шундай қиёсларга ундамоқда: «Биз ўз-ўзимиз оралаб, ҳар дамда қароқчилар, шарпалар, девлар, чоллар, ўсмирлар, хотинлар, бевалар, руҳан яқин биродарлар билан кўришиб борамиз, лекин ҳар сафар ўз-ўзимизни учратамиз». Дунё динлари моҳиятини бир билган Жалолиддин Румий дейди: «Мен етмиш уч мазҳаб билан бирдирман». Румийга бундан кўпроқ мазҳабларни ҳавола этганингизда ҳам улар билан бирлигини билдирган бўлар эди. Жан Поль Сартр: «Ўзимни танлаш билан мен умумийликни яратаман» деб ёзади экзистенциализм ҳақидаги мақоласида. Жойсдан яна бир мисол: «Раббим, имон келтиргайман, менинг

ишонмасимга ёрдам қил. Яъники, менинг ишонимга ёрдам қил ёхуд менинг ишонмасимга ёрдам эт? Ишонимга ким ёрдам қилади? Еготемен (Ўзим мен *лот*). Ишонмасга эса — ким? Бошқа бир азамат». Румийни ҳам, Сартрни ҳам, Жойсни ҳам ўзинга қайтиш, ўзингдаги ҳақиқатга қайтиш занжири боғлаб турибди. Стивеннинг «кенг замин — меҳроб» деган хулосаси ҳар қаерда яратувчи кучнинг қўл изларини кўриш — бу тажалли (жилоланиш, Оллоҳнинг борлиқда аксланиши, жилваланиши).

«Улисс» Шекспирнинг «Оқловномаси»дек. Стивен Ҳамлет бўлиб, Шекспир бўлиб ўзини танитади, оқлайди. «Парвардигори оламдан кейин ҳаммадан кўпроқ яратган кимса — бу Шекспирдир. Шекспир ҳаётда мувозанатини йўқотган одамлар учун доим асқотади». Шунинг учун ҳам Шекспир Улисс саргузаштларининг доимий ҳамроҳи.

Асардан узлуксиз кимнингдир қадам товушлари эшитилади. Эшитаверасан, эшитаверасан, у

ёнингдан, ортингдан ўтади, аммо ҳеч қачон уни шоён кўра олмайсан, сенда фақат чала-ярим фикрлар ва тугал ҳислар қолади. Ўйлайсан, бундан ортигига ярамассан. Яна ўйлайсан, бу ярашликнинг, эҳтимол, кераги йўқдир, мен фақат фикр ва ҳисдан иборатдирман. Дунё бўлса тасаввурларимдан иборат. Тасаввурларим оралаб товуш таралади: «Шояд осмондадир, осмон бордир»...

Биз юмушларимизни деярли ўнг қўлнинг кучи билан бажарамиз. Адабиёт ихлосмандлари журнал мутолаасига ўзларининг ўнг қўлига ўргангандек ўрганиб қолди. Журнал бутун зиёлилар қатламини, кекса ва ёш авлодни бир нуқтага жамловчи фокус. Биз ёшлар кекса авлод ва келажагимиз, ўтмиш ва эртаимиз билан юзлашиш учун уни варақлаймиз. Тафаккурга қанот, руҳга шижоат бераётган журналнинг галдаги сонларини, энг сара асарлар, энг сара мақолалар, закийлик билан амалга оширилган таржималарни интизорлик билан кутиб қоламиз.



Шаҳноза НАЗАРХОНОВА,
ЎзМУ ўзбек филологияси
факультети 3-курс
талабаси

Ушбу мақола Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамият фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди.

Лойиҳа номи: «Буюк аجدодларимизнинг маънавий жасоратини улуғлаш, уларнинг ҳаёт ва ижод йўлини ибрат мактаби сифатида тарғиб этиш, ёшларимиз тафаккурини умумбашарий қадриятлар асосида камол топтириш, уларда мустақиллигимизга нисбатан ғурур ва садоқат туйғуларини шакллантириш».

Буюк Шекспир ўзбек тилида

Вильям Шекспир. Сайланма. Уч жилдлик. Инглиз тилидан Жамол Камол таржимаси – Тошкент: “Фан” нашриёти, 2007.

Буюк англиз драматурги ва шоири Вильям Шекспир асарлари мана тўрт асрдан кўпроқ вақтдан бери жаҳон адабиёти ва театр санъати ихлосмандларини ҳайратга солиб келади. Ўзбек китобхонлари унинг “Ҳамлет” трагедияси билан илк бор она тилида Абдулҳамид Чўлпоннинг нодир таржимаси орқали танишиш имкониятига эга бўлган эдилар. 1935 йилда бу трагедия ўзбек саҳнасида ҳам Маннон Уйғур томонидан қўйилиб, неча минглаб томошабинлар қалбида муҳрланган эди. Мазкур асар театрнинг барча ижодкорларида ҳам қанчалар чексиз ҳис-ҳаяжонлар уйғотганига бош ролни ижро этган Аброр Хидоят “Ҳамлет” йигирма еттинчи марта ўйналаётган пайтда саҳнада ҳушидан кетиб, фақат шифохонада ўзига келганлиги ҳам ёрқин мисол бўла олади.

Шундан кейин театрларимизда “Отелло” ва “Ромео ва Жульетта”, “Юлий Цезар” ва “Қирол Лир”, “Кориолан” ва “Вероналик икки йигит”, «Ёз туни ғаройиботлари» каби драмалари ҳам саҳналаштирилган.

Шекспирнинг ўлмас асарларини ўзбек тилига ўгиришда Фафур Фулом ва Мақсуд Шайхзода, Уйғун ва Комил Яшинларнинг хизматлари ҳам катта бўлган.

Яқинда эса Вильям Шекспирнинг уч жилдлик “Сайланма”си Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимасида “Жаҳон адабиёти дурдоналари” туркумида чоп этилди. Асарлар ўзбек тилига бевосита аслиятдан, яъни англиз тилидан ўгирилганлиги алоҳида эътиборга моликдир. Бу таржимондан кўп йиллик машаққатли меҳнат билан бирга юксак маҳорат, Шекспир даҳосига ҳамоҳанг қофиялар, сермаъно сатрлар ва ташбеҳлар топишни талаб этганлигини тасаввур этинг-а!

Таржимон Жамол Камол уч жилдлик “Сайланма”ни ўзига қадар Шекспирни

моҳирона тажима қилган “буюк адибларимиз Абдулҳамид Чўлпон, Фафур Фулом ва Мақсуд Шайхзоданинг порлоқ хотирасига” бағишлаган.

“Сайланма”га филология фанлари доктори Иброҳим Ҳаққул “Шекспир машъали” номли мазмунли ва кенг ҳажмли кириш сўзи ёзган, академик Бахтиёр Назаров масъул муҳаррирлик қилган.

Яхши маълумки, шекспиршунослар унинг асарлари луғати ўн беш мингдан ортиқроқ асосий сўзлардан таркиб топганлигини ипидан-игнасиғача ўрганиб чиқишган. Ҳолбуки, Гюго, Гёте каби машҳур адиблар асарларининг асосий сўз луғати тўққиз мингдан хиёл ошган.

Худди ана шу – фақат мактаб сабоғини олган, университет дипломига ҳам эга бўлмаган Вильям Шекспирнинг шоҳ асарлар битганлиги, драма ва поэмалари, сонетларида юксак бадиий ифодасини топган қомусий билим, чуқур фалсафий мушоадалари, бетакрор ва айни пайтда ҳаётий образлари, қаҳрамонлар характеридаги эҳтирослар бўҳрони анъанавий фикрловчи адабиётшунослар ва танқидчиларни боши берк кўчага олиб кириб қўйган ҳамда турли ривоят миш-мишлар болалашига ҳам сабаб бўлган эди.

Вильям Шекспир 1564 йилда Стратфордда таваллуд топган. 21 ёшида она шаҳрини тарк этиб Лондонга йўл олган. Бу шаҳарда у “Лорд-камергер хизматкорлари” труппасида (Яков I тахтни эгаллагандан кейин бу театр жамоаси Қирол труппаси номи билан аталган) турли роллар ижро этган, кейин шу труппа учун пьесалар ёза бошлаган.

Вильям Шекспирнинг Лондондаги 1592 йилгача фаолиятини тадқиқотчилар “йўқотилган йиллар” деб ҳам аташади. Чунки унинг ана шу даврдаги ҳаёти билан боғлиқ биронта ҳужжат сақланиб қолмаган.

Шекспир ўзининг шоҳ асарларини оммабоп халқ театри учун ёзган. XVI аср охирига келиб, Лондон ўз театрлари билан ҳар қанча фахрланса арзийдиган мақомга эга бўлган эди. Аммо ўша даврда театр санъати иккинчи даражали ҳисобланиб, бошқа енгил-так, кўнгилочар томошалар қаторида кўрилган. Шуни айтиш кифояки, шаҳар маъмурлари Лондонда театрлар қуриш ва оммавий томошалар кўрсатишга рухсат бермаганлар. Зодагонлар театрлари ахлоқсизлик ўчоғи, ҳатто касаллик тарқатувчи жой деб ҳисоблаганлар. Шу сабабли театрлар ҳам шаҳар ташқарисида, хўроз уриштириш, айиқ ўйнатиш каби томошалар кўрсатиладиган жойларда бўлган.

Труппа артистлари қирол саройларига томоша кўрсатиш учун таклиф этилсалар ҳам драма юксак санъат сифатида кўрилмаган. Фақат кўхна Рим драматурглари Сенека, Теренций ва Плавт хурматда бўлган. Шекспир даврида театрлар учун пьесалар ёзадиган драматурглар эса зодагонлар доирасида менсилмаган. Томошабинларнинг ўзлари ҳам ҳатто кўпчилик оғзига тушган у ёки бу пьесани ким ёзганлиги билан қизиқмаганлар.

Шу сабабли Шекспир пьесаларининг биринчи нашрлари унинг поэмаларидан сўнг чоп этилиб, бу китобларда муаллиф исм-шарифи келтирилмаган. Бу, умуман, ўша давр учун одатий ҳисобланган. У замонларда муаллифлик ҳуқуқи деган тушунчанинг ўзи бўлмаган. Драматург пьесасини театрга сотганидан сўнг асарга эгалик ҳуқуқидан маҳрум бўлган. Пьеса театр мулкига айланиб, у сахнада неча марта ижро этилмасин, муаллифга бир чақа ҳам тўланмаган. Драматург нашр этилган асарлари учун қалам ҳақи ҳам олмаган. Жумладан, Шекспир ўз “Ҳамлет”и учун, афтидан, 10 фунт стерлингдан кўп қалам ҳақи олмаган. Жаҳон театрлари репертуарларидан бугунги кунгача тушмай келаётган бу ўлмас асар учун тўланган шу қалам ҳақини адолатли деб бўладими!

Табиийки, Шекспир бадиий ижод ҳисобига кун кечира олмаган. Унинг асосий даромадини актёрлар ширкати ажратадиган пай пуллари ташкил этган. Ҳам артист, ҳам драматург бўлган Шекспир барча маблағларини ана шу ширкатнинг умумий ғазнасига топширган. Ширкат маблағларининг бир

қисми театрни қуриш ҳамда театр жойлашган ер майдонини ижрага олишга сарфланган. Қолган қисми эса томошалар кўйиш учун сарф-харажатларга кетган. Театр даромадини томошабинларнинг чипта ҳақи ташкил этарди. Ана шу маблағдан томошаларни кўйишга сарфланган харажатлар қопланган, артистларга иш ҳақи, ширкат ҳиссдорларига улуш тўланган.

Илк бор Вильям Шекспир номи “Бесамара севги” пьесаси нашрида қайд этилади. Бу 1597 йилда рўй берган. Шундан кўп ўтмасдан танқидчилардан бири уни трагедия жанрида ҳам, комедия жанрида ҳам “тенги йўқ драматург” деб эътироф этган. Аммо шунга қарамасдан яна кўп вақт давомида Шекспирни адиблар ва артистларнинг тор доирасидагина танишган. Шуни айтиш кифояки, қирол саройида кўйиладиган спектакллар учун ҳақ тўлайдиган хизматчи “Отелло”, “Хатолар комедияси”, “Венеция савдогари” муаллифи исм-шарифини хатосиз ёзолмаган.

Таниқли шоир Жамол Камол ана шундай даҳо асарларни она тилимизга аслиятдан ўгириш, таъриф жоиз бўлса, Шекспирни ўзбек лутфли қилишга ўзида журъат топди. Уч жилдди “Сайланма” Вильям Шекспир ижодининг энг етук, шоҳ асарлари ҳисобланган 12 драма ва поэма таржимаси киритилган. “Сайланма”нинг биринчи жилдида “Қирол Лир”, “Ҳамлет”, “Макбет”, “Афиналик Тимон”, иккинчи жилдида “Ромео ва Жульетта”, “Отелло”, “Кориолан”, “Юлий Цезар”, учинчи жилдида “Венеция савдогари”, “Қиш эртаги”, “Қирол Генрих IV”, “Антоний ва Клеопатра” асарлари жамланган. Ушбу асарлар Вильям Шекспир куллийетининг профессор В.Ж.Крейг томонидан тайёрланиб, 1983 йилда чоп этилган Оксфорд университети нашри асосида таржима қилинган.

Шекспирнинг “Ромео ва Жульетта”, “Ҳамлет”, “Отелло”, “Қирол Лир” трагедияларини бир қаторга кўйиш мумкин. Уларга худди шу тартибда – инсон ҳаёти ёшлик давридан қариллигигача бўлган босқичлар сифатида қараш ўринли бўлса керак. Мазкур шоҳ асарларнинг ҳар бир сатрини нафақат мазмун-моҳияти, балки жарангдорлиги, эҳтиросини ўзбекча ифодалай олиш таржимондан қандай излаши талаб этади!

Шамол, кутур, лунжинг шишиб, ёрилсин,
уфур!

Ёмғир, жала, осмонлардан челақлаб

қуйиб,

Фарқ айлангиз гумбазларни, минораларни,
Эй чақинлар, энг азамат эманларни ҳам...
Бошим узра ўкиргувчи момақалдиқроқ,
Ер тарвузин уриб, янчиб, пачоқлаб ташла.
Табиатнинг кулларини кўкларга совур,
Қурит нонкўр одамзоднинг наслини
буткул!..

Бу Қирол Лир. Шекспир трагедиялари орасида “Қирол Лир” худди ҳайқираётган уммон ўртасида, бош қахрамон рамзи сифатида қоядек юксалиб туради.

Драматургнинг бошқа асарлари каби бу пьеса ҳам аввал Лондондаги театр сахнасида кўйилган. Шундан анча вақт ўтгандан кейингина у китоб тарзида нашр этилган.

Кўҳна Британияда ўз қизлари томонидан хўрликка дучор қилинган бахтсиз қиролнинг фожиали тақдири ўрта аср солномалари ҳамда Шекспиргача ёзилган қатор асарларда тилга олинган. Аммо Шекспирдек даҳо қалами остидагина кўпчиликка маълум бу сюжет инсон қалбининг шундай чуқур тубларигача ифода эта олдики, мана тўрт асрдан бери бу асарни ўқиган ёки сахнада томоша қилган кишини ларзага солмай қўймайди.

“Оталар ва фарзандлар” муаммоси жаҳон адабиётига молик кўпгина асарлар саҳифаларидан қизил ипдек ўтган. Вильям Шекспирнинг ўлмас трагедиясида эса у шу қадар ҳайратланарли ва таъсирчан инъикосини топганки, қиролликни бўлиб олган ва 80 ёшли отасини ақлдан оздириш ва ҳалок қилишга олиб келган икки катта қизнинг қилмишлари бутун жирканчилиги билан намоён бўлади. Жамол Камол таржимасида бу сахналар даҳшати ҳам, қахрамонлар характери ҳам тўлақонли гавдаланади:

Менинг заруратим бу дам – сабр ила

бардош,

Эй, осмонлар, беринг менга тоқат ва чидам!

Эй, худолар, мен ҳозирман ҳузурингизда,

Машақатлар аро қолган бечора бир чол.

Қизларимнинг қалби сизнинг амрингиз

билан

Отасига қарши магар кўзғалган бўлса,

Шунча таҳқир, ҳақоратлар ёғилгани, бас,

Етар, бундан ортиғига чидаёлмайман.

Юрагимда газаб ёқинг, эркак юзимдан
Хотинларнинг кўзёшини оқизиб қўйманг.

Шекспир ижоди ҳақида ёзган тадқиқотчилар унинг шоирлик истеъдодига бас келадиған ижодкорни топиш жуда мушкул эканлигини алоҳида таъкидлайдилар. Шекспир чинакамига улкан нафис сўз устаси бўлиши билан бирга шаклда ҳам тенги йўқ эди. “Шекспирнинг шеърий сатрлари жонли ҳиссиётлар алангасига чулғанган, – деб ёзади машҳур олим М.Морозов. – У сонетнинг қатъий шаклига ҳаётбахш фикр, ҳақиқий, қайноқ туйғулар билан жон бахш этди. Шекспир шеърлари барча асарлари каби ҳаётбахш, олдинга, келажакка йўналтирилган”.

Том маънода Вильям Шекспирнинг “жумлада фикрни акс эттириш” маҳорати ноёбдир. Шу туфайли бу даҳо адиб асарлари билан яхши таниш бўлмаганлар ҳам унинг кўпгина сатрларини ёддан биладилар. Хусусан, Жамол Камол томонидан маҳорат билан таржима қилинган Леди Макбет лутфидаги куйидаги сатрларни:

Баҳоси бир пул –

Галабанинг, агар қувонч келтирмаса ул.

Қотил бўлиб, кўркув ичра яшашдан кўра,

Мурда билан жой алмашмоқ афзал минг
карра.

Шекспир 1616 йилда вафот этган. У ҳаётлиги пайтида ортиқча бир ҳурмат-иззатга сазовор бўлмаган. Вафотидан 150 йил ўтгандан сўнггина – XVIII аср ўрталарида у мумтоз адиблар сафига киритилган. XIX аср бошларидагина уни буюк шоир деб эътироф этишган.

Вақт олий ҳакам эканлигини яна бир карра исботлади. Яқинда Буюк Британия жамоатчилиги ўртасида ўтказилган сўровда Вильям Шекспир “Минг йилликнинг энг машҳур англизи” номига сазовор бўлди.

ЮНЕСКОнинг эътирофига кўра, Шекспир жаҳон адабиётида энг кўп тилларга таржима қилинган ва чоп этилган муаллифдир. Ундан кейинги ўринларни Лев Толстой ва Чингиз Айтматовлар эгаллаган.

Шу даражадаги адиб асарлари қахрамонларининг ўзбек тилида яна бир карра хонадонларимизга қадам ранжида қилганлиги адабий ҳаётимизда унутилмас воқеа бўлишига шубҳа йўқ

Акмал САИДОВ,
профессор

Сидни ШЕЛДОН

Тақдир тегирмони

Роман

ИККИНЧИ КИТОБ

Ўн учинчи боб

Самолёт Вашингтондаги Даллас аэропортига келиб қўнганда, уларни давлат департаментидан ёшгина бир йигит кутиб турган экан:

— Вашингтонга хуш келибсиз, Эшли хоним. Мен Жон Бернсман. Мистер Стэнтон сизни кутиб олишимни ва меҳмонхонагача кузатиб қўйишимни илтимос қилди. “Риверсайд тауэр”да сизлар учун жой ҳозирланган. Сизга маъқул бўлади, деб умид қиламан.

— Миннатдорман, жаноб Бернс.

Мэри Тим ва Бетни унга таништирди.

Йигирма дақиқадан кейин улар лимузинда Вашингтон марказига йўл олишди.

Тим деразадан теварак-атрофни томоша қилиб борарди.

— Қаранглар!— деб қичқирди у. — Ахир, бу Линкольн мажмуаси-ку!

— Мана бу эса — Вашингтон ҳайкали! — деди Бет.

Мэри уялинқираб Жон Бернсга қараб қўйди.

— Айбга буюрмайсиз, мистер Бернс. — Биласизми, улар бирор марта ҳам Канзасдан... — У дераза томон ўгирилди. — Эй, Худойим! — деди Мэри, ҳайратдан кўзлари катта-катта очилиб. — Қаранглар! Оқ уй!

Лимузин Пенсильвания-авеню бўйлаб елиб борарди. Мэри яна хаёлга чўмди: “Бу шаҳар дунёни бошқаради. Бутун ҳокимият шу ерда жамланган. Энди бунга мен ҳам дахлдорман”.

Лимузин меҳмонхонага етиб келганда Мэри Бернсдан сўради:

— Мистер Рожерс билан қачон кўришишим мумкин?

— У сизга эртага эрталаб қўнғироқ қилади.

МРБ контрразведка бўлими бошлиғи Пит Коннорс кечаси билан ишларди. Ҳар куни тунги соат учда махсус гуруҳ президентга разведка маълумотларини тайёрларди. “Пиклз” код номи билан аталадиган бу маълумотлар эрталаб соат олтида президентнинг столида бўлиши керак. Қуролланган курьер уни Оқ уйга етказиб берарди. “Темир парда” ортидан келаётган махфий хабарларнинг аксарияти Мэри Эшлининг Руминияга элчи этиб тайинланишига дахлдор бўлгани учун Пит Коннорс бу маълумотларга алоҳида қизиқиш билан қарарди.

Давоми. Боши ўтган сонда.

Маълумотларга қараганда, президент Эллисоннинг социалистик мамлакатлар ичкарасига кириб бориш ва жосуслик ишларини кучайтириш режаси Совет Иттифоқини жиддий ташвишлантираётган эди.

“Мен ўша ярамас коммунистлардан кам ташвишланаётганим йўқ, — деб ўйларди Пит Коннорс. — Президентнинг режаси иш бериб қолса, мамлакатимиз эшиклари жосусларга ланг очиб берилади”.

Мэри Эшли Вашингтонга келган заҳоти бу ҳақда Пит Коннорсга маълумот етказилди.

У Мэри ва болаларининг суратларига диққат билан назар солар экан, “Бу чиндан ҳам зўр номзод бўлади”, деб мийиғида кулиб қўйди.

“Риверсайд тауэрс” яхши жиҳозланган шинамгина меҳмонхона экан. У Уотергейт мажмуасидан атиги бир квартал нарида жойлашган эди.

Хизматкор юкларни хонага олиб кирди. Мэри нарсаларини жойлаштираётган пайтда телефон жиринглаб қолди.

— Миссис Эшли? — Телефондан номаълум эркакнинг овози эшитилди.

— Лаббай.

— Сизни “Вашингтон пост” мухбири Бен Кон безовта қилаяпти. Менга бир неча дақиқа вақтингизни ажрата олмайсизми?

Мэри қандай жавоб беришни билмай, талмовсираб қолди.

— Биз ҳозиргина келдик. Шу боис мен...

— Атиги икки дақиқа. Мен сиз билан шунчаки танишмоқчи эдим, холос.

— Ундай бўлса, майли.

— Мен ҳозир хонангизга кўтариламан.

Бен Кон бўйи паст, юз тузилиши худди боксчиларникига ўхшаган бақувват одам экан. Мэри “У спорт мухбирига ўхшаб кетаркан”, дея хаёлдан ўтказди.

Мэри уни рўпарасидаги ўриндиққа таклиф қилди.

— Вашингтонга биринчи бор келишингизми, миссис Эшли?

— Ҳа.

Мэри унинг қўлида диктофон ҳам, ёзув дафтарчаси ҳам йўқлигига ҳайрон бўлди.

— Сизга аҳмоқона саволлар бериш ниятим йўқ.

— Бу билан нима демоқчисиз? — деди Мэри қиёфаси жиддий тус олиб.

— Вашингтон сизга ёқдими? Бу ҳар бир машҳур кишига бериладиган биринчи савол. Сизга бу ер ёқдими?

— Мен машҳур эмасман, — деди Мэри кулимсираб. — Вашингтонга келсак, у менга ёқади деган умиддаман.

— Сиз Канзас университетида дарс берганмисиз?

— Ҳа. Мен сиёсатшунослик фанидан маърузалар ўқиганман. Асосан Шарқий Европа мамлакатлари сиёсати бўйича.

— Президент китобингиз ва мақолаларингизни ўқиб, сиз ҳақингизда билгани тўғрими?

— Ҳа.

— Шундан кейин бўлиб ўтган воқеалар энди алоҳида бир тарих-да?

— Биласизми, бўлаётган воқеалар менга гайритабиий туюлади.

— Бунда ҳеч қандай гайритабиийлик йўқ. Президент Рейган Жин Киркпатрик билан ҳам худди шундай тарзда танишган ва уни АҚШнинг БМТдаги доимий вакили этиб тайинлаган. — У кулимсираб гапини давом этирди. — Бу Вашингтон учун одатий ҳол бўлиб қолган. Дарвоқе, аждодларингиз асли Руминияликми?

— Фақат бобом руминиялик.

Бен Кон ўн беш дақиқа Мэрининг ҳаёти ва иши ҳақида сўраб-суриштирди.

— Бу суҳбат қачон чоп этилади, — деди Мэри. У газетада босиладиган суҳбатни Флоренсга юборишни мўлжаллаганди.

— Ҳозирча уни чоп этишга шошмаганимиз маъқул. — Унга нимадир тинчлик бермасди, аммо нималигини ўзи ҳам тушунмасди. — Биз ҳали яна кўришамиз.

Бен Кон кетгандан кейин хонага Тим ва Бет кириб келишди.

— У сизга ёқдими, ойи?

— Ҳа, — деди Мэри бир оз иккиланиб, — ёқди деса ҳам бўлади.

Эртаси кун эрталаб Стэнтон Рожерс кўнғироқ қилди:

— Хайрли тонг, миссис Эшли. Мен Стэнтон Рожерсман.

Мэри қадрдон дўстининг овозини эшитгандек бўлди. Балки, бу шаҳарда Стэнтон ягона таниши бўлгани учун ҳам унга шундай туюлгандир.

— Хайрли тонг, мистер Рожерс. Бизни кутиб олиш ва меҳмонхонага жойлаштириш учун мистер Бернсни юборганингиз учун бағоят миннатдорман.

— Бу жой сизга ёқади деган умиддаман.

— Бу ерда ҳаммаси аъло даражада.

— Сиз билан учрашиб, қилиниши зарур бўлган айрим ишлар ҳақида гаплашиб олсак яхши бўларди.

— Албатта.

— Келинг, унда “Гранд-отель”да кўриша қолайлик. Меҳмонхонадан унча узоқ эмас. Соат бирда кўришгунча.

— Келишдик.

— Мен сизни ресторанда кутиб тураман.

Мэри болаларга тушликни хонага олиб келишни тайинлади-да, таксига ўтириб, роппа-роса соат бирда “Гранд-отель”га етиб келди. Бу ҳашаматли бино Мэрини ҳайратда қолдирди. У том маънодаги ҳокимият маркази эди. Шу боис нима учун айнан шу ерга давлат раҳбарлари, барча мамлакат элчиларининг тез-тез келиб туришини тушуниб олиш қийин эмасди. Мэри ичкарига кирди. Улкан холл полига ётқизилган италян мрамари, нақшинкор шифтни кўтариб турган бақувват устунлар бинога жозиба ва маҳобат бахш этарди. Холлдан ички ҳовлидаги бассейн ва фавворалар кўриниб турарди. Мэри мрамар зинадан ресторан томон юрди. Бу ерда уни Стэнтон Рожерс кутиб турарди.

— Хайрли кун, миссис Эшли.

— Хайрли кун, мистер Рожерс.

Стэнтон Рожерс қулимсираб деди:

— Расмиятчиликка не ҳожат. Бундан буён бир-биримизга Стэн ва Мэри деб мурожаат қилсак, нима дейсиз?

— Розиман, — деди у Рожерснинг бу таклифидан боши осмонга етиб.

Бу гал Стэнтон Рожерс тимсолида унга бошқача одам намоён бўлди. Мэри бунинг сири айнан нима эканини аниқлашга уринарди. Ҳар ҳолда, Жаншкн-Ситида у анчайин бефарқ ва бегона бўлиб кўринган эди. Энди эса, аксинча, рўпарасида ўта самимий ва дилкаш бир одам у билан суҳбатлашиб ўтирарди.

— Сиз бирор нима ичасизми?

— Раҳмат, ичмайман.

Рожерс буюртма берди. Нархларни эшитиб, Мэри ҳангу манг бўлиб қолди. “Жанкш-Ситида бунақа нархлар йўқ. Биргина меҳмонхонанинг ўзига суткасига 250 доллар тўлаш керак. Хонавайрон бўлишим аниқ”, хаёлидан ўтказди Мэри.

— Стэн, очикчасига сўраганим учун айбга буюрмайсиз. Элчига қанча маош тўлашади.

— Қонуний савол, — деди у қулиб. — Сизнинг ойлигингиз йилига олтмиш беш минг доллар. Бундан ташқари, элчихона эҳтиёжлари ва кундалик харажатларингизга ҳам аллақанча маблағ ажратилади.

— Бу пуллар қачондан бошлаб тўланади?

— Қасамёдингиз қабул қилингандан бошлаб.

— Унгача қандоқ кун кечирамиз?

— Ҳозирча кунига сизга етмиш беш доллар тўланади.

Мэрининг юраги «шувв» этиб кетди. Ахир, бу пул нафақат яшашига, ҳатто овқатланишига ҳам етмайди-ку.

— Биз Вашингтонда қанча бўламиз?

— Бир ой атрофида. Сизни тезроқ тайинланишингизни таъминлаш учун бор имкониятларни ишга соламиз. Руминия ҳукумати сизни қабул қилишга тайёр эканини тасдиқлаш учун давлат котиби унга телеграмма жўнатди. Улар билан музокара ўтказилганини сизга маълум қилмоқчиман. Уйлайманки, руминлар масаласи ҳал бўлган, бироқ, сиз ҳали сенатдан ҳам ўтишингиз керак.

«Демак, румин ҳукумати мени қабул қилишга тайёр экан-да?», ўйлади Мэри.

— Мен сенатнинг ташқи ишлар бўйича қўмитаси раиси билан норасмий учрашувингиз ҳақида келишиб қўйганман. Шундан кейин барча қўмита аъзолари иштирокида очик мажлис бўлиб ўтади. Улар сизга ишингиз, малакангиз, мамлакатга садоқатингиз ва келгусидаги орзу-мақсадлар ҳақида саволлар беришади.

— Хўш, ундан кейин-чи?

— Қўмита аъзолари овоз беради, сўнгра масала сенат муҳокамасига қўйилади.

— Қўмита номзодни ўтказмаган пайтлар ҳам бўлганми? — деди Мэри овозини пасайтириб.

— Бу гал гап президентнинг обрў-эътибори ҳақида бормоқда. Сиз Оқ уй томонидан кучли кўмак оласиз. Президент бу иш имкон борича тезроқ амалга оширилишини хоҳлаяпти. Дарвоқе, сиз ва болаларингиз шаҳримизнинг диққатга сазовор жойларини кўрсангиз ёмон бўлмасди, деб ўйлайман. Сизга алоҳида машина ва ҳайдовчи хизмат қилади. Бундан ташқари, Оқ уйга сайёҳат ҳам режалаштирилган.

— Сиздан чексиз миннатдорман.

Стентон Рожерснинг лабида кулги пайдо бўлди:

— Арзимаёди.

Эртаси куни эрталаб Оқ уйга сайёҳат ташкил этилди. Уларга бириктирилган гид дастлаб Жаклин Кеннеди боғи ва ўн саккинзинчи аср руҳида барпо этилган боққа таклиф этди.

— Рўпарангизда, — деди у, — Оқ уйнинг шарқий қаноти. Бу ерда президентнинг гарбийлар ва конгресс вакиллари қабул қиладиган хоналари, шунингдек, меҳмонлар тўхтайдиган ҳамда биринчи хоним хизматчиларининг хоналари жойлашган.

Улар Гарбий қанотга ўтиб, президентнинг кенг кабинетига кириб ўтишди.

— Бу уйда нечта хона бор? — деб сўради Тим.

— Бу ерда бир юз ўттиз иккита хона, олтмиш тўққизта хизмат кўрсатиш хоналари, йигирма саккизта камин ва ўттиз иккита ваннахона мавжуд.

— Бу ерда кўп ювинишар экан-да?

— Президент Вашингтон Оқ уйдаги қурилиш ишларини шахсан ўзи назорат қилган. У бу уйда яшамаган ягона президентдир.

— Бунинг учун уни айблаб бўлмайди, — деди Тим. — Уй ҳаддан ташқари катта экан.

Қизариб кетган Мэри уни биқинига туртиб қўйди.

Қарийб икки соат давом этган сайёҳат Эшлилар оиласини ҳам ҳайратга солган, ҳам чарчатган эди.

«Ҳаммаси шу ерда бошланди, — деб ўйлади Мэри, — энди мен ҳам унинг бир бўлагига айланаман».

— Ойи?

— Нима дейсан, Бет.

— Кўринишингиз галатироқми ойи?

Эртаси куни эрталаб президент девонидан қўнғироқ бўлди.

— Хайрли тонг, миссис Эшли. Президент Эллисон куннинг иккинчи ярмида у билан учраша оласизми, деб сўраяпти.

Мэри нима дейишни билмай, талмовсираб қолди:

— Ҳа... Мен... Албатта.

— Соат уч сизга қулай вақтми?

— Албатта.

— Ўн бештакам учда лимузин сизни меҳмонхона кираверишида кутади.

Мэри президентнинг кенг хонасига кириб келганида Пол Эллисон ўрнидан турди. Унинг қўлини сиқиб кўришаркан, кулиб деди:

— Хуш келибсиз!

— Мен жуда хурсандман, жаноб президент. Мен учун бу катта шараф.

— Марҳамат, ўтиринг, миссис Эшли. Сизга Мэри деб мурожаат этсам бўладими?

— Албатта.

Улар диванга ўтиришди.

— Сиз менинг доппельгангерим бўласиз, — деди президент. — Бу ибора нимани англатишини биласизми?

— Адашмасам, бу икки одамнинг бир-бири билан руҳан яқинлигини ифода этса керак.

— Тўғри. Бу ибора иккимизга ҳам тегишли. Сўнгги мақолангизни қанчалик мароқ билан ўқиганимни сиз ҳатто тасаввур ҳам эта олмайсиз. Гўё уни ўзим ёзгандекман. Кўплар «халқ дипломатияси» режамиз иш беришига ишонмайди, бироқ биз иккимиз уларнинг янглишаётганини исботлаймиз.

— Қўлимдан келган ҳамма ишни қилишга тайёрман, жаноб президент.

— Сиздан умидим жуда катта. Руминия биз учун ўзига хос синов бўлади. Марин Гроза ўлимидан кейин сизнинг вазифангиз бирмунча мураккаблашади. Биз у ерда мавқеимизни мустаҳкамлай олсак, бошқа коммунистик мамлакатларда ҳам бунга эришамиз.

Улар яна ярим соатча президент режасининг айрим жиҳатларини муҳокама этишди. Ниҳоят, Пол Эллисон сўзини яқунлаб, шундай деди:

— Стэн Рожерс сиз билан узлуксиз боғланиб туради. У сизнинг энг катта мухлисингизга айланди. — Президент кўлини узатиб хайрлашди: — Омад ёр бўлсин!

* * *

Эрталаб Мэрига Стэнтон Рожерс кўнғироқ қилди:

— Эртага соат тўққизда сенатнинг ташқи ишлар кўмитаси раиси билан учрашувингиз режалаштирилган.

Сенатнинг ташқи ишлар бўйича кўмитаси Дирксен-билдингда жойлашган экан. Кираверишдаги эшик пештоқига «СД-419 ТАШҚИ ИШЛАР БҮЙИЧА КЎМИТА» деб ёзилган лавҳа осиглиқ турарди.

Раис яшил кўзлари синчков ва кўпни кўрган сиёсатчи эди. У Мэрини хона эшиги олдида кутиб олди:

— Мен — Чарли Кэмпбеллман. Сиз билан кўришганимдан хурсандман. Сиз ҳақингизда кўп эшитганман.

«Яхши гапмикан, ишқилиб», ўзича ўйларди Мэри.

У Мэрини ўриндиққа таклиф қилди.

— Қаҳва ичасизми?

— Йўқ, миннатдорман, сенатор. — У шу қадар ҳаяжонда эдики, идишни қўлида ушлаб тура олишига кўзи етмасди.

— Хўш, унда ишга киришамиз. Президент сизни Руминияга элчи этиб тайинламоқчи. Биз, албатта, унга ҳар жиҳатдан кўмаклашамиз. Бир саволимга жавоб берсангиз: сизнинг фикрингизча, ана шу лавозимни эгаллашга қобилятингиз етадими?

— Агарда дипломатик тажриба нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, албатта, қобилятим етмайди. Аммо кўпгина таниқли элчиларимиз ҳам дастлаб бундай тажрибага эга бўлмаганидан хабарим бор. Менинг бор бойлигим бу — Руминия ҳақидаги билимларимдир. Мен бу мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий муаммоларини, у ердаги сиёсий вазиятни яхши биламан. Ўйлайманки, уларнинг америкаликлар ҳақидаги тасаввурларини ижобий томонга ўзгартира оламан.

«Ҳа, — деб ўйлади Чарли Кэмпбелл ҳайрон бўлиб, — бу бало чиқиб қолди-ку». Ҳали кўришмасиданоқ Кэмпбелл Мэри Эшлига қарши кайфиятда эди. Бироқ, у қандай вазият вужудга келишидан қатъи назар, Мэрининг номзоди кўмита томонидан тасдиқланиши учун зарур бўлган барча ишларни қилишга кўрсатма олган эди. Ҳокимият идораларида президент Жаншн-Сити деган жойдан бир қишлоқини топгани ҳақидаги гап-сўзлар кенг тарқалган эди.

«Аммо бу хоним барчани ҳайрон қолдирадиган кўринади», ўйлади Кэмпбелл.

— Кўмита аъзолари билан учрашув чоршанба куни эрталаб тўққизда бўлиб ўтади.

Кўмитада бўладиган йиғилиш арафасида Мэрининг кўнглига гулгула тушди. У Эдвардга хаёлан мурожаат қилди: «Азизим, менинг иш тажрибам ҳақида сўрашса, нима деб жавоб қиламан? Жанкш-Ситида уй бекаси бўлганман ва кетма-кетма уч марта конькида учиш бўйича биринчи ўринни олганман дейманми? Қандай йўл тутишни, уларга нима дейишни билмайман. Қани эди, сен ёнимда бўлсанг!»

Шу пайт чақмоқ ургандек бутун вужуди титраб кетди. Ахир, Эдвард тирик бўлганда, у бу ерларга қадам босармиди? «Ўз уйимда эрим ва болаларим бағрида тинчгина ўтирардим-ку!»

Йиғилиш сенатнинг ташқи ишлар қўмитаси залида бошланди. Қўмитанинг ўн беш аъзоси улкан дунё харитаси осифлиқ девор қаршисида ўтирарди. Чап томонда матбуот вакиллари, марказда эса томошабинлар учун алоҳида жой ажратилганди. Зал бурчакларида телевидение камералари ўрнатилган. Бўш жой йўқ эди. Пит Коннорс сўнги қатордан жой олди. Мэри болалари ҳамроҳлигида залга кириб келганда, ўтирганларнинг ҳаммаси бирданига жим қолишди.

Мэрининг эғнида қора костюм ва оқ кофта. Тим билан Бет ҳам одатга кўра кийиниб олишди.

Болаларни биринчи қаторга ўтқазиб, Мэрини минбарга таклиф этишди. У тўрт томондан кўзини қамаштираётган чироқлар ёруғлигида ҳаяжонини аранг босиб турарди.

Йиғилиш бошланди. Чарли Кемпбелл Мэрига қараб жилмайди:

— Хайрли тонг, миссис Эшли. Қўмита йиғилишига келганингиз учун миннатдорман. Энди саволларга ўтамиз.

Дастлабки саволлар оддий эди:

— Исмингиз?

— Бевамисиз?

— Болаларингиз борми?

Саволлар жўн эди.

— Кейинги пайтларда сиз Канзас университетиде сиёсий фанлардан дарс берганингиз тўғрими?

— Ҳа, сэр.

— Асли Канзасликмисиз?

— Ҳа, сенатор.

— Қариндошларингиз орасида руминлар борми?

— Ҳа, сэр. Менинг бобом румин бўлган.

— Сиз АҚШ ва совет блоки мамлакатларининг ўзаро яқинлашуви ҳақида китоб ва бир неча мақолалар ёзганмисиз?

— Ҳа, сэр.

— «Форин афферс»да чоп этилган мақолангиз президент диққатини тортгани ростми?

— Ҳа, сэр.

— Миссис Эшли, мазкур мақолани ёзишга ундаган асосий сабаб ҳақида қўмита аъзоларига гапириб бера олмайсизми?

Мэрининг ҳаяжонидан асар ҳам қолмади. Зеро, бу унга яқиндан таниш мавзу эди. У ўзини гўё талабалар билан машғулот ўтказаетгандек ҳис этарди.

— Ҳозирги вақтда жаҳонда бир неча иқтисодий иттифоқлар бор. Бир-бирига қарама-қарши бўлгани учун улар дунёни бирлаштиришга эмас, аксинча, антагонистик блокларга бўлиниб кетишга хизмат қилмоқда. Европада «Умумий бозор», Шарқий блокда — Иқтисодий ҳамкорлик кенгаши. Бундан ташқари, Европада эркин савдо ассоциацияси — ЕЭСА ва «Учинчи дунё» мамлакатларининг қўшилмаслик ҳаракати фаолият юритмоқда. Мақолани ёзишга ундаган сабаб жуда оддий: мен бир-бирига қарама-қарши бу ташкилотлар яқин иқтисодий алоқалар боғлашини истардим. Чунки ўзаро фойдали бизнес билан шуғулланадиган одамлар бир-бирига қурол ўқталмайди. Ўйлайманки, бу тамойилни мамлакатларга нисбатан ҳам бемалол қўллаш мумкин. Мамлакатимиз дўстлар билан ҳам, рақиблар билан ҳам ҳамкорликни йўлга қўйиши керак. Масалан, бугунги кунда бизда қўшимча бугдой омборлари қуриш учун миллиард-миллиард доллар сарфланаётган бир пайтда, дунёнинг кўпгина мамлакатларида одамлар очликдан нобуд бўлмоқда. Назаримда, дунё миқёсидаги умумий бозор

бу муаммони ҳал этиши мумкин. У жаҳон нархларидан келиб чиқиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг адолатли тақсимланишига кўмаклашиши керак, деб ўйлайман. Мен бу ишга ҳисса қўшиш ниятида эдим.

Қўмитанинг оқсоқолларидан бири, мухолиф партия вакили сенатор Гарольд Таркл сўз беришларини сўради.

Матбуотчилар орасида ўтирган Бен Кон жонланди. Ҳозир бошланади.

Етмишдан ошган сенатор Таркл кескин фикр-мулоҳазалари ва заҳархандалиги билан ажралиб турарди.

— Вашингтонга илк бор келишингизми, миссис Эшли?

— Ҳа, сэр. Назаримда у дунёдаги энг...

— Сиз кўп саёҳат қилганмисиз?

— Йўқ. Биз эрим билан...

— Сиз Нью-Йоркда бўлганмисиз?

— Йўқ, сэр.

— Калифорнияда-чи?

— Йўқ, сэр.

— Европада-чи?

— Йўқ. Айтмоқчиманки, мен эрим билан...

— Канзасдан ташқарига чиққанмисиз?

— Ҳа. Мен Чикаго университетида маъруза ўқиганман, шунингдек, Денвер ва Атлантада бўлганман.

— Эҳтимол, бу сиз учун қизиқарли бўлгандир, — деди Таркл заҳархандалик билан. — Сирасини айтганда, мен ҳали тайёргарлиги бу қадар саёз номзодга дуч келмаганман. Хоним, сиз Руминиядек мураккаб мамлакатда Қўшма Штатларнинг вакили бўлишингизни тасаввур этмаётган кўринасиз. Тагин бизга Чикаго, Денвер ва Атлантага бориб келганингизни гапириб ўтирибсиз. Шундай эмасми?

Мэри барча камералар унга ўгирилганини кўрди ва бор иродасини тўплаб, эҳтирос-ҳаяжонини босишга ҳаракат қилди.

— Йўқ, сэр. Менинг билганларим дунёдаги воқеа-ҳодисаларни таҳлил қилиш ва ўрганишга таянади. Мен сиёсий фанлар доктори, беш йил Канзас университетида дарс берганман. Қолаверса, машғулотларим асосан Шарқий Европа мамлакатларига тааллуқли эканини уқтирмоқчиман. Мен Руминиядаги муаммоларни яхши биламан, унинг ҳукумати ва халқининг Қўшма Штатларга нисбатан қандай муносабатда эканини ҳамда бунинг сабабларини ҳам яхши биламан. — Унинг овози хотиржам ва қатъий жаранглар эди. — Улар бизнинг мамлакатимиз ҳақида тарғибот машинаси зўрлаб тикиштираётган нарсаларнигина билади, холос. Мен АҚШ қандай бўлмасин уруш очишга интилаётган ҳарбийлашган давлат эмаслигини уларга исбот қилмоқчиман. Мен улар оддий Америка оиласини кўришларини истардим. Мен...

Мэри ҳаддан ташқари эҳтиросга берилиб кетмадиммикан, деган ҳадик билан бир оз тин олди. Аммо залдагилар қарсақ чалиб юборгани уни ҳайрон қолдирди.

Йиғилиш давом этди. Бир соатдан кейин Чарли Кемпбелл қўмита аъзоларига мурожаат этди:

— Яна саволлар борми?

— Назаримда, ҳаммаси тушунарли, — деди сенаторлардан бири.

— Мен ҳам қўшиламан. Миннатдорман, миссис Эшли. Йиғилишни ёпиқ деб эълон қиламан.

Пит Коннорс журналистлар Мэрини ҳар томондан ўраб олганини бирпас кузатиб турди-да, кейин хотиржам залдан чиқиб кетди.

- Президент таклифидан ҳайрон қолгандирсиз?
- Номзодингизни қўллаб-қувватлашади деб ўйлайсизми?
- Сизда элчи бўлиш учун қобилият бор деб ўйлайсизми?

— Сал бурилсангиз, миссис Эшли. Илтимос, жилмайинг. Яна бир марта.

— Миссис Эшли...

Меҳмонхонага қайтгач, унга Стептон Рожерс қўнғироқ қилди:

— Хайрли кеч, элчи хоним.

— Наҳотки, — деди у саросимага тушиб. — Наҳотки, удалаган бўлсам? О... Стэн. Сиздан қанчалик миннатдор эканимни билсангиз эди. Ҳис-туйғуларимни ифодалаб беришга тилим ожиз.

— Мен ҳам жуда хурсандман, Мэри.

Бу ҳақда болаларига гапириб берган эди, иккаласи ҳам суюнганларидан онасининг бўйнига осилиб олди.

— Удалашингизни билардим! — деди Тим қувониб.

— Нима деб ўйлайсиз, — секингина сўради Бет, — дадам ҳам буни эшитганмиканлар?

— Бунга ишончим комил, азизам, — деди Мэри жилмайиб. — Ким билади, балки буларнинг барчасига унинг руҳи ёрдам бергандир.

Мэри Флоренсга қўнғироқ қилиб, сўнги воқеаларни гапириб берганда, у хурсанд бўлганидан қийқариб юборди:

— Ақл бовар қилмайди! Мен бу хабарни барчага гапириб беришим керак.

— Мен сизлар учун элчихонада алоҳида хона тайёрлаб қўяман. Дуглас иккингишни албатта кутаман.

— Руминияга қачон жўнайсан?

— Ҳали сенат ҳам овоз бериши керак. Стэннинг айтишича, бу шунчаки расмиятчилик экан.

— Кейин-чи?

— Кейин Вашингтонда ҳукумат вакиллари билан учрашаман. Шундан кейингина Руминияга учиб кетамиз.

— Мен ҳозироқ «Дейли Юнон»га қўнғироқ қиламан, — деди Флоренс. — Бу ерда сенга ҳайкал қўйишса керак. Бўпти, ҳаяжонланганимдан тилим айланмаяпти. Мен эртага сенга қўнғироқ қиламан.

* * *

Бен Кон таҳририятга қайтиб келгач, овоз бериш натижалари ҳақида эшитди. Аммо нимадандир кўнгли хижил эди. Бироқ бунинг нималигини ўзи ҳам билмасди.

Ўн тўртинчи боб

Стэнтон Рожерс айтганидек бўлди, сенатда овоз бериш соф расмиятчилик экан. Сенат аъзоларининг аксарияти Мэрига овоз берди.

Бундан хабар топган президент Эллисон Стэнсон Рожерсга шундай деди:

— Режамиз амалга ошди, Стэн. Энди бизни ҳеч ким тўхтата олмайди.

Стэнтон боши билан ишора қилди:

— Ҳа, ҳеч ким.

Овоз бериш натижалари ҳақида Пит Коннорсга хабар беришганда, у ўзининг хонасида ўтирарди. У шу заҳоти маълумотнома ёзиб кодлаштиради. Одамларидан бири МРБнинг шифровка хонасида навбатчиликда турган эди.

— Менга «Рожер» канали керак, — деди Коннорс. — Эшик ортида кутиб тур.

«Рожер» канали МРБнинг фақат олий мартабали раҳбарлари фойдаланадиган ўта махфий телеграф тизими ҳисобланарди. Хабарлар лазер нури воситасида ва юқори частотада атиги бир неча сония вақт мобайнида узатиларди. Ёлғиз қолгач, Коннорс маълумотни узатди. Хабар Сигмундга йўлланган эди.

* * *

Кейинги ҳафта ичида Мэри ташқи ишлар бўйича давлат котибининг ўринбосари, савдо вазири, Нью-Йоркдаги «Чейз Манхеттен» банкининг директорлари ҳамда бир неча нуфузли яҳудий ташкилотлари вакиллари билан учрашди. Уларнинг барчаси турли кўрсатмалар беришди, маслаҳат ва илтимосларини баён этишди.

Нед Тилленгаст хурсандлигини яшириб ўтирмади:

— Элчи хоним, бизнинг йигитларимиз у ерда яна ишлаш имкониятига эга бўлганидан гоёт мамнунман. Бизни персона нон грата деб эълон қилганларидан бўён ушбу мамлакатга киришимиз мушкул эди. Менинг одамларимдан бири элчихонада атташе лавозимида ишлайди.

МРБ директори унга маъноли қараб қўйди.

— Сиз унга имкон даражасида ёрдам берасиз, деган умиддаман.

Мэри айнан нима қилиши кераклигини тушунмаган бўлса-да, сўрамасликка қарор қилди.

Одатда, янги элчиларнинг қасамёд қабул қилиш маросими давлат котибининг раислигида ўтказилар ва бир вақтнинг ўзида бир неча элчиларнинг қасамёди қабул қилинар эди. Ушбу маросим бўладиган куни эрталаб Мэрига Стэнтон Рожерс кўнгироқ қилди:

— Мэри, президент Эллисон соат ўн иккига Оқ уйга етиб келишингизни илтимос қилди. Унинг ўзи сизнинг қасамёдингизни қабул қилади.

Президент кабинети матбуот вакиллари билан гавжум. Мэри президент билан кириб келган заҳоти барча камералар уларга қаратилди, фотоаппаратларнинг шиқиллаган овози эшитилди. Мэри бир неча дақиқа олдин президент билан суҳбатлашгани боис ўзини хотиржам ва бардам ҳис этарди.

— Бу лавозимга энг муносиб номзодсиз, — деди унга президент. — Акс ҳолда, мен сизни танламаган бўлардим. Биз иккимиз орзуни рўёбга чиқарамиз энди.

«Ҳаммаси гўё тушда бўлаётгандек», деб ўйлади Мэри камералардан кўзини узмай.

— Илтимос, ўнг қўлингизни кўтаринг. Мэри президентнинг ортидан қасамёд сўзларини такрорлади:

— Мен, Мэри Эшли, Қўшма Штатлар Конституциясини ҳурмат қилишга, унга риоя этишга, ўз мамлакатимни ички ва ташқи душманлардан ҳимоя қилишга тантанали қасамёд қиламан. Шунингдек, менга юкланган вазифаларни ҳалол ҳамда виждонан бажариш масъулиятини ихтиёрий равишда зиммамга олганим ҳақида қасамёд қиламан. Яратганнинг ўзи бизни қўлласин!

Шундай қилиб, Мэри Эшли Америка Қўшма Штатларининг Руминиядаги элчиси этиб тайинланди.

Ўша кунийёқ ишга шўнғиб кетди. Мэри давлат департаментининг Европа бўлимига келиши тўғрисида буйруқ олди. Департаментнинг румин бўлими ёнида унга кичкина хона ажратилди.

Румин бўлими мудир — Жеймс Стикли йигирма беш йиллик тажрибага эга бўлган профессионал дипломат эди. Олтмишларни қоралаган, паст бўйли, узунчоқ юзли, кўзлари синиқ бу одам Мэри сингари кўтар-кўтар қилинганларни жини суймасди. У Руминия бўйича ўзини энг етук мутахассис деб ҳисобларди. Шу боис Пол Эллисон бу мамлакатга янги элчи тайинлашга тайёр эканини эълон қилганида, Стикли президент айнан уни танлашига ишончи комил эди. Бу лавозимга Мэри Эшлининг тайинланишини у сира кутмаганди. Уни четлаб ўтганлари етмагандек, Канзасдаги тайини йўқ бир одамнинг кўтар-кўтар қилганларини у ҳазм қила олмасди.

— Сен бир тасаввур қилиб кўр-а, — деди у энг яқин дўсти Брюсга. — Элчиларимизнинг ярми ана шундай ярамаслар. Англия ёки Францияда буни ҳатто тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Масалан, ҳарбийлар ўз генералларини ҳаваскорлар орасидан танламайди-ку! Чет элдаги барча элчиларимиз ана шундай генераллардан фарқи йўқ.

— Кайфинг ошибди, Жеймс.

— Бугун тўйиб ичмоқчиман.

Энди ана шу одам рўпарасида ўтирган Мэри Эшлига тикилиб ўтирарди.

Мэри Эшли ҳам уни ўзича ўрганмоқда эди. Стикли унинг кўзига ўта ёқимсиз бўлиб кўринди.

“У менинг душманим бўлишини истамасдим”, — ўйларди Мэри кўнгли хижил бўлиб.

— Биз тез фурсатда сизни етук мутахассис даражасига кўтаришимиз керак. Вақтимиз эса зиқ. — Стикли бир қанча қоғозларни Мэрининг кўлига тутқазди. — Ишни мана шу ҳисоботлардан бошланг.

— Мен кун давомида уларни ўрганиб чиқаман.

— Йўқ. Ўттиз дақиқадан кейин сиз румин тили бўйича машгулотга боришингиз керак. Одатда бунга бир неча ой кетади, аммо ихтиёрингизда фақат икки кун бор, холос.

Шу тариқа, бир неча кун ўтди. Ҳар куни эрталаб у Стикли билан керакли ҳужжатларини ўрганар, тинимсиз ишларди.

— Мен сиз юборган барча хабарларни ўқийман, — деди Стикли. — Сарик рангли қоғоздаги хабарлар — қарор қабул қилиш учун, оқ ранглилари эса — маълумот учун қабул қилинади. Ҳужжатларнинг иккинчи нусхаси Мудофаа вазирлиги, МРБ, ЮСИА, гозначилик ва бошқа ташкилотларга тақдим этилади. Сиз биринчи навбатда Руминия ҳибсхоналарида ўтган америкаликларнинг тақдири билан шуғулланишингиз лозим. Уларнинг озод этилишига эришиш зарур.

— Уларга қандай айб қўйилган?

— Жосуслик, гиёҳванд моддалар савдоси, ўғирлик. Хуллас, руминлар уларга истаган айбни қўйиши мумкин.

Мэри жосусликда айбланганларни қутқариш йўли бормикан, деб ўйлади. “Бирон-бир чораси топилиб қолар”.

— Тушунарли, — деди у гапни қисқа қилиб.

— Эсингизда бўлсин, Руминия “темир парда” ортидаги мамлакатлар орасида энг мустақил давлат ҳисобланади. Бинобарин, биз унинг мустақиллигини таъминлашга ҳаракат қилмоғимиз даркор.

— Тушунарли.

— Мен сизга ҳозир баъзи ҳужжатларни бераман, — деди Стикли. — Улар доимо кўлингизда бўлсин. Бу махфий ҳужжатлар. Эрталаб менга қайтарасиз. Саволлар борми?

— Йўқ, сэр.

У сурғучланган қалин конвертни Мэрининг кўлига тутқазди.

— Илтимос, имзо чекинг.

Мэри ҳужжатга имзо чекди.

У машинада меҳмонхонага қайтаётиб, кўлидаги конвертни қаттиқ қисиб олди. Шу топда Мэри ўзини Жеймс Бонд ҳақидаги фильм қаҳрамонидек ҳис этарди.

Болалар кийиниб уни кутиб туришган экан.

“Эй, худойим-ей, мен болаларимга хитой ресторани ва кинога олиб бораман деб ваъда бергандим-ку”.

— Болалар, — деди у хижолатли оҳангда, — режаларимиз ўзгариб қолди. Саёҳатни кейинга галга қолдиришга тўғри келади. Бугун шу ерда овқатланамиз. Зарур ишларим чиқиб қолди.

— Майли, ойижон, — дарҳол кўнишиди болалар.

“Илгарилари улар ҳаммаёқни остин-устун қилиб юборган бўларди. Демак, болаларим анча улғайишибди. Ҳаммамиз ҳам бир кун келиб улғаямиз-да”.

У болаларини бағрига босиб, юзларидан ўпиб кўйди.

— Келаси сафар, албатта борамиз...

Мэри Стикли берган ҳужжатларни ўқиб, кўзларига ишонгиси келмади. “Эртагаёқ менга қайтиб беринг, деб бекорга айтмаган экан”. Бу президентдан тортиб савдо вазиригача — барча олий мартабали румин давлат арбобларига дахлдор батафсил досье (махфий маълумотнома. — Тарж.) экан. Унда ҳар бирининг ахлоқий қиёфаси, молиявий аҳволи, дўстларига оид маълумотлар ва бошқа майда-чуйда гаплар келтирилган эди. Баъзи бир маълумотлар уни ларзага солди. Масалан, савдо вазири ҳам жазмани, ҳам ҳайдовчиси билан кўнгилхушлик қилса, унинг хотини эса уйдаги хизматкори билан дон олишиб юраркан.

Мэри саҳаргача Руминияда ўзига рўбарў бўладиган одамларнинг исм-шарифи, феъл-атворининг сирли жиҳатларини эслаб қолишга ҳаракат қиларди. “Қизиқ, мен энди уларнинг кўзига тик қарай олармиканман?” деган андиша унга тинчлик бермасди.

Эрталаб у ҳужжатларни қайтариб берди.

— Энди сиз румин етакчиларига дахлдор барча маълумотлардан бохабарсиз, — деди Стикли унга синчков тиклиб.

— Ҳа, — деди Мэри ижирғаниб.

— Ҳамиша ёдингизда бўлсин: руминларда ҳам сиз ҳақингизда барча маълумотлар бор.

— Бу уларга ҳеч қандай наф келтирмаса керак.

— Янглишасиз, — деди Стикли оромкурсига ястаниб ўтираркан. — Сиз аёлсиз, устига-устак, ёлғизсиз. Улар ҳозирданоқ сизни кўлга осон киритиладиган ўлжа деб ҳисоблашади. Ёлғизлигингиздан фойдаланиб қолишга ҳаракат қилишади. Эсингизда бўлсин: ҳар бир қадамингиз кузатув остида бўлади. Элчихона ва қароргоҳнинг ҳаммаёғига эшитувчи мосламалар кўйиб ташланган. Коммунистик мамлакатларда, Руминия ҳам бундан истисно эмас, элчихона хизматкорларини маҳаллий аҳоли орасидан олишга мажбурмиз. Уларнинг ҳар бири эса — румин хавфсизлик хизмати ходими эканини ҳам унутманг.

“У мени қўрқитмоқчи бўляпти, шекилли, — хаёлидан ўтказди Мэри. — Чувчварани хом санабсан!”

Эндиликда Мэрининг иш куни соатма-соат режалаштирилган. Румин тили машғулотларидан ташқари, унинг иш жадвалига Рослиндаги ташқи ишлар вазирлиги институтидаги махсус курс, ҳарбий разведка агентлигидаги брифинглар, халқаро хавфсизлик бўлими бошлиғи ҳамда сенат вакиллари билан учрашувлар киритилган эди. Буларнинг барчаси унга ўз талаблари, тавсия ва маслаҳатларини баён этарди.

Мэри кейинги вақтда эртаю кеч ишлаётгани учун болаларига етарли эътибор бера олмаётганидан виждони қийналарди. Тим ва Бетнинг меҳмонхонада яшаётган болалар билан танишиб дўстлашганини эшитиб, хурсанд бўлди. У болалари билан кўпроқ бирга бўлишни хоҳласа-да, бунга имкон топа олмасди. Яхшиямки, Стэнтон Рожерс ёрдами билан уларга тарбиячи топишга муваффақ бўлди.

Эрталаб соат саккизда тил бўйича машғулот бошланиши сабабли, Мэри болалар билан нонушта қилишгагина улгурарди, холос. Румин тили Мэрини роса қийнаб қўйган эди. “Улар бу тилда қандоқ сўзлашар экан-а?” У руминча ибораларни ёдлар ва овоз чиқариб такрорларди.

- Хайрли тонг.
- Миннатдорман.
- Хуш келибсиз.
- Тушунмадим.
- Жаноб.
- Хоним.

Бу сўзларнинг айтилиши бошқаю ёзилиши бошқа экани уни қийнарди. Бет ва Тим онасининг уй вазифасини тер тўкиб бажариб ўтирганини кузатишаркан, устидан кулишарди:

— Карра жадвалини ёдлашга бизни мажбур қилардингиз, ойижон! Ўзингиз қийналмаяпсизми?

Навбатдаги учрашувларнинг бирида Жеймс Стиклининг хонасида бегона одам бор эди.

— Элчи хоним, рухсатингиз билан ҳарбий атташе полковник Уильям Маккиннини сизга таништираман.

Маккинни эғнида оддий костюм бўлса-да, ўзини тутиши ва ташқи кўринишидан ҳарбий экани билиниб турарди. У ўрта яшар, юзи қуруқшаган, баланд бўйли киши эди.

— Сиз билан танишганимдан бағоят хурсандман, элчи хоним.

Унинг овози худди томоғи оғриган одамникидек хириллаб чиқди.

— Мен ҳам хурсандман, — деди Мэри.

Шу топда уни ҳаяжон босди. Чунки полковник унинг штатига қабул қилинган биринчи ходим эди.

— Сиз учун хизмат қилишга киришишни интизорлик билан кутмоқдаман, — деди полковник Маккинни.

— Сиз Руминияда илгари ҳам бўлганмисиз?

Жеймс Стикли ва полковник бир-бирига маъноли қараб қўйишди.

— Ҳа, у илгари ҳам Руминияда бўлган.

* * *

Ҳар ҳафтанинг душанба куни давлат департаментининг конференц-залида янги элчилар иштирокида брифинглар ўтказилар эди.

— Дипломатия хизматида қатъий бўйсуниб тизими шакллантирилган. Унинг бошида элчи, ундан кейин сиёсий масалалар ва жамоатчилик билан алоқалар бўйича маслаҳатчилар туради. Булардан ташқари, элчихона штатида савдо, қишлоқ хўжалиги ва ҳарбий масалалар бўйича атташелар киритилади. Барчангиз дипломатик дахлсизликка эга бўласиз. Тезликни оширганингиз, машинани маст ҳолда бошқарганингиз, ўт қўйганингиз, ҳатто одам ўлдирганингиз учун сизни ҳибсга олишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Вафот этсангиз, бирорта ҳам одамнинг жасадингизга қўл теккизишига, сиз қолдирган ёзувларни ўқишига йўл қўйилмайди. Дўкондан бирор нима олиб, пулни тўламаганингизда ҳам, унинг эгаси сизни судга бера олмайди.

— Шу гапни хотиним эшитса борми! — дея луқма ташлади брифингда иштирок этаётган дипломатлардан бири.

— Ҳамиша ёдингизда бўлсин: элчи ўзи аккредитация қилинган мамлакатда президентнинг шахсий вакили ҳисобланади. Табиийки, сиздан ана шу тамойилга мос равишда фаолият юритиш талаб этилади. — Инструктор соатида қараб кўйди. — Кейинги машғулотгача “Ташқи алоқалар бўйича йўриқнома”нинг ижтимоий муносабатларга бағишланган иккинчи жилдининг уч юзинчи бўлимини ўқиб келинглар. Миннатдорман.

Кунларнинг бирида Мэри ва Стэнтон Рожерс пешин маҳали “Уотергейт” меҳмонхонасининг ресторанида бирга овқатланишди.

— Президент Эллисон жамоатчилик сиз ҳақингизда кўпроқ билишини истаяпти.

— Бунинг учун мен нима қилишим керак?

— Биз умуммиллий компания уюштирамиз. Матбуот, радио ва телевидение учун интервьюлар ташкил этамиз.

— Ахир, мен ҳеч қачон... Модомики, президентнинг ўзи бу ишга шунчалик эътибор бераётган экан, майли, уриниб кўраман.

— Демак, келишдик. Бироқ, аввало, кийим-кечакларингизни ўзгартирмасангиз бўлмайди. Сиз битта кўйлақда икки марта кўринмаслигингиз керак.

— Стэн, шунча пулни қаердан оламан. Бундан ташқари, дўконма-дўкон юришга вақтим бўлмаса. Эртадан-кечгача бандман. Агарда...

— Масалани ҳал қиламиз. Бизга Элен Моуди ёрдам беради.

— Ким дедингиз?

— Савдо-сотик борасида Вашингтонда унга тенг келадиган одам йўқ. У мушкулингизни осон қилади.

Илгари фотомодель бўлган Элен Моуди шахсий харидлар хизматини бошқарадиган қора танли ёқимтойгина аёл экан. Кунларнинг бирида Элен Мэри билан учрашиб, бир соатча унинг янги олинажак кийим-кечакларини муҳокама этишди.

— Жанкшн-Сити учун ажойиб кўйлақ, — деди у Мэрининг уст-бошига разм солиб. — Бироқ, биз Вашингтонни забт этишимиз керак. Тўғрими?

— Ахир, шунча пулни қаердан...

— Мен арзонроқ оладиган жойларни биламан, — деди Моуди жилмайиб. — Шундай қилиб, сизга узун кечки маросимлар учун кўйлақ, коктейл ва кечқурунги расмий қабуллар, чой ичиш ва кундузги расмий қабул, кўчада ва ишхонада кийиш учун костюм, шунингдек, мотам ва дафн маросимлари учун қора кўйлақ ва унга мос бош кийими олиниши зарур.

Кийим-кечак сотиб олиш учун уч кун вақт кетди.

Ниҳоят, ҳаммаси тайёр бўлгач, Элен Моуди Мэрига бошдан-оёқ разм солди.

— Сиз ғоят жозибали аёлсиз, миссис Эшли. Аммо, ҳали ҳаммаси рисоладагидек бўлгани йўқ. “Рейнбоу” гўзаллик саломидаги Сюзанна ва “Саншайн” сартарошхонасидаги Билли хузурига боришингизни истардим.

Бир неча кун ўтиб, Мэри расмий зиёфатларнинг бирида Стэнтон Рожерс билан учрашиб қолди.

У Мэрига бошдан-оёқ разм солиб жилмайди:

— Сиз ниҳоятда гўзал бўлиб кетибсиз, элчи хоним, — деди.

Матбуот ҳужуми бошланди. Бу компания давлат департаментининг жамоатчилик билан алоқалар бўлими бошлиғи Ян Виллерс томонидан режалаштирилди. Қирқ яшар Виллерс ёшлигида тиниб-тинчимас журналист бўлгани боис матбуот оламида у билмаган одам йўқ эди.

Мэри “Хайрли тонг, Америка”, “Матбуот билан учрашув” каби телекўрсатувларда телекамералар олдида пайдо бўлди. Унинг интервьюлари “Нью-Йорк таймс”, “Вашингтон пост” ва бошқа кўплаб нуфузли газеталарда чоп этилди. “Тайм”, “Шпигель”, “Ожжи” ва “Монд” мухбирлари билан суҳбатлари босилиб чиқди. “Тайм” ва “Пипл” журналларида Мэри ва унинг болаларига бағишланган катта-катта мақолалар берилди. Ҳаммаёқда унинг сурати босилар, мухбирлар эса дунёнинг бирон бир чеккасида содир бўлган воқеа-ҳодисаларни шарҳлаб беришни илтимос қилиб, ҳоли-жонига қўйишмасди. Тез орада Мэри Эшли ва унинг болалари жуда машҳур бўлиб кетишди.

— Ойи, — деди Тим, — журналларда босилган суратларимизни кўриб, юрагимни ваҳима босади.

— Мен ҳам худди шуни ҳис этайпман.

— Эртага вице-президент Брэдворд шарафига қабул маросими ўтказилади, — деди Стэнтон Рожерс. — Сизга таклифнома олдим. Демак, жума куни “Пан-Америкэн юнион”да кўришгунча.

“Пан-Америкэн юнион” улкан боғ ичидаги муҳташам бинода жойлашган бўлиб, бу бинода турли дипломатик қабул маросимлари ва расмий зиёфатлар тез-тез ўтказиб туриларди. Вице-президент шарафига ташкил этилган расмий зиёфат ўтказиладиган зал шифтидаги биллур қандиллар, дастурхонни безаб турган қадимий кумуш идишлар кўзни қамаштирарди. Бир чеккада оркестр мусиқа чалиб турарди.

Таклиф этилганлар пойтахт сиёсатчиларининг қаймоғи эди. Вице-президент ва унинг хотинидан ташқари, бу ерда сенаторлар, элчилар ва бошқа машҳур кишилар ҳозир бўлганди.

Ниҳоят, меҳмонлар дастурхонга таклиф этилди. Мэри сенаторлар, давлат департаментининг олий мартабали амалдорлари ва дипломатлар даврасидан жой олди. Унга дастурхонга тортилган таомлар ниҳоятда лаззатли, ўтирганларнинг барчаси ёқимтой ва дилбар кишилар бўлиб кўринди. “Болаларга албатта гапириб беришим керак”, дея ўйларди Мэри ҳаяжондан энтикиб.

Соат миллари ўн бирни кўрсатганида, Мэри ўнг томонида ўтирган сенаторга қарата деди:

— Қаранг-а, вақт алламаҳал бўлиб қолганини ҳам сезмабман. Болаларимга эртароқ келаман, деб ваъда бергандим. — Мэри ўрнидан туриб, ўтирганлар билан хайрлашди. — Сизлар билан танишганимдан бағоят хурсандман. Кўришгунча хайр.

Залда бирданига галати сукунат чўкди. Ўтирганларнинг барчаси эшик томон кетаётган Мэрига ажабланиб қараб қолишди.

— Эй, худойим-ей! — деди Стэнтон Рожерс пичирлаб. — Уни ҳеч ким огоҳлантирмапти-ку!

* * *

Эртаси куни Стэнтон Рожерс Мэрини нонуштага таклиф этди.

— Мэри, — деди у салмоқ билан. — Билиб қўйинг, бу шаҳарда ўзига яраша қатъий қонун-қоидалар бор. Баъзилари аҳмоқона туюлса-да, барибир, уларга риоя этилиши шарт.

— Мен бирор-бир айб иш қилиб қўйдимми?

— Сиз энг биринчи қоидани буздингиз, — деди у. — Ҳеч кимнинг, яна қайтараман, ҳеч кимнинг фахрий меҳмондан олдин зиёфатни ташлаб кетишга ҳадди сиғмайди. Фаҳмлаган бўлсангиз, кечаги фахрий меҳмон бу — Кўшма Штатлар вице-президенти эди.

— Наҳотки?

— Бугун, ахборотингиз учун, телефонлар тингани йўқ. Ҳаммаёқда шу гап.

— Кечиринг мени, Стэн. Мен, ахир, бундан мутлақо беҳабар эдим. Бундан ташқари, болаларга ваъда...

— Мэри, тушунсангиз-чи, Вашингтонда болалар йўқ, бу ерда фақат сайловчилар бор. Бугун ҳокимият мана шу шаҳарда жамланган. Буни ҳеч қачон ёдингиздан чиқарманг.

Мэри пулдан анча қийналиб қолди. Харажатлар ақл бовар қилмас даражада катта эди. Устига-устак, Вашингтондаги нархларга асло чидаб бўлмасди. Айниқса, кир ювиш шаҳобчасига тўланадиган нархларни кўрган Мэри ҳушдан кетаёзди.

— Битта блузкани ювиш учун беш доллару эллик цент? Ички кийим учун яна икки доллар! Йўқ, бундан буён кирни ўзим ювам.

У колготкасини совуқ сувда ивитиб, музхонага қўйди. Ҳадеганда йиртилавермайди. У кийимларни раковинада юва бошлади. Ювилган рўмолчаларни тош ойнага осиб қуритар ва дазмол қилмаслик учун авайлаб тахлаб қўярди. Ўзининг кўйлаклари ва Тимнинг шимларини кийимилгичга осарди-да, иссиқ сувни тўлиқ очиб, ҳаммом эшигини ёпиб қўярди. Бир куни Бет ҳаммом эшигини очган эди, ичкаридан буғ отилиб чиқа бошлади.

— Ойи? Бу нима қилганингиз?— деб сўради.

— Пулни тежаяпман, — деди Мэри ўзича гурурланиб. — Ахир, кир ювиш шаҳобчасидаги нархларга асло чидаб бўлмайди.

— Шу пайт президент келиб қолса нима бўлади? У сизни фирт қишлоқи аёл деб ўйламайдими?

— Президент бу ерга келмайди. Илтимос, эшикни ёпгин-да, менга халақит берма.

Қишлоқ эмиш! Аксинча, президент қилаётган ишимни кўриб, бу билан гурурланган бўларди. Ательедаги нархларни кўрсатса, унинг америкаликларга хос омилкорлиги туфайли қанча пулни тежанига президент ишонч ҳосил қиларди. У, шубҳасиз, ҳайрон қоларди. “Бизнинг ҳукумат аъзоларида ҳам сиз, элчи хонимга хос омилкорлик бўлганида эди, иқтисодиётимиз янада жадал ривожланган бўларди. Биз мамлакатимизнинг буюклигини таъминлаган омил — янгиликка интилиш ҳиссидан батамом маҳрум бўлиб қолганмиз. Одамларимизда топқирлик етишмайди. Биз ўзимиздан кўра кўпроқ электр асбоб-ускуналарга ишонадиган бўлиб қолганмиз. Мен мамлакатимиз пулдан

барпо этилган деб ҳисоблайдиган вашингтонлик амалдорларга сизни намуна қилиб кўрсатмоқчиман. Бу улар учун яхши ўғит бўлади. Дарвоқе, миямда ажойиб ғоя туғилди. Мен сизни молия вазири этиб тайинлайман”.

Буг эшик тирқишларидан ташқарига сизиб чиқа бошлади. Мэри ҳаммом эшигини очган эди, меҳмонхонани буг босиб кетди. Шу пайт эшик қўнғироғи жиринглаб қолди. Бетнинг овози эшитилди:

— Ойи, Жеймс Стикли келди.

Ўн бешинчи боб

— Бу кундан-кун ғалати тус олиб бораяпти-ку, — деди Бен Кон. У каравотда жазмани Акико билан Мэри иштирок этаётган “Матбуот билан учрашув” кўрсатувини кўриб ўтирарди.

— Менинг назаримда, — деди Руминияга тайинланган янги элчи, — Гонконг ва Макаонинг Хитойга қўшилиши коммунистик жамиятнинг инсонпарварлашувига хизмат қилган бўларди”.

— Жин урсин! У буни қаёқдан билиши мумкин? — деб тўнғиллади Бен Кон жазманига қараб. — Кўриб қўй, рўпарангдаги аёл тўсатдан халқаро экспертга айланиб қолган канзаслик уй бекаси.

— У ақлли экан, — деди Акико.

— Аёллилигини кўятур. Қизиги шундаки, ҳар гал у интервью берганда репортёрлар худди қутурган итдек бўлиб қолади. Қандай қилиб у “Матбуот билан учрашув”га йўл топа олди экан? Мен бунинг тагига етаман. Кимдир Мэри Эшли машҳур бўлиши керак, деган қарорга келган кўринади. Аммо бу ким? Нима учун? Ахир, ҳатто Чарлз Линдберг ҳақида ҳам бунчалик шов-шув кўтаришмаган эди.

— Чарлз Линдберг деганинг ким ўзи?

Бен Кон чуқур хўрсинди:

— Турли авлодлар муаммоси деганлари шу бўлса керак-да. Сира бир-бирини тушунгиси келмайди.

Телевизор экранидан эса Мэри Эшлининг овози эшитиларди:

“Америка мафкурасини тан олмайдиган мамлакатлар билан урушмасликнинг энг самарали усули — улар билан савдо алоқаларини ривожлантириш...”

* * *

Ўша куниёқ кечки пайт Бен Кон Ян Виллерсга қўнғироқ қилди.

— Саломатмисан, Ян!

— Бенжи, оғайни! Ишларинг қалай?

— Бир масалада ёрдаминг керак.

— Ҳамиша ёрдамга тайёрман.

— Руминиядаги янги элчимиз билан интервьюлар ташкил этишга бош-қош экансан, деб эшитдим.

— Ҳа, — деди Ян хавотирланиб.

— Унинг ортида ким турибди ўзи? Мен буни билишни истардим.

— Кечирасан, Бен. Бу билан давлат департаменти шуғулланмоқда. Мен кичкина одамман. Давлат котибидан сўрайқол.

— Ундан кўра орқамга тепганинг яхши эмасмикан? Мен ўзим бориб, ҳаммасини суриштириб биламан.

— Ҳўш, қаёққа бормоқчисан?

— Канзасга, Жанкшн-Ситига.

Бен Кон Жакшн-Ситида атиги бир кун бўлди. Бир соатга яқин шериф Манстер ва унинг ўринбосари билан суҳбатлашди, сўнг ижарага олинган машинада Форт-Райлига бориб, жиноий ишлар бўлими вакили билан гаплашди. Бен Кон ўша куниеқ ортига қайтди.

У ўтирган самолёт осмонга кўтарилиши билан Форт-Райлидан Вашингтонга қўнғироқ бўлди.

Мэри Эшли йўлакчадан Жеймс Стикли хонасига бораётган пайтда орқадан:

— Буни қаранглар!— деган эркак кишининг йўғон овози эшитилди.

Мэри орқасига ўтирилди. Баланд бўйли нотаниш киши деворга суяниб, ишшайиб турарди. Унинг соқоли ўсиб кетган, эгнига жинси шим, футбол майкаси ва оёғига кроссовка кийиб олган эди. У Мэрига истехзоли жилмайиб турарди. Бу одамнинг такаббуруна қиёфаси Мэрининг жаҳлини чиқариб юборди. У бошини кескин бурди-да, нотаниш кишининг тикилиб турганини ҳис этиб, йўлида давом этди.

Мэри Жеймс Стиклининг ёнида бир соатдан ортиқроқ қолиб кетди. Хонасига қайтиб келганда оёғини столга қўйган ҳолда креслосида ўтириб, унинг қоғозларини титкилаётган бояги нотаниш кишига дуч келди. Жаҳли чиққанидан юзига бирданига қон урганини ҳис этди.

— Бу ерда сизга нима бор?

Нотаниш киши унга узоқ тикилиб турди-да, истар-истамас ўрнидан қўзғалди.

— Мен Майк Слейдман. Майк десангиз ҳам бўлаверади.

— Менга қандай ишингиз бор, мистер Слейд, — деди Мэри совуқ оҳангда.

— Ҳеч қандай. Биз қўшнилармиз. Мен ҳам шу бўлимда ишлайман. Бир сўрашиб қўяй дедим-да.

— Сўрашишни бопладингиз. Қолаверса, сиз чиндан ҳам шу бўлимда ишласангиз, ўзингизнинг ўтирадиган столингиз бўлса керак, деб ўйлайман. Бундан буён менинг столимга ўтирманг ва қоғозларимни титкиламанг!

— Эй-ҳе, феълдан ҳам бор экану! Канзасликлар ўзини нима деб атайди, билмадиму — ниҳоятда хушмуомала ва самимий инсонлар деб эшитгандим.

— Мистер Слейд, — деди Мэри тутақиб, — бу ердан жўнаб қолишингиз учун икки сония ватқ бераман, акс ҳолда, қўриқчиларни чақиришга мажбур бўламан.

— Бир нима дегандек бўлдингизми? — деди у.

— Сиз чиндан ҳам шу ерда ишласангиз, ўйингизга боринг-да, соқолингизни олиб, одамга ўхшаб кийиниб келинг.

— Бир вақтлар хотиним ҳам худди шу гапни айтган, — деди Слейд чуқур хўрсиниб. — Мен билан ажрашиб у тўғри иш қилган.

Мэрининг газабдан қони қайнаб кетди.

— Даф бўл!— қичқирди Мэри.

— Кўришгунча, жонгинам! — деди у Мэрига қўл силтаб. — Ҳали яна учрашамиз.

“Ҳеч қачон, — ўйлади Мэри. — Тош ёғса ҳам учрашмайман”.

Шу куни эрталабдан унинг кўнгли гаш эди. Жеймс Стикли ҳам нуқул захрини сочишга интиларди. Пешинга бориб, унинг силласи қуриб, ўзини ёмон ҳис эта бошлади. Бир оз ўзига келиб олиш учун овқатланиш ўрнига машинада Вашингтон кўчалари бўйлаб сайр қилишга қарор қилди. Лимузини ташқи ишлар вазирлиги институти рўпарасида турарди.

— Хайрли тонг, элчи хоним, — деди ҳайдовчи. — Қаёққа боришни хоҳлайдилар?

— Менга барибир, Марвин. Кел, шунчаки сайр қилайлик.

— Хўп бўлади, хоним. — Машина оҳиста ўрнидан кўзгалди. — Сиз “Элчихоналар кўчаси”ни кўрмоқчимисиз?

— Ҳа. — У худди шу лаҳзада аламдан фориг бўлиш учун дунёнинг нариги бурчига кетишга ҳам тайёр эди.

Ҳайдовчи чап томонга бурилиб, Массачусетс-авенюга йўл олди.

— У шу ердан бошланади, — деди Марвин улар шоҳқўчага чиқиб олгач. Бу кўчада жойлашган элчихоналарни Мэрига кўрсатиш учун, ҳайдовчи машинани шошмасдан ҳайдаб борарди.

Кўтарилаётган қуёш акс эттирилган байроққа қараб, Мэри япон элчихонасини таниб қолди. Ҳиндистон элчихонаси эшигига эса филнинг акси туширилган эди.

Улар ҳовлисида одамлар ибодат қилаётган масжид ёнидан ўтиб кетишди. Йигирма учинчи кўча муюлишида оқ тошдан қурилган мухташам бино қад кўтариб турарди.

— Бу Руминия элчихонаси, — деди Марвин. — Унинг ёнида эса... — Илтимос, тўхтатинг.

Машина секинлашиб, тўхтади. Мэри ойнадан бино эшигида осифлиқ турган лавҳани ўқиди: “РУМИНИЯ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЭЛЧИХОНАСИ”.

Мэри кўнглига дафъатан келган истакка бўйсуниб, ҳайдовчига деди:

— Мени шу ерда кутиб туринг. Мен элчихонага кирмоқчиман.

Мэри юраги ҳапқириб кетаётганини ҳис этди. Ахир, бу талабаларга ўзи гапириб берган ва бир неча йил мобайнида унинг орзу-ўйига айланган мамлакат билан дастлабки мулоқоти эди-да.

У чуқур хўрсиниб қўйди-да, сўнг кўнғироқ тугмачасини босди. Жавоб бўлмагач, эшикни итарган эди, очилиб кетди. Мэри секин-аста ичкарига қадам қўйди. Вестибюль совуқ ва қоронғу эди. Девор ёнида диван, иккита кресло ва телевизор турарди. Мэри қадам товшини эшитиб, орқасига ўгирилди. Узун бўйли озгин одам зинадан шоша-пиша тушиб келарди.

— Ҳа?.. Ҳа?.. Нима бўлди, тинчликми?

— Хайрли тонг! Мен Мэри Эшлиман. Мен Руминияга тайинланган янги элчиман.

Элчихона ходими қўли билан юзини беркитиб олди.

— Эй, Худойим-ей!

— Нима гап, тинчликми? — Энди ажабланиш навбати Мэрига келди.

— Ахир, сизни кутмагандик, элчи хоним.

— Биламан. Шу ердан ўтиб кетаётгандим...

— Элчи Корбеску ниҳоятда хафа бўладиган бўлди-да.

— Хафа бўлади? Нима учун? Ахир, мен шунчаки кириб ўтаман деб...

— Албатта, албатта. Узримни қабул қилинг. Исмиб Габриэл Стойка. Элчининг ўринбосариман. Рухсат берсангиз, чироқни ва иссиқликни ёқсам. Биз сизни кутмагандик... Келасиз деб сира ўйламагандик.

Унинг эсанкираб қолгани шундоқина кўриниб турарди. Мэри қайтиб кетмоқчи бўлди-ю, аммо энди фурсат бой берилган эди. Стойканинг шоша-пиша чироқларни ёқишини кузатиб туришдан ўзга иложи қолмади.

— Бир неча дақиқадан кейин исиб қолади, — деди Стойка узр сўрагандек оҳангда. — Электр энергиясини тежашга ҳаракат қиламиз. Вашингтон — жуда қиммат шаҳар.

Мэри хижолатдан ерга кириб кетгудек бўлди.

— Билганимда эди...

— Йўқ-йўқ. Ҳечқиси йўқ. Элчи юқорида. Келганингизни ҳозироқ унга етказаман.

— Овора бўлишга...

Стойка иккинчи қаватга югуриб чиқиб кетди.

Беш дақиқа ўтар-ўтмас у қайтиб келди.

— Марҳамат қилсинлар. Элчи сизни кўришдан бағоят хурсанд бўлади.

— Ишончингиз комилми? Балки...

— У сизни кутмоқда.

Стойка уни юқори қаватга кузатиб қўйди. Улар узунчоқ стол ва ўн иккита стул қўйилган конференц-залга киришди. Девор бўйлаб қўйилган жовонларда румин сувенирлари ва амалий санъат намуналари териб қўйилган, қарама-қарши томонда Руминиянинг харитаси осиб қўйилган. Каминнинг тепасида эса Руминиянинг давлат байроғи савлат тўкиб турарди. Элчи Раду Корбеску, пиджагининг тугмасини қадаганча, Мэри томонга шошиб келарди. У қорачадан келган узун бўйли одам эди. Хизматкор барча чироқларни ёқиб чиқди.

— Элчи хоним! — дея хитоб қилди Корбеску. — Биз учун нақадар кутилмаган илтифот! Сизни норасмий равишда кутиб олаётганимиз учун узр сўрайман. Давлат департаментидан ташрифингиз ҳақида хабар олганимиз йўқ.

— Айб менда, — деди Мэри. — Шу ердан ўтиб кетаётиб...

— Сиз билан учрашганимдан беҳад хурсандман! Сизни телевизор орқали кўп кўрганмиз, сиз ҳақингизда газеталарда ўқиганмиз. Сиз билан танишишга қанчалик муштоқ бўлганимизни билсангиз эди. Чой беришсинми?

— Қийин бўлмаса.

— Қийин?.. Асло! Сиз учун расмий зиёфат тайёрлаб қўймаганимиз учун узр сўрайман. Минг бор узр. Қанчалар хижолат чекаётганимни билсангиз эди.

“Аслида, мен хижолат чекишим керак, — деб ўйлади Мэри. — Нима учун бу ерга келдим? Қанчалар аҳмоқман! Ҳатто болаларга ҳам бу шармандаликни айтиб бўлмайди. Бу сирни ўзим билан гўрга олиб кетаман”.

Чой келтириб қўйишганда, румин элчиси ҳаяжонини боса олмай, идишдаги чойни тўкиб юборди.

— Бесунақай бўлмай кетай! Кечиринг мени!

Мэри унинг ҳадеб кечирим сўрамаслигини хоҳларди.

Элчи дунёвий масалалар ҳақида сўзлай бошлаганда, ўртадаги ноқулай вазият янада чуқурлашгандек бўлди. Унинг ниҳоятда хижолат чекаётгани билиниб турарди. Қулай имконият тугилиши биланоқ, Мэри ўрнидан секин кўзгалди:

— Жаноби олийлари, сиздан ғоят миннатдорман. Сиз билан танишганимдан беҳад хурсандман.

Мэри шоша-пиша элчихонани тарк этди.

Мэри хонасига қайтиб кирганда, ўша заҳоти уни Жеймс Стикли чақиртирди:

— Миссис Эшли, — деди у ўта совуқ ҳангда, — нима қилиб қўйганингизни биласизми?

“Оббо! Бу ерда сир сақлаб бўлмайди, шекилли”, — деб ўйлади Мэри.

— Сиз румин элчихонаси масаласини айтаяпсизми? Мен шунчаки кириб, танишмоқчи...

— Бу ер сизга шунчаки меҳмонга борадиган қишлоқ эмас, — дея бўкирди Стикли. — Вашингтонда элчихонага шунчаки киришмайди. Агарда бирор элчи бошқаси билан учрашмоқчи бўлса, унга таклифнома жўнатади. Сиз Корбескуни ноқулай аҳволга солиб қўйдингиз. Давлат департаментига расмий норозилик баёноти билан мурожаат этмасликка уни зўрға кўндирдим. Корбеску сиз атайлаб уни ғафлатда қолдириш учун боргансиз, деб ҳисоблайди.

— Нима? Мен бор-йўғи...

— Доимо ёдингизда бўлсин: энди сиз оддий фуқаро эмас, Қўшма Штатлар ҳукуматининг вакилисиз. Кейинги гал шахсий иш, масалан, тиш ювишдан-да муҳимроқ ишга қўл урмоқчи бўлсангиз, олдин мендан сўранг. Гапимни тушунгандирсиз?

— Ҳа, сэр, — деди Мэри бўшашиб.

— Яхши, — у телефон гўшагини кўтариб, қандайдир рақамни терди. — Миссис Эшли шу ерда. Кирасанми? Келишдик.

Мэри ўзини жазоланган боладек ҳис этиб, овоз чиқармай ўтирарди. Эшик очилиб хонага Майк Слейд кириб келди.

У Мэрига қараб истехзоли тиржайди.

— Салом. Маслаҳатингизга риоя этиб, соқолимни олдим.

— Танишмисизлар? — деб сўради Стикли.

— Унчалик эмас, — жавоб берди Мэри Слейдга тикилиб. — Менинг хонамдаги қоғозларни титкилаётганда устидан чиқиб қолдим.

— Миссис Эшли, сизга Майк Слейдни тавсия этмоқчиман. У элчихонада сизнинг ўринбосарингиз бўлади.

— Ким бўлади?

— Мистер Слейд Шарқий Европа бўлимида ишлайди. Одатда у Вашингтондан кетмайди, аммо уни сизнинг ўринбосарингиз этиб тайинлаш ҳақида қарор қабул қилинган.

Мэри ирғиб ўрнидан туриб кетди.

— Йўқ, — деди у норози оҳангда. — Бунинг асло иложи йўқ.

— Мен ҳар кун соқол олишга ваъда бераман, — деди Слейд тавозе билан.

Мэри Стиклига ўгирилди:

— Элчига ўз ўринбосарини танлаб олишга рухсат берилади деб ўйлагандим.

— Ҳа, рухсат берилади, бироқ...

— Мен Майк Слейд номзодини рад этаман. Менга унинг кераги йўқ.

— Бошқа вазиятда сиз ўз ҳуқуқингиздан фойдаланишингиз мумкин эди, аммо бу гал танлаш имкони йўқ. Бу Оқ уйдан олинган буйруқ.

Мэри қаерга бормасин, ҳамиша Майк Слейдга дуч келарди. Пентагонда ҳам, сенат ошхонасида ҳам, давлат департаменти йўлакларида ҳам. У доимо бир хил кийимда: жинси, футбол майкаси ва кроссовка кийиб юрарди. Мэри давлат муассасаларига уни қандай қилиб киритишларига сира ақли етмасди.

Бир гал Слейднинг полковник Маккинни билан овқатланаётганини кўриб қолди. Нималар ҳақидадир қизишиб баҳслашаётганини кузатиб турган Мэрини уларни бирлаштираётган манфаатлар қизиқтириб қолди.

“Балки, улар эски қадрдонлардир? Менга қарши қандайдир фитна уюштираётган бўлишса-чи? Ҳали Руминияга етиб бормасимданоқ миям суюлиб қоладиганга ўхшайди-ёв”.

Сенатнинг ташқи ишлар бўйича қўмитаси раиси Чарли Кемпбелл Мэри шарафига қабул уюштирди. У залга кириб келганида, барча хонимларнинг ғоятда нафис кечки либосларда ташриф буюргани унинг эътиборини тортди. “Мен бу олам учун бегонаман, — дея хаёлидан ўтказди. — Улар эса гўё фақат шунинг учун яралгандек”.

Мэрининг ўзи уларнинг ҳаммасидан гўзалроқ эканини билмасди. Қабулда иштирок этаётган бир неча фотомухбирлар ҳам бошқаларга қараганда уни кўпроқ суратга олишарди. У билан рақсга тушган эркаларнинг барчаси телефон рақамини сўрарди. Мэрини эса улар мутлақо қизиқтирмас эди.

— Кечирасиз, — дерди у билан рақс тушаётган шерикларига. — Ишим ва оилам кўп вақтимни эгаллайди.

Ким биландир учрашиш фикри унинг ҳатто хаёлига келиши ҳам мумкин эмасди. У ҳаётида Эдварддан бошқасини тасаввур қилолмасди.

Мэри Чарли Кемпбелл, унинг рафиқаси ва давлат департаментининг бир неча амалдорлари даврасида ўтирарди. Шу пайт кимдир элчилар билан юз берган кулгили ҳолатлар ҳақида гап очиб қолди.

— Бундан бир неча йил муқаддам Мадридда, — деди меҳмонлардан бири, — юзлаб талабалар Британия элчихонаси олдига тўпланиб, Гибралтарни Испанияга қайтариб беришни талаб қилади. Талабалар элчихона ҳудудига бостириб киришига озгина қолганда, Франко ҳукуматининг вазирларидан бири қўнғироқ қилади. “Элчихона олдида бўлаётган воқеалардан ташвишдаман. Эҳтимол, кўпроқ полициячилар юбориш керакдир?” — дебди у. “Йўқ, — деб жавоб берибди элчи. — Яхшиси, талабаларни камроқ юборинг”.

— Қадимги юнонлар, — деди кимдир, — Гермесни элчиларнинг ҳомийи деб ҳисоблаши тўғрими?

— Ҳа, шунингдек, у дайди-мискинлар, ўғрилар ва ёлғончиларга ҳам ҳомийлик қилган.

Қабул кечаси Мэрида зўр таассурот қолдирди. Бу ердагиларнинг барчаси унга ақлли, хушфёъл, қизиқарли бўлиб туюлди. У эрталабгача ҳам ўтиришга рози эди. Ёнида ўтирган эркак ундан:

— Эрталаб барвақт туришингиз керак эмасми?— деб сўради

— Йўқ, — деди у. — Эртага якшанба. Тўйиб ухлаб оламан.

Бир оздан кейин аёллардан бири эснади:

— Кечирасиз, бугун мен учун оғир кун бўлди.

— Мен учун ҳам, — деди Мэри жилмайиб.

У хонага аллақандай сукунат чўмганини пайқаб қолди. Ҳамма нимагадир унга қараб ўтирганидан ажабланди. “Нима учун менга бундай қарашаяпти экан?”— дея ўзига ўзи савол берарди. Соатига қараса, учга яқинлашибди. Бирдан Стэнтоннинг сўзлари ёдига тушди: “Қабулда биринчи бўлиб фахрий меҳмон кетади”.

Бугун айнан у фахрий меҳмон эди. “Эй, худойим, — деб ўйлади Мэри ўзини ўзи койиб. — Мен турмасдан улар кета олмайди-ку!”

У ўрнидан туриб, бўғиқ овозда деди:

— Тунингиз хайрли бўлсин. Кечамиз жуда ҳам ажойиб ўтди.

Мэри эшик томон юриб борар экан, таклиф этилган

меҳмонларнинг барчаси кетиш тараддудига тушиб қолганини пайқади.

Мэри душанба куни эрталаб йўлак бўйлаб кетаётиб Майк Слейдга дуч келди.

— Эшитишимча, — деди у пичинг қилиб, — Вашингтоннинг ярмини тун бўйи оёқда туришга мажбур қилган эмишсиз?

Мэрининг нафаси томоғига тиқилгандек бўлди.

Унинг ёнидан ўтиб Жеймс Стиклининг хонасига кирди.

— Мистер Стикли, агарда мистер Слейд менинг ўринбосарим этиб тайинланадиган бўлса, бу ҳол Руминиядаги элчихонамиз ишига салбий таъсир этади, деб ҳисоблайман.

Стикли ўқиётган ҳужжатдан кўзини узди:

— Шундай денг? Нима гап ўзи?

— Унинг ўзини тутиши менга ёқмайди. Мен уни ўта кўпол ва калондимоғ одам деб ҳисоблайман.

— Тўғри, Майкнинг айрим қилиқлари ёқмаслиги мумкин, лекин...

— Қилиқлари дейсизми? У жуда дағал ва тарбиясиз. Менга бошқа ўринбосар тайинлашларини расман талаб қиламан.

— Гапингиз тугадими?

— Ҳа.

— Миссис Эшли, гап шундаки, Майк Слейд Шарқий Европа мамлакатлари бўйича энг тажрибали мутахассис ҳисобланади. Сизнинг вазифангиз — руминлар билан дўстона муносабатлар ўрнатиш. Менинг ишим эса — сизга ҳар томонлама ёрдам бериш. Шу маънода, Майкдан яхшироқ мутахассисни топишимиз амримаҳол. Хуллас, мен ҳеч қандай эътирозларни эшитишни истамайман. Гапимни тушунгандирсиз? “Фойдаси йўқ, — ўйлади Мэри. — Бунга гапиришнинг мутлақо фойдаси йўқ”. Кайфияти бузилиб, хонасига қайтиб келди. “Стэн билан гаплашиб кўрсаммикан, — деди Мэри ўзига-ўзи. — У албатта ёрдам беради. Бироқ, бу заифлигимнинг белгиси сифатида қабул қилиниши ҳам мумкин. Нима бўлса бўлар. Майк Слейдни ўзим бирёқлик қилишга уриниб кўраман”.

— Нималарни орзу қилиптилар?

Мэри бехосдан берилган саволдан чўчиб тушди. Унинг рўпарасида бир қанча меморандумлар кўтариб олган Майк Слейд тиржайиб турарди.

— Бу қоғозлар сизни нохуш ўй-хаёллардан чалғитади, — деди у қоғозларни столга кўяр экан.

— Кейинги сафар хонамга кираётганда тақиллатишни унутманг.

Слейднинг кўзларида истехзо учқунлари пайдо бўлди.

— Сизга нима ёқмаётганлиги ҳақида ўйлаб, сира ўйимга ета олмаяпман.

— Хоҳласангиз, айтишим мумкин. Мен сизни ўзига ҳаддан ташқари бино кўйган, ёқимсиз ва калондимоғ одам деб ҳисоблайман...

У бир бармоғини юқорига кўтарди.

— Ҳадеб бир гапни қайтараверишдан нима маъни бор?

— Мен ўзимни масҳара қилишларига йўл кўймайман.

— Сен ҳеч кимга кўшила олмайсан демоқчимисиз? — деди у овозини пасайтириб. — Вашингтонда сиз ҳақингизда нималар дейишаётганини биласизми?

— Менга бунинг қизиғи йўқ.

— Янглишасиз. — У столнинг бир бурчагига ўрнашиб олди-да, сўзини давом эттирди. — Ҳозир ҳаммани сиз элчи бўлишга ҳақлимисиз, деган савол қизиқтирмақда. Мен тўрт йил Руминияда бўлдим. Бу портлайдиган бочканинг худди ўзи бўлса-да, ҳукумат у ерга бир

қизалоқни жўнатиши одамни ажаблантиради.

Мэри тишини-тишига қўйганча, унинг истехзоли гапларини эшитиб турди.

— Сиз бу соҳанинг устаси эмассиз, миссис Эшли. Модомики, сизни элчи этиб тайинлаш иштиёқи шунчалик зўр экан, унда Исландияга юборишса ҳам бўларди-ку!.

Мэрининг сабр косаси тўлди. Урнидан сагчиб турди-да, Майкнинг чаккасига бир тарсаки туширди.

— Жавобингиз бунчалик тез бўлмаса, — деди у тиржайиб.

Ўн олтинчи боб

Таклифномада шундай сўзлар битилган эди: “Руминия Социалистик Республикасининг элчиси Сизни элчихонада бўлиб ўтадиган коктейл ва кечки қабул зиёфатига таклиф этади”.

Мэри румин элчихонасига қилган бемаврид ташрифини эслади. Ўшанда фирт аҳмоқнинг ишини қилганидан афсусланди.

“Энди бу хато такрорланмайди, — деди ўзига ўзи. — Мен ўзимни қандай тутиш кераклигини яхши билиб олдим”.

У духобадан тикилган янги кечки кўйлаги, пошнаси баланд туфлисини кийиб, бўйнига камтарона марварид мунчоқни тақиб олди.

— Сиз Мадоннадан ҳам гўзалсиз, ойижон, — деди Бет унга ҳавас билан тикилиб.

Мэри қизини бағрига босиб, пешонасидан ўпиб қўйди.

— Жуда ҳаяжондаман. Сизлар овқатланиб, телевизор кўриб ўтиринглар. Мен барвақт қайтаман. Эртага Маунт-Вернонга президент Вашингтон уй-музейига борамиз.

Телефон жиринглаб қолди.

— Элчи хоним, мистер Стикли сизни пастда кутиб турибди, — деди меҳмонхона хизматчиси.

“Унинг мен билан бирга боришига ҳожат йўқ эди, — деб ўйлади Мэри. — Нохуш воқеалардан узоқроқ юришни ўзим ҳам эплардим”.

Бу гал румин элчихонасининг кўриниши тамоман ўзгача эди. Ўтган сафаргидан фарқли ўлароқ, бугун бу ерда байрамона муҳит ҳукм сурарди. Кираверишда уларни элчининг ўринбосари Габриэл Стойка кутиб олди.

— Хайрли кеч, мистер Стикли. Сизни кўришдан хурсандман.

— Мен сизга янги элчимизни таништирмоқчиман, — деди Стикли Мэри томон ишора қилиб.

Мэри Стойканинг юзида бирон-бир ўзгариш бўлганини сезмади.

— Танишганимдан хурсандман, элчи хоним. Ортимдан юришларингизни илтимос қиламан.

Йўлак бўйлаб кетаётган Мэри барча хоналар ёритилгани ва яхши иситилганига эътибор берди. Залнинг бир бурчагида кичкина оркестр мусиқа чалиб турарди. Ҳамма ёқ гулга бурканган.

Элчи Корбеску бир гуруҳ меҳмонлар билан суҳбатлашаётиб, Жеймс Стикли ва Мэри Эшлига кўзи тушди.

— Хайрли кеч, мистер Стикли.

— Хайрли кеч, элчи жаноблари. Рухсат этсангиз, Қўшма Штатларнинг Руминиядаги элчисини сизга таништираман.

Элчи Корбескунинг юзида ўтган галги саросимадан асар ҳам йўқ эди. У Мэрига қараб, хотиржам оҳангда деди:

— Сиз билан танишганимдан ғоят бахтиёрман.

Мэри унинг кўзига қараб, кайфиятини аниқлайман деб ўйлаганди, аммо ҳеч нимани англай олмади.

Қабул зиёфатига камида юзта меҳмон таклиф этилган эди. Эркаклар — смокинда, аёллар эса француз модельерлари яратган бежирим кечки либосларда. Бу гал Мэри хонага ўтган сафар кўрган катта столдан ташқари, бир қанча кичик столлар ҳам қўйилганини фаҳмлади. Ливрея кийган официантлар меҳмонларга шампан келтириб турарди.

— Ичмоқчимисиз? — сўради Стикли.

— Йўқ, миннатдорман, — деди Мэри. — Мен умуман ичмайман.

— Наҳотки? Чакки қиласиз.

— Нима учун? — деди Мэри ҳайрон бўлиб.

— Чунки ичиш ҳам ишингизнинг бир бўлаги. Сиз таклиф этилган ҳар бир дипломатик қабул зиёфатида албатта қадаҳ сўзлар айтилади. Ичмасангиз, мезбонни хафа қилиб қўясиз. Ичимликни шунчаки лабингизга теккизиб қўйсангиз, бас.

— Мен бунга эслаб қолишга ҳаракат қиламан, — деди Мэри.

У меҳмонларга разм солар экан, кўзи Майк Слейдга тушиб қолди. Дастлаб уни таниёлмай турди. Бу гал Мэри смокинг кийиб олган Майкнинг анча жозибали бўлиб қолганини тан олишга мажбур бўлди. У яримьяланғоч малласоч бир хонимнинг белидан ушлаб турарди. “Сууюқоёқ! — деди ўзича. — Айнан Слейднинг ўзига муносиб. Қизиқ, бундай хонимчаларнинг қанчаси уни Бухарестда кутиб турган экан?” Мэри Слейднинг унга айтган пичингини эслади: “Модомики, сизни элчи этиб тайинлаш иштиёқи шунчалик зўр экан, унда Исландияга юборишса ҳам бўларди-ку!” Пасткаш!

Слейднинг ёнига ҳарбий мундир кийган полковник Маккинни келди. Майк малласоч хонимдан узр сўраб, полковник билан четроққа ўтди. “Буларнинг икковига кўз-қулоқ бўлиш керак”, — деди Мэри ичида.

Бир пайт ёнидан патнис кўтарган официант ўтиб қолди.

— Менга шампан беринг, — деди Мэри.

Жеймс Стикли унинг бокал тўла шампанни охиригача ичиб қўйганига ажабланиб қараб қолди.

— Бўпти, — деди у, — энди ишга киришаверсак ҳам бўлади.

— Ишга дейсизми?

— Билиб қўйинг, бундай қабуллар вақтида кўпгина ишлар ҳал қилинади.

Кейинги бир соат ичида Мэри элчилар, сенаторлар, губернаторлар ва бошқа таниқли сиёсатчиларга таништирилди. Руминияга қизиқиш ғоят кучли бўлгани сабабли зиёфатга қўплаб бообрў одамлар таклиф этилганди. Майк Слейд малласоч хонимчанинг қўлидан ушлаб, Жеймс Стикли ва Мэрига яқинлашди.

— Хайрли кеч, — деди у. — Танишинглар, бу — Дебби Деннисон. Булар эса Жеймс Стикли ва Мэри Эшли.

Слейд атайлаб Мэрининг лавозимини тилга олмаганди. Мэри унинг хатосини тузатди:

— Элчи Мэри Эшли.

Майк қўли билан пешонасига уриб деди:

— Кечиринг, элчи хоним. Дарвоқе, мисс Деббининг отаси ҳам элчи. Албатта, у ўз соҳасининг устаси. Сўнгги йигирма йил мобайнида у жуда кўп мамлакатларда хизмат қилган.

— О... у даврлар шу қадар қизиқ бўлганки, — деди малласоч хоним.

— Дебби кўп саёҳат қилган, — деб Майк изоҳ берди.

— Ҳа, албатта, — деб қўйди Мэри лоқайдлик билан.

Мэри Майк Слейд билан бир столга ўтирмасликни худодан илтижо

қилган эди, ҳартугул нолалари ижобат бўлди. У ўша малласоч хонимчаси билан бошқа столда ўтирди. Мэри эса ўн икки киши ўтирган даврандан жой олди. Уларнинг аксариятини журналлардаги суратларда ва телевизорда кўрган эди. Жеймс Стикли унинг рўпарасига жойлашди. Чап тарафида у аниқлай олмаган ғалати тилда гаплашадиган жаноб, ўнг тарафида эса бўй-басти келишган малласоч бир одам ўтирарди.

— Сизнинг ёнингизда ўтирганимдан гоёт бахтиёрман, — деди у Мэрига тавозе билан. — Мен сизнинг чинакам мухлисингизман. — У билинар-билинемас скандинавча талаффузда гапирарди.

— Олаф Петерсон, — дея у ўзини таништирди. — Швеция элчихонасининг маданий алоқалар бўйича атташесиман.

— Сиз билан танишганимдан хурсандман, мистер Петерсон.

— Сиз Швецияда бўлганмисиз?

— Йўқ. Тўғриси айтсам, ҳеч қаерда бўлмаганман.

— У ҳолда сиз учун ҳаммаси ҳали олдинда экан-да? — деди у кулимсираб.

— Эҳтимол, қачонлардир болаларим билан мамлакатингизга бориб қоларман.

— О... болаларингиз ҳам борми? Каттами улар?

— Тим ўн, Бет ўн икки ёшда. Ҳозир уларни сизга кўрсатаман. — У сумкачасидан суратларни чиқариб Петерсонга кўрсатди.

Жеймс Стикли унга тикилганча, бош чайқаб қўйди.

— Қандай ажойиб фарзандлар! — деди Олаф. — Иккови ҳам худди ўзингизга ўхшайди.

— Уларнинг кўзи отасиникига ўхшайди.

Бир вақтлар шу масалада Эдвард билан ҳазиллашиб баҳслашишарди. “Бет худди сенга ўхшаб чиройли бўлади, — дерди Эдвард. — Бироқ Тимнинг кимга ўхшашлигини сира аниқлай олмайман. У менинг ўғлим эканига ишончинг комилми?”

Бундай ҳазил-хузул ва баҳслашувлар кўпинча тотли севги кечаси билан якун топарди.

Бу пайт Олаф Петерсон унга нималарнидир тушунтиришга уринарди.

— Кечирасиз, хаёл олиб қочибди.

— Эрингиз автоҳалокатда вафот этган деб эшитгандим. Мусибатингизга ҳамдардман. Аёл кишига эркаксиз нақадар қийин эканини тушунаман.

Мэри идишдаги шампандан озгина ҳўплади. Ичимлик муздеккина ва ёқимли эди. У охиригача ичиб қўйди. Оқ қўлқоп кийган официант шу заҳоти қадаҳни тўлдириб қўйди.

— Руминиядаги вазифангизга қачон киришмоқчисиз? — деб сўради Петерсон.

— Менга бир неча ҳафтадан кейин жўнайсиз деб айтишди. — Мэри қадаҳини кўтарди: — Бухарест учун. — У қадаҳни яна бўшатди. Шампан виноси жуда ёқимли эди. Бундан ташқари, унда деярли алкоголь йўқлиги барчага маълум.

Официант қадаҳини яна тўлдириб беришни таклиф этганда, у бош ирғаб қўйди. Мэри дид билан кийинган ва турли тилларда суҳбатлашиб ўтирган меҳмонларга разм солди. “Ҳа, — деди ўйга толиб, — Жанкшн-Ситида бундай зиёфатлар бўлмайди. Канзас худди қишлоқдек зерикарли жой. Вашингтон эса қизиқарли... Нимаси билан қизиқ?” Мэри унинг қиёсини топишга уриниб, пешонасини тириштирди.

— Кайфиятингиз жойидами? — деб сўради Петерсон.

Мэри унинг қўлига аста уриб қўйди:

— Ҳаммаси жойида. Мен яна озгина ичсам дегандим.

— Ҳа, албатта.

Олаф официантга ишора қилган эди, у Мэрининг қадаҳини тўлдириб қўйди.

— Уйимда ҳеч қачон вино ичмагандим, — деди у. — Мэри қадаҳдан яна ҳўплади. — Мен вино ичганим йўқ... — Мастлигидан тили айланмай қолди. — Албатта, сувдан бошқа...

Олаф унга кулимсираб қараб турарди.

Тўрда ўтирган элчи Корбеску ўрнидан турди:

— Хонимлар ва жаноблар. Муҳтарам меҳмонлар, мен қадаҳ сўзи айтмоқчиман.

Маросим бошланди. Руминия президенти Александру Ионеску ва унинг рафиқаси учун ичишди. Кейин АҚШ президенти, вице-президенти, румин ва Америка байроғи шарафига қадаҳ сўзлари айтилди. Мэрининг назарида, қадаҳ сўзлари юздан кам бўлгани йўқ. У ҳар бир айтилган қадаҳ сўзига ичарди. “Ахир мен элчиман, — дерди у ўзига ўзи, — бу менинг мажбуриятим”.

Кейин румин элчиси Мэрига ишора қилиб деди:

— АҚШнинг Руминиядаги янги элчиси, мафтункор миссис Эшли хонимнинг сўзларини эшитиш барчамизга ҳузур бахш этишига аминман.

Мэри қадаҳини кўтариб, энди ичмоқчи бўлиб турганди, шу пайт ҳамма унга қараб турганини сезиб қолди. У йиқилиб тушмаслик учун столни ушлаб, зўрға ўрнидан турди. Тўпланганларга қараб, уларга қўлини силтади:

— Ҳаммага салом. Зиёфат барчангизга маъқул бўлди деб умид қиламан.

У ҳеч қачон ўзини бугунгидек бахтиёр ҳис этмаганди. Нақадар ёқимтой кишилар. Ўтирганларнинг унга қараб илжайиши, айримларининг эса кулаётгани кўриниб турарди. Мэри Жеймс Стиклига қараб қўйди-да, гапини яқунлашга уринди:

— Қойилмақом кеча бўлди-да. Ҳаммангиз бу ерда тўпланганингиздан хурсандман. — У тап этиб стулга ўтириб, Олафга ўгирилди: — Менинг қадаҳимдаги винога нимадир қўшишганми-ей.

Олаф унинг қўлидан ушлади.

— Сиз тоза ҳавога чиқишингиз керак деб ўйлайман. Бу ернинг ҳавоси димиқиб кетибди.

— Ҳа, ростдан ҳам димиққан. Ҳатто бошим ҳам айланаяпти.

— Юринг, ташқарига чиқайлик.

Олаф унинг ўрнидан туришига қўмаклашди, шундагина Мэри юришга қийналаётганини ҳис этди. Жеймс Стикли ёнидаги қўшниси билан суҳбатга берилиб кетганидан уларнинг чиқиб кетганини сезмай қолди. Улар Слейд ўтирган стол ёнидан ўтаётганда, у Мэрининг афт-ангорини кўриб, пешонасини тириштирди.

“Зиёфатда сўз беришмагани унга алам қилаяпти”, — деб ўйлади Мэри.

— Уни нима ташвишлантираётганини биласизми? — деди у Олафга. — У элчи бўлмоқчи эди. Бу лавозимга мени тайинлашганига чидай олмаяпти.

— Кимни назарда тутяпсиз? — деб сўради Олаф.

— Қўяверинг, шунчаки айтдим-да.

Улар тунги изғиринли ҳавога чиқишди. Мэри уни қўллаб-қувватлагани учун Петерсондан миннатдор эди. Ҳамма нарса кўз ўнгида қоронғилашиб борарди.

- Шу атрофда лимузиним бўлиши керак, — деди Мэри.
- Уни жўнатворинг, — дея таклиф киритди Олаф Петерсон. — Келинг, яхшиси, меникига кириб, озгина ичайлик.
- Йўқ, озгимга бошқа бир қултум ҳам олмайман.
- Йўқ-йўқ. Фақат оз-оздан бренди ичамиз.
- “Бренди! У ўқиган китобларда таниқли одамларнинг барчаси бренди ичишган. Содали бренди”.
- Содалими?
- Албатта.
- Олаф Петерсон Мэрини таксига ўтқазиб, ҳайдовчига бориладиган манзилни айтди. Улар кўпқаватли уй олдига келиб тўхтаганда, Мэри ҳайрон бўлиб Петерсонга қаради:
- Биз қаердамиз?
- Уйдимиз, — деди Петерсон. Йиқилиб кетмаслиги учун унинг қўлидан ушлаб, таксидан чиқишига ёрдамлашди.
- Мастманми?
- Йўқ, асло.
- Менда ғалати ҳис пайдо бўлди.
- Петерсон уни ичкарига олиб кирди-да, лифт тугмачасини босди.
- Озгина бренди ичсак, ҳаммаси жойига тушади.
- Сиз мени маст деб ўйлаяпсизми?
- Йўғ-е, нималар деяпсиз.
- Лифт эшиги очилиб, улар йўлакка чиқишди.
- Уйингиз поли ғадир-будир эканини биласизми?
- Ҳа, эртагаёқ бу билан шуғулланаман.
- Петерсон бир қўли билан Мэрини ушлаб, иккинчиси билан чўнтагидан калитни олиб эшикни очди. Улар нимқоронғи хонадонга киришди.
- Бу ер қоронғи экан, — деди Мэри.
- Олаф Петерсон уни кучоқлаб олди.
- Мен қоронғиликни яхши кўраман, сиз-чи?
- Шу топда у бу саволга жавоб бера олмасди.
- Сиз ниҳоятда гўзал аёл эканингизни биласизми?
- Миннатдорман. Сиз ҳам келишган экансиз.
- У Мэрини диванга олиб келиб ёнига ўтқазди. Мэрининг боши айланарди. Олаф унинг сонини уқалаб, юзидан ўпди.
- Бу нима қилганингиз?
- Жонгинам, ўзингни бўш қўй. Бу сенга ёқади.
- Унга чиндан ҳам ёқаётганди. Унинг қўллари нақадар майин. Худди Эдвардникидек. Мэри ўзини Эдварднинг бағрида ётгандек ҳис этди.
- У ажойиб шифокор эди, — деди Мэри.
- Албатта. — У бутун танаси билан Мэрига ёпишди.
- Мэри кўзини очган эди, кўз ўнгида мутлақо бегона, нотаниш қиёфа намоён бўлди.
- Йўқ! Тўхтанг!
- Мэри кескин ҳаракат қилиб, дивандан думалаб тушди. Зўрға оёққа турди.
- Олаф Петерсон унга бақрайиб қараб турарди.
- Бироқ биз...
- Йўқ!
- У хонага разм солди.
- Кечирасиз, — деди Мэри. — Мен хато қилибман. Мени ҳалигиндақа деб...
- У ўгирилиб, эшик томон югурди.

— Шошманг! Уйингизга ўзим олиб бориб кўяман.

Аммо у кетиб бўлган эди.

Мэри бўм-бўш кўчалардан тентираб борарди. Эсаётган муздек шамолдан юзлари қизариб кетган. Бугунги қилмишини сира ақлга сиғдириб бўлмасди. Қани эди, ер ёрилса-ю, ерга кириб кетса. У шармандаи-шармисор бўлди. Бутун дипломатик корпус кўз ўнгида йиқилгунча ичиб, бегона одамнинг уйига борган ва сал бўлмаса йўлдан тойган аёлни кечириб бўлармиди? Эртага у барча Вашингтон газеталари учун нишонга айланади.

Бен Кон бу воқеани румин элчихонасидаги зиёфатда иштирок этган уч кишидан эшитди. У Вашингтон ва Нью-Йоркда чиқадиган барча газеталарда босилган расмий хабарларни кўздан кечирди. Аммо бу можаро ҳақида бир оғиз ҳам гап йўқ эди. Кимдир уни босди-босди қилган кўринади. У албатта жуда бообрў одам бўлиши керак.

Кон тахририятдаги кичкинагина хонасида ўйланиб ўтирарди. Кейин Ян Виллерсга кўнғироқ қилди.

— Хайрли кун. Мистер Виллерсни мумкинми?

— Ҳа. Уни ким сўраяпти?

— Бен Кон.

— Бир дақиқа. — Бир оздан кейин яна котибанинг овози эшитилди. — Кечирасиз, мистер Кон. Мистер Виллерс ҳозиргина чиқиб кетибди.

— У билан қачон гаплашишим мумкин?

— Бугун бунинг иложи йўқмикан, деб кўрқаман.

— Бўпти.

Кейин бошқа бир газетада миш-мишлар рукнини олиб борадиган таниш журналист аёлга кўнғироқ қилди.

— Линда, — деди Кон, — ишларинг қалай?

— Бирнави.

— Бу ботқоқликда қизиқарли бирор воқеа юз бермадими?

Линданинг Вашингтонда содир бўладиган ҳамма гапдан хабари бўларди.

— Ҳеч нима, Бен. Ҳаммаёқ тинч.

— Румин элчихонасида қандайдир можаро юз бергани ҳақида эшитдим, — деди Бен Кон совуққонлик билан.

— Ростданми? — деди у хавотирланиб.

— Ростдан. Сен Руминиядаги янги элчимиз ҳақида бирор гап эшитмадингми?

— Йўқ. Кечирасан, Бен, менга халқаро алоқа тармоғидан кўнғироқ қилишяпти.

Бен Кон давлат департаментида ишлайдиган бир оғайнисига кўнғироқ қилди.

— Салом, Альфред.

— Бенжи! Ишларинг қалай, оғайни?

— Кўришмаганимизга ҳам анча бўлди. Балки бирга овқатланармиз?

— Бўпти. Яна бир балони бошламоқчимисан?

— Учрашганимиздан кейин ҳаммасини ётиғи билан гапириб бераман.

— Келишдик. Бугун вақтим бемалол. Балки “Уотергейт”да овқатланармиз?

— Кел, яхшиси, “Силвер спринг”да кўришақолайлик.

— Ахир, у узоқ-ку.

— Ҳа.

— Ҳаммасини тушундим, — деди Альфред бир оз сукут сақлаб.

— Соат бирда, келишдикми?

— Келишдик.

Альфред Шатлворт кириб келганда Бен Кон бурчакдаги стол ёнида ўтирарди. Ресторан хўжайини Тони Серхио уни Бен Кон ўтирган столгача кузатиб қўйди.

— Нима ичасизлар, жентльменлар?

Шатлворт мартини буюрди.

— Менга ҳеч ниманинг кераги йўқ, — деди Бен Кон.

Альфред Шатлворт ўрта яшар, касалвандлиги юзидан билиниб турарди. Бир неча йил илгари машинани маст ҳолда бошқариб, автоҳалокатга учраган эди. Ана шу ҳалокат ҳақида ёзиш Бен Конга топширилганди. Ўшанда Альфреднинг келажаги таҳлика остида қолган эди.

Кон бу можарони босди-босди қилгани учун Шатлворт унга унча-мунча ахборот етказиб турарди.

— Менга ёрдамнинг керак, Эл.

— Марҳамат.

— Менга Руминиядаги янги элчимиз ҳақида тўлиқ маълумот керак.

— Нимани назарда тутяпсан?

— Уч киши менга қўнғироқ қилиб, бу хоним румин элчиси ташкил этган қабул зиёфатида ўлгудек ичиб, казо-казолар олдида ўзини аҳмоқона тутганини гапириб беришди. Эрталабки газеталарни кўриб чиқдингми?

— Ҳа. Уларда қабул ҳақида хабар берилган, аммо Мэри Эшли ҳақида ҳеч нима дейилмаган.

— Ҳамма гап шунда-да. Одатда вовуллаб, ҳеч кимга тинчлик бермайдиган ит учун ғайритабиий ҳолат. “Чипор лента” эсингдами?

— Тушунмадим.

— Шерлок Холмс ҳақидаги ҳикояларнинг бирида ит ҳурмайди. У жим туради. Газеталар ҳам жим. Нима учун мухбирлар бундай “лаззатли таом”дан воз кечганига сира ақлим етмаяпти. Кимдир бу можарони босди-босди қилган. Жуда катта одам. Агарда унинг ўрнида бошқа бир сиёсатчи жамоатчилик олдида худди шундай шарманда бўлганида, газетачилар роса байрам қилган бўларди.

— Ҳамиша айнан шундай бўлавермайди Бен.

— Эл, ўзинг ўйлаб кўр, қандай қилиб ҳеч ким билмайдиган шумшук бир қиз президентнинг ишораси билан бир думалаб, Грейс Келли, малика Ди ва Жақлин Кеннедига айланиб қолиши мумкин? Унинг хушбичим аёл эканини тан оламан, бироқ, у фаришта эмас-ку! Ақли ҳам жойида, лекин донишманд эмас-ку! Дунёдаги энг мураккаб мамлакатлардан бирига элчи бўлиш учун Канзас университетида дарс беришнинг ўзи камлик қилади. Бунда нимадир бор. Мен Жақшн-Ситига бориб, шериф билан гаплашиб келдим.

Альфред Шатлворт мартинини бир кўтаришда ичиб юборди.

— Мен яна мартини буюраман. Сен мени асабийлашишга мажбур қиляпсан.

— Худо ҳаққи, бемалол. — У Альфред учун мартини буюрди.

— Давом эт, — деди Шатлворт.

— Дастлаб миссис Эшли эри ишини ташлаб кета олмаслигини рўқач қилиб, президентнинг таклифини рад қилади. Бир оздан кейин эри автоҳалокатда вафот этади. У эса Бухарестга кета туриб, Вашингтонга келиб қолади. Буларнинг барчаси менга гўё аввалбошданоқ режалаштирилгандек бўлиб туюлаяпти.

— Режалаштирилган? Ким томондан?

— Ҳамма гап шунда-да.
 — Бен, сен бу билан нима демоқчисан?
 — Ҳеч нима. Ундан кўра шериф Манстер нималарни гапириб берганини эшит. Изгиришли қиш совуғида, тагин тун ярмидан оққанда содир бўлган автоҳалокатга шунча одамнинг гувоҳ бўлгани унга галати кўринган. Ҳали бу ҳам ҳаммаси эмас. Энг ажабланирлиси, уларнинг барчаси ғойиб бўлган. Барчаси, тушуняпсанми?
 — Кейин нима қилдинг?
 — Доктор Эшлининг машинаси билан тўқнашиб кетган юк машинаси ҳайдовчиси билан гаплашиш учун Форт-Райлига бордим.
 — Хўш, у сенга нималар деди.
 — Ҳеч нима. У юрак хуружидан вафот этган. Йигирма етти яшар йигит.

Шатлворт кўлидаги қадахни асабий ўйнаб ўтирарди.

— Сезишимча, бу ҳали ҳаммаси эмас.
 — Ҳаммаси эмас. Мазкур автоҳалокат бўйича ишни назорат қилган ва унга ўзи гувоҳ бўлган полковник Женкинсон билан гаплашиш учун жинойи қидирув бўлимига бордим. Полковникни топа олмадим. Унинг лавозимини ошириб, қаёққадир жўнатишибди. У ҳозир генерал лавозимида хорижда хизмат қилаётган экан. Аммо айнан қардалигини ҳеч ким билмайди.

Шатлворт бошини чайқаб қўйди.

— Бен, биламан, сен жуда истеъдодли мухбирсан, бироқ бу гал хато йўлга тушган кўринасан. Сенинг ҳикоянг Хичкокнинг сценарийларига ўхшайди. Аммо одамлар ростдан ҳам автоҳалокатларда ҳалок бўлади, юраги хуруж қилади, зобитлар эса хизмат лавозимидан кўтарилади. Сен йўқ жойдан фитна изларини қидирмоқчи бўлаяпсан.

— Ал, “Эркинлик ватанпарварлари” деган ташкилот ҳақида эшитганмисан?

— Йўқ. Бу террорчи ташкилот эмасми?

— Йўқ, улар террорчилар эмас, — деди Бен хотиржам оҳангда. — Турли миш-мишлар юрибди, бироқ аниқ бирор гап айтиш қийин.

— Қандай миш-мишлар?

— Улар айрим Фарб ва Шарқ мамлакатларидаги ўнгла ва сўлларга мансуб олий мартабали ақидапарастлар деган тахминлар бор. Мафқураси бир-бирига зид бўлса-да, аммо қўрқув уларни бирлаштиради. Коммунистлар назарида, президент Эллисоннинг режаси Шарқий блокни барбод этишга қаратилган. Ўнгла вакиллари эса, бу режа бизни йўқ қилиш учун коммунистларга қўл келади, деб ҳисоблайди. Шунинг учун ҳам улар ана шундай галати уюшмани ташкил этишган.

— Наҳотки? Бунга ақл бовар қилмайди.

— Бу ҳали ҳаммаси эмас. Олий мартабали амалдорлардан ташқари, бу ишга турли Фарб ва Шарқ мамлакатлари хавфсизлик хизматлари ҳам аралашган кўринади. Сен буни мен учун аниқлаб бера оласанми?

— Билмадим. Бир уриниб кўраман.

— Бу ишни имкон борича шов-шувсиз бажаришга ҳаракат қилсанг яхши бўларди. Агар чиндан ҳам шундай ташкилот бўлса-ю, унинг изига тушганингни пайқашса, билиб қўй, бу уларга ёқмайди.

— Мен сенга кўнғироқ қиламан, Бен.

— Миннатдорман. Кел, энди овқатланайлик.

Улар буюрган итальянча спагетти роса мазали эди.

Альфред Шатлворт Бен Коннинг гапларига ишонқирамади. “Газетачиларга шов-шув бўлса бас”. У дўстига ёрдам бергиси келарди-ю,

аммо ўша сирли ташкилот изига қандай тушишни ўйлаб, ўйига ета олмасди. Агар у чиндан ҳам мавжуд бўлса, бу ҳақда ҳукумат компьютерларида қандайдир маълумот бўлиши керак. Бироқ бу компьютерга яқинлашишнинг асло имкони йўқ. “Дарвоқе, бу иш кимнинг қўлидан келишини биламан, — деб ўйлади у кимнидир эслаб. — Унга қўнғироқ қилиш керак”.

Пит Коннорс барга кириб келганда, Альфред Шатлворт иккинчи мартинисини ичиб бўлаёзганди.

— Кечирасан, бир оз ушланиб қолдим, — деди Коннорс. — Майда-чуйда муаммолар чиқиб қолди.

У ўзига тоза виски, Шатлвортга эса яна битта мартини буюрди.

Улар Коннорснинг жазмани Шатлвортнинг хотини билан бир компанияда ишлаши туфайли танишиб қолишган эди. Улар бир-бирига мутлақо ўхшамасди: бири — ўта хатарли жосуслик ўйинлари билан машғул бўлса, иккинчиси — қоғозбоз амалдор эди. Айнан шу жиҳат уларни бирлаштирарди. Вақти-вақти билан улар бир-бирига фойдали ахборот етказиб турарди.

Шатлворт мартинидан бир қултум ичди.

— Пит, менга ёрдамнинг керак. Ҳукумат компютерида менга керакли баъзи маълумотларни қидириб кўрсанг. Эҳтимол, улар йўқ бўлиши ҳам мумкин, аммо бир оғайнимга суриштириб кўраман, деб ваъда бергандим.

Коннорс истеҳзоли тиржайди. “Болакай хотини ким билан дон олишиб юрганини билмоқчи, шекилли”.

— Албатта. Мен сенинг олдингда қарздорман. Ким ҳақида билмоқчи эдинг?

— Ким эмас, нима ҳақида дегин. Агарда у чиндан мавжуд бўлса. “Эркинлик ватанпарварлари” деган ташкилот ҳақида эшитганмисан?

Пит Коннорс қадаҳини шошмасдан столга қўйди.

— Эслай олмайман. Дарвоқе, оғайнинг ким ўзи?

— Бен Кон. “Вашингтон пост” мухбири.

Бен Кон қўнғироқ қилганда Мэри хонасида ишлаб ўтирган эди.

— Хайрли тонг, элчи хоним. Бен Конман. Эсладингизми?

— Ҳа, мистер Бен Кон. Мақолани ёзиб тугатдингизми?

— Айнан шу масалада қўнғироқ қилаяпман. Яқинда Жанкшн-Ситига бориб, сизни қизиқтириши мумкин бўлган анча-мунча маълумот қидириб топдим.

— Қандай маълумотлар экан?

— Телефонда бу ҳақда гаплашмасак, дегандим. Балки, бирон жойда учрашармиз?

— Биласизми, вақтим ниҳоятда тиғиз. Қани, кўрайлик-чи... Жума куни эрталаб ярим соат бўш вақтим бор. Сизга тўғри келадими?

Орада яна уч кун бор эди.

— Ҳа, албатта.

— Сиз менинг олдимга келасизми?

— Сиз ишлаётган бинонинг пастки қаватида кичкина бар бор. Ўша ерда кўришсак, нима дейсиз?

— Келишдик. Демак, жумагача.

Улар хайрлашиб, гўшакни қўйишди. Бир неча сониядан кейин алоқа тармоғида яна бир чиқиллаган товуш эшитилди.

Назоратчи билан тўғридан-тўғри боғланиб бўлмасди. У “Эркинлик ватанпарварлари” ташкилотини бошқариб, молиялаштирса-да, учрашувларга ҳеч қачон келмасди. Унинг кимлигини ҳам ҳеч ким билмасди. Тасмага ёзиб олинган овоз жавоб берадиган телефон рақами

бор эди, холос (Коннорс бу рақам кимга тегишли эканини аниқлашга ҳарчанд уринмасин, фойдаси бўлмади): “Маълумотни етказиш учун олтмиш сония вақтингиз бор”. Бу телефон рақамидан фавқулодда вазиятларда фойдаланиларди. Коннорс телефон будкасидан ушбу рақамга қўнғироқ қилиб, маълумот қолдирди.

Маълумот соат 18.00. да қабул қилинди.

Буэнос-Айресда эса соат миллари 20.00. ни кўрсатарди.

Назоратчи маълумотни икки марта эшитиб қўрди-да, сўнг телефон рақамини терди. Неуса Муньес жавоб бергунча уч дақиқа кутишига тўғри келди.

— Эшитаман.

— Илгари Фариштага иши тушган одам қўнғироқ қилаяпти, — деди Назоратчи. — Унга янги топшириқ бор. У билан тез боғлана оласизми?

— Билмадим, — деди Неуса Муньес кайфи бор одамга ўхшаб.

— У билан қачон кўриша оласиз?

— Билмадим.

— Гапимга кулоқ солинг, — деди Назоратчи дона-дона қилиб. — Унга бу топшириқ зудлик билан бажарилиши шарт экан, деб айтинг. Мен истардимки...

— Бир дақиқа. Заҳар қистаб қолди.

Неуса Муньес гўшакни столга қўйиб қўйди. Назоратчи эса жаҳли чиққанидан қони қайнаб кутиб турарди.

Чамаси уч дақиқадан кейин Неуса Муньес гўшакни олди.

— Тўйиб пиво ичгандим, — дея изоҳ берди.

Назоратчи тишини гижирлатди.

— Бу ўта муҳим топшириқ. — Неуса Муньес унинг гапларини эслаб қола олмайди деб қўрқарди. — Қоғоз ва қалам олинг. Мен айтиб тураман, сиз ёзиб оласиз...

* * *

Ўша куни кечқурун Мэри Канада элчихонасида ташкил этилган зиёфатда бўлди. Кийиниб олиш учун уйга кетаётганида Жеймс Стикли уни огоҳлантирди:

— Илтимос, бу гал қадаҳни номигагина оғзингизга теккизсангиз, бас.

“Майк Слейд билан иккови бир гўр”, — деб ўйлади ичида Мэри.

Зиёфат бошланди. Аммо Мэри тезроқ болаларининг олдига кетгиси келарди. Бу ерда бирорта ҳам таниш қиёфа йўқ. Ўнг тарафида — юнонистонлик кемасозлик компанияси эгаси, чап тарафида — инглиз дипломати ўтирарди.

Филадельфиялик ўзига бино қўйган бир хоним Мэрига мурожаат этиб қолди:

— Сизга Вашингтон ёқдим, элчи хоним?

— Жуда ёқди.

— Канзасдан қочиб чиққанингиздан бахтиёр бўлсангиз керак?

— Канзасдан қочиб чиқиш? — деди Мэри унга саволомуз қараб.

— Мен Ўрта Америкада ҳеч бўлмаганман, — деди хоним, — аммо у ерлар бўлмагур жой бўлса керак, деб ўйлайман. У ерда фермерлар, экин майдонлари, буғдой ва маккажўхоридан бошқа яна нимадир борми? Бундай жойда қандай яшаганингизни тасаввур ҳам қила олмайман.

Унинг гапларидан Мэрининг жаҳли чиққан бўлса-да, ўзини хотиржам тутиб, бамайлихотир сўзлашга ҳаракат қилди.

— Сиз тилга олган ўша буғдой ва маккажўхори, — деди у тавозе билан, — бутун дунёни боқади.

Хоним ҳомийларча оҳангда сўз қистирди:

— Машиналаримиз бензин билан юрса-да, мен нефть конида яшашни истамаган бўлардим. Албатта, бу жойларда ҳам кимдир яшаши керак. Бироқ, тўғриси айтсам, Канзасда етиштирилган ҳосилни йиғиб олишдан бошқа яна нима билан шуғулланиш мумкин?

Меҳмонлар уларнинг гапларини диққат билан эшитиб ўтиришарди.

Канзасда яна нима билан шуғулланиш мумкин эмиш? Мэрининг хотирасида август ойидаги пичан ўрими, савдо кўрғазмалари, театрлаштирилган саҳналар жонланди. У якшанба кунлари Милфорд боғини кезганлари, кўлдаги балиқ ови, қайиқдаги сайру саёҳат, қиш палласида чанғида учганлари, ёзда эса Мустақиллик кунидаги мушакбозликни эслади.

— Ўрта Америкага бормаган бўлсангиз, қандай қилиб бу ҳақда сизда тасаввур ҳосил бўлиши мумкин? Ахир, у ҳам бизнинг мамлакат. Америка бу — фақат Вашингтон, Лос-Анжелес ва Нью-Йорк эмас. Сиз билмайдиган минглаб шаҳарчалар мамлакатнинг буюклигини таъминлайди. Дарвоқе, ахборотингиз учун, Канзасда ҳам театр ва балет бор. Биз у ерда фақат буғдой ва маккажўхори эмас, чинакам америкаликларни ҳам етиштирамиз.

Сешанба куни эрталаб Фариштанинг кайфияти бузилди. Кимдир самолётга бомба қўйилган деб хабар бергани учун Буэнос-Айрес — Вашингтон йўналиши бўйича парвоз кечиктирилган эди. “Дунё буткул ўзгарибди, — ўйлади Фаришта асабийлашиб. — Самолётда тинчгина учиб имконияти ҳам йўқ энди”.

Вашингтондаги у буюртма берган меҳмонхона ўта замонавий жиҳозланган эди. Ҳаммаси пластикданми-ей. Буэнос-Айресда эса ҳамма нарса табиий.

“Топшириқни бажараман-у, уйга қайтаман, — ўзича режалаштирди Фаришта. — Бу иш хамирдан қил суғургандек осон. Ҳатто менинг истезодимни таҳқирлаш билан баробар. Лекин тўланадиган пули мўмайгина. Бугун кечқурун кўнгилхушлик қилмасам бўлмайди. Нима учун қотиллик эҳтиросларимни бу қадар жунбушга келтирар экан-а?”

Фаришта дастлаб электр моллари, кейин бўёқлар дўкони ва ниҳоят, супермаркетга кириб, олгита лампочка сотиб олди. Қолган нарсаларни икки қутига жойлаштириб, меҳмонхонада қолдирган эди. Биринчи қутида тўртта қўл гранатаси, иккинчисида эса — кичкина пайвандлаш асбоби жойланган.

Фаришта биринчи гранатанинг устки қисмини ниҳоятда эҳтиёткорлик билан қирқиб, уни лампочкаларга айнан мос ранга бўяб қўйди. Гранатанинг ичидаги портловчи моддани чиқариб олди-да, унинг ўрнига сейсмик портловчи моддани жойлади. Ортидан кўрғошин ва майда металл бўлакчаларини тикди. Сўнгра лампочкани синдириб, вольфрам ипини детонаторга пайвандлаб, ипни оҳисталик билан гранатанинг ичига солиб қўйди. Иш якунига етгач, гранатани оддий лампочкадан ажратиб бўлмас эди. Кейин қолган лампочкаларга навбат келди.

Энди фақат телефон қўнғироғини кутиш қолди, холос.

Телефон соат саккизда жиринглади. Фаришта гўшакни кўтариб, бир оғиз ҳам гапирмай, қулоғига тутиб турди.

Гўшакдан овоз эшитилди:

— У чиқиб кетди.

Фаришта гўшакни жойига қўйди-да, лампочкаларни эҳтиёткорлик билан кейсига жойлади.

Такси ўн етти дақиқада уни керакли манзилга етказиб келди.

Вестибюлда ҳеч ким йўқ эди. Керакли хонадон бешинчи қаватда йўлакнинг охирида. Эшик қулфи шу қадар оддий эдики, уни ёш бола ҳам қалитсиз оча оларди. Фаришта бир неча сониядан кейин ичкарига кирди. Тўхтаб, бирпас атрофга аланглади. Ҳеч ким йўқ. Олтита лампочкани алмаштиришга бир неча дақиқа кетди, холос. Иш битгач, у Даллес аэропортига бориб, Буэнос-Айресга учиб кетди.

Бугун Бен Кон учун оғир кун бўлди. Эрталаб давлат котибининг матбуот анжуманида иштирок этди, кейин нафақага чиққан ички ишлар вазири билан тушлик қилди, пешиндан кейин мудофаа вазирлигидаги таниши билан учрашди. У душ қабул қилиш ва кийиниш учун уйга келиб, бир соатдан кейин “Вашингтон пост” муҳаррирларидан бири билан учрашувга шошилди. Уйга ярим тунда қайтди. “Мэри Эшли билан учрашувга тайёрланишим керак”, деб ўйлади.

Акикодан эса дарак йўқ, у эртага келса керак, — хаёлдан ўтказди Бен Кон. “Яхши бўлди. Бир оз дам оламан”. У чўнтагидан қалитни олиб, эшикни очди. Уй зим-зиё эди. У чироқ ёққични бураган ҳам эдики, хона худди атом бомбасидек гумбурлаб портлаб кетди. Бен Коннинг танаси бурда-бурда бўлиб кетган эди. Эртаси куни Альфред Шатлворт ҳам ном-нишонсиз ғойиб бўлди. Унинг жасади ҳеч қаерда топилмади.

Ўн еттинчи боб

— Биз ҳозиргина расмий тасдиқнома олдик, — деди Стэнтон Рожерс. — Руминия ҳукумати Кўшма Штатлар элчиси лавозимига сизнинг номзодингизни маъқуллади.

Бу Мэрининг ҳаётидаги энг ҳаяжонли лаҳза эди. “Бобом тирик бўлганда мендан роса гурурланган бўларди”, деб ўйлади у.

— Бу янгиликни сизга шахсан ўзим айтмоқчи эдим. Президент сиз билан учрашмоқчи. Мен сизни Оқ уйга олиб бораман.

— Мен... Мен қилган яхшиликларингиз учун қандай миннатдорчилик билдиришни ҳам билмайман, Стэн.

— Мен ҳеч нима қилганим йўқ, — деди Рожерс. — Сизни президент танлаган, — деди у жилмайиб. — Очиғи, унинг дидига қойил қолмай илож йўқ.

Мэри Майк Слейдни эслади.

— Аммо бунга қўшилмайдиган одамлар ҳам бор.

— Улар янглишади. Мэри, сиз мамлакатимизга ҳар қандай бошқа одамга қараганда кўпроқ фойда келтирасиз.

— Миннатдорман, — деди у. — Ишончингизни албатта оқлайман.

Майк Слейд ҳақида унга айтмоқчи эди. Стэнтон Рожерс — бообрў одам. Эҳтимол, Слейдни Вашингтонда қолдириш унинг қўлидан келар. “Йўқ, — деб ўйлади Мэри. — У шусиз ҳам менга кўп яхшилик қилди”.

— Менда битта таклиф бор. Балки сиз тўғри Бухарестга эмас, аввал Париж ва Римда бир неча кун бўлиб, кейин у ердан Руминия пойтахтига учиб кетсангиз қандоқ бўларкан?

— О... Стэн! Зўр иш бўларди-да! Вақтимиз етармикан?

— Бообрў дўстларим бор, — деди у Мэрига кўзини қисиб. — ҳаммаси жойида бўлади.

Мэри эҳтиросга берилиб, уни кучоқлаб олди. У Мэрининг чинакам дўстига айланиб қолганди. Эдвард билан ўйлаган орзулари рўёбга чиқаётган эди. Афсуски, Эдвард буни кўра олмади.

Мэри ва Рожерс Яшил залга кирганда президент уларни кутиб турарди.

— Мэри, бу жараён бир оз кечиккани учун узр сўрайман. Руминия ҳукумати нимзодингизни маъқуллаганини Стэнтон айтган бўлса керак. Мана, сизнинг ишонч ёрлиқларингиз.

У Мэрига мактубни узатди. Мэри уни очиб ўқиди:

“Миссис Эшли Қўшма Штатлар президентининг Руминиядаги бош вакили этиб тайинланади ва Қўшма Штатларнинг барча давлат хизматчилари унга бўйсунди”.

— Мана бу ҳам сизга. — Президент унга паспортни узатди. — У одатдагидек кўк эмас қора рангда бўлиб, муқовасида олтин ҳарфлар билан “ДИПЛОМАТИК ПАСПОРТ” деб ёзиб қўйилган эди.

Мэри сира ишонгиси келмасди. Ахир, шу дақиқаларни неча кунлардан бери орзиқиб кутган эди-да.

Мэрининг Майк Слейд билан ўзаро муносабатлари борган сари кескинлашиб борарди. “Умримда бунчалик безбет одамни учратмаганман, — деб ўйларди асабийлашиб. — Бу масалада Стэн билан гаплашишга тўғри келади, шекилли”.

Стэнтон Рожерс Даллес аэропортига Мэри ва унинг болалари билан бирга борди. Давлат департаменти лимузинига ўтираётиб, у Мэрига қарата деди:

— Бораётганингиз ҳақида Париж ва Римдаги элчихоналаримизни огоҳлантириб қўйганмиз. Сизни кутиб олишади.

— Миннатдорман, Стэн. Илтифотингиз учун катта раҳмат.

— Сиз учун нимадир қилиш менга ҳузур-ҳаловат бағишлайди, — деди у кулимсираб.

— Мен Рим горларини кўра оламанми? — деб сўради Тим.

— У ер жуда кўрқинчли, — огоҳлантирди Рожерс.

— Айнан шунинг учун ҳам уларни кўрмоқчиман-да.

Аэропортда уни Ян Виллерс ҳамроҳлигида ўндан ортиқ мухбир ва фотомухбирлар кутиб турарди. Улар Мэри, Бет ва Тимни қуршаб олиб, саволларга кўмиб ташлашди.

Ниҳоят Стэнтон деди:

— Етарли.

Давлат департаментининг икки ходими ва авиакомпания вакили уларни олий мартабали шахслар кутиш залига кузатиб қўйишди. Болалар газета сотиб олиш учун кетишди.

— Стэн, — деди Мэри, — мен бу масалани кўтармоқчи эмасдим. Гап шундаки, Жеймс Стикли менга Майк Слейд ўринбосарим бўлишини айтди. Бу қарорни ўзгартириш имконияти йўқмикан?

У ҳайрон бўлиб Мэри қаради.

— Слейд билан боғлиқ қандайдир муаммо борми?

— Очиғини айтсам, у менга ёқмайди. Мен унга ишонмайман. Нимагалигини ўзим ҳам билмайман. Бошқа одам билан уни алмаштириш мумкинми?

— Мен Слейдни унча яхши билмайман, — деди Стэнтон ўйланиб, — аммо иши бўйича унга ҳеч қандай эътироз йўқ. У Яқин Шарқ ва Европада яхши ишлаган. У исталган пайтда сизга ёрдам бериши мумкин бўлган одам.

— Мистер Стикли ҳам шундай фикрда, — деди Мэри чуқур хўрсиниб.

— Демак, у билан фикримиз бир экан. Слейд — зўр мутахассис. Бироқ у билан боғлиқ қандайдир муаммолар пайдо бўлса, шу заҳоти менга маълум қилинг. Мен қўлимдан келган барча ёрдамни аямайман.

— Катта раҳмат.

— Дарвоқе, сиз юборадиган хабарлар барча вазирлик ва идораларга тарқатилишидан хабарингиз борми?

— Ҳа.

— Агарда бирор-бир хабар фақат менинг қўлимга келиб тушишини хоҳласангиз, коднинг ўрнига учта Х ҳарфини қўйишни унутманг.

— Мен буни эслаб қоламан.

Шарль де Голль аэропорти Мэрига саргузашт фильмидаги саҳналарга ўхшаб кўринди. Ҳамма ёқда ўнлаб эскалаторлар, минглаб йўловчилар.

— Узоққа кетиб қолманглар, — деб буюрди у болаларига хавотирлик билан.

Эскалатордан тушиб, у атрофга аланглади. Ёнидан ўтиб кетаётган французни тўхташиб, тутулиб-тутулиб ёдлаб олган гапни айтди.

У афтини буруштириб, французча талаффуз билан деди:

— Кечирасиз, мадам. Мен инглиз тилини билмайман.

Шу пайт Мэрининг олдига яхшигина кийинган бир америкалик югуриб келди:

— Кечирасиз, элчи хоним! — деди у ҳаллослаб. — Сизни кутиб олиш менга топширилган эди. Афсуски, йўлда юз берган автоҳалокат туфайли вақтида етиб кела олмадим. Мен Америка элчихонасидан Питер Кэлласман.

— Сизни кўрганимдан хурсандман, — деди Мэри. — Йўқолиб қоламанми деб кўрққандим. Юкимизни қандай қилиб олсак экан?

— Асло ташвишланманг, — деди Питер Кэллас. — Бирпасда ҳаммасини ҳал қиламиз.

У ҳақиқатан ҳам ваъдасининг устидан чиқди. Ўн беш дақиқа ўтар-ўтмас, ҳали бошқа йўловчилар божхона назоратидан ўтиш учун навбатга тизилиб турганда, Мэри, Бет ва Тим аэропортдан чиқиш эшиги томон юриб боришарди.

Француз разведкаси бошқармасининг инспектори Анри Дюран уларнинг машинага ўтираётганини кузатиб турди-да, лимузин жойидан қўзғалиши билан телефон-автоматга кирди. Эшикни ёпиб, чўнтагидан жетон олди-да, телефон рақамини тера бошлади.

Унга жавоб беришлари билан деди:

— Илтимос, Торга етказсангиз, унинг жўнатмаси Парижга етиб келди.

* * *

Лимузин АҚШ элчихонаси олдига келиб тўхтаганда, уларни француз мухбирлари кутиб турарди.

Питер Кэллас машина ойнасидан мўралади:

— Эй, худойим! Бу намойиш эмасмикин ишқилиб?

Элчихона биносида уларни АҚШнинг Франциядаги элчиси Хью Саймон кутиб олди. У ўрта яшар, кўзлари синчков, сап-сариқ сочлари хурпайган техаслик киши эди.

— Ҳамма сиз билан танишиш иштиёқда, элчи хоним. Мухбирлар саҳардан буён шу ерда ўралашиб юришибди.

Бир соатдан ортиқ давом этган матбуот анжумани Мэрининг тинкасини қуритди. Хью Саймон уни хонасига таклиф этди.

— Нима ҳам дердим, — деди у, — ҳаммаси ортда қолганидан хурсандман. Дарвоқе, бу ерга элчи сифатида келганимда “Монд”нинг сўнгги саҳифасида менга атиги бир абзац ажратилган эди, — дея у хўрсиниб қўйди. — Албатта, мен сиздек хушрўй эмасман. — Саймон бир нимани эслагандек бўлди. — Ҳа, Стэнтон Рожерс қўнғироқ қилганди. У менга, нима қилсанг қил, аммо Мэри Эшлининг Франциядаги ҳар бир дақиқаси мароқли ўтишини таъминлашинг шарт, деб айтди.

— Наҳотки, шундай деган бўлса?

— Ҳа, айнан шундай деди. — Элчи бошини чайқаб кулимсиради. — У ҳаммангизни яхши кўради экан.

— Биз ҳам уни яхши кўраемиз, — деди Мэри.

— Мен сизга “Ритц” меҳмонхонасидан “люкс” хона буюртирганман. У Бирдамлик майдонида жойлашган. Бу жой сизга ёқишига ишончим комил.

— Ташаккур. — Мэри бир оз иккиланиб турди-да, кейин қўшиб қўйди: — Бу қиммат меҳмонхонами?

— Ҳа. Бироқ сизга бунинг дахли йўқ. Стэнтон Рожерс барча харажатларнинг давлат департаменти ҳисобидан қопланишини келишиб олган.

— Нақадар ажойиб инсон у, — деди Мэри.

— Унинг сўзларига кўра, сиз ҳам ажойиб экансиз.

Франциянинг барча кундузги ва кечқурунги газеталарида америка элчисининг ташрифига доир мақола ва хабарлар чоп этилди. Бу янгилик барча телевидение каналлари орқали ҳам маълум қилинди.

Инспектор Дюран бир тўп газеталарни кўздан кечирар экан, мийгида кулиб қўйди. Унинг назарида, ҳаммаси режа бўйича, ҳатто кутганидан ҳам аъло даражада кетаётганди. Инспектор кейинги уч кун ичида Эшлилар оиласи қаерларда бўлишини аниқ айтиб бера оларди. Уларнинг барча америка сайёҳлари борадиган жойларни зиёрат қилиши режалаштирилганди.

Мэри болалари билан Эйфель минорасидаги ресторанда овқатланишди, кейин Зафар дарвозасини томоша қилишди.

Эртаси куни эрталаб Луврда бўлишди, Версалда тушлик қилишди, кечқурун эса “Кумушранг минора”да овқатланишди.

Ресторанда ўтиришганда, Тим деразадан кўриниб турган Авлиё она ибодатхонасининг гумбазларига разм солиб сўради:

— Букри одам қаерда яшар экан?

Парижда уларнинг вақти чиндан ҳам мароқли ўтди. Мэри ёнида Эдварднинг йўқлигига афсусланди, холос.

Учинчи куни пешиндан кейин уларни аэропортга олиб боришди. Инспектор Дюран уларнинг Рим йўналиши бўйлаб учадиган самолётга чиқаётганларини кузатиб турди.

“Ёқимтойгина, ҳатто чиройли экан. Бу айни ҳақиқат. Бўй-басти, сонлари, оёқлари келишган. Қизиқ, у тўшакда қанақа экан”, деб ўйлади инспектор. Айниқса, болаларнинг америкаликларга хос бўлмаган тарбиялилиги уни ҳайрон қолдирди.

Самолёт осмонга кўтарилиши билан инспектор телефон будкасига кирди.

— Торга етказсангиз, унинг жўнатмаси Римга йўл олди.

... Гирдаги Леонардо да Винчи аэропортида ҳам уларни мухбирлар кутиб турарди. Самолёт зинасидан тушаётган Тим ажабланиб деди:

— Ойи, қаранг! Улар ортимиздан учиб келганга ўхшайди.

Мухбирлар итальянча талаффузи билангина ажралиб турарди.

Уларни асосан Мэри ва унинг болаларига Италиянинг қанчалик ёққани қизиқтирарди, холос.

Элчи Оскар Винернинг ҳайрати Париждаги элчиниқидан кам эмасди.

— Ҳатто Фрэнк Синатра ҳам бунчалик иззат-икромга сазовор бўлмаган. Қандай қилиб уларни бу қадар ром эта олдингиз, элчи хоним?

— Тушунтириб беришим мумкин, — деди Мэри бамайлихотир. — Матбуотни мен эмас, президентнинг “халқ дипломатияси” дастури қизиқтиради. Яқин орада “темир парда” ортидаги барча мамлакатларга вакилларимиз боради. Бу мустақкам тинчлик сари қўйилган дастлабки қадам бўлади. Журналистларни айнан шу нарса қизиқтиради.

— Елкангиздаги масъулият оғир экан.

Италия махфий полицияси бошлиғи капитан Чезаре Барзини ҳам Мэри ва унинг болалари қаерларни зиёрат қилишини аниқ айтиб бера оларди.

Уларнинг ортидан қўйилган икки ходими ҳар куни унга ахборот бериб турарди:

— Улар “Доней” кафесида музқаймоқ ейишди, виа Венето бўйлаб сайр қилишди.

— Улар Треви фавворасини томоша қилиб, сувга тангалар отишди.

— Улар Каракал Термалари ва Рим горларида бўлишди. Ўзини ёмон ҳис қилган болақайни меҳмонхонага олиб кетишди.

— Кузатилаётганлар фэйтонда Боргезе боғи ва пьязца Навона бўйлаб сайр қилишди.

“Майли, мазза қилаверишсин”, — деди капитан ичида.

...Элчи Винер уларни аэропортгача кузатиб қўйди.

— Румин элчихонасига дипломатик почта юборишим керак. Ўзингиз билан олиб кета олмайсизми?

— Бажонидил, — деди Мэри.

Капитан Барзини Эшлилар оиласи Бухарестга учадиган “Таром эйрлайнз” компанияси самолётига чиқаётганини кузатиб турди. У осмонга кўтарилиши билан кўнғироқ қилди:

— Барльд учун маълумот бор. Унинг жўнатмаси Бухарестга учмоқда.

* * *

Самолёт ҳавога кўтарилгандан кейингина Мэри қаёққа учаётганини англаб етди.

Бунга ишониши қийин бўлганидан, у овоз чиқариб:

— Мен Қўшма Штатлар элчиси сифатида Бухарестга кетяпман, — деди.

Бет ойисига ҳайрон бўлиб қаради.

— Ҳа, ойижон. Биз буни биламиз. Шунинг учун ҳам ўша ёққа кетяпмиз-да.

Мэри шу топда кўнглидан нималар кечаётганини уларга тушунтиришга ожиз эди.

“Мен дунёдаги энг зўр элчи бўламан, — деб ўйлади у ҳаяжондан энтикиб. — Қисқа фурсат ичида Қўшма Штатлар ва Руминия яқин иттифоқчига айланади”.

Таблода “Чекилмасин” деган ёзув пайдо бўлиши билан қандайдир ҳадик вужудини эгаллади.

“Наҳотки, қўнаётган бўлсак? — деб ўйлади у саросимага тушиб. — Яқиндагина осмонга кўтарилган эдик-ку! Нима учун бунчалик тез?”

Самолёт пасайиб, келиб кўнганда, унинг қулоғи битиб қолган эди.

“Тамом, — деб ўйлади у. — Мен элчи эмасман. Мени деб уруш бошланиши мумкин. Эй, худойим! Ўзинг менга нажот бер! Канзасдан бир қадам ҳам нари кетмаслигим керак эди”.

Давоми бор

*Русчадан
Баҳодир ЗОКИР
таржимаси*

